

Шухрат СУЮНДУКОВ

ПАРВОЗ
ёки
ИНТУИЦИЯНИ КОДЛАШ

**«Tafakkur qanoti»
Тошкент – 2015**

УДК: 821.11
ББК 84(Ў5)
С-92

Моддийат нима учун керак? Муҳаббат, маънавият, маърифат нима учун керак? Инсон нима учун туғилган? Умуман, инсоннинг туғилишидан, яралишидан мақсад нима?

Бу саволларга олиму фузалолар, донишманд кишилар аллақачонлар жавоб топишган. Яъники, инсон бу синовли моддий дунёга ўзидан бирон-бир яхши из қолдириши, номини абадийлаштириши, қолаверса, жамият учун фойдали бир иш қилиши лозим. Инсон камолотга етишида эса, албатта, устоз – ота-она, мураббийларнинг хизмати катта. Уларнинг таълим-тарбиясини олгандагина одам ҳақиқий бахтга эришади ва юксакликка парвоз қилади.

Шухрат Суюндик «Парвоз ёки интуицияни кодлаш» номли ушбу китобида одамзотнинг туғилишига, яшаш тарзига, атроф-муҳитга муносабатига ўзгача талқин беради, китобхонни фалсафий мушоҳада қилишга ундайди. Инсон ва унинг атрофидаги масалаларга — ахлоқ, маънавият, туйғу, ҳиссиётлар, ақл-идрок ва бошқаларга руҳиятшунос сифатида ёндашиб, ўқувчини баҳсга чорлайди.

Китоб амалий психология билан қизиқувчилар оммасига ва барча ёшдаги китобхонларга мўлжалланган.

УДК: 821.11
ББК 84(Ў5)

ISBN 978-9943-382-10-7

©, 2015 й.
© «Tafakkur qanoti», 2015 й.

ПАРВОЗ ЗАВҚИ

*Ҳаёт мазмунини, мақсадини,
ўзлигини излаётган
инсонларга бағишланади.*

ИНСОНИЙЛИКНИНГ УЧ ХИЛ КЎРИНИШИ

*Била олмам, аё ноқобил авқот —
Нечук жонсан, нечук тансан, нечук зот.
Сўфи Оллоёр*

Одамзот моҳиятига қараб уч тоифага бўлинади.

Биринчи тоифа инсонлар. Бу тоифага ер юзидаги одамларнинг тахминан тўқсон етти фоизини киритиш мумкин. Маърифат тили билан айтганда, булар «уруғ» одамлар. Дунёга «уруғ» бўлиб келиб, шундай кетади. Табиатан маълумки, уруғ ўз-ўзидан униб чиқмайди. Дон кўкариши учун унга сув, ҳаво, ўғит ва парвариш керак бўлади.

Мисол тариқасида, пилла қуртини олиб қарайлик: Кичкинагина ипак курти личинкаси тут дарахти барглари билан озикланиб, кейинчалик куртга айланади. Энди у ҳаракатлана олади, яъни ундаги қимирлаш хусусияти том маънода ҳақиқий ҳаётини бошлайди. Ҳаётнинг қонуни шу — тирик жон борки, қимирлайди, тиниб-тинчимайди. Ишбилармон, ижодкор кишилар ҳам шу оддий табиат жонзоти кабидир. Доим ҳаракатда бўлишади. Бирок ҳаммаям бирдек эмас.

Инерт сўзи фанда «ўлик» деган маънони беради. Буни яна юқорида келтириб ўтганимиз уруғ мисолида кўриб чиқамиз. Уруғ инерт бўлади, қимирламайди. Агар унга сув, озуқа, парвариш берилмаса, «дон»лигича қолиб кетади.

Дунё бўйича одамларнинг 3–5 фоизи табиий, ўзлари интуитив ҳолатда, мустақил равишда камолга етади. Бу уруғнинг майса бўлиб кўкариб чиққани кабидир. Майсадан гулга айланиш эса,

инсоннинг комиллик, пиру комиллик сифатларига уйғунлашиб кетади. Бугунги кунда маънавий баркамол инсон тушунчаси давлат сиёсатининг ажралмас бўғинига айланган. Бу тушунчалар беҳуда эмас, бунинг замирида жуда катта ҳикмат бор. «Уруғ» бўлиб қолиб кетма, ҳеч бўлмаса «ниҳолга айлан» деган тушунча ётибди. Азизлар, валийлар, авлиёлар, пайғамбарлар умр бўйи баркамоллик йўлидан олға юришган. Пайғамбарлар ҳаёт моҳиятини яхши тушуниб, Ҳақни англаб, шу ҳақиқатни бошқаларга ҳам етказа оладиган одамлардир. Улар ўзларидан юксак тафаккур боғини қолдирдилар.

Иккинчи тоифадаги одамлар эса, қурт каби ҳаракатчан кишилар. Ҳамиша бир ишнинг бошида бўладилар. Ахир оддийгина ниҳол ҳам ҳали униб-ўсиб чиқиб, кейин мевали дарахтга айланиши керак. Личинка билан пилла куртининг ўртасида еру осмонча фарқ бўлганидек, қурт билан капалакнинг ўртасида ҳам узоқ масофа бор. Моҳиятига нисбатан олиб қарайдиган бўлсак, капалак бошқа, қурт бошқа. Яъни, капалакка айланадиган қуртлар капалакни кўрса умуман танимайдилар. Чунки улар учун капалаклар ҳозирча умуман бошқа бир мавжудот – қанотли, парвоз қила олишади! «Бир куни келиб сизлар ҳам шундай бўласизлар» дейишса, қуртлар ишонмайди ҳам! «Қандай қилиб учиш мумкин?» дейди. Капалаклардай парвоз қила олиши мумкинлиги қуртга эртақдай, афсонадай бўлиб туюлаверади.

Баъзи инсонларни ҳайвонга менгзашади. Бу фақат зоологик нуқтаи-назардан одамнинг ташқи кўринишини ҳайвонга қиёслаш эмас. Дейлик, қўй «берсанг ейман, урсанг ўламан» деб тураверадиган жонивор. Уларда шахсий фикр йўқ. Қўй фақат семиришни билади, у маънавиятдан, маърифатдан бегона. Шунинг учун қўйлар ўзлари мустақил ҳаёт кечира олмайди. Уларга чўпон керак. Чўпон бўлмаса ё ҳар ёққа тарқаб кетади, ё бўрига ем бўлади. Чўпонга қўйларни бошқариш ниҳоятда осон. Қайси томонга ҳайдаса, ўша тарафга кетади: яйловга бошласа яйловга, жарликка ҳайдаса жарликка. Демак, уларнинг ҳаракати чўпонга боғлиқ!

«Қурт»ларнинг яшаш тарзи эркин ҳаракат қилишида, у ўзига керакли нарсани олади. Ёки уруғ мисолида қарайдиган бўлсак, ундан майса ўсиб чиқади ва бутага айланади. Бута шамолдан таъсирланиб, қимирлайди. Тепа қисми янада қаттиқроқ чайқалади. Уруғ эса қимирламайди, ер остида бир жойда туради. Агар униб-ўсмаса, охири чириб кетади.

Ҳар бир одам ўзининг устида ишлаши, ўсиши ва «қурт» босқичига тез ўтиши керак. Устоз бор, шогирд бор. Устозларнинг устозини Пири комил дейдилар. Пири комил «капалак» бўлишни кўрсатади, лекин уни уруғлар ва ҳатто қуртлар ҳам дарров тушунишмайди. Чунки уларнинг фикрлари ҳам, қизиқишлари ҳам ўздан, яъни «уруғ» моҳиятидан келиб чиққани сабаб ҳам тушуна олмайдилар. Лекин пири комилларни кўриб «қурт» «капалак» бўлишни орзу қилади. Юрагининг қаеридадир барибир учиш мумкин экан, парвоз қилиш, комил инсон бўлиш мумкин экан, деган фикр бўлади.

Эътибор беринг, қурт ҳам капалакка айланиши учун қанча ҳаракат қилиши яъни, қанча барглар еб, қанча куч йиғиши керак. Бу ўзинг учун ишла, вужудингни тайёрла, куч йиғ дегани. Оилангни таъминлаш, ўзингни таъминлаш, яхши еб, кийиниб юриш-туриш – буларнинг бари сенинг зиммангда. Бу сен эртага комил инсон бўласан дегани. Аммо бу ҳали моҳият эмас, фақат озуқа, холос.

Бизнинг моҳиятимиз асли «капалак» сингари учиш, аста-секин ўзингизда қанотларни шакллантириш, мустаҳкам ривожлантиришдир. Бунинг учун моддий куч – пул керак. Моддий бойликни эса жисмоний ва интеллектуал салоҳиятни ишлатиб топса бўлади. Шундагина қанот ёзиб, парвоз қилиш мумкин. Инсоннинг мажозий қаноти иккита бўлади. Бири моддий бойликдан, иккинчиси маънавий бойликдан шаклланади. Бунинг учун пайти келганида таваккал қилиб, олдинга ҳаракат қилиши керак. Қурт ҳам капалак бўлиши учун таваккал қилиб битта сакраш қилиши керак. Бўлмаса ҳеч қачон капалакка айлана олмайди. Чунки унинг онги ҳам, англаши ҳам парвозни тасаввур қилолмайди.

Афсуски, дунёдаги тўқсон етти фоиз одам моҳиятан «уруғ»-лигича, «личинка»лигича қолиб кетади. Хайриятки, баъзилар ҳаракат қилиб ўзлигини излайди. «Ўзингни англа», деган даъватнинг асл маъноси ҳам шу.

Уруғда мағрурлик, манманлик, зикналик, ҳасад бўлмайди. Бу нуқсонлар «қурт» босқичида шаклланади. Дон униб чиқди, уни парваришлаб, суғоришни бошладингиз. Эккан уруғингиздан ташқари, табиий равишда бегона ўтлар ҳам пайдо бўлади. Шунга ўхшаб, баъзи кишилар ҳамёни тўлса, босар-тусарини билмай қолади. Яшашдан мақсади нималигини билмайдиган ёки умуман мақсадсиз яшаётган одам фақатгина мол-давлат тўплаш дардида бўлиб қолади. Қачонки киши «уруғ» ва «личинка»ни фақатгина ривожлантириш, «қурт» ва «капалак» босқичига ўтказиш ва энг асосийси парвоз қилиш учун кераклигини билганидан сўнггина мол-дунёга ҳирс қўйишдан ва унга қулликдан озод бўлади. Шундагина киши моддият ягона мақсад эмаслигини, маънан камол топиш кўпроқ муҳимлигини англайди ва унга қизиқиши уйғонади.

«Уруғ»да мол-давлатга ҳирс йўқ, аксинча, зарурат бор! Масалан, битта қўйни отардан ажратиб, бошқа жойга ҳайдашса, ўзини қайтиб подага уради. Чунки уларнинг орасида тинч ва хавфсиз бўлади. Ҳамма соҳаларда масалага юзаки қарашлар учраб турганидек, таълим тизимида ҳам бундай муаммолар йўқ эмас. Кўпинча ўқувчига берилаётган баҳо асосан унинг яхши хотираси ва хулқи учун қўйилади.

– Валижон, 5 карра 5 неччи?

– 25 устоз...

– Раҳмат, ўтир! «5» баҳо.

Ғимир-ғимир қиладиган ўқувчиларга сиртдан қаралганда дарсга кулоқ солмаётганга ўхшайди. Аммо улар ҳаддан ортиқ ҳаракатчан, эътиборли, эркин бўлиб, ҳали унга қараб, ҳали бунга қараб нималар биландир машғул бўлади. Ўқитувчига бу ёқмайди. Нимага? Чунки бу ҳол унга ҳалал беради. Дейлик, фарзандингиз «қурт» бўлишга табиий ҳаракат қиляпти, «питир-питир» қилиб тинмаяпти. Сизга унинг ортидан эрталабдан кечгача юриб, «у ер-

га тушиб кетма, иссиққа борма, совуққа чикма, буни ундай қилиш мумкин эмас» дейиш ўрнига осонроғи, «жим ўтир!» деб танбех беришдир. Педагоглар ҳам худди шундай. Бола ҳаракат қилади, сиз попугини пасайтириб қўясиз. У «бўри» бўламан дейди, сиз «қўй» қилиб қўясиз. «Жим ўтир! Фалончининг боласини қара, жуда ювош! Тўполон қилмайди» деб ўз фойдангизга насихат қиласиз. Моҳиятан шундай!

Тарбияда мактабнинг роли бекиёс. Муаллиму устозларга қанча раҳмат айтсак, шунча кам. Аммо ўқувчини баҳолашда фақат яхши хотираси ва ҳулқи учун эмас, интеллект, қобилияти, ижод қирраларини ҳам ҳисобга олиб, кейин баҳолашса, назаримда тўғрироқ бўлади. Мен ҳулқи қониқарсиз, ашаддий тўполончи болаларни назарда тутаётганим йўқ. Уларни ҳимоя ҳам қилаётганим йўқ. Аксинча, шуларни тарбиялайман, ўқитаман деб «она сути оғзига келган» жонкуяр устозларга ачинаман.

Ҳаётни кузатадиган бўлсак, мактаб ёки институтни «5» фақат аъло баҳо билан битирганларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиб кетолмаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Кўпинча, паст баҳога ўқиганлар яхши жойларда ишлаб кетишади. Чунки у мактабда моҳиятан «ниҳол» бўлиб ўсган ва «қурт»га, яъни етакчига айланган. У инерт эмас, у ривожланган! У фақат дарсда ўтилган тайёр билимларни ўзлаштириб олиб, тўхтаб қолгани йўқ. Ўсишда, давр билан ҳамоҳанг бўлишда давом этипти. Унда етакчилик, лидерлик қобилияти кучли. Шунинг учун яхши натижаларни қўлга киритяпти. Ўз хусусий ишхонасини очиб, бошқаларни иш билан таъминлаяпти. Давлатга шунақа етакчилар, лидерлар керак. Мамлакатнинг обрўсини, равнақини асосан ўшалар кўтаради. Кўпинча, қўйилган «5» баҳолар, аслида бола хотирасининг устунлигини, ўзганинг буйруғини яхши бажара олишлик қобилиятини билдиради. Бу омил ўқувчининг талантини, унинг етакчилик маҳоратини билдирмайди. Мана сабаби нимада! Аълочилардан кўпинча яхши муовинлар, ўринбосарлар чиқади, раҳбарлар эмас. Буям керак, албатта.

Бизга тарихдан маълумки, Менделеев мактабни «5» баҳога би-

тирмаган. Кимё фанидан зўрға «3» баҳо олган. Уч марта мактабдан ҳайдалган Эйнштейн физикадан, Мирзо Улугбек фалакиётдан, Ал-Хоразмий (алгебра фани асосчиси) алжабрдан, Абу Али ибн Сино (табобат «ота»си) табобатдан фақат бешга ўқимаган. Буюк инсонларнинг кўплари мактабда ҳам ўқимаганлар.

«Уруғ» даврида бажарувчанлик, бировнинг айтганини қилиш – булар керак. Вақти келиб, у ўз вазифасини бажариб бўлади. Сиз энди «майса»га айланишингиз, ўсишингиз керак. Майсанинг моҳияти умуман бошқа. Уни қаранг, кўм-кўк банди бор, япроқлари бор, барглари бор. Лекин ҳали меваси йўқ. Донни, уруғни ушлаб кўрсангиз, куп-қуруқ бир нарса. У асли бир имконият. Ҳаёт бу – имконият! Сизга имконият бериляпти. Энди ишбилармонликка, бизнес қилишга, моддий жиҳатдан таъминланишга, «личинка»дан «қурт»га айланишга интилиш керак. «Қурт» қимирлайди, у ёқ-бу ёққа қимирлагани учун ҳам кўп озуқа талаб қилади. Энергия сарфлайди, дунёни англайди. Ҳеч бўлмаса ўз атрофини англаб етади. Қурт личинкага нисбатан узоқроққа бора олади. 10-20 см узоқликка бўлса ҳам, судралиб юра олади.

Кейинги поғонада «капалак» турибди. «Капалак»ка айланиш сиз ўзингизнинг моҳиятингизни тўлалигича очишингиз керак дегани. Бу моддий бойлик, обрў-эътибор, ҳаммаси сизни тўйинтириб, қанотларингизни шакллантириш учун керак, холос. Лекин сиз «Қурт» поғонасида асло қолиб кетманг! Ҳали олдингизда жуда чиройли бир «капалак» бўлиш имконияти турибди. Бу ҳеч нарсага боғланиб қолмай, чалғимасдан, эркин «парвоз» қиладиган комил инсон дегани! Қаранг, личинка ерда турган эди, қурт ерда ўрмалади, капалак эса осмонда парвоз қилади, гулдан-гулга кўниб, уни бор гўзаллиги билан англаб, нектарлардан тўйиниб, хидларидан маст бўлиб учиб юради. Қанча жойларга сайр қилиш имконияти бор.

Капалакка энди барг қизиқ эмас. Чунки энди у тут барги билан озиқланадиган ипак қурти эмас. Капалакка гул қизиқ, гўзаллик қизиқ. Уни гулнинг ҳиди қизиқтиради. Нектар унинг энг ажойиб

бир таъминот манбаи. У энди фақат вужудини эмас, тафаккури-
ни, қалбини, руҳини ҳам озиқлантиришни ўйлайди. Маърифат
ва маънавиятни ўйлайди. Капалакнинг вужудини қаранг, вужуди
қанча-ю, қаноти қанча, шунинг учун капалак парвоз қияпти. Та-
на жуда оғир бўлса, қаноти кўтара олмаган бўларди.

«Личинка» давридан «қурт»ликка ўтди, «капалак» бўлиш
учун учинчи поғонага тайёргарлик, ҳозирлик кўряпти. **Бу учин-
чи тоифа одамлардир.** Улар капалакка айланиш учун ёнида «ка-
палак», яъни пири комил керак. Донишманд шогирдини доно
қилади, ўқитувчи билимли қилади, устоз ҳунарли қилади. Улар
алоҳида одамни «капалак» қилиши амримаҳол. Лекин шулар-
нинг учаласини ўзида мужассам қилган зот бор, бу – пири комил.
Пири комил ўзиям «парвоз» қилади, сизниям «парвоз» қилдира
олади, шунинг учун уни пири комил дейишади.

Капалакни кўрганмисиз? Биров унга «тўхта, мана бу то-
монга уч, тўхта энди буёққа уч» дея олмайди. Унинг ўзи учиб
кўрсатади. Парвози давомида «мана шундай учиш керак» деб
ҳаммага кўрсатади. «Мана бундай қилинглар, мана бундай ан-
глаш йўли билан айланинглар, кейинги босқичга ўтинглар» деб
сизни олға ундайди. Сиз агар «қурт» бўлиб ёки «қурт»ларга
ҳавас қилиб қолиб кетсангиз, жуда ачинарли ҳолат бўлади. Чунки
«парвоз»ингиз умуман бўлмайди. Қанот шаклланди, аммо учиш-
ни билмаяпсиз. Қанот шаклланиб бўлгандан кейин ҳам ўзингизга
таваккал қилиб битта сакраш қилиш керак. Унгача «парвоз»нинг
моҳиятини тушуниш мумкин эмас. Уни бир формула билан
ўқитиш, бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан тушунтиришнинг
иложи йўқ. Унга одамнинг ўзи интилиши керак, ҳаракат билан
эришилади. Олдин «қанот»ларини яхшилаб мустаҳкамлаб, кей-
ин кенг очиб юбориш керак. Ана шунда пилла қурти пиллани
ёриб чиқиб, капалакка айланиб учиб кетади...

Биринчи босқичда эго (мен) кучли бўлади, шу босқичда эго
керак. Чунки у ўзини англашдир. Мен! Ўз «мен»ингизни то-
па олмасангиз, сиз кимни англайсиз? Шу моҳият жиҳатидан
кўпчилик ижодкорлар «капалак»ка яқин. Шоирлар, олимлар,

ёзувчилар, бастакорлар, сиёсатчилар, ижод ёки кашфиётчилик билан шуғулланаётганларнинг ҳаммаси «капалак»ка айланган инсонлар. Улар ҳатто онги доирасидан ташқарида ҳам фикрлай оладиган, маълум билимлар томонигагина эмас, номаълум билимлар томонига ҳам ўз фикрларини йўналтира оладиган комил инсонлар тоифасига киради.

Пайғамбарлар эса ҳатто номаълум илмларни маълум томонга йўналтира оладиган ва ғойибдан билим оладиган «боғбонлар»дир. Уларга илоҳий илм берилди. Ўша илоҳий кутубхона, илоҳий билим одамзотга кўп нарсаларни берди. Бу авлодлардан мерос бўлиб қолаётган билимлар, ёзувларда учрамасди. Бу бошқа илм! Номаълум илм. Тирик илм! Бу меҳр-муҳаббатдан яралган илм.

Энди ўша жараёни ўзидан ўтказиб, тўйиниб, китоб ҳолатига келтирганидан кейин бошқалар китобни очади-да, ўқиб олиб, «О... мен етишдим!» дейди. Аслида йўқ... Ҳали етишгани йўқ. Қачонки етишса, яхши ва ёмон у учун яхши ҳам бўлади, ёмон ҳам бўлади. Лекин у бунга боғланмаган ҳолатда эркиндир. Муҳаббат ҳам бўлади, ғазаб ҳам бўлади, иккаласига ҳам боғланмаган ҳолатда эркин бўлади. Бор ҳам бўлади, йўқ ҳам бўлади, икковига ҳам боғланмайди. Шакли ҳам бўлади, моҳияти ҳам бўлади, лекин иккаласининг бир-бирисиз мавжуд бўлиш-бўлмаслигини ҳам англаб туради. Агар сиз «чойнакнинг ичидаги чой афзал, чойнакнинг ўзи керак эмас» десангиз, янглишасиз. Чойнаксиз чойнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Уни кейин пиёлага қуйиш керак, пиёлага қуймасангиз ича олмайсиз. Агар чойнак-пиёла бўлмаса, чой ўз моҳиятини йўқотади. Буларнинг бир-бирисиз мавжуд бўла олмаслигини англаш комиллик аломатидир.

Демак, ўсимлик дунёсидан гулни олиб қарайлик. Кимдир айтади: «Гулни кўряпман, шу бор наrsa, шу муҳим!» дейди. Бошқа биров эса «Йўқ, гулнинг ҳиди муҳимроқ, кўриниши эмас» дейди. «Капалак»лар айтади: «Ахир гул бўлмаса, ҳиди ҳам бўлмайди-ку!» Иккаласининг ҳам ҳамма томонини борича қабул қиладиганлар «капалак» моҳиятидаги комил инсонлардир. Мана, нима учун бизга «кичик бизнес» қилиш керак бўлади. Агар «ли-

чинка» куч йиғмаса «қурт»га айлана олмайди. У пиллани тешиб, қобикни ёриб чиқолмайди, кучи етмай қолади. Моддий таъминот шунинг учун керак.

«Парвоз» қилганингиздан кейин сизнинг қадриятларингиз, ҳамма қизиқишларингиз ва ҳаётингиз мазмуни ўзгаради. Сиз моддиятни ҳам, маънавиятни ҳам рад этмайсиз. Моддий дунёсиз маънавий дунё мавжуд бўлолмаслигини, маънавий дунёсиз моддий дунё мавжуд бўлолмаслигини англаб етгансиз. Бу сиз учун оддий ҳолга айланади. Борица қабул қиласиз. Моҳият жиҳатидан «уруғ» одамларга ўхшаган бўлмайсиз. Мана буниси керак, униси керак эмас, деб битта томондан бутунлай воз кечмайсиз. Ана шунда ўзингизни англаган бўласиз. Бу комилликка эришиш дейилади. Шундай одамларни кўриб, «эх, қани энди мен ҳам шулар қаби бўлсам» дея орзу қилиб, ўзингиз ҳам ҳаракатга тушасиз.

Пилла қурт қанчалик тут барглари билан кўп таъминланса, унда капалакка айланиш имкони шунча юқори бўлади. Вужуди соғ бўлмаса, яхши озикланмаса қанотлари ўсмайди. Демак, мана шу учта асосий босқичларни англаганингиздан кейин ҳаммаси ўз жойига тушади.

Моддий дунёнинг маънавий дунёсиз мавжуд бўлолмаслигини англаб етганимиздан сўнг уларни ажратмаймиз, бунга зарурат ҳам қолмайди. Ахир қандай қилиб ҳидни гулдан, таъмни таомдан ажратиш мумкин? Бунинг иложи йўқ. Агар сиз «энг асосийси таъм» ёки «энг асосийси таом» десангиз, иккала фикр ҳам нотўғри бўларди. Шу сабабли, оила, маънавият, маърифат, бизнес ва моддий томон, буларнинг ҳаммаси керак. Ҳаммаси яхлит бир дунё дейди пири комиллар. Уларнинг пири комиллиги ҳам мана шунда бўлади.

Интуитив ҳиссиётларимиз «капалак»ларни ҳис қилишимизни, танишимизни ва унга айланишимизни тезлаштиради. Интуитив тасаввур деб тафаккурдан, хотирадан ташқаридаги тасаввурга айтилади. Чунки «қурт» тафаккуридан ташқарида турган «ка-палак»нинг моҳиятини тасаввур қилишининг сира иложи йўқ. Унинг тасаввури «қурт»лар ҳаётини ўз ичига олади. Улар

ўз моҳиятидан чиқа олмайди. Шунинг учун ана шу бир хил хато атрофида айланиб юраверади. Кўп янгиликлар, қонунлар биринчи марта кашф қилинганида, юқорида айтилгандек «уруғ», «дон»ларга бирданига ёқмаслигининг сабаби шу. Нотабий улар учун! Электроэнергия кашф этилганида ёки канализация ўйлаб топилганида қанча қаршиликлар бўлган. Канализацияни ўйлаб топган одам қаттиқ танқид остига олинган, ҳатто жазоланган. Қадимги ҳиндуларда шундай бир қизиқ одат бор экан. Моҳияти жиҳатидан «қурт» ёки «капалак» кашфиётчи, бирор бир янгилик қилиб, уни ҳаётга татбиқ қилишдан олдин қабила аъзоларига – «уруғ»чаларга кўрсатиш учун жар лабига бораркан. Қаршисида қабила бошлиғи, шаман ва бошқалардан иборат ҳакамлар ҳайъати ўтирар экан. Кашфиётчи уларга янгилигини айтиб, муҳокамага қўйгач, кашфиёт қабул қилинса, тирик қоларкан. «Йўқ!» десалар, жарга бир тепиб туширишар, ўлдириб юборишар экан. Бу тарихда бўлган воқеа. «Личинка»ларнинг қонуни! Агар эътибор қилинса, худди шундай ҳолатлар дунёда ҳозир ҳам кузатиляпти. Янгилик осонликча қабул қилинмайди. Бир одам бир нарсани кашф қилади, лекин уни қабул қилиш атрофдагилар учун қийин.

Жордано Бруно ерни думалок, ўз ўқи атрофида айланади деганида, уни тушунмаганлар, катта гулхан қилиб, «Худоба қарши чиқяпти гумроҳ, ер думалок эмас, нодон, агар шундай бўлса тушиб кетамизку, ер теп-текис» деб кашфиётчини тириклайин ёқиб юборганлар. Ҳеч бўлмаса «қурт» бўлса экан, ҳаракат қилиб, сал атрофини кўрса, «капалак»ни таниса! «Капалак»ни, буюк кашфиётчини ёқиб юборишган.

Ҳозирда биз ернинг юмалоқлигини, радиуси 40 минг км эканлигини, нечта қитъа ва нечта уммон борлигини жуда яхши биламиз. Бу оддий ҳолатга айланиб қолган. Илгариги «личинка»лар даврида «Ер текис. Ерни иккита катта ҳўкиз шохлари билан ушлаб турибди, тагида катта балиқ бор» деган тушунча мавжуд эди. Балиқ ниманинг устида тураркан энди? Бу саволга жавоб йўқ. Тафаккури шу ёққача етганда! Бўлмаса балиқ ҳам бир ниманинг устида туриши керак-ку! Ҳўкиз ҳам шундай. Кейин ўша «Чарчаб

кетганида оёғини ундай-бундай қилиб, бўйинларини бўшатиб юборганида ер қимирлайди» деган сафсатага қаттиқ ишонишган. Ҳамма «личинка»лар, ҳамма «уруғ»лар шунга мутлақ ишонган.

Бор-йўғи уч-тўрт аср олдин дунёнинг турли бурчақларида қабул қилинган айрим қонунларни эшитиб, ёқангизга туфлаб, ушлаб қўясиз. Мана масалан, XVII асрда Туркияда қаҳва ичиш тақиқланган. Қонунни бузганлар дарҳол қатл қилинган. Мўғулистонда аёллар кўча-кўйда кўкрак қисмини очиб юришлари лозим бўлган. Буюк Британияда эса қирол сурати акс эттирилган маркани нотўғри ёпиштирган ҳар қандай кимса мамлакат хоини ҳисобланган.

Масалан, инсоннинг уруғдан бунёд бўлишини олиб қарайлик. Икки киши, яъни ота ва она бир-бирини яхши кўриб, бир-бирига кўнгил қўйиб, меҳр-муҳаббат бериб оила қурганида ҳам рамзий маънода, сиз уруғ эдингиз. Жинсий моддият туфайли сиз керакли жойга тушиб, она вужудида ўсиб-униб, она организмидан озиқлангансиз. Сизни она қорнида ўраб турган қобиқ ва суюқлик кўмагида тўққиз ойда инсон шамоийлини олиб дунёга келасиз. Табиатнинг ўзи бизни ўқитиб турибди. Кўз илғамас уруғдан чақалоққа айланиб, туғилишнинг ўзиданок бунини тушуниш мумкин. Бу ёруғ дунёга келганингизда ҳам кўзингиз ёпиқ эди. Лекин сизда қалб кўзи бор эди, ўзингизни онангиз билан худди битта одамдай сезар эдингиз. Кейин киндик кесилади, чунки вақтисоати келди. Киндик билан узоққа боролмайсиз, яъни кимгадир боғланган ҳолда ҳаёт кечира олмайсиз. Аслида киндикни кесмаса ҳам бўлади. Унда фарзанд онадан узоқлашмаган бўлар эди. Энди бизни она билан киндик эмас, меҳр риштаси боғлаб турибди. Уни ҳеч қандай қайчи ҳам кесолмайди. Маънавий меҳр-муҳаббат инсонларни то шу кунгача боғлаб турибди. Ҳатто нариги дунёга кетганида ҳам боғлаб туради. Уни кесиб ҳам, вужуддан суғуриб ҳам олиб бўлмайди. Бу худди Яратган эгамнинг руҳсатисиз қалбингизни, руҳингизни ўлим фариштаси олиб кетолмагани кабидир. Жон танани тарк этади, шунда вужуд жасадга айланади ва тупроққа қўйилади.

Кўзингиз ҳали юмуқ гўдаклик даври ортида қолди. Энди сиз аста-секин дунёни таний бошлайсиз. Қуёш, борлиқ, табиат ва бошқалар бу ҳаётнинг неъматларидир. Туғилиш дегани аслида сиз шу маконни тарк этаётганингизни билдиради. Мажозий қилиб айтганда, сиз «ўляпсиз». Она қорнидаги муҳитда тўққиз ой яшаган ҳомилалик даври тугади. Ҳомила ёруғ дунёга трансформация бўлади, яъни туғилади. Дунёга келган гўдак учун она Ер ва табиат она вужудидай гап. Биз ичкаридамизми ёки сиртда, бу унчалик фарқли жиҳат эмас. Она еримиз думалоқ ва биз инсонлар у туфайли тирикмиз, у тортиқ қилган ноз-неъматлар билан озиқланамиз, меҳнат қиламиз, ҳаёт кечирамиз. Киндик бизнинг вужудимизни боғлаб қўйган. Вужудимиз – бу юрувчи материя, ҳаракатлана оладиган тупроқ. Уруғ атрофидаги ҳаракатланувчи тупроқ. Ҳаммаси охир-оқибат тупроққа айланади! Яъни, Аҳмад Яссавий ҳазратлари айтганидек, «Аслинг билсанг оби гил, яна гилга кетаро». Танамиз у ёқ-бу ёққа юради, ҳаракатланади. Бу уни бошқариб турган руҳ туфайлидир. Бояги кесиш, ўлим фариштаси келади. Руҳ танадан ажралади ва бошқа бир жойдан кейинги босқичга ўтиб кетаверади.

Халқ орасида юрган бир ривоятда шундай дейилади:

«Она қорнидаги эгизаклардан бири иккинчисига савол берибди. Ким ака, ким ука, ҳали билмайдилар. Ким биринчи туғилса, ўша катта.

– Шерик, – дебди бири иккинчисига.

– Ҳа, – дея жавоб қилибди.

– Туғилганимиздан кейин ҳаёт бормикан?

– Э, оғайни, нимасини айтасан, ҳали у ёқдан ҳеч ким қайтиб келгани йўқ, – дермиш.

Биз ҳам бу ерда «ўлимдан кейин ҳаёт бормикан?», «ҳа, у ёқдан ҳали ҳеч ким қайтиб келмаган» деймиз. Аслида, ҳаммамиз ҳам туғилиш ва ўлим эвазига тирик юрибмиз. Ҳам тўғри, ҳам мажозий маънода туғилмаганимизда ва ўлмаганимизда эди, биз умуман «қурт»га, «капалакка» айланолмас эдик. «Уруғ»лигимизча қолиб кетардик.

Табиатдан келиб чиқиб, мана шунинг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз. Шунинг кенгроқ, чуқурроқ англаб олсак, ҳаммаси жой-жойига тушади. Пул, моддият нима учун керак? Муҳаббат, маънавият, маърифат нима учун керак? Нима учун сиз туғилгансиз? Сизнинг туғилишингиздан, яралишингиздан мақсад нима? Ҳаммасига жавоб ўзидан-ўзи келиб чиқаверади. Бу бир код, бу моҳиятнинг ўзи! Инсоннинг дунёга келиб яшашдан мақсади, моҳияти шу! «Личинка» «курт»га, «курт» «капалак»ка айланиши керак, сўнг парвоз қилиш керак бўлади. Бошқа нарсадан изламанг уни.

Ёнингга келади ва «Устоз, мен нима қилишим кераклигини билмайман, йўл кўрсатинг, илтимос. Сиз мен нима билан шуғуллансам, мақсадга эришим мумкинлигини биласиз», дейди. Мен айтмоқчиманки, сиз хоҳланг «тут барги енг», хоҳланг «помидор енг», хоҳланг «кўкат енг». Сиз ўсишингиз керак, сизга сув керак, ҳаво керак. Сув шудринг томчисида ҳам бор, булоқда ҳам бор, ариқдаям бор, қордаям бор, ёмғирдаям бор. Демак, ҳар жойда бор. Хоҳлаган тарзда ўзингизга яқин, маъқулини олиб ичасиз. Аслида бу кичик бизнеснинг йўналишлари дегани. Мендан сўрайди «нима иш қилишим керак?». У унчалик муҳим эмас. Парвоз муҳим, парвоз! Олтинчи, еттинчи ҳис-туйғулардан ўз манфаати, керак бўлса халқ манфаати учун фойдаланиш, бу «парвоздаги капалак» дегани. Бу туйғулар сизни хавфсиз парвозга тайёрлаб, йўлни ва тўғри манзилини кўрсатиб беради. Ана ундан кейин бемалол қанот ёзиб эркин учаверасиз. Капалакка энди йўл керак эмас. Вертолёт, самолётга асфальт кўча, светафор даркор эмас. Чунки у учиб юрибди. Парвоз – юриш, эмаклаш дегани эмас. Моҳияти жиҳатидан у умуман бошқа нарс! Тинч туриш дегани эмас, қимирлаш бу тинч туришнинг умуман акси, «курт» дегани бу динамика дегани, ғимирлаш дегани! Ишбилармонлик – бизнес билан шуғулланиб, ҳаммасига улгуриш. Парвоз дегани қимирлаш эмас, судралиш эмас, юриш эмас, ёнбошлаш эмас, ўтириш ҳам эмас, эмаклаш ҳам эмас! Парвозни фақат пирри комилда кўриб, англайсиз. «Курт»нинг қимирлашидан пар-

вознинг моҳиятини у қадар тушуниб бўлмайди. Буни сизга ўша импульслар келганидан кейин англаб етасиз. Импульслар, яъни жисмоний ва ҳис-ҳаяжон импульслари белги берганда, инсон «парвоз қилишим керак» деб туриб, битта сакрайди! Қанотларни чиқариб, учиб кетади. Кетди...

Қушлар ҳам тухум қўяди. Аста-секин ўша тухумнинг ичидаги озик моддалари етади, шундан қуш болачалари куч йиғиб олади, вақти келганида эса тумшуғи билан тухумни туртиб, ёриб, палопонлар чиқади. Дастлаб, уларнинг ҳали унчалик кучи ҳам йўқ, қанотидаги тукчалардан бўлак нарсаси йўқ. Оғзини катта қилиб очади, у «уруғ», ҳали «дон». Оғзини катта-катта очганича қушнинг болачалари ота-онаси оғзига солиб кетган пашшаларни, турли ҳашаротларни, чувалчангларни ейишни билади, бошқасига ҳали ожиз. Ҳатто уясидан чиқиб кетолмайди. Ўша ҳолат унга ҳозирча керак, чунки ҳали қанотлари яхши ривожланмаган. Питирлайверса, пастга тушиб кетади. Кейин аста-секин ривожланиб боради, қанотларини учмаса ҳам қоқаверади. Табиатан у шу жараёнга тайёрланыпти. Ота-онаси ҳам кўз ўнгида шу ҳолатни такрорляпти.

Париллаб учиб келиб палопонларига емиш бериб, кейин яна қаергадир қанот қоқиб кетяпти. У шу нарсанинг учиш эканлигини билмаса ҳам англайди, ҳаракат қилади. Аслида, ана шу нарса унинг тасаввури, кўриб тургани эса қушларнинг учиши. Ўзини аста парвозга тайёрлаб бораверади. Уни ҳеч ким мактабда ўқитмаяпти. Унга доскага чизиб, қанотингнинг узунлиги шунча, майдони шунча, буни «Х» (икс) деб олайлик, буни «У» (игрек) деб қарайлик, демаяпти. Квадрат ҳақида тушунтирмайпти, юқорига вертикал шунча, тўхтаётганда қанотингни мана шунча градусга бурасан деб ўргатаётгани йўқ. Лекин шуни интуитив англайпти, ҳис қияпти, сезяпти ва аста-секинлик билан шаклланиб боряпти. Қанотлари яхши шаклланиб бўлганидан кейин учиб кетади. Ҳаётнинг ўзи катта мактаб! Баъзилари эса қаноти бўлса ҳам сакрай олмайди. Қўрқув туфайли ожиз бўлади. У ҳали парвознинг моҳиятини яхши англамади. Парвоз қилиш қанчалик

муҳимлигини тушуниб етмаяпти. Шунинг учун кўрқяпти. Нариги томонда у билмайдиган нарсалар кўринмас девор бўлиб турибди, ана шундан ўтолмаяпти. Ҳали англамаган, номаълумликдан пайдо бўладиган бир кўркув. Шунинг ёриб чиқа олмаяпти. Бунақа пайтда палапонга онаси ёрдамга келади. Ёнига бориб туриб, мана бундай учасан дегандай, қаноти, тумшуғи билан улғайган, қанотлари шаклланган жўжани мажбур итаради, инидан пастга туширади. Палапон қарасаки, қулаяпти! Кейин мажбурликдан қанотларини қоқиб, мослашиб қолган, ўзи учун қулай уясидан тушиб олиб табиий равишда парвоз қилади. Ана шундай сакраш қилиш керак.

Табиий савол туғилиши мумкин. «Нега мана бу пири комилнинг мана бундай мактаби бор, бошқа пири комилнинг ундай мактаби бор, нега дунёда турли техника-технологиялар жуда кўп?» деган турли-туман саволлар.

Чунки «личинка»лар турлича! «Дон»лар ҳар хил! Ҳар бир «уруғ»нинг ўзига хос ривожланиш усули, ўзига яраша техникаси бўлади. Шунинг тушунтириш учун, бошқаларга етказиш учун йўналишлар кўпайиб кетган. Аслида эса қалб кўзи очиқ инсонга битта техника етади!

БИРЖА, ВАЛЮТА БИРЖАСИ ҲАҚИДА ФИКРИНГИЗ?

Биржа ва бозор ишларининг барча кўриниши савдо-сотиққа киради. Сиз пул ёки валюта сотасизми, хизмат турини сотасизми, товар сотасизми, интеллектуал маҳсулот сотасизми, умуман нима сотишингиздан қатъи назар, буларнинг ҳаммаси моддиятга киради. Ҳатто интеллектуал меҳнатингиз ҳам, китоб ёки сценарий ёзсангиз ҳам бу моддият ҳисобланади. Чунки сиз уни сотаясиз. Аслида маънавий нарсани сотишнинг иложи йўқ. Масалан, гулни сота оласиз, ҳидни сотишнинг иложи йўқ. Ҳид ҳам гул билан қўшилиб кетаверади. Таъмни сотишнинг иложи йўқ! Таомни эса сотиш мумкин, тўғрими? Худди шундай, нима сотсангиз ҳам, юқорида биз айтган «личинка»ни тўйинтириш керак. Савдо-

сотиқни кенгайтириб, яхшилаб тўйиниб, барглари еб тезроқ «қурт»га айланиши керак. Бу «қурт»нинг «капалак»ка айланиш имкониятини тезлаштиради. Унинг ёмон томони йўқ. Бу нотўғри иш бўлмайди.

Дунёда ўзи ҳамма нарса олди-сотди жараёнига ўхшаб кетади. Нафас оламиз, яъни кислород олиб, карбонат ангидрид чиқарамиз, дарахтлар эса карбонат ангидридни ютади. Эвазига кислород ишлаб чиқарадилар. Биз шу вайдан тирикмиз. Бу худди тўловни амалга оширгандек гап. Ниманидир эвазига нимадир бериш асли табиатдан олинган бир қонун. Агар тўлов бўлмаганида эди, балки ўзимизга берилган нарсаларнинг қадр-қимматини тушуна олмаган бўлар эдик. Тўловлар турлича – пул билан, нафас билан, умр билан, ҳаракатлар билан тўланадиган шаклда бўлади. Бу муҳим эмас. Шу тўловлар эвазига биз тирик турибмиз. Ҳаммамиз бир-биримизга хизмат қилаётганимиз учун, табиат муқим бир мужассам гармонияда турибди.

Ўзингизни қалтис ишлар билан шуғулланадиган соҳаларга яқинлаштирмасангиз бўлди. Чунки буни қонун қоралайди, тегишли тартибда жазога тортади. Бундай ишларга зинҳор яқинлашманг. Масалан: гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва сотиш, қурол-яроғ ишлаб чиқариш ва сотиш, киморхона. Бу соҳаларни, ҳайриятки, қонун қаттиқ назоратга олади. Бу иллатлар одамзотни ҳалокатга олиб келади. Инсонларнинг оғирини енгил қиладиган ва унга эзгулик йўлида хизмат қиладиган соҳаларда фаол бўлиш, олға одимлаш керак!

*Дунё учун ғам ема,
Ҳақдин ўзгани дема.
Киши молини ема,
Сирот узра тутар-о.
Аҳмад Яссавий*

Хусусий банк очишингиз ҳам мумкин. Чет элдами, шу ердами, қаерда бўлса ҳам. Бу судхўрликка кирмайди. Биринчидан, ҳаммаям банкир бўла олмайди. Катта-катта «қурт»лар, тез қимирлайдиган, қанотлари шаклланиб бўлган, парвозга тайёрланиб турган «капалак»лар орасида ҳам банкирлар бўлади. Булар

катта банкирлар. Бу банкирлар «личинка» одамга, «уруғ» одамга ҳеч қачон пул бермайди! Чунки улар «қайтараман, қайтараман...» дегани билан иложсиз кишилардир. Чия – эндигина тухумни ёриб чиққан кушнинг боласи қандай қилиб қайтаради! ? У фақат ейишни билади, унга емиш бермасангиз, очидан ўлади. Шунинг учун у алдашга мажбур... «Бераман, қайтараман» дейди, еяверади. То ўзи ҳаракат қилиб, «қурт»га айланмагунча қайтаролмайди. Унга пул берган банкир эса пул олган одамнинг моҳиятини тушунмаяпти. «Мен унга пул бергандим, қайтармаяпти» деб хафа бўлиб юради. Бу «уруғ»дан, «личинка»дан хафа бўлиб нима қиласиз? У бу нарсаларни ҳали тушуниб етмаган. «Капалак» эса шу босқичлардан, поғоналардан ўтган. Моҳияти жиҳатидан «қурт» бир жойда туролмайдиган фаол, ишбилармон одамларга пул беради ва кези келганда қайтариб олади. Улар мажозий маънода «устларига пилла ўрайди», яъни ортиқча даромад қилади. Ҳам ейди, ҳам орттириб устига пилла ўрайди, қимматбаҳо шойи мато қилади. Ипакни сувга солиб, ивитиб, ажойиб мато яратишади. Бу «қурт»ларнинг бонуси, ортиқча даромади! Ўзидан орттириб яна сизга қайтаради. Бу асли сизга, ўзига, жамиятга қайтараётган даромади.

Қаранг, табиатнинг ўзи катта бир устоз бўлиб турибди бизга! «Дон» униб-ўсиши, майсага айланиши керак, кейин эса буғдой ёки маккажўхори поясига айланади. Шундагина битта уруғдан юзлаб, минглаб дон ҳосил бўлади. Бўлмаса олган пулини қайтара олмайди. Лекин онда-сонда «дон»ларга, «личинка»ларга ҳам ёрдам бериб туради. Шундоқ ёрдам берадики, қарз қилиб кредит бермайди. Агар фоизсиз кредит берсангиз ҳам, улар қайтаролмайди.

Сабаби, иложсиздирлар! Униб-ўсмаса, ривожланмаса, шакланмаса, ўзини англаб етмаса қандай қилиб қайтарсин? Уни қайтаришнинг иложи йўқ. Шунинг учун алдаб юраверади. Оқибатда сиз уни ҳам алдамчи қилиб қўясиз, ҳам қийнаб қўясиз, ҳам ўзингизга зарар келтирасиз. Агар шуни тушунмасангиз, бутун умр «дон»дан хафа бўлиб юраверасиз.

Шунинг учун бундай тоифа одамларга сиз банкир бўлмасангиз-

да, агар имкониятингиз бўлса, «қурт» бўлсангиз, ёрдам беринг. Яъни, берган нарсангизни эсингиздан чиқариб юборинг. Чунки у барибир бера олмайди. Тўй-маъракасига, бирон бир маросимига моддий томондан ёрдам керак бўлганида, қўлингиздан келганича қарашишингиз мумкин. Моддий томондан ёрдам беролмасангиз, ҳеч бўлмаса бошқа хизматларингиз билан ёрдам беринг. Агар бизнес қилиш учун маълум бир суммада пул сўраган бўлса, унга пул беришнинг кераги йўқ. Бу судхўрликка кириши мумкин. «Личинка» оғир кунларини ўтказиши керак. Қўшниси «қурт», лекин чала «қурт». «Капалак» бўлишни орзу қилмаган, «капалак»ни кўрмаган, эшитмаган «қурт». «Мен капалакман» деб юрган «қурт» у! Ҳали ривожланиш босқичида кетяпти, унинг нафақат пири комили, ҳатто устози ҳам йўқ. Устоз йўқ унга. У «мен шаклланиб бўлдим», деган кўр «қурт». Чунки у ночорларга пул беради-да, «Мана сенга 1000 сўм, менга бир ойдан кейин 1500 сўм қилиб қайтарасан», дейди. Бу энг ёмон судхўрлик бўлади.

Лекин ўша «қурт» босқичидаги ишбилармонлар «Мен Пилла ўрашим керак, дастгоҳ ўрнатапман, иш ўрни очаяпман, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланияпман, ёрдам бериб тура оласанми?» деб сўраганида, «Майли, мана сенга пул, фалон миқдорда фоиз берасан, маълум бир муддатгача ол», дейди. Бу ёрдам бўлади. Савоб бўлади. Бу судхўрликка кирмайди. Чунки шунинг орқасидан бу «пилла» ўраяпти, ортиқча даромадини бошқаларга бераяпти. Ҳам ўзи фойда кўради, ҳам давлатга нафи тегади.

ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ

Ўн саккиз минг олам дейилганда, фақатгина ўзга сайёраликлар яшайдиган бошқа планеталар тушунилмайди. Масалан, сув ости жонзотлари битта олам, қурт-қумурсқалар, ҳашаротлар яна бир олам, одамлар дунёси, ҳайвонлар дунёси кабилар бор. Улар ҳам турларга бўлинади. Вирус, микроблар ҳам бир олам, ўсимликлар бир олам, мана шу «олам»лар ўн саккиз мингта деган тушунчани

беради. Биз инсонлар фақат эндигина бир неча мингтасини кашф қилдик, холос. Ҳали буларнинг ҳаммаси бор бўйича турибди. Бунинг тагида гап кўп. Агар «капалак» одам бўладиган бўлса, парвоз қиладиган одам бўлса, комил инсон бўладиган бўлса, бу жуда катта кашфиётларга йўлланма дегани. Мана шу бир оғиз сўз! Мисол учун микроскоп кашф қилинди ва биз микробларни, вирусларни катталаштириш ёрдамида кўзимиз билан кўра бошладик. Бўлмаса буни оддий кўз билан кўришнинг иложи йўқ. Бу билан яна бир олам кашф қилинди. Мана шунга ўхшаган кашфиётлар ҳали яна кашф қилинаверади.

Билсангиз, ўн саккиз минг оламнинг ҳали инсонларга номаълум жиҳатлари кўп. Баъзида батискафда океаннинг тагига тушиб, «ия, янги бир номаълум сувости ҳайвонни кўриб қолдик, бу ҳали фанда аниқланмаган жонзот, биринчи марта учратишимиз», деб қолишади. Ҳали ҳам ўша битта олам – сув ости оламининг янги қирраси очилляпти. Аммо бу ҳали бошқа бир олам очилди дегани эмас. Масалан, сув ости ўсимликлари ҳам яхлит бир олам. Унинг ҳам янги бир турини кашф қилсак, хурсанд бўлиб кетамиз.

Менимча, ҳали ўн саккиз минг оламдан ярминиям очганимиз йўқ. Бир неча ўнлаб, юзлаб кўринишларини очган бўлишимиз мумкин. Аммо ҳали бир неча мингтасига етганимиз йўқ. Ҳозирча ўзимиз яшаб турган сайёрадаги янги оламларни очиб бўлайлик, кейинчалик бизнинг галактикамиздан ташқаридаги галактикалардан ҳаётни қидирсак ва топсак не ажаб.

ОДАМ НАСЛИНИ ДАВОМ ЭТТИРУВЧИ ГЕНОФОНДЛАР ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛГАН?

Ҳар қандай ёзув бизнинг тушунчамиздаги генофонд, аммо ҳақиқий эмас. Ҳақиқий генофонд бу – руҳ. Руҳни вужуд пайдо бўлмасидан олдин Оллоҳ яратиб қўйган.

Кўпчилик олимларнинг тушунчасидаги генофонд бу – шаклу шамоийл, сирт, қобик тўплами. Улар буюм коллекционерларига ўхшашади. Ҳамма руҳ ҳақиқий генофонд бир ёшда бўлади.

Неварангиз ҳам ёши кичкина бўлгани билан маълум бир вақтга етгач, ўзини катталардай тута бошлайди. Сиз «ия, акли кириб қолибди-ку!» деб ҳайрон қоласиз. Рухнинг ёши бир. Қалб шаклланади, ривожланади. Рухнинг ёши бирдай туради ва у ҳам мустаҳкамланади. Туғилиш ёши ҳаммада бир хил, рух эса ўз навбатини кутиб туради. Сабабчи қилиб ота-онанинг оила қуришини келтириш мумкин. Ҳадисларда ёзилишича, ҳомила вужудига тўрт ойдан кейин рух киритилади. Вужудга кирган рух уруғга имконият беради. Қаранг, рух бўлгандаям макони «уруғ», «дон», «личинка»! У ҳали кейинги йўлларни, босқичларни босиб ўтиши керак. Моҳият инсоннинг чиройли кийиниб, атир-упа сепиб юргани билан ўлчанмайди. Чунки у ўзини англамаяпти. Факат ейиш бор, ҳаракат йўқ. Олиш бору, бермоқ йўқ. Шундай бўлиши ҳам керак, «дон»нинг ўсиб-униши учун у факат ейиши, олиши керак. У ўзи хоҳласаям бошқаларга ҳеч нима беролмайди. Донни экиб,

«Қани энди, дон, мен сени экдим. Энди менга яна битта дон бер», десангиз берадимиз? Йўқ! У ўсиб-униб чиқиб, бир арпапо-ягами ё пистагами айланади. Ўзингиз ўйланг, битта кунгабоқарда қанча кўп писта доначалари бўлади? Энди у натижа берди. Бу унинг кейинги босқичларга ўтганини билдиради.

Генофонд ташкил қилишга кўп давлатлар уриниб кўришган. Хусусан, Америка, Германия, собиқ Иттифоқда махфий дастурлар қабул қилинган. Улар ўзларича пайванд қилиш йўли билан инсониятнинг олий навини олмоқчи бўлишган. Яқинда ўта махфий бир дастурни ойнаи жаҳондан кўриб, даҳшатдан ёкамни ушладим. Иттифоқ даврда олимлар терминаторлар яратишга муваффақ бўлишибди. Қудратли, енгилмас армия яратиш учун аскарлар-нинг қўл, оёқ суякларини олиб, ўрнига титандан ишланган скелетлар ўрнатишди. Олдинига улар қўллари, оёқлари билан гишт, тош, ҳатто металл буюмларни ҳам уриб қийшайтириб юборишди. Ҳатто уларнинг бош миясидаги оғриқни сезиш зонасини махсус стерженлар билан «блокировка» қилиб, ишдан чиқаришди. Бундай аскарлар ўзларини ўтга-чўкка бема-

лол уришяпти. Қўркув, оғриқ деган тушунчани ҳис қилишмас экан. Кўрсатувнинг давоми бундан-да даҳшатли. Дунёдан ўтиб кетган буюк шахсларнинг, яъни олим, бастакор, ёзувчи, ҳатто мўмиёланган етакчи жасадининг бош чаноғи олиниб, миясини текширишиб, уни бўлақларга бўлиб, даҳоликка тааллуқли жойини топдилар. Ундан озгинасини олиб, бошқа одамларнинг миясига пайванд қилиб кўришди. Аммо бу тажриба ижобий натижа бермади. Даҳолик пайванд қилинган одамларда, титан скелети ўрнатилган аскарларда даҳшатли хуружлар ва кома ҳолатига тушишлар бошланди. Шундан сўнг тажриба дарҳол тўхтатилди.

Тажрибани олиб борган хирург эса кексайган чоғида паркинсон хасталигига чалинди. Унинг ўзи бу воқеага шундай деб изоҳ берди: «Бу Яратганнынг ишига аралашганим, унинг яратганларини аслидан ўзгартиришга уринганим учун жазо бўлса керак».

Демак, шуни айтиш жоизки, ташқаридан инсонни ўзгартириб бўлмайди. Одам ўзи интилиб, фақат ўз меҳнати билангина комилликка эришиши мумкин. Рухияти теран комил инсонларгина инсониятнинг ҳақиқий генофондини ташкил қилади.

ИНДИГО АУРАСИ — МОВИЙ РАНГ БОЛАЛАР

Болаларда туғилишдан сўнг тарбия босқичлари ўзгармайди. Лекин аста-секин «урутлик» даври қисқариб боради. Бунга нима сабаб бўлиши мумкин?

Бизнинг олаётган тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, қанчалик кўп «капалак»лар осмонда парвоз қилса, шунчалик кўп маълумотлар кейинги авлодга ўтади. Уларнинг биринчи босқичдан иккинчи босқичга трансформация қилиниши, айланиши, ўзгариши осонроқ бўлади. Шуни биз оддий тил билан айтганда индиго, вундеркинд, яъни иқтидорли болалар деймиз! Улар жуда тез компь-ютерга сингиб кетадилар, технологияларни яхши ўзлаштириб оладилар. Агар сиз ҳам ҳозирги даврда туғилганингизда ёки сиз туғилган пайтда шу маълумотлар, шу технологиялар бўлганида эди, сиз ҳам худди шундай

бўлар эдингиз. Демокчимизки, гап болаларда эмас, гап даврнинг ўзгаришида. Чунки илгариги вақтда компьютер бўлмаган, компьютер деган сўзнинг моҳиятини бировга тушунтириш мушкул бўлган. У замонда битта компьютер бутун бошли битта хонани эгаллаган. Бу маълумотларни ҳозирги замондаги кишилар тасаввур қилишлари жуда қийин. Оддийгина ҳисоблаш машинасининг биринчи нусхаси битта катга хонага жо бўлган. Кейингилари телевизор катталигида бўлган. Биринчи чиққан компьютер ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Эндиликда бу технологиялар фаннинг илгарилаши сабабли, кафт катталигида бўлиб, чўнтагингизга бемалол жойлашяпти. Техника, технология илдам ривожланиб борапти. Мана шу илмлар бизга ота-онадан, кутубхоналардан, бошқа информацион майдонлардан ўтади.

Яна 50-100 йилдан кейин туғиладиган келажак болалари янада фаоллашиб, жуда тез ривожланадилар. Бунинг бир қийин томони ҳам бор. Агар шундай давом этаверса, фақат моддий тарафлама ёки фақат онг билан дунёни англаш бир томонламаликка олиб келиши мумкин. Агар икки томонлама тараққий этадиган давр келиб, инсонлар баркамолликка эришса, ўша иккита йўл, яъни моддий ва маънавий йўл бориб-бориб қўшилиб кетади. Ана шу даврда ривожланиш жуда тезлашади. Алоҳида бўлганида ҳам баъзи қийинчиликлар бўлади. Барибир болалардаги моҳият ўзгармайди.

Болалар ўзи ким? Улар тез ўзгарувчан, тез қабул қилувчан, ишонувчан ва қалби пок бўлишади. «Бу тўғри, бу нотўғри» деб ажратмайдилар. Болалик комилликдир. Пири комилни болага ўхшатишади. Чунки бола доим фаол яшайди, чакқон илғаб олади. Фақат сўз бирикмаларидан, сўз йиғимидан ҳосил бўлган гаплар билан дунёни тасаввур қилмай, ўзининг юраги билан яшайди. Бола дунёни юрак билан қабул қилади. Пири комил ҳам дунёни фақат тафаккур билан эмас, кўнгил кўзи билан кўради. Мантиқ ҳукмронлигидаги тафаккур кўзи билан қабул қилишга ҳам қарши эмас. Аммо юрак билан қабул қилишга ҳам қарши эмас. Буларнинг бирини иккинчисисиз қабул қилиб бўлмаслигини пири ко-

мил билади. Яъни, гулгаям қарши эмас, ҳидгаям! Икковигаям рози. Пири комил бошқа ўзи кабиларни ҳам рад қилмайди. Улар бир-бирини худди ҳаракатланувчи ҳаёт, ҳаракатланувчи меҳр, ҳаракатдаги муҳаббат сингари қабул қиладилар. Чунки ҳаммаси «парвоз»га интилади. Меҳр-муҳаббат осмонидаги чиройли, эркин, буюк «парвоз»га. Улар бир-бирларини сўзсиз тушунишади. Улар беҳуда гапирмайди, кўп сўзламайди, бировни ғийбат қилмайди. Оиласига, маҳалласига, жамиятга фойдаси тегадиган ишлар билан машғул бўлишади.

КИМГА ВА НИМА УЧУН ПУЛ, ТОВАР БЕРИЛАДИ?

Бундай савол асосан, кичик бизнесни энди бошлаганларда туғилади. Агар сизга бирон бир одам ўзининг маҳсулотини насияга берса, сотиб шундан фойдаланинг деса, бу сизга берилаётган бир имконият. Фақат масаланинг бошқа, яна бир жиҳати бор. Товар насияга олинди, энди уни сотиш, фойда кўриш ва эгасига пулини қайтариш керак. «Мана менинг маҳсулотим, сиз уни сотинг, пулини ишлаб топганингизда берарсиз...» дейди ҳар қандай одам,

Товарини олганингиздан кейин эса темир дафтарини кўрсатади. Бу худди ҳалиги поездда юрсангиз олдингизга бир неча хил журналми, овқатми кўйиб, «танлайверинг, мен кейин келаман» деб кетади. Қизғанчиқ, зиқна одам бўлганида дарров пулини талаб қилган бўларди. Одамда шуни сотиб олиш ихтиёри туғилмайди. Лекин сизга нарсасини насияга ташлаб кетса, сизда ҳайрат, онг остида фикр кетади. Ҳеч ким йўқлигида секин ўзингизга келиб, ташлаб кетилган товарга қизиқиб қоласиз.

«Бунисини олсаммикан, унисини олсаммикан» дея қизиқиб, сотиб олиш истаги кучаяди. Аслида сизнинг дўстингиз, дугонангиз сиз билан «ўйин» қиляпти. Эсингизда бўлсин, товарни олиб ишлатиб бўлганингиздан кейин ҳисоб-китобни, яъни ҳалиги темир дафтарини пешонангизга шартта олиб келиб қўяди. Керак бўлса ёпиштириб қўяди. «Тўла» дейди. Бу моддий дунёнинг

қонуни! У айёрлик билан ўз молини сизга ўтказиб, энди тезда пулини талаб қиляпти. Бошида сизга ёрдам беришни мақсад қилиб олгандай кўриниб, энди бошингизни кўринмас сиртмоққа сола-япти. Бир куни сиртмоқнинг ипини секин тортади. Шунда қийин аҳволга тушиб қолган бўласиз. Чунки сиз аллақачон у берган маблағни ишлатиб юборгансиз. Шунинг учун бундай одамлар билан муомала қилганингизда берган ёрдамини тийин-тийинига-ча қайтариб берганингиз яхши.

Бизга маълумки, немислар жуда интизомли халқ. Шу сабабли, улар ҳар қандай маҳсулотни сифатли ишлаб чиқарадилар (русларда «немецкая качества» деган ибора ҳам бор). Қарз берган одам сиздаги пул маълум бир миқдорга, яъни берилган насия миқдориغا етганидан кейин олдингизга боради. Чунки ўзи берган товар миқдоридан ошиб кетса, сиз тўламай қўйишингиздан кўрқади. Ундан кам бўлса, олдингизга харажат қилиб бориши-гаям арзимаслигини билади. Ҳозирча сизда қайтариш имкония-ти бор экан, буни тезроқ амалга оширганингиз маъкул. Мабодо пулини ишлатиб юбориб, қарз бўлиб қолсангиз, унда сизнинг ёқангиздан олади.

Кунлардан бир куни Насриддин Афанди йўлда кетаётиб, лой жойда оёғи тойиб кетибди. Кўлмакка энди йиқилиб тушай дега-нида, бир одам кўлидан ушлаб қолибди. Шунда Афанди ҳалиги одамга:

– Э, раҳмат оғайни! Агар сиз бўлмаганингизда ҳозир мен мана шу лойқа кўлмакка шалоп этиб йиқилардим. Ўзи тўйга кетаётган эдим, уст-бошим расво бўларди, орқага қайтиш керак бўларди, сизга раҳмат-ей, – дебди.

Ана ундан кейин ҳалиги одам Афандини ҳар жойда кўрганида:

– Ассалому алайкум, – деб салом бераркан.

– Ваалайкум ассалом.

– Эсингдами, ҳўв ўшанда кўлмакда-а...

– Ҳа, албатта эсимда. Раҳмат, раҳмат! Ҳақиқатан, агар сиз бўлмаганингизда мен йиқилиб тушардим, устим расво бўларди, – дебди.

Шундай қилиб ҳалиги одам Афандини ҳар кўрганида айтиб эслатаверибди, эслатаверибди... Ҳар кўрганида:

– Эсингдами, йикилиб тушаётганингда ушлаб қолувдим, сал қолганди-я! – дермиш.

Афанди ҳам уни бир эшитибди, икки эшитибди, ўн эшитибди, ахийри жонидан тўйибди. Кунлардан бир куни ўша одамни яна худди шу кўлмак ёнида учратибди.

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом.

– Эсингдами, ҳўв ўшанда кўлмакда-а... – деб энди гап бошлаган экан, Афанди ўзини шалопп этиб кўлмакка ташлабди. Айла-ниб, юмалаб, думалаб, кийимини лой қилибди.

– Ана энди ҳисоб тенглашдими!? Ҳозир онангни учқўрғондан кўрсатаман, – деб ҳамроҳига ташланибди. Уни қутқариб қолган ўша одамнинг ўтакаси ёрилиб, жуфтакни ростлаб қолибди ва бундан кейин Афандининг кўзига сира кўринмабди.

Бу бир ривоят. Лекин туб маъноси аслида жуда кучли. Насридин Афанди пири комил бўлган, лекин у «қурт»лар тушунадиган, «личинка»лар тушунадиган тилда гапирган. Агар ўзининг тилида, «капалак» тилида гапирса, кўпчилик тушунмаган бўлар эди. Юқоридаги ривоятдаги одам Афандини қарз қилиб қўйди. Энди ўша қилган ёрдамнинг қайтишини кутяпти. Бояги одам ҳам сизга ўз товарини бериб, «Мана олинг, олаверинг, пулини топганингизда берарсиз» деганидай гап бу. Латифа қаҳрамонидан унинг фарқи йўқ. Моҳиятан иккови битта нарса.

Шунинг учун одам, аввало фақат ўзига ишониши керак, бегонага эмас. Ўзингизга ишонч билан йўл бошланг, дўстингизга таваккал қилиб эмас. Бунга ҳаққингиз ҳам йўқ. Ўзингизнинг имкониятингизга, пулингизга, шароитингизга, қобилиятингизга, интуициянгизга, туйғуларингизга таянинг. Нима қиласиз бировга таваккал қилиб? Агар у сизга чинданам ёрдам берган бўлса ва берган қарзидан кечиб юборган тақдиридаям, пулини қайтариб беринг! Шунда унинг ишончини ҳам оқлайсиз, ҳам хотиржам бўласиз. Бировнинг пулини, товарини одам унчалик қадрламайди.

Дарров ишлатиб юборади. Чўнтагингизга қачон кириб, қачон чиққанини билмай қоласиз. Унга ишлатилади, бунга ишлатилади, хуллас сарфланиб кетади. Ўтники ўтга, сувники сувга кетади. Насия берган одам ҳам бир кун келиб, пулини сўрайди. Демак, насияга олинган товар ҳам аслида қарзнинг бир туридир.

ШАХСИЙ БИЗНЕСНИ БОШЛАГАНДА ЧЕТДАН БЕРИЛАДИГАН КЎМАКНИНГ ОҚИБАТИ

Ота-она доимо биринчи галда фарзандининг бекаму кўст ўсишини хоҳлайди. «Чия»ни тўйдираман дейди. Сиз энди «чия» эмассиз. «Палапон»га, «учирма»га, кейин тўлиқ «қуш»га айланишингиз керак. Энди ўз ўрнингизни топишингиз зарур. Ота-онанинг қолдирган меросини қадрлаш учун ҳам ўзингиз ишлашингиз зарур.

Табиатда шундай қушлар борки, улар ўзлари ин қурмайдилар. Пойлаб юриб бошқа бир инга келади-да, тухум қўйиб, учиб кетади. Эътибор беринг?! Инига қайтиб келган бошқа қушда эса оналик инстинкти уйғониб, ўша тухумни ўзиники деб ўйлайди. Ўз боласи қаторида боқаверади. Лекин ўша бегона палапон фавқулудда тез ўса бошлайди. Чунки унинг тухум насли катта қушники-да! Бора-бора бегона тухумдан очиб чиққан палапон қарасаки, қорни тўймапти. Бечора она қушнинг ҳақиқий чияларини ҳатто индан тушириб юборади ва бир ўзи қолади. Кейинчалик у она қушдан ҳам икки баравар катта бўлиб кетади. Каттайиб кетган чияни ёнғокдай қуш боқяпти. Озуқа учун оғзини очганида бечора она қушнинг ярми кириб кетяпти. Бу шумтака қушни какку дейишади. Бориб-бориб шу даражага етадики, чиянинг патлари, қанотлари чиқиб бўлганидан кейин, боқувчисини пайт пойлаб туриб, учиб келганида бир ямлаб ютиб юборади. Ота-она шунақа, «ямлаб ютилишини» билса ҳам фарзандларини боқаверади. Табиат томонидан уларга шундай бир сифат берилган. Ота-она ўзининг вазифасини ўтаб бўлганидан кейин ҳам фарзандига қарашаман деяверади. Тўғри, бу сиз учун яхши бўлиши

мумкин. Буни кадрлаш лозим, аммо шунга боғланиб қолиш керак эмас. Аксинча бўлган такдирда сиз ҳеч қачон, нафақат «капа-лак», балки «қурт»га ҳам айлана олмайсиз! Сиз моҳиятингизни ўзгартиришингиз керак. Олувчи эмас, берувчи бўлинг! «Дон»лик даврини тугатиб, «ўсимлик» моҳиятига ўтинг! Ривожланинг!

Мен ҳам бизнесни илк бор бошлаган давримда ота-она ёрдамига суянганман, рўзгоримга қарашиб туришарди. Бир кун шундай дедим: «Энди мен мустақил шахс сифатида шаклландим. Яқинда институтни битираман, иш бошлайман, уйланаман, бунда албатта сизларнинг маслаҳатларингизга таянаман, келин танлаш ихтиёрингизда, аммо тўйимга меҳмон сифатида келасизлар, сизлардан никоҳ маросими учун ҳеч бир моддий кўмак олмайман». Агар олсам ҳалиям ўша «чия»лигимча қолиб кетган бўламан. Тайёрига ўрганиб, ишламай қўяман. Ундай бўлган такдирда, сизлар менга ёрдам эмас, балки халақит берган бўлиб қоласизлар», дедим.

Уларга тўғри тушунтира олдим ва бундан буёғига ўзимни ўзим эплаб кетдим. Агар бетўхтов ёрдам олаверсам, ишламай қўйган бўлар эдим. Қорни тўқ одам ҳаракат қилгиси келмаганидек, унда ҳеч қачон кейинги босқичга ўтиш бўлмайди. Бу масаланинг бир томони. Яна бир жиҳати шундаки, ота-она кўмаги оилавий бизнесга кирмайди. Бунда улар сизга беғараз ёрдам беришади, фозиз сўраб пул кредити бераётгани йўқ, сизга ёрдам беряпти. Сиз бу ёрдамга суяниб қолмаслигингиз керак. Мустақил қарор қабул қила оладиган поғонага кўтарилишингиз керак.

«Дон» мустақил равишда қарор қабул қилолмайди. «Ўсимлик» ёки «қурт» поғонасидаги одам мустақил қарорини қабул қилади. Ана шундай қила олиш керак. Мустақил фикрлашингиз, ўз ҳаётингиз учун жавобгарликни бўйнингизга олишингиз керак. Бунга ота-оналар жавобгар бўлолмайди. Оддий халқ тили билан айтганда, «уларниям боғлаб бермаган». Ҳаммамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз! Бошқа томондан ёндошадиган бўлсак, яна бир хавфли жиҳатни эсда тутиш зарур. Юқорида айтиб ўтганимиздай, фарзанд тарбиялаш давлари турлича. Биринчи давр гўдакнинг

беш ёшгача бўлган «пошшо»лик пайтидир. Подшоҳларга қилинадиган муомалада бўлиш даври.

Гўдакликдан болаликкача – бу пошшога бўлган муносабатдан аста вазирга бўлган муносабатга ўтиш давридир. Сабаби, уларни мустақил ҳаётга, «парвоз» га тайёрлаш керак. Бўлмаса ҳаётининг мазмуни фақат кимдандир олиш бўлиб қолади «Уруғ»лигича қолиб кетади, «личинка» бўлиб!

Ундан кейин болаликдан ўсмирликка ўтиш даври келади. Вазирга бўлган муносабатни дўстга бўлган муносабатга ўзгартириш керак. Ўсмирликдан кейинги даврда эса, дўстга бўлган муносабатдан бегонага бўлган муносабатга айлантириб бориш керак. Бегонани текширасан, кўр-кўрона ишонмайсан. Фарзандга бу даврда худди шундай кўз билан қараш керак. Бу билан сиз болангизни бегонадай кўринг, дейилмаяпти. Жавобгарлик ҳиссига ўргатиш учун моҳиятан айтиляпти. «Сен ҳадеб болангга бераверма, у энди «чия» эмас! Аста-секин уни мустақил ҳаётга тайёрла, қанотларини мустаҳкамла!», деяпти. Қушга қанот нимага берилган? Учиб, майда-чуйда топиб еб қорнини тўйғазади. Қорин тўйдиришдан мақсад нима? Учишга қувват тўплаш. Булар бир-бирининг ўрнини тўлдириб кетяпти.

Агар киши фарзандига доимо пошшога, вазирга бўлган муносабатда бўлса, «учиш» не даркор? «Учиш»нинг нима кераги бор, деган фикр туғилади. Кераксиз босқичга айланиб қолади. Бу билан сиз табиат қонунини бузган бўласиз, мажозан айтганда қанотлари қирқилади. Ёшликнинг навқирон давридан то умрининг охиригача бегонага бўлган муносабатни «қул»га бўлган муносабатга айлантиринг, дейиляпти. Бу дегани қулдай эзиб, хўрлаб ишлатиш дегани эмас. Асли ҳаммамиз ҳам Яратувчининг қулимиз. Шундай бўлса-да, Яратган эгамнинг раҳмдиллигини қаранг! Аксарият ота-оналар ҳам жуда раҳмдил. Майли, болангни яхши кўр, лекин энди «қул»га бўлган муносабатга ўтиш керак. Қул фақат ишлайди, қул беради. Қул олмайди!

Инсонларга юклатилган қатор вазифалар бор. Бу оила қуриш, фарзанд кўриш, фарзанд кўргандан кейин уларни боқиш, кийин-

тириш, едириб-ичириш, тарбиялаш, оёққа турғазиб илм бериш, вояга етганидан кейин уларнинг ҳам оила қуришига қўлидан келганича кўмаклашиш бурчидир. Шундан кейингина ота-онанинг асосий вазифаси тугайди.

Энди фарзанднинг ота-она олдидаги асосий бурчи, вазифаси бошланади. Шунинг учун мажозий маънода «қул» дейилапти. Энди фарзандингиз сизнинг ҳолингиздан хабар олиши керак, энди сизнинг ёшингиз ўтди. Сиз энди аста-секин «қурт» давридан «капалак» даврига ўтдингиз. Бундан буёғига фарзандларингиз сизга хизмат қилиши керак, сизнинг дуоингизни олиши керак. Сизга қул бўлиши лозим. Пошшо демаяпмиз, чунки у фақат ҳурмат, тавозе талаб қилади. Агар сиз болангизга пошшолардай муносабат қилаверсангиз, бора-бора куч-қувватингиз камайиб кетаверади. Кўзингиздан нур кетади. Сиз энди унга илгаригидан ёрдам қилолмайсиз. Кейин эса фарзандингизга ёқмай қолишингиз, ортиқчалик қилиб қолишингиз мумкин. Энди ё сиз унинг ҳаётидан чиқасиз, ё унинг ўзи кетади. Чунки у «пошшо»лик ёки «вазир»лик даврида қолиб кетган. Кейинги даврларга ўтмаган.

Бунга фарзанд эмас, ота-онанинг ўзи айбдор. Шунинг учун жазосини тортяпти. Ҳамма экканини ўради. Сўзимизнинг бошида сиз буткул ота-онангизгамас, ўзингизга таваккал қилинг, деган эдик. Шундагина сиз ҳақиқий етакчи, бизнесмен феъл-атворига эга бўласиз. Сизнинг ғалабангиз ҳам, мағлубиятингиз ҳам шахсан ўзингизники бўлиши керак.

Болалигимда отам кўп айтар эдилар: «Ўғлим, биз олдинги замонда вазият тақозоси билан битта ертўлада учта оила яшаганмиз». Пардалар тутиб қўйишарканда, яшайверишаркан. Қаерга боради? Уй қаёқда, алоҳида квартира қаёқда? Ҳозиргидай шароит қайда дейсиз? Қийин кун кўрсангиз, сизда жавобгарлик ҳисси уйғонади, ота-онангиз пешона тери билан топганининг қадрига етасиз. Мисқоллаб топиб, йиғиб қурилган оилавий бизнесни давом эттириб, янада ривожлантириб, кейинги авлодга, яъни фарзандларингизга эсон-омон топшира оласиз.

ХАФАГАРЧИЛИКЛАРДАН, ДИЛХИРАЛИКЛАРДАН, ҒАЗАБДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛИШ МУМКИН?

Ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш, бу энг осон иш. Ёмонлик кўрганда жим туриш, сабр қилиш эса қийинроқ. Лекин ёмонликка яхшилик қилиш энг қийиндир.

Бу жумлаларнинг тагида катта маъно бор. Болалигимда бирор нарсадан хафа бўлсам, раҳматли бобом қуйидаги гапларни доим айтардилар: «Қалбда хафагарчилик тўпланиб-тўпланиб, кейин Қайғуга айланиб қолади. Йиғилиб-йиғилиб, ҳазм бўлмай туриб қолади. Қайғу босганидан кейин бу ердан муҳаббатни қидирманг, бу ердан меҳрни тополмайсиз, бу ердан жаннатни тополмайсиз, бу ердан шайтонни топасиз, бу ердан дўзахни топасиз. Жаннат билан дўзах қаерлардадир, олисларда тургани йўқ! Бу энг аввало, инсоннинг қалбидадир. Ҳар синовга тайёrlаниб бораверганимиз яхши бўлади, лекин қалбдан қайғуларни, хафагарчиликларни, норозиликларни кетказиб поклашимиз керак».

*Оёқ остида қолдим дема вой,
Ахир чинни коса бўлур тепки еган лой.
Агар берсанг жазо, қодир Худосан,
Агар авф айласанг, сан Подишосан.*

Сўфи Оллоёр

Оллоҳ одам қиёфасидаги оппоқ соқол қўйган мўйсафид эмас. Бизнинг онгимиз, тафаккуримиз уни тасаввур қилишга ожиз! Уни тасвирлашга тил ожиз! Уммоннинг моҳиятини бир томчи сув акс эттиради, деганларидек ана шу бир томчи сувни сезишимиз керак. Бутун борлиқни ҳис қилиш учун ўзингни англашинг кифоя дейилади. Кечиримлилик, кечира олишни ўзига жо қилиш шунга биринчи қадам бўлади.

Агар қалбда қайғу бўлиб турса, олтинчи туйғуни сезмайсиз. Ҳақиқат ёки ёлғонни ажратолмайсиз. Бунга қайғу ҳалақит беради. Кераксиз ҳис-ҳаяжонни юзага келтиради. Сиз яшаш ўрнига қасд олишни ёки хафа қилган одамни бир поғона пастга уришни хоҳлаб, ўзингизга ўзингиз қози бўлиб қоласиз. Бунинг кераги

йўқ! Нима қиласиз ўзингизга ўзингиз ҳукм чиқариб? Ўзингизга озор берганга баъзан ёмон ният қиласиз, ҳатто қарғайсиз. Балога гирифтор бўлишини хоҳлайсиз. Бу билан аслида сиз ўзингиздаги дўзахнинг чегарасини кенгайтиряпсиз. Қалбингизда дўзахни олиб юрибсиз. Уни жаннатга айлантириш учун кечиримли бўлиш керак. Бандаси кечира олмайдиган нарсанинг ўзи йўқ! Эсингизда бўлсин, сизнинг назарингиздаги энг ифлос, энг ярамас, энг ёмон бўлиб кўринган одамниям Оллоҳ яратган!

ИНСОН – БУЮЖ МЎЪЖИЗА!

Шоиру ёзувчилар трагедия, комедия, фантастик романлар, муҳаббат дostonлари, шеър уғазаллар ёзадилар. Бу жанрлар бири бошқасидан фарқланади. Ҳаммаси бир хил бўлиши шарт эмас. Аммо уларнинг бари бир нарсага – эзгуликка хизмат қилади. Ёмонни кўриб яхши бўласиз, «чинни коса»га айланасиз. Шунинг учун комилликка эришган азиз инсонларда хафа бўлиш туйғуси йўқ. Шундай экан, сиз нега хафа бўласиз? Ҳеч қачон «уруғ» «уруғ»дан, инсон инсондан хафа бўлиши жоиз эмас. Шунини тушуниб, ҳазм қилиб юборинг, қалбингизни покланг! Кечиринг учун ўша ҳолатни, ўша вақт, замонни, ўтмишда бўлган воқеани эслаб, шу одамни олдингизга хаёлан яқинлашишига руҳсат бериб, унинг сиздан кечирим сўраётганини тасаввур қилинг. Кейин сиз «кечирдим», деб фақат тил билан эмас, дилингиздан ўтказишингиз лозим. Ана шу ҳақиқий маънода кечиринг бўлади. Қалбингиз пок бўлади.

Коинотдаги вақт ҳисобига кўра инсон умри бир сониялик чакмоқ чақиб тугашидай гап. «Беш кунлик дунё» деб кўйишибди. Шу беш кунни дардни қалбимиз билан олиб юраверсак, қайғу билан ўтиб кетади ҳаётимиз. Ҳар қандай ҳолатда ўзингизни кечиринг. Бунинг бошқа иложи, йўли йўқ. Кечиринг оддий ҳолатга айланиши керак. Эндиликда руҳшунослар, педагоглар, фалсафа-шунослар, ёзувчилар «уруғ»ларни йиғиб, қандай қилиб кечирингни ўргата бошладилар. Китоб ёза бошладилар. Амалий руҳшунос

деб аталувчи мутахассислик пайдо бўлди. Экспертлар пайдо бўла бошлади. Буни биз бир драмага, ҳатто трагедияга айлантириб юборяпмиз. Аслида мураккаблаштириш керак эмас. Бунга амалий психологлар ҳам шарт эмас. Аммо бизда бора-бора ҳазм қилиш, кечириш хусусияти, қобиляти сусайиб кетяпти. Чунки бизнинг қалбимиз қотиб, тошга айлана бошлади, бемехр бўла бошладик. Шу сабабли, унча-мунча гаплар таъсир қилмайдиган бўлиб қолди. Махсус дарс ўтиш керак бўлиб қолди. Шу даражага етдик. Бунинг ўзи асли кечириб бўлмайдиган ҳолат-ку?!

Ҳақиқат нима? Ҳаётни тушунмай, ўз моҳиятини англамай туриб, қандай қилиб ҳақиқатни англаш мумкин? Дейлик, ҳаётингиз бир кино, кўлингизда плёнка турибди, плёнкада бир эпизодни кўриб хулоса чиқаряпсиз, иккинчи плёнкани кўряпсиз... уни бир кўришда аниқлашнинг иложи борми? Йўқ-ку! Бу бир кадр. Масалан, бир воқеа ёки эпизод, фрагмент, жараён бошланди. Бу сизга ёкмаяпти, дарров хулоса чиқаришга ошиқасиз. Ана шу энг катта хатоликдир! Кино энди бошланяпти. «Бош ролда фалончи ўйнайди, пистончи ўйнайди» деб ёзиляпти. Сиз бўлса, кино ҳақида шошиб хулоса чиқариб бўлдингиз. «Яхши кино экан», «ёмон кино экан», «тарбияни бузмайдими?», «ранги тиниқ эмас экан», «сифати ёмон экан», «актёрлик маҳорати ундай экан», «бундай кийинган экан», «ҳаёт тарзи бундай экан» ва ҳоказолар деб хулосалаб бўлдингиз. Тасдиқлаб, муҳр ҳам босдингиз! Ҳаётга ана шундай ёндошиш, аста-секин одамни тушунмовчиликка ва хафагарчиликка олиб келади. Сиз олдин кинони охиригача кўринг, ўша воқеанинг бекорга бўлмаётганини англаг, шу орқали сизга бир нарсалар ишора қилиняпти. Ўсишингиз кераклигига имо қилиб, ривожланишингизни ва камчилигингизни кўрсатишяпти. Агар ундан кейин ҳаётингизда ўшандай одамлар, воқеалар сизга дуч келмаса, демак, сиз «дарс»дан тўғри хулоса чиқариб, сабоқ олган бўласиз. Эсингизда бўлсин, воқеалар тугаб, муайян бир вақт ўтганидан кейин англаганларингиз ва шунинг натижасидаги ҳолатларни таҳлил қилиб бўлганингиздан кейинги умумий хулосангиз ҳам нисбийдир. Агар сизга «сен юз йилдан кейин ўласан»

дейишса, тўлиқ хулоса чиқаришга ҳали 99 йил, 364 кун, 23 соату 59 дақиқаю 59 сония бор. У ҳам тўлиқ эмас, нисбий бўлади. Ҳар бир одамдан, ҳар бир ҳодисадан, ҳар бир хафагарчиликдан, ҳар бир учраган одамдан, ҳар бир дўстдан, ҳар бир «душмандан», ҳар битта нарсадан тўғри, ҳақиқатга яқин хулоса чиқариш мумкин. Униям мутлақ ҳақиқат деб қабул қилиш амримаҳол. Афсуски, буни кўпчилик билмайди. Шундай пайтда инсонга сабр туйғуси ёрдамга келади. Бунинг моҳияти айнан шунда. Сабрсиз, шукрсиз одам уни тушунмайди. Бориға ҳам, йўғига ҳам қаноат қилиш инсоннинг гўзал фазилатларидан саналади. Бу худди сувга отилган тошчадай бир одамнинг «қўзғалиши»га, ривожланишга сабаб бўлади.

Менинг олдимга келиб, мени мактаб, гуллар бериб кетганлардан на фойда ва на зарар бор. Иложи бўлса, ундайларга эътибор бермаслик керак. Чунки вақтингизни бекорга йўқотасиз, бекорчи мактовлар билан кучсизланмайсиз. Пири комиллар мактовга муҳтож эмас, улар эркин кишилар. Бундайларни том маънода комил инсон дейишади. «Уруғ»ларга эса мактов ҳам керак, «тўқмоқ» ҳам керак. Бўлмаса ривожланмайди. Сув ҳам керак, гўнг ҳам керак. Кетмон билан уриб ерни юмшатыпсиз, бегона ўтлардан тозалаяпсиз. Бу жараён ўсимлик учун ҳақорат, сўкишга киради. Қарсиллатиб ураяпсиз-ку! Сал чуқурроқ чопсангиз томирини кесиб юборасиз. Буни панд-насихат дейишади, лекин буни кўпчилик тушунмайди. Қуйидаги ривоят бунга яққол мисол бўла олади.

Нихоятда камбағал бир чолнинг ҳамма, ҳаттоки подшолар ҳавас қиладиган айғир оти бор экан.

Катта-катта султонлар келиб от учун сандиқ-сандиқ тиллаю жавоҳирларни таклиф қилишаркан. Эгаси ҳеч сотишга рози бўлмас эмиш. Ҳамма «Эҳ нодон, қашшоқликдан қутулардинг, сотсанг ўласанми?!» дебди.

Кунлардан бир куни эрталаб туриб қарашса, қозикдаги от йўқ эмиш. Ўзи кетиб қолганми ё биров ўғирлаганми, ҳеч ким билмайди. Шунда ҳамма устидан кулиб:

– Эй нодон! Бир парча нонга зорсану, ўшанда сандиқ-сандиқ жавоҳирларга алмашмаган отинг мана энди йўк. Худо бир берувди сенга! Шу отингни сотиб, умрингнинг охиригача роҳатда ўтиб кетсанг бўлмасмиди? – дебдилар.

Бунга жавобан чол:

– Бунинг асл моҳиятини биз ҳали билмаймиз, – деб жавоб берибди.

– Сен дунёдаги энг тезчопар, салкам учадиган отингни йўқотдинг! Бу фалокат, моҳият деганинг нимаси? – дебдилар.

– Мен ҳали бу воқеадан хулоса чиқарганим йўк? – дебди чол. Атрофдагилар буни тушунишмабди. «Дон»лар, «уруғ»лар, «личинка»лар тушунмабди.

Кейин билишса, от ўрмонга қочиб кетган экан. Бу от айғир бўлгани, отларнинг пошшоси, султони бўлгани учун, ёнига энг зўр, ўзига муносиб байталларнинг ўн иккитасини эргаштириб олиб келибди.

– Эй, сен асли тўғри айтган экансан. Биз ҳаммамиз нодон эканмиз. Биз сени тушунмаган эканмиз. Эҳ, аттанг! Сен асли ҳақиқий донишманд экансан! – дебдилар.

Чол бўлса яна:

– Тўхтанглар, бу воқеа ҳали тугамади. Буям бир кўриниш! Ҳозир бизга ёққани билан асл моҳиятини тушунмаяпмиз. Бу кейинроқ аён бўлади, – дебди.

Мўйсафидни яна тушунмабдилар:

– Илгари отинг битта бўлса, энди ўн учта бўлди. Буларнинг ҳар бирига бир сандиқдан жавоҳир олсанг, ўн уч сандиқ бўлади. Ана шу бойликлар кўзингни ёғ бостириб, боғлаб қўйибди. Миянг ишламаяпти, – деб чолни қойиб беришибди.

Мўйсафиднинг ёлғизгина ўғли бор экан. Ўша йигит ёввойи байталларни аста-секин одамга ўргата бошлабди. Бу отлар озод, асов экан. Йигит отлардан бирини миниб, қўлга ўргатаётганида қаршиликка учраб йиқилиб, оёғи синибди. Яна қишлоқдошлари:

– Эй, сен ҳақиқатан тўғри айтган экансан. Сенинг кўзингни ёғ босмаган экан, қайтанга олдинни кўра билган экансан. Бу от-

лар фалокат келтирди. Яккаю ёлғиз фарзандинг чўлоқ, ногирон бўлиб қолди, – дебдилар.

Чол бунга жавобан:

– Хулоса чиқаришга шошилманглар, буям ҳали ҳаммаси эмас. Сабр қилайлик, синган оёқ ҳам бир кун битар, – дебди. Яна ҳамма уни тушунмабди:

– Қанақа отасан? Сенинг юрагинг тош экан, яккаю ёлғиз фарзандинг, биттаю битта ўглинг йиқилиб, оёғини синдириб, ногирон бўлиб қолсаю, сен бўлсанг, бунинг ҳали моҳиятини билмаймиз, шошманглар дейсан-а, – деб қойиб кетибдилар.

Бироз вақтдан кейин ўша ерларда уруш бошланибди. Ҳамма соғ-саломат йигитларни урушга, жангга олиб кетишибди. Чолнинг ўғли оёғи синиб тўшакда ётиб қолгани сабаб уйида қолибди. Энди қишлоқдагилар яна йигитга ҳавас қила бошлашибди ва чолга:

– Эй, сен ҳақиқатан ҳам узокни кўра биладиган авлиё экансан! Қара, ўглинг чўлоқ бўлса ҳам тирик! Энди бизнинг фарзандларимиз урушдан тирик қайтадими-йўқми, буни Худо биледи. Уруш ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Ўрмонга ўт кетса ҳўлу куруқ бирдай ёнади. Сен ҳақиқий бахтли ота экансан, – дебдилар.

Муйсафид бўлса яна:

– Шошманглар, буям ҳали ҳаммаси эмас! Ҳали мен бу фарзандимдан эртага қандай яхшилик, меҳр-оқибат кўраман. Жамиятга қанақа фойдаси тегади, ҳали номаълум, – дебди.

Бу ривоятни кўп давом эттириш мумкин. Лекин ҳукм чиқаришга ошиқмаслик керак. «Уруғ»лар ўзининг хатосидан ҳам тўғри хулоса чиқара олмайди. Ҳаммаям тўғри хулоса чиқаришга кодир эмас. Чунки ҳар доим бир хил хатони такрорлайверишадди, моҳиятини кўролмайди. Моҳият ўзида турганини билмайди. Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади. «Уруғ»ларнинг умри доим ҳасса йўқотиш билан ўтиб кетади. Баъзан ҳаётда турли сабаблар билан ажралишлар бўлиб туради. Албатта, ўлим бундан мустасно. Кейин бахтли оила кураман деб, иккинчи марта оила куради. Хатодан тўғри хулоса чиқарганлари бахтли бўлиб кета-

ди. Баъзилари яна ажрашади. Энди иккинчи марта хато қияпти. Барибир ўшанданам тўғри хулоса чиқармаяпти. Чунки у ўзининг моҳиятини ўзгартирмади. Яна излаб-излаб, мингтанинг ичидан худди шундай одамни, ўзининг «тенги»ни, «муносиби»ни топиб учинчи марта турмуш қуради.

Бундайларнинг асл моҳияти — жанжал қилиш, жанжал қилишдан роҳатланиш бўлади. Бояги ўз-ўзини қийнаш (мазохист), бировни қийнаш (садомазахизм) уларнинг феъл-атворида бор. Лекин шунини ўзи тан олгиси келмайди. Бўлмаса яхши эркаклар камми? Аёлини гулдай қилиб, бошида кўтариб юрадиган эркаклар озми? Йўқ, уларнинг кўзи ундайларни кўрмайди! «Уруғ» фақат ўзига ўхшаган «уруғ»ни яхши танийди. Сабзи уруғи бошқа сабзи уруғларини мингта бегона уруғларнинг ичидан жуда тез таниб олади. Унга буғдой дони керакмас, маккажўхори дони ҳам керак эмас. Унга айнан ўзига ўхшаган «яхши» уруғ керак. «Қурт»лар ўзининг қилган хатосидан, «йўқотган ҳассаси»дан тўғри хулоса чиқариб, ўзгаришга ҳаракат қилади. «Капалак»лар эса нафақат ўзининг, бошқаларнинг ҳам хатосидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётини тўғри йўлга бошлаб кетаверади. У тўғри хулоса чиқариш учун хато қилиш керак эмаслигини англаб етган! «Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил» деган иборанинг моҳияти шунда. Бу иборани минг марта эшитган бўлса ҳам, асл маъзига етиб бормаган. Кечиримлилик шундай пайдо бўлади.

Агар буни биз пири комил сифатида яна таърифлайдиган бўлсак, асли юқоридаги ривоятдаги мўйсафид рамзида дунёни кенг англаш, уни яхлит, бутунроқ, тўлароқ қабул қилиш ҳақида гап кетяпти. Пири комил тимсолида донишмандлик очияпти. Унинг энг қимматбаҳо «от»и инсон бўляпти. Уни ҳеч қандай бойликка алмашиб бўлмайди. Чунки унинг қийматиға етадиган бойлик йўқ. Инсоннинг ички моҳияти унинг энг катта бебаҳо гавҳаридир. Подшолар отни сотиб оламиз деб келишди. Унинг отини ўзлариники қилиш учун пул таклиф қилишди. Аслида пири комилга келиб таълим олиб шогирд тушиш ўрнига, пул билан келишяпти. Яъни, мантиқан ва моддий жиҳатдан дунё-

ни бир тарафлама англашга уриниш, моддий бойликлар билан айирбошлашга уриниш бўляпти. Уни сотиб олиб бўлмаслигини тушунишмайди. «От ўрмонга қочиб кетибди» дейиляпти. У «капалак» бўлиб учди, ҳақиқатни англади, комилликка эришди. У ўрмонларда учиб, мазза қилиб чопиб юрди. Бу эса, у «капалак»ка айланди дегани. «Атрофида байталлар йиғилди» деяпти. Урғочи отлар – бу ташна қалб рамзи. Қалб моҳияти жиҳатидан аёл! Рух моҳияти жиҳатидан эркак! Яъни, ташна қалблар, очиқ юраклар, учишга тайёр қанотли мавжудотлар, атрофига шогирддар йиғилди, деган маънони англяпти.

Шогирд, издошлар унчалик ҳам кўп бўлмайди. Исо пайғамбарда ўн иккита, Муҳаммад с.а.в. пайғамбаримизда эса бор-йўғи тўртта, яъни чорёрлар. Нимага юзта ё мингта эмас? Чунки қалб кўзи очиқ ҳақиқий шогирддар бармоқ билан санарли бўлади. Айғир от шуларни эргаштириб келди деяпти. Бунини энди кўпчилик ҳар хил талқин қилади. Бири ўзининг мақсадида мурид қилиб олиши мумкин. Аммо асл мақсад бу эмас. Мўйсафиднинг биттаю битта ўғли шу байталларни аста-секин ҳаётга тайёрлай бошлады. Бу энди рух ишга тушди дегани. Рухият, маънавият, уларнинг ҳар бирини қалб даражасидан рух даражасига олиб чиқиш керак. Уни тайёрлаш керак. Шундагина қалб ҳам ривожланади, шаклланади, ўзгаради, моҳиятан рухдан пастроқда туради. У ҳали рухият даражасига чиқиши керак. Ҳақни англаш учун, ҳақиқатга етиш учун унга рух керак. Шундагина ҳар тарафлама етилган шогирд оиласига, қариндош-уруғига, Ватанига сидқидилдан хизмат қила оладиган даражага эришади. Битта кичкина ривоятдан шунча ибратли хулосалар чиқариш мумкин. Ҳар ким ўзига керагини олаверади.

Умар Хайёмни ўқиган «уруғ» моҳиятидаги одамлар, унинг ёзганларини бутунлай тескари талқин қилишган. Аёллар, қизлар, майхўрлик, кабоб, боғ, гуллар... бошдан охир маишат! Еб-ичиб, ўйнаб-кулиш ҳақида ёзган деб хулоса қилишади. «Капа-лак» одамлар эса Хайём нима демоқчилигини, ундаги рамзий образларни яхши тушунишади. Аёл тимсоли юқорида айтилганидек

қалбни англатади. Май дейилганда ҳақиқатга эришишга ёрдам берадиган илмлар назарда тутилади. Маст бўлиш – бу Оллоҳнинг ишқига эришиш. Муҳаббат деганда инсонга нисбатан эмас, балки Оллоҳга нисбатан илоҳий ишқ назарда тутиляпти. Кўза бу тафаккур, билимлар мажмуаси, пиёла эса англаш доираси. Буларнинг ҳаммаси код билан тасвирланган, яширин «капалак»ка айланиш формуласи.

Баъзилар Хайёмни ўқиб, рубойларига расмлар ишлашган. Бунда чиройли аёллар соқолли чолнинг тиззасига бош қўйиб ўтирганлари, бошқа бирлари эса май қуйиб узатаётганликлари тасвирланган. «Дон» одамлар шундай фикрлайдилар. Улар Хайёмни ўзлари кўра оладиган даражада тушунишяпти ва бу уларга маъқул. Нимага?! Чунки «май ичма» демаяпти, тақиқламаяпти. Маишат қилма демаяпти. Бунинг асл моҳиятини фақат комил инсонгина англаши мумкин. Агар Умар Хайём маънавий дастурхонини кодламасдан, шундайлигича очиб кўрсатганида, олам уни тушунмас эди.

Илоҳий муҳаббат нима ўзи? Дунёни яхлитлик билан англаш нимага керак? Уни тушунтириш учун Хайёмнинг умрига яна ўнта умр қўшиб бериш лозим бўларди. Чунки бунга инсон умри етмайди. Аммо Хайём уч босқичда турган одамларга қўлланма яратиб кетган. Шунинг учун у комил. Бутун дунё Умар Хайёмни қаттиқ ҳурмат қилишининг сабаби ҳам шу.

Энди кечиримлилик масаласига келсак. Кечирган киши енгил тортади. Қалбингиз кейинги ҳаётга янада кенгроқ очилади, яшашга кўркмайсиз. Битта хато қилганингиздан кейин тўғри хулоса чиқариб, яна бошқа бир кишини севишга кўнглингиз эшигини кўркмай очасиз. Эзгу ишлар қиласиз. Ҳаётга бола каби тайёр турасиз. «Биламан» нуқтаи назаридан эмас, бола каби «билмайман» нуқтаи назари билан дунёни танийсиз. Эътибор берган бўлсангиз, бола савол бериш манбаига айланиб қолган бўлади. «Бу нима?», «қандай қилиб?», «мана бу-чи?» деб арзимаган нарсаларни сурайверади. «Биламан» демаяпти у! Саволлари орқали дунёни англаб, нарсаларнинг фарқини аниқлаяпти.

Бўлмаса ҳар куни битта зинапоядан чиқиб тушса ҳам, барибир нималигини ҳар гал сўрайверади. Катта одамга айтсангиз кулади, «буни мен биламан, оддий зина» дейди. Зинадан фақат зина хулосасини чиқарган бўлди. Унинг моҳиятига ҳам кириб бормайди. Асли бу зинанинг ўзи ҳам ҳаққа эриштириши мумкин.

Тушунмайди. «Боғбон» десангиз, қўлида кетмони бор, тешаси бор одамни кўз олдига келтиради. «Ўқитувчи» десангиз муаллимни тасаввур қилади. Устоз десангиз, «Ким у устоз?» дейди. Пири комил, Уста десангиз, бирор касбнинг устасими ёки устаси фаранг киши бўлса керак деб тушунади.

«Боғбон» → «Капалак» → «Курт» → «Уруғ»

Кўпчилик «қалб устаси», «моҳият устаси», «инсон устаси» мавжуддигини билмайди. Шогирд десангиз ўқувчини кўз олди-га келтиради. Шогирд сўзининг рус ёки инглиз тилидаги таржимаси йўқ. «Препадователь, ученик» сўзлари устоз, шогирд сўзларининг айнан таржимаси эмас. Шарқда шогирд умуман бошқа тушунча, устоз бошқа, пири комил бошқа, донишманд тушунчаси бошқа. Ҳар бирининг орасида еру осмончалик фарқ бор. Буни улар тушунмайдилар. Уларда содиқлик эмас, яхшироқ шарт-шароит, хизматлар таклиф қилинганда бошқага сотилиб кетиш эҳтимоли кучлироқ бўлади. Унинг қаршисида ким турибди, ким билан гаплашяпти, Устози олам, Пири комил ўзи ким эканлиги билан иши йўқ. Ҳаётида шундай бир ноёб ҳодиса рўй берганига, унга шу «капалак»дан таълим олиб, «капалак»ка айланиш, комил инсон бўлиш имконияти берилганлигини англамайди.

Ундайларга қараб зора нафи тегса деган умидда, Сўфи Олло-
ёнинг куйидаги байтларини келтириш мумкин.

*Агарчи бўлсанг аҳли илму зухҳод,
Такаббур қилмагил – аслинг кил ёд.*

*Риёзат бирла ҳам очсанг кўзунгни,
Азозилдек улуг тутма ўзунгни.*

*Агар ернинг юзига айласанг даре,
Такаббур булмагил, бўлгил Хўдотарс.*

*Сани кирган йўлунг турфа узокдур,
Орада сони йўқ банду тузоқдур.*

*Теракким, ул кўтарди юқори бош,
Самарсиз бўлди – кўрдингму ани фош?!*

*Кичик билди ўзини ҳолини дур,
Баҳосидур харидор олдида пур.*

*Белингни боғлагил хизматга чун най,
Шакар тўлдирса, шояд, қалбингга ҳайй.*

«Дон» эмаклашни ҳам билмайди, «парвоз»ни-ку умуман ту-
шунмайди. Унинг учун парвоз хавфли! «Шамол» олиб кетиши
мумкин. Пири комил ана ўша чала «уруғ»ниям кечирган. Сиз ҳам
кечиришни ўрганинг.

АМАЛГА ОШМАЙДИГАН ИШ

Қандайдир иш бошламоқчи бўлиб, кимгадир режаларимни
айтсам, шу иш амалга ошмай қолади.

Бу гапда ҳам жон бор. Сиз қилмоқчи бўлган ишни айтмаган
пайтингизда, шу ишни ҳақиқатан ҳам амалга оширишга тайёр
бўлган бўласиз. Шу ишни амалга ошириш сиз учун айтишдан
ҳам муҳим бўлиб туради.

Айтган пайтингизда онг шу ишни маълум фоиз бўлгандай, бажарилгандай қабул қилади. Шу нарса «амалга ошиб бўлди» деб қабул қилади. Мен ундай қиламан, бундай қиламан, десангиз ёмон эмас, лекин сирингизни ҳаммага очмаганингиз маъкул. Сиздаги интилиш, бир ишни яширин амалга ошириб, одамларни яхши томонлама лол қолдириш, хурсанд қилиш, хайрон қолдириш «таъм»и кетади. Биринчи навбатда, бу албатта ўзингизга боғлиқ, одамларга ҳам боғлиқ. Одамларнинг «ҳа» ёки «йўқ» жавоби дастлаб унчалик муҳимга ўхшамайди. Лекин бу аҳамиятли. Улар учун эмас, сиз учун муҳим. Шунинг учун сир сақлаган яхши. Биринчидан, амалга ошмай қолса шарманда бўлмайсиз, иккинчидан сизда доим интилиш бўлиб туради. Бу варианти бўлмаса, кейин бошқа вариантга ўтиб, йўналтириб юбораверасиз. Чунки сиз ўзингизга ғойибдан келган илмни ҳаммага ошкор қилиб қўйдингиз. Ўша йўлни улар ҳам англаб етди, энди бошқа йўллар ёпилиб қолиши мумкин. Буни ўзингизда синаб кўришингиз мумкин. Йўналишни айтсангиз бўлади. Аммо жуда аниқ шаклда эмас. «Бир яхши иш бошляпман, худо хоҳласа, амалга ошиб қолса, сизларга батафсил айтиб бераман», деб қўяверинг. Бу яхши. Масалан, дўстингизми ёки умр йўлдршингизми «Сизга жуда бир ажойиб таом тайёрляпман» деса, «Нима овқат экан?» деб сўрайсиз. «Пишганида биласиз» деса, ўзингиз ҳам қизиқиб қоласиз. Шунга ўхшаб, ўйлаган ишингиз то амалга ошмагунча, бошқаларга айтмаган маъкул. Бу масаланинг бир тарафи. Энг муҳими, иш бошлашдан олдин, шу йўналиш мутахассисларининг қимматли маслаҳатини олинг. «Шу ишни қандай қилиб амалга оширса бўларкин?» деб қўйсангиз, ўзлари йўл-йўриғини тушунтириб беришади. Ҳамма соҳани мукамал билишнинг иложи йўқ. Бироқ сизда ўша соҳа мутахассисларидан доим маслаҳат сўраш имкони бор. Шунга эътиборли бўлинг! Ишингиз амалга ошгач, аввало ўзингизни, қолаверса яқинларингизни табриклаб, сийлаб қўйиш эсингиздан чиқмасин.

Моддий ва маънавий рағбатлантириш келажакда қўйилажак юксак мақсадларнинг янада жадалроқ амалга ошишини таъминлайди.

ТУШ ҲАҚИДА

Тушлар турлича фарқланади. Тушда аён бўладиган нарсалар бор. Масалан, шон-шуҳратингиз, мавқеингиз кўтарилиши ёки тушиши рамзий маънода аён бўлиши мумкин. Тушда каравотдан ёки зинадан тушиш, кўтарилиш шу нарсаларни билдиради. Масалан, мол-давлатнинг келиши ёки кетиши, шулар аён бўлиши мумкин. Бу энди оддий тушлардан фарқ қилади. Бундай тушни кўриб уйғонганингизда жуда сергак бўлиб қоласиз. Унча-мунчага эсингиздан чиқмайди. Ана шу тушлар сизга нима бўлишини, сизнинг миянгиз, тафаккурингиз ухлаётган жараёнда, қандайдир ўзгарган ҳолатда ҳалиги тушингизнинг ечими ҳаёлингизга келиб, бояги кўп нарсалар аён бўлади. Чунки бу пайтда мия ўйлашдан озгинагина бўлса ҳам тўхтаган ёки секинлашган бўлади.

Менделеев ҳам ўзининг дунёга машҳур «Элементларнинг даврий жадвали»ни тушида кўрган. Тушида кўриб, кейин уни ҳаётда амалга оширган. Бу олтинчи ҳис-туйғу. Кундалик кўрадиган тушларингиз хотиралар, ҳар хил ҳолатларга боғлиқ. Кунингиз хушчақчақ бўлиб ўтса, ухлаганингизда яхши тушлар кўрасиз. Кўрқинчли киноларни кўриб ухлаганда эса ваҳимали нарсаларни кўриш мумкин. Бу нарса миянинг аста ишлаб, куни бўйи кўрганларини ҳазм қилаётгани бўлади. Шунинг учун буни ажрата билиш керак.

МАЪЛУМОТ ҚАБУЛ ҚИЛАЁТГАНДА УНИ ҚАНДАЙ ТИНГЛАШ АҲАМИЯТЛИМИ?

Албатта, ҳамма нарсанинг аҳамияти бор. Масалан, киши кимнидир тинглаётганида оёқ-қўлларини бир-бирига чалиштириб ўтирса, бу шу одамнинг маълум бир жиҳатлари ҳали ёпиқ эканлигини билдиради. Ўзи билмаган ҳолда ўзини нимадандир онг остида ҳимоя қиляпти.

Тана ҳаракатлари тили деган йўналиш бор. Русчасига «Язык телодвижения» дейилади. «Язык телодвижения» китоби муал-

лифи Аллан Пиз кўп фойдали нарсалар тўғрисида ёзган. Ҳар бир ҳаракат аҳамиятга эга. Масалан, эркаларнинг бўйинбоғини ҳар замонда тўғрилаб қўйиши, аёлларнинг вақти-вақти билан сочларини тўғрилаб қўйиши қарама-қарши жинс вакилларига ёкиш учун қилинган ҳаракатдир. У эрканинг ёши хоҳ тўқсонга кирган бўлсин, ё юзгами аҳамияти йўқ. Қаеридадир «у ёқ-бу ёғимни тўғрилаб қўяй, яхши кўриная» деган маъно ётибди. Мисол учун, сиз ким биландир шартнома имзоламоқчисиз ёки бир иш бошламоқчисиз. Шу ишингизнинг битиши ўша одамларга қайси жихатдан боғлиқ, дейлик ва уларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам қараб, сизга бўлган муносабатини билиб олишингиз мумкин. Бунда ҳолатни адаштириб қўймаслик керак. Дейлик, у одам об-ҳаво туфайли шундай қилаётгандир. Унинг ўзини тутиши сизга ўша одам ҳақида умумий тушунча беради. Энг асосийси, инсон ёлғон гапираётганида, кўзини олиб қочади. Масалан, табибнинг олдига бир бемор келди. Агар у ўладиган касал бўлса, қандай қилиб «сен ўласан» деб айтади. «Тузалишингизга ишониб ҳаракат қилинг, яхши бўлиб кетасиз» дейиш керак. Балки ростдан ҳам тузалиб кетар. Ёлғон ишлатишга тўғри келиб қолса ҳам, инсон руҳиятини туширмаслик, хаста инсоннинг умидини сўндирмаслик учун шундай қилиш керак. Шундай пайтларда ёлғон ишлатса бўлади. Қалби тоза, пок инсон бўлсангиз яхши одамларни ажрата биласиз. Ёлғон гапираётганида нима қилади, қулоғини нимага ушляпти, бурнини нимага қашияпти, пешонасини нимага ишқаб қўйяпти ва ҳоказолар. Ҳаммасининг маъноси бор. Буни зеҳн билан кузатиб турсангиз тезда ўрганиб olasиз. Бу қийин эмас. Масалан, тавозе қилишлар ёки «мавқеим сеникидан баланд» Деган маънодаги хатти-ҳаракатлар (қўлини белига Қўйиб, иягини баланд кўтариш каби). Бу ўша одамнинг димоғдорлигини билдиради.

Диққатлиликни билдирувчи ҳаракатлар ҳам бор. Кўрсаткич бармоғини чаккасига, бош бармоғини эса иягининг остига тираб, сизнинг гапингизга диққат билан қулоқ солади. Оёқ-қўлларини чалиштириб ўтириши «ёпиқлик»ни билдиради. Бунда одам

ёпилди, ишонмаяпти, охиригача ишонмаяпти дегани. Аммо аёлларнинг оёқларини чалиштириб ўтириши чирой учун бўлади. Ўзини, «аёллик моҳиятини» кўрсатиш учун қадди-қомати, оёқларини намойиш қилаётган бўлиши мумкин. Туфлисини осилтириб, у ёққа-бу ёққа тебратиб ўтириши, ўша аёлнинг ўзи суҳбатлашаётган эркакка оз-моз мойиллиги борлигини билдиради. Ручкани ушлаб, силаб, ўзи билмаган ҳолда қопқоғини кийдириб-очавериши ҳам шунга яқин маънони беради. Эркак кишиларда бўладиган маълум ҳаракатлар, масалан, аёлларни кўрса лабини ялайвериши ҳам ўзга жинс вакилларига нисбатан кучли ҳис-ҳаяжонни ифодалайди. Ҳар бир одам бошқа бир одамнинг эмоционал ҳолатини ўқиши мумкин, аммо фикрини ўқий олмайди. Уни ўша фикрлаётган одамнинг ўзи ҳам ажратолмайди. Чунки фикрлар гуж-гуж бўлиб келиб, арилар уясидан бирданига «виз» этиб учиб чиққандай айланиб юраверади. Лекин яхшилаб эътибор берсангиз кайфиятни, эмоционал ҳолатини бемалол ўқий оласиз. Жаҳли чиққанини, хурсанд бўлиб турганини, ҳайратланганини, эҳтиросни ҳам биласиз. Бу жуда оддий. Ғазабини ёки ҳеч қандай қизиқиши йўқлигини, лоқайддигиниям биласиз. Бу сизга ҳам ёрдам беради. Гаплашаётганда бари-бир вербал, новербал ҳаракатлар орқали онг остида умумий бир тушунча кетади. Қарор қабул қилишда шулар таъсир қилади. Масалан, иш бўйича музокараларга одам яхши кийиниб, тайёрланиб, тетик бўлиб боради. Агар шалпайиб, ҳомуза тортиб ўтирса, бу уят! Куйиб-пишиб мавзуни давом эттираётган минбардаги нотикқа бу ёмон таъсир қилиши мумкин.

Ана шу ҳаракатлар сизга одамнинг моҳиятини, ҳеч бўлмаса ўша вақт, ўша жойдаги ҳолатини, муносабатини аниқлашингизга ёрдам беради. Бунинг тагида жуда катта моҳият ётибди, шундан тўғри фойдалана билиш зарур. Кейин бора-бора ҳар бир одам сиз учун очиқ китобга ўхшаб қолади. Булар асос, вақт ўтгани сари тажрибангиз ошиб боради. Масалан, одамнинг яхши бўлиши ёмон эмас, ёмон бўлиши ҳам ёмон дегани эмас. Сизга қайси вазиятда, қайси жойда, иккалангизга фойдаси тегиши мумкин де-

ган нарсани хулоса қилиш учун энди бештадан ташқари навбатдаги туйғуни ишлатасиз. У тўғридан-тўғри тарзда ишлаб сизга қўмаклашади. Ичкаридан «тўғри» ёки «нотўғри» деб маслаҳат бериб туришади. Тўғри қарор қабул қилишда ҳамма нарса муҳим. Мисол учун, инсоннинг ўзида табиий нуқсони бўлиши мумкин. Агарда кўзи ғилай бўлса, сиз уни кўзини олиб қочяпти деб ўйлолмайсиз. Сизни кўриш учун у шундай қарашга мажбур (кўз кири билан кўради ёки кўзларининг биттаси бу ёққа, иккинчиси у ёққа қарашиям мумкин). Алдаяпти дея олмайсиз. У киши инсон сифатида тўғри одам. Фақат кўзлари ўзи шундай. Демак, вазиятни тўғри баҳолай олиш керак.

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ

Энг катта хато бу ҳаддан зиёд керак ёки керак эмас пайтдаям уялаверишдир. Хоҳлаган «тепалик»ка, хоҳлаган «юкорилик»ка тасаввур билан, ҳаракатингиз билан чиқиш керак. Бизнес жаноб (бизнесмен), бизнесхоним (бизнеследи), хоҳлаган нарсангизни ўзингизга тасаввур қилиб, кўтарилаверинг. Масалан, ижод ва муҳаббат қасри Тоҷмаҳални тасаввур қилиш мумкин. Ана шу сиз чиққан поғона бўлади.

Маънавий юксалиш бўлади. Бунда ўзингиздаги тортинчоқликдан воз кечинг. Чунки бу «стул»га сиз фақатгина мансаб учун эмас, ҳолат учун чиқдингиз. Яшашга, комил инсон бўлишга лойиқлигингизни ўзингизга исботлаш учун чиқдингиз. Ҳар қандай одам тахт ясаб, ўтириб олиши мумкин. Лекин бу сиз-га мансаб жиҳатидан пошшоликни бермайди. Ҳеч бўлмаса ўз уйингизда пошшо бўлишингиз мумкин. Асосийси, вужудингизни эмас, қалбингизни, руҳингизни комил инсон «тахти»га ўтказинг! Бу сизга керакли ҳолат, керакли кайфиятни беради. Ўшандагина тўғри, шу ҳолатга мос фикрлар, мос ҳаракатлар, гаплар, интилишлар келиб чиқади. Буни маънавий юксалишнинг бошланиши дейишади. Кейинчалик, моддий тарафингиз ҳам шунга яраша мустаҳкамланиб бораверади.

Ишонч

Ишонч деган тушунча ва ишониш туйғуси бор. Ишонч бу ўша пайтда, ўша даврда ишониб бўлинганликни билдиради. Ишониш эса бу давом этаётган ҳодиса. Худонинг борлигига ишониб борамиз. Давомли ишониш асносида «мутлақ ишонч» юзага келади.

Ишониш бу ишончдан ҳам юқори туйғу. Бу шундай эканлигига иймонингиз комил эканлигини таъкиддаш билан янада мустаҳкамланади. Мисол учун, бирорта кўзингизга кўриниб турган нарсага, масалан, гулларнинг бор эканлигига ишониш керакми? Буни сўрашнинг нима кераги бор? Ана кўриниб турибди, бор-ку! Энди эса бўлаётган ҳодисага нисбатан, Оллоҳга, маънавиятга, интуицияга, олтинчи туйғунинг борлигига сизда ишонч бўлса, демак кўрмасангиз ҳам борлигига ишонасиз.

Тўғрироғи, қалб кўзи билан кўрасиз. Икки кўзимиз буни кўрсатмаслиги мумкин, аммо қалб кўзи кўрсатади. Кейин сизда ундан ҳам юқори ҳолат келади, шундай эканлигини билиш ҳолати! Билган одамга ишониб ўтиришнинг кераги йўқ. Пири комиллар Оллоҳ бор эканлигини биладилар. Ишониб ўтирмайди улар, ишониш босқичидан ўтиб кетишган. Ишониш туйғуси «личинка»ларга, «қурт»ларга керак. Муҳаммад пайғамбаримиз ишониш ва ишонч ҳақида шундай деганлар: «Сизлардан ҳам азиз менинг умматларим келади. Сизлар менинг ёнимда юрибсиз, сизлар менинг юриш-туришимни кўряпсизлар, менга Қуръони каримнинг нозил бўлганини биласизлар, шунинг учун сизларнинг Худо борлигига ишонишинглар ҳам осон, иймон келтиришларингиз ҳам осон. Мен қилаётган мўъжизаларни кўриб турибсизлар, бунинг гувоҳи бўляпсизлар. Албатта, сизларга осон бўлади. Лекин шундай умматларим келадики, нафақат мени, сизларниям кўрмайди, мўъжизаларимниям кўрмаган, гапларимни эшитмаган, фақат ўқиган ва иймон келтирган. Шунинг учун мен уларни сизлардан юқори кўяман» деганлар. Бу гапнинг тагида кучли маъно бор. Уларда билиш бор. Шунинг учун мана бу столни ишлаб чиқарган заводнинг борлигига ишонади. Столни билади,

демак бун ишлаб чиқарган эгаси бор деяпти. Лекин авлиё ва пайгамбарларни кўрмай туриб, ишониш, билиш бу жуда қийин. Бун қалб кўзи билан кўрса бўлади.

Ишонч, ишониш, билиш! Бу – рух чиқарган Қарор. Масалан, маълум бир масофадан бошқа бир масофагача сизнинг мақсадингиз турибди. Шун амалга оширишингиз керак. Сиз ҳаракатни бошладингиз. Билимингиз бор. Ҳаракат қияпсиз, Қийинчиликларга дуч келяпсиз, унга боряпсиз, бунга келяпсиз. Ёки битта-яримта ишингиз битмаяпти, ҳужжат тўғрилаш керак. Баъзи бир тўсиқлар бўлиши мумкин. Ҳозир сизга шундай пайт келди. Ўша сизда бор ишончга яраша ҳаракат қилиб бўлдингиз. Сизнинг «ёқилғи»нгиз тугади. Шу бўладиган ҳодисага нисбатан интуиция нимага керак? Интуиция мана шуларни тез амалга ошириш учун керак. Амалга оширишингиз учун ишончни кучайтиришингиз керак. Нафақат ишончни кучайтиришингиз керак, балки уни кучайтириб-кучайтириб, худди чакмоқдан олов ҳосил бўлгандай «билиш»га ўтасиз. Шундай бўлиши кераклигини таъкидданг! Шундай бўлади! «Мен хоҳлаяпман, худо хоҳласа бўлади» дейиш керак. Ҳар гал олдиға мақсад қўйганда шундай қилиш керак бўлади. Одамлар нима қилади? Ўрнидан туриб юзини ювади-да, қалб, рух кучларидан беҳабар бўлгани ҳолда янги кунни бошлайди. Эшитган бўлсаям, бунга унча эътибор бермайди. Бир ишга ҳафсаласиз уриниб кўради. Ўхшатолмаса, бошқасига ўтиб кетади. Уям бўлмаса яна бошқасига. Шу шаклда лабиринтга ўхшаб айланиб юраверади. Ёриб кириш йўқ! Буниям иккита томони бор. Худди таёкнинг икки учи бўлганидай, нотўғри кетиб қолиб, деворни ёриб чиқаман деб, каллани уравергандан кўра бошқа йўлдан кетган ҳам маъқул. Ёки бир очиқ эшик бўлса, айланиб ўтган ҳам маъқул. Бу ҳам эсингизда турсин! Ҳеч замонда ёғоч рандалайдиган асбобда темир арралай олмайсиз. Ҳамма нарсани ўз жойида ишлатган маъқул.

Тафаккур, қалб, вужудни очиш керак. Ирода, ирода кучи, қатъиятлилиқ, ишонч, билиш! Шундай бўлишлигини билиш бу ишонишданам юқори босқичдир. Пири комилларда билиш ҳолати бор.

Шунинг учун уларга исботнинг ҳам кераги йўқ. Одамлар ташқи дунёсига кўпроқ эътибор бериб юборган пайтда, динлар аста-секин «ўла» бошлайди. Ана шунда пири комиллар уларни тирилтириб туради. Жон бериб туради. Демак, аввало ишончининг моҳиятини яхшилаб англаб олиш керак. фақат бош билан эмас, юрак билан, қалб билан англаш ҳам керак. Тушуниш керак, билиш керак! Рангларни бешта ҳис-туйғу билан, оқ-қорани, қизилни, сариқни, ширин-аччиқни, нордонни кодлаганингиз сингари олтинчи туйғу билан ҳам кодлайсиз. Кодлай бошлаганингиздан кейин янаям ишончингиз кучайиб, билиш даражасига ўтади. Усталар билади, шунинг учун ўзига бир ҳафта ёки бир йиллик олдинги режани тузаверади. Ажалини бир байрамдай кутиб олади. Агар ўлим бўлмаганида эди, инсониятга ҳаётнинг умуман қизиғи қолмаган бўларди. Бу дунёда умрбоқий бўлиб юришдан худо асрасин. Оллоҳ ҳамма нарсани ўткинчи қилиб қўйган. Бу дунё – синов! Туғилиш, гўдаклик, болалик, ёшлик, навқиронлик, ўрта ёш, кексалик – ҳаммасини кўриб чиқасан. Битта босқичда қолиб кетмадинг. Ҳаммасини кўрдинг, унияма кўрдинг, бунияма кўрдинг, аччиқнияма, нордоннияма, яхшинияма, ёмоннияма, иссиқнияма, совуқнияма, оқнияма, қоранияма.

Масалан, сиз мактабни тугатгач, охирги қўнғироқ чалинса-да, «яна ўқигим келяпти» деб қайтадан биринчи синфга бора олмайсиз. Туғилиш ва ўлим ҳам худди шундай нарсаси. Уни муносиб кутиб олиш керак. То ўлим бизга яқин келмагунича, яхши амалларни қилиб қолишга улгуришимиз керак. Санкт-Петербурглик Алексей Марченконинг ажойиб бир гапи бор эди:

«Фараз қилинг, дунё, яъни ер юзи мисли футбол майдони. Иккита команда жаҳон биринчилиги учун ўйнаяпти. Сиз «Шуям ўйинми, мана мен ўйнаганимда эди, ҳаммаси бошқача бўларди» деб томоша қилаётган томошабинсиз. Бу биринчи кўриниш, моҳиятан «уруғ»ларнинг фикри. «Қурт» кўринишида эса сиз ўйин майдони ичидасиз, лекин бор маҳоратингизни ишга солиб жонжаҳдингиз билан берилиб ўйнамаяпсиз. Сизни томошабинлар қанчалик қўллаб-қувватламасин, барибир ютқазиб қўйдингиз.

Чунки сизда «ҳали кўп ўйинлар бўлади, бунисида бўлмаса кейингисида ютарман» деган фикр мавжуд. Умр қисқа, ўтган вақт эса қайтиб келмайди. Олий ҳакам «чур» этиб хуштагини чалиб, «марҳамат, фалончи рақамли ўйинчи, ўйингоҳни бўшатиш» деганида эса доводи раб қоласиз. Бўлди, вақт тугади. Ўлим келди...»

Тўқсон етти фоиз одам шундай яшайпти. «Ҳали олдинда қирк йил, эллик йил бор-ку!» дейди. Вақт кетяпти, аста-аста...

ТУҒИЛИШ ЎЛИМГА ЯРАТИЛГАН ИМКОДИР

Туғилиш сизнинг қанчадир вақтдан кейин ўлишингизни билдиради. Чақалоқ туғилди, ҳаёт бошлади. Ўтаётган сониялар борган сари ўлимга яқинлаштиради. Шу сабаб, бу ҳаётда яхши ўйинчи бўлиш керак. Дунёни айланиш, бошқа жойларни кўриш керак. Одамзот умрида ҳеч бўлмаса бир марта уммонни кўриши керак, денгизни кўриш керак, чангалзорни кўриш керак. Ахир ҳаётга бир марта келамиз. Пайти келганидан кейин ҳеч ким сиздан сўраб ўтирмайди! «Сиз розимисиз ўлимингизга?» дейилмайди. Бўлди, хуштак чалинди, ўлим фариштаси жон олишга келди. «Эҳ аттанг, бунини олдинроқ билганимда эди, одамларнинг энг ярамасини ҳам пешонасидан ўпиб, айланай ўзим сиздан, деб кетардим!» дейди. Ота-она, ака-ука, опа-сингил, кўни-қўшниларибга яхши муомалада бўлган бўлардим. Ватанибга шундай хизмат қилардимки, ҳаммани қойил қилардим.

Ҳаммамиз ҳам ўламиз! Ўлмайдиган одам йўқ. Шоҳ ҳам, гадо ҳам ўлади. Қачонки, ўзингиз «капалак»ка айлангандан сўнг, парвоз қилгандан кейингина армон қолмайди. Озод бўлиб, парвоз қилиб бутун дунёни кўряпсиз, англаяпсиз. Маънавиятнинг, моддийликнинг, оиланинг эсингиздан чиқармай, ҳавас қиладиган даражада яшаб ўтсангиз, сизга ўлим фариштаси келадими, бошқаси келадими, «Яшадим» деб бемалол айта оласиз.

Одам спорт билан шуғулланганидан кейин бир терлаб, чўмилиб чиққач, танаси яйраб кетади. Эрталаб югуриб, машқ бажарсангиз ўзингизни енгил ҳис қиласиз. Кўпчиликка ўлимдан

гап очсанг, кўзларини мошдай очиб қўяди. «Вой, ўламизми? Буни эшитгандим, лекин тасаввур қилмаган эканман. Яхши айтдингиз, ҳақиқатан вақти келганида жонимизни оддий сабаб билан олиб кетаверади».

Шунинг учун бир хил манбаларда ўлим фариштасини қўлида ўроғи билан чизиб тасвирланган бўлади. Чунки у битта жонни эмас, бир йўла мингта, миллионта жонниям олиб кетиши мумкин. Унга бу иш ҳеч нарсамас. Бу реал нарса! Жисмоний ўлимгаям ишониш керак. Бугун, эртага, ўн йилдан кейин ё эллик йилдан кейинми, қачон бўлсаям келади. Юрак уришдан тўхтайди, майдондан чиқ, дейди. Бу жойни бўшат! Бошқалар келяпти, улар ҳам ўйнаши керак дейишади. Сўнгги пушаймон ўзингга душман бўлади. Ана шуни эсдан чиқармасангиз, сизнинг тетиклигингиз, фаоллигингиз доим юқори бўлади.

«Ўлимни ҳеч бўлмаса, бир кунда уч марта эсингга ол» дейилганининг маъноси асли шу. Бу «барибир ўламиз эканда, мен нима қиламан» деган маънода айтилаётгани йўқ. «Ҳаётнинг қадрига ет» деган маънони билдиради. Борлигингга, яшаётганингга шукур қил дегани. Юзингга ажин туширяпти. Бошқа маънода эса фақат юзингдаги ажинларни санайвермай инсондек яша деяпти. Одамлар қойил қолсин, барчага ўрناк бўл деяпти. Ҳаётнинг ўзи парвоз қилишга чорлаяпти. Умрингни беҳудага, бўлар-бўлмасга сарфлама, арзимаган мол-дунёингга боғланиб қолма! Уйингдаги икки метр шкафинг ҳаётингнинг қувончига, темир машинанг ҳаётингнинг асосий мақсадига айланиб қолмасин! Улов узокни яқин қилувчи транспорт воситаси, холос. Гувалакданми, ғиштданми, бетонданми курган уйингга, кулбангга, боғланиб қолма! Ҳаммаси эллик йил, ё бўлмаса юз, икки юз, беш юз йилдан кейин тупроққа айланиб кетади, кўзингни оч деяпти. Дунёдаги манаман деган энг баланд осмонўпар бинолар, Эйфель минораси, Миср эҳромлари ҳам, дунёдаги жамики нарсалар бир кунмас бир кун занглаб, чириб тупроққа айланиб кетади. Аммо инсон иморату иншоотларни яна янгидан бунёд қилаверади.

Ўлим ҳақ деяпти. Кўзингни оч деяпти. Ҳаёт майдонида яхши ўйинчи бўл деяпти. Хурсанд бўлиб юр, жанжалдан йироқ бўл дейиляпти. Доим ўзингни ҳақман деб ўйлаб, бошқаларни ёмонга чиқариш тўғри эмаслигини уқтирмоқчи. Кўнгилдан ҳасадни аритиб, аҳилликни ўргатяпти. Кишига бундан ортиқ яна нима керак!? Томошабин бўлгандан кўра, ўйинчи бўлганингиз яхши. Аммо моҳиятини тушуниб ўйнаш керак. Ўйин бўлаётганини ҳали тушуниб етмаган бўлсангиз, тўп келиб пешонангизга «пақ» этиб тегади. Майдон ичида эканлигингни англашинг лозим. Қалбинг мудрамасин! Завқи ичига сиғмай ўйнаётганлар каби яша. Улар билан бўл, орасида ўйна, ўзиб кет!

Ўзи кавлаб, ўзи тепкилаб кўмаётганлар ҳам шунинг маъноси-ни англамайди. Бир кадрдонини тупроққа кўмиб туриб ҳам, «мен ҳали ўлмайман, эндигина йигирмага, ўттизга, қиркка... саксонга кирган бўлсам, бунга ҳали анча бор» деган хаёлга боради. Вақти келганида сўрамай олиб кетишини тасаввур ҳам қилолмайди.

Ўлимни бир кунда уч марта ёдга олишнинг асл моҳияти шу. Яшаб қол деяпти, бировларнинг фикрига боғланиб қолма. Ҳамма хўмрайиб юрса, сенам шундай қилишинг керак дегани эмас. Чунки инсон ниҳоятда оддий кўринса-да, аслида мураккаб яратилган. Беш кунлик дунёда бола-чақангиз билан яйраб, ўйнаб-кулиб, чиройли яшанг! Ҳаёт яшаш учун берилган, ўзингизни ё бошқаларни қийнаш учун эмас. Азоб тортиш учун ҳам берилмаган. Ҳадиси шарифларда оилангда ҳам, кўча-кўйда ҳам тўғри бўл, бировни алдама, бошқанинг ҳақини ема, зино қилма, худо берган жонига қасд қилма дейилади. Қон-қариндош, кўни-қўшни билан яхши бўлиш кераклиги уқтирилади. Ўғирлик ва бошқа жиноятлардан йироқ туриш кераклиги ҳақида гап кетади. Савдосотик қилибми ёки бирон бир ҳалол иш қилиб, бола-чақангни боқ дейилади. Даромадни қандай қилиш, қайси ишда барака борлиги ҳам айтиб берилади. Савдода, чорвада, паррандачиликда, деҳқончиликда барака бор дейилади.

Бу илмлар асли харита, йўлчи юлдуз. Сиз бунинг моҳиятига етсангиз бўлди.

ФАРЗАНДАР ТАРБИЯСИ

Фарзанд тарбияси ҳамма даврлардаям осон бўлмаган. Лекин у жуда зарур муҳим ва эътиборли жиҳат. Дунёга келишдан мақсад – ҳаёт ўйингоҳида ўзимиздан кейин янги ўйинчиларни қолдириб кетиш. Шундай ажойиб ўйингоҳни ўйинчиларсиз қолдириб кетиш ўтакетган нодонлик бўларди. Шу сабаб болаларни «ўйин»га яхши тайёрлаш керак. Фарзанд туғилганида ҳали ўзини англамаган бўлади. Унинг онги секин шаклланади. Ҳозирча унинг «мен»и шаклланмади. Кейинчалик улар тилга киради. Тилга киргач, гапиришни бошлайди. Сўнг сизни рад қилиш феъл-атвори шаклланади. «Болам, мана бун қил» десангиз, «йўқ» деган жавоб оласиз. Шу пайтдан бошлаб, эго пайдо бўла бошлайди. Чунки у ўзини шахс сифатида англапти. Бу «Нимага энди доим сизнинг айтганингиз бўлавериши керак? Мен мана бундай бўлишини хоҳлайман» деганидир. Ана шу «йўқ» сўзини вақтида бола қанча кўп айтса, шунча яхши. Уни зинҳор-базинҳор уриб, доимий «ҳа» дейдиган қилиб қўймаслик керак. Қул қилиб қўясиз. «Дон» қилиб қўясиз. Бола қанчалик кўп эътироз билдирса, шунча яхши.

Масаланинг яна бошқа бир томони ҳам борки, бу нотўғри оқибатга ҳам олиб келиши мумкин. Демак, олтин ораликни топиш керак экан. Дангасалик бу усулда тарбиялашга дарров қарши чиқади. Чунки билганини қиладиган бола ҳеч бўлмаса беш ёшгача ота-онасига жисмоний «ноқулайликлар» туғдиради. Бу даврда боланинг орқасидан кўп чопиш керак бўлади. «Болалик – пошшолик» деб бежиз айтилмайди. Бола пошшодай эркин бўлмоғи даркор. Бу даврда боланинг характери, феъл-атвори шаклланаётган бўлади. Асосан, феъл-атворнинг етакчилиқ, лидерлик ва ижодий қирралари шаклланаётган давр бўлади. Шунинг учун болага иложи борица эркинлик бериш керак. Албатта, хавфхатардан ҳимоя қилган ҳолда. Ота-оналарга доимий чопачопдан кўра, бошқа бир тарбия усули, яъни тақиклаш, «жим ўтир» деб уришиб бериш осонроқ. Баъзи ота-оналарнинг болалар тарбиясида ўта қаттиққўллигининг сабаби ҳам шу. Кейин етти ёшгача

вазир каби муносабатда бўласиз. Вазир ҳам чакана одам эмас. Унга буйруқ бериш керак эмас. Вазир у! Эҳтиёт бўлиб муносабатда бўласиз. Пошшолик давридаги ширин, эркин муомаладан вазирлик муносабатига ўтиш, бу мансабнинг бир поғона пасайиши эмас, тарбиянинг, муносабатнинг кейинги босқичга ўтганини билдиради. Бу босқичда болага айрим тақиқлар ҳам мавжудлигини уларга ўз тилларида тушунтириш лозим.

Ўн ёшдан кейин фарзандингизга «дўст» бўлинг деяпмиз. Бу дўстлик даврига ўтиш пайти келди дегани. Яъни, «вазир»га бўлган муносабатдан «дўст»га бўлган муносабатга ўтиш керак. «Ота-она фарзанди билан то умрининг охиригача дўст бўлиб қолса яхши эмасми?» деган табиий савол туғилиши мумкин. Дўст ҳам кўп бўлмайди. Ҳақиқий, ишончли дўст санокли бўлади. Эътибор беринг, подшо битта, вазирлар камида икки ёки ундан кўп. Дўстлар унданам кўп бўлиши мумкин. Ота битта-ю, она битта, Ватан ягона бўлади.

Нима кўпайса, унинг қадри туша бошлайди. Агар сизнинг бирор нарсангиз иккита ё кўпроқ бўлса, сизда биттасини бировга ҳадя қилиш ёки сотиш имконияти мавжуд. Ота-оналар фарзандлари билан то умрларининг охиригача дўст бўлиб қололмаслигининг сабаби шу. Дўстона муносабатда бўлишни ҳамма хоҳлайди. Аммо тарбия мураккаб жараён бўлгани сабабли бу ҳамишам ўзини оклайвермайди.

Баъзилар иложсиз қолиб, баъзилар қулай имконият туғилганида, баъзилар эса арзимаган сариқ чақага дўстини сотади. Бошқаларининг дўстини сотиш-сотмаслиги нима таклиф қилишларига боғлиқ. Кимлардир дўстини ҳеч бир бойликка, ман-фаатга алишмайди. Афсуски, бундай мардлар жуда кам. Ота-она, Ватан сотилмайди! У бебаҳо. Унинг қиймати йўқ!

Дўстликдан бегонага бўлган муносабатга ўтиш дедик. Ана шу йўл билан болани ҳаётга тайёрлаймиз. Агар шу босқичга секин ўтилмаса, бола эрка бўлиб қолади. Ўзи аслида эркинлик инсон учун зарурий неъмат. Оллоҳдан бошқаси инсоннинг эркини чеклашга, камайтиришга, қисқартиришга ҳаққи йўқ.

Биз дунё бўйича қабул қилинган маълум бир тартиб-қоидаларга бўйсунганимиз керак. Тартиб эмас, интизом бўлиши керак. Тартиб-интизом деб қўшиб айтишади. Бекор гап, иккови икки хил нарсас. Интизом бошқа, тартиб бошқа! Тартиб сизнинг озодлигингизни қайсидир жиҳатдан сиқиб қуяди. Интизом эса, сизни тарбиялайди, тоблайди. Болага айнан интизомни ўргатиш лозим. Доимий тартибни эмас! Тартибли қиламан деб чегаралаб қўйсангиз, қисиниб-қимтиниб, боланинг «қаноти» ёзилмай қолади. Эринмай тушунтириб, интизомни тоблайдиган томонини кўпроқ эътиборга олиш керак. Сиз болангизга «катталарни ҳурмат қилиш керак» деб ўргатасиз. Болангиз сизга «нега» деб савол бериши мумкин. Сиз яна тушунтирасиз: «Чунки катталарнинг ҳаётий тажрибаси кўп. Агар сен ўзингни яхши тутсанг, улар сенга ибрат мактаби бўла оладилар. Ҳурмат қилмасанг, уларга яқин боролмайсан, демакки, тажрибаларини, билганларини сен билан ўртоқлашмайдилар». Балки, янада кенгрок тушунтириш керакдир. Боланинг акслиги эгонинг шаклланаётганидан дарак беради.

Агар эго шаклланмаса, у хаос — тарқоқ бўлиб қолади. Янаям тўғрироқ қилиб айтганда, лидерлар асли эгоист характеридаги кишилар бўлишади. Ўзига хос эгоси бор. Бунингсиз сахнада ашула айтишнинг ҳам, дарс ўтишнинг ҳам, фирмани бошқаришнинг ҳам иложи йўқ. Бу тоифа кишилар эгони яхши томонга бошқарадилар. Халққа хизмат қилишга йўналтирадилар. Агар эго бўлмаса нимани йўналтиради? Тасаввур қилинг, оддий пуфак... Унинг ичига ҳаво тўлдириш учун сирт керак, яъни резина пуфак керак. Пуфак бу эго, эго шакллангандан кейин болалар жуда қайсарлашиб, «ўзимнинг айтганим бўлади» дейдиган бўлиб қолишади. Қилма, деган ишингизни қилади. Акс инсонга айланиб, нима десангиз чаппасига бажаради. Айниқса, «пошшолик» ва «вазирлик» даврида. Бу дегани эго шаклланыпти, боланинг «мен»и шаклланыпти, ўзини англаяпти дегани. Хурсанд бўлиш керак. Аммо интизомга ўргатиб бориш лозим. Мутлақ тартибга эмас. Чунки мутлақ тартиб бу ҳамма нарсани тўхтатиб, жим-

жит қилишдир. Рамзий маънода мутлақ тартиб бу – ўлим. Дейлик, марҳумни ювиб-тараб, кафанга ўраб, тартибли бир ҳолатда қўйиб қўйишган. Бу тартибнинг олий кўриниши.

Агар юракда мутлақ тартиб бўлса, юрак уришдан тўхтайди. Юрагимизнинг уриб туриши эвазига биз яшаяпмиз. Демак, керакли жойда тартиб, керакли жойда тартибсизлик киши учун муҳим. Аслида мана шу тартибсизликни интизом билан давом эттириш мумкин. Юрагимиз ҳар хил эмас, бир меъёردа, ритмда уряпти, интизом билан давом этапти. Агар тартибсиз урса, бу «аритмия» деб аталувчи юрак қон-томирлари касаллигини билдиради. Фарзандингизнинг «тартибсиз»лиги, сизга қулоқ солмаслиги, маълум бир тартиб билан бўлиши керак. Шунини интизом дейишади. Лекин унинг «тартибсизлиги», эркинлиги интизом билан чегараланмаяпти, балки мувофиқлаштириляпти.

Демак, тартиб чегаралаб қўяди. Интизом эса мувофиқлаштиради. Табиатда чегара деган нарсаси йўқ. Ер юм-юмалоқ.

Ҳаво бизни ўраб олган. Биз ҳавога, булутга, атмосферага чегара қўя олмаймиз. Шу сабабли, фасл-ар ўзгариб, айланиб туради. Фарзандингизнинг тарбиясида ҳам тақиқлардан афзалроғи интизом билан мувофиқлаштириш.

Интизом кенг тушунча. Ички аъзолар маълум бир йўналишда интизом билан ишляпти, мувофиқлаштирилган гармонияда ишляпти. Сиз ухлаганингизда ички органлар уйкута ётмайди. Улар дам олмасдан ишлайди ва шунинг эвазига биз ер юзида тирик жон бўлиб, ризқимизни териб яшаб юрибмиз.

Юқорида айтганимдай, бола тарбиясидаги биринчи «пош-шолик» даврини чўзиб юборсангиз, яъни бошқа босқичларга «вазирлик», «дўстлик» даврларига умуман ўтмасангиз, бу ҳам ёмон натижага олиб келиши мумкин. Бола хоҳласа сизга қулоқ солади, хоҳламаса қулоқ солмайди. Доим айтганингизнинг аксини қиладиган бўлиб қолади. Қуйидаги ривоятда бу мавзу янада кенгрок очиб берилган.

Бир қариянинг яккаю ёлғиз фарзанди бор экан. Шу фарзандига доим нимаики деса, айтганининг тескарасини қилар экан.

«Ўғлим, ассалому алайкум» деса, «хайр, ота» дер экан. «Хайр, ўғлим» деса, «Ассалому алайкум, ота» дермиш. «Ўғлим, бу ёққа келинг» деганида, «Мен кетдим, ота» дер экан. Ўтир дейишса, шарт ўрнидан турар экан, тур дейишса шартта ўтириб оларкан. Оқ деса қора деркан, баланд деса паст деркан. Ҳамма нарсанинг аксини қилар ва шу қилиғи билан кўпларнинг жонига тегар экан.

Кунлардан бир куни тоғ ён бағридан юқорига чиқиб, кўшни қишлоққа меҳмондорчиликка кетаётганларида, чолнинг оёғи сирпаниб кетиб, жар лабига илиниб қолибди. Ўғли отасига қараб турган экан. Ота хаёлидан «ўғлим ҳамма нарсанинг тескарисини қилади-ку» деб ўтказибди.

– Ўғлим, мени жарга тепиб юбор, тезроқ тепиб юбор мени шу жарга, илтимос! – деса, ўғли шундай жавоб қилибди:

– Эҳ ота, шу пайтгача ҳеч айтганингизни қилмадим, ҳаётда ҳеч бўлмаса бир марта айтганингизни қилай, – деб бир тепиб, жарга тушириб юборган экан.

Бечора ота мени тортиб олади деб ўйлаб, тескарисини айтди-ку! Шундай пайт келсаю, сиз тескарисини айтсангиз, болангиз нолозим жойда «тепиб юборса» нима қиласиз? Хафаям бўлолмайсиз, чунки у сизнинг айтганингизни қилди. Демак, нотўғри тарбия бергансиз. Ҳақиқатан, бора-бора кейинчалик феълига мослашиб, тескари гапирадиган бўлиб қолади. Тарбия ҳам ўзгариб кетади.

Асосан, мактаб ёшигача бўлган болалар акс табиатли бўладилар. Ўша даврларда тескарисини қилса ҳам, унга тескари айтманг, бўлмаса ҳар ишнинг аксини қилиб ўрганиб қолади. Чунки ўша тескари сўзлар миясида кодланиб қолади. Акс табиатлилиқ ўрнашиб қолади. Болага кейин «Доскага чиқинг-чи» дейишса, чиқмай ўтираверади. 'Нимага чиқмаяпсиз?' дегандан фойда йўқ. Чунки у гапингизни ўзига «чиқманг» деб қабул қилиб бўлди. Тафаккурига қорани оқ, окни қора деб кодлаб бўлган. Кодлаш ниҳоясига етган! У катта ёшга етганида ҳам акс табиатли бўлиб қолаверади. Балоғат ёшидан кейин ҳам катталарнинг гапига қулоқ солмайди. Шундай ҳолатлар бўлмаслиги учун тўғри гапириб, ёрдами тегмасаям «Ўғлим, менга ёрдам бера оласанми?»

дейиш керак. Бир куни инсофга келиб қолар. Унда эго шаклланиб бўлганидан кейин, боя биз тўхталиб ўтган интизом мана шу эгони аста-секин бошқариб, битта турдан иккинчи турга узатиб, ўзгартириш моҳиятни таъминлаб беради. Бора-бора шундай болаларда кейинчалик эго умуман йўқолиб кетади. Балки қайсидир бир кўринишда сақланиб қолиши мумкин. Аммо кучли шаклда эмас!

Масалан, кизғанчиқлик одати ҳаммада қанчадир фоиз бор. Бу ҳам қайсидир бир сабабга кўра бизга берилган. Агар зикналик умуман бўлмаса, қон топшир дейишганида, бориб организм-гиздаги беш литр қонингизнинг ҳаммасини топширган бўлардингиз. Голливудда суратга олинган «Етти умр» кинофильмида Оскар мукофоти соҳиби Уилл Смит бош ролни ўйнаган. Кинода фильм қаҳрамони ички органларининг ҳаммасини бегоналарга васият қилиб, тарқатиб юборишга розилик беради. Ваннага сув тўлдириб ётиб, медузани қўйиб юборади. Медуза келиб уни чақади. Медузанингчақиши инсон ўлимига сабаб бўлса ҳам, ички органларни зарарлантормас экан. Олдиндан тез ёрдам чақиртириб, васият ёзиб, имзолаган бўлади: фалончига юрак, пистончига кўз, яна бошқасига талоқ деб. Ундай кишида зикналик умуман йўқ. Ҳатто вужудиниям, маълум сабабларга кўра бошқалар саломатлиги йўлида қурбон қилди. Агар сиз оз миқдорда ўзингизга нимадир олиб қоляпсизми, демак сизнинг эгоингиз ҳам оз миқдорда бор экан. Бўлсин!

Фарзанд тарбияси ҳақида тўхталиб ўтдик. Бунинг энг қийин, оғир ва зарур масала эканлиги ҳам айтилди. Агар болага тўғри тарбия берсангиз, роҳатда яшайсиз. Худо кўрсатмасин, ёмон фарзанд тарбияласангиз ҳамма «дод» дейди. Уни бошқатдан тарбиялаб бўлмаса, қаматолмасанг, ўлдиролмасанг! Жонингиз азобда қолади. Шундай бўлмаслиги учун ўта эркалатиб юборманг! Эркалаш ўз вақтида, интизом ўз вақтида бўлгани маъкул. Комил инсон бўлиб вояга етиши учун ҳам зарур бу. Чунки, кўпчилик одамда эркаланиш туйғуси, эго, зикналик ўз вақтида бўлмаган, шаклланмай қолган. У барибир юзага чиқади. Шунинг учун

ҳар бир нарса ўз вақтида бўлгани маъқул, Масалан, сиз ҳозир ўйинчоқ ўйнамайсиз-ку! Агар сиз уйда бир ўзингиз қолсангизу, болангизнинг ўйинчоқларини кўриб, ўйнагингиз келса, демак болалигингизда шу нарса сизга етишмай қолган. Баъзи оталар ўғлига велосипед олиб бераверади. Чунки ўзи ёшлигида велосипеди бўлишини орзу қилгану, аммо қандайдир сабаб билан бу орзуси амалга ошмаган. Бошқа биров ўйинчоқ машина, бошқаси эса ҳақиқийсини олиб беради. Бу аслида унинг болаликдаги амалга ошмаган орзусининг бир кўриниши. Мен кўрмаганни болам кўрсин демоқчи. Агар ёшлигида машинаси бўлганида эди, ўғлига машина олиб беришга бу қадар қизиқмаган бўлар эди.

Фарзандга тўғри илм беришга ҳаракат қилиш керак. Майли, мактаб, коллеж, лицей, институтда ўқисин. Хунарга катта эътибор беринг! Қадим-қадимдан хунардан улугроқ неъмат йўқ деган фалсафа мавжуд. Дейлик, сиз институтни имтиёзли тутатгансиз. Аммо ҳозир сизга айрим мавзулардан савол берилса, жавобига ўйланиб қолишингиз мумкин. Кўпинча, «эсимдан чиқди» деган жавобни берамиз. Ўша пайтдаги маълумотларнинг маълум бир фоизигина миянгизда қолсаям катта гап. Аммо хунар эсдан чиқмайди! Хунарингиз бор бўйича сизга сингиб кетади. Болаларга, айниқса, ҳозирги замон болаларига турли касбларни ўргатиб бориш фойдадан холи эмас. «Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз» деган мақолнинг моҳияти шу. Ҳозирги замонда хунар ўрганишнинг чегараси йўқ. Хунари бўлмаган ҳар қандай одам ҳаётда қийналиб қолади.

Одамлар билан муомала одобини ҳам биринчи галда ўргатиш лозим. Муомала инсонда одамгарчилик фазилати шаклланишини таъминлайди. Марказий Осиё бўйича одамгарчилида, ширинзабонликда фарғона водийсига етадигани йўқ. Сизга нотаниш одам бўлсаям, «Ассалому алайкум, соғлиқларингиз яхшими, болалар тинчми?» деб сўрашиб ўтади. Андижон пахтачилик институтига ўқишга борганимда, у жойдаги кишиларнинг муомала маданиятини кўриб қойил қолганман. Кишилар бир-бирлари билан обдон сурашиб ўтиб кетадилар, ортидан ҳавас қилиб қараб қоласиз.

Бир куни бир танишимдан: «Қариндошингизми?» деб сўрадим, «Йўқ, нотаниш, энди кўриб туришим» деди. «Нега унда бунча куюк салом-алик қилдинглар?» десам, «Энди ўзбекчиликда шундай қабул қилинган-да» дейди. Бу – тайёр ҳаёт мактаби. Танганинг иккинчи томони ҳам бор. Ёқтирмаган одами келиб қолсаям, мулозамат кўрсатишади. Одамгарчилик талаб қиялпими, саломини канда қилмаяпти. У одам нарироққа кетганидан кейин ўзининг ҳис-туйғуларини ташқарига чиқаряпти. Бу тўғри ҳам эмас, нотўғри ҳам эмас. Сиз ўзингизга зарур хулоса чиқариб олинг демоқчиман. «Илиқ-илиқ сўзлардан илон индан чиқибди, совуқ-совуқ сўзлардан мусулмон диндан чиқибди» дейишган.

Мен эркинман, очикман, тўғри сўзни айтишим керак деб, ҳаммасини бор бўйича юзига шарт гапиравериш қайсидир маънода тўғри ишдек кўринса-да, бу ўзингиз учун ортиқча даҳмаза бўлиши ҳам мумкин. Атрофингизда кўштирноқ ичидаги «дўстларингиз» кўпайиб кетади. Яъни, сизни ўз мақсади йўлида бошқаларга қайраб қўювчилар кўпайиб кетади. Аввалига, менда ҳам шуниси тўғри, орқасидан гапиргандан кўра юзига гапирган яхши, юзга айтганнинг захри йўқ деган фикр бор эди. Лекин ҳозир фикрим умуман ўзгарган. Душманини ҳам иззатлайдиган кишилар маънавий жиҳатдан тўғри иш қиладилар. Чунки ҳар қандай шароитда ҳам одам инсонлигича қолиши керак. Шахсий фикр сизники! Уни ҳар доим ҳам юзага чиқаравериш яхши натижа бермайди. Сиз учун разил бўлиб кўринган одам бошқа биров учун суюкли бўлиши мумкин. Сиз учун номард кўринган одам кимнингдир ҳаётини сақлаб қолган бўлиши мумкин. Сиз учун қўрқоқдай туюлган одам қаердадир жасорат кўрсатган бўлиши мумкин. Кишилар фарқланадилар. Минг жасур, мард одам ҳам бошқа бир вазиятларда қўрқоқ бўлиб қолиши эҳтимоли бор. Оиласи, болалари бўлса, ўзи учун эмас, болалари учун чидайдиган кишилар бор. «Майли, мени камситсалар ҳам жим турай» дейди. Бу қўрқоқлик эмас, балки мардликдир. Кимдир сизни ноҳақ айбласаю, сиз унинг оёқ-қўлини синдириб аламдан чиқишингизнинг фойдаси йўқ. Шунинг учун муомалада гап кўп.

Ўзбекчилик, муомала деган тушунчалар инсонга шу жойда керак. Водий халқи фарзандларига «сизлаб» мурожаат қилишади. Боланинг одобини гўдаклигидан шакллантиряпти ўлар. Ўзбекчилик, одамгарчиликни сақлаб қолиш керак. Миллатимизнинг шу томонларига бутун дунё тан берган. Қуллуқ қилиб туришларимизни фарб олами тушунмайди, тушунолмайди ҳам. Сабаби, Шарқдаги одамгарчилик тушунчаси уларда йўқ ва буни ўз қарашлари билан нотўғри талқин қилишади. Баъзи бир оилаларда ота-онага нисбатан ҳурмат у қадар кучли бўлмайди. Буни тўғри берилмаган тарбия дейиш керакми ёки ота-онанинг, аввало ўзларига тарбия керак бўлганми, ё билими етмаганми, буниси аниқ эмас. Бундай ҳолатларда ҳам намунали оилалардан ўрнак олиш керак. «Ойи-жон, адажон!» деб тилининг учида эмас, чин қалбдан, юракдан чопиб, елиб-югуриб, ота-онасига хизмат қиладиган фарзандлар ҳам бор. Шундай оилалар билан дўстлашиб, фарзандларингизни меҳмондорчиликка етаклаб, намуна тариқасида ўзи улардан ибрат олишига қўйиб беринг. Юзига «сен ҳам мана шулардай бўл» деб асло айта кўрманг! Ўзгариш ўзида бўлсин. Ич-ичидан «ота-онага шундай муносабатда бўлиш ҳам мумкин экан» деган ҳаёл ўтади. Фарзанд тарбияси, умуман инсон тарбияси ҳақида гап кетар экан, болаларни ибратли жойларга олиб бориб айлантириб туриш керак, дейман. Ўзбекистоннинг ҳам азиз, ҳам замонавий жойларини кўрсатиш лозим. Самарқанд, Хива, Бухорони кўрмаган бўлса, кўрсатинг! Чет элга боришнинг ҳам кераги бўлмайди. Ўзимизда ҳам чиройли шаҳарлар, осори атиқалар кўп. Шунда фарзандларингизнинг ҳам маънавияти юксалади, ҳам тарихни ўрганади, ҳам Ватанга муҳаббати ортади. Ўзини ҳурмат қилишни ўрганади. Ҳар бир миллатни ҳурмат қиладиган даражага етади. Ўз миллати билан ҳақиқий фахрланадиган, Ўзбекистон фарзанди эканлигидан ғурурланадиган комил инсон бўлиб етишади. Тарихимизни қанча чуқур билса, шунча фахрланади. Билмаса, ғафлатда юраверади.

Пайғамбарларнинг, авлиёларнинг ҳаётини ўрганинг! Пири комилларнинг ибратли умри гувоҳи бўлиб, улар қилган ишлар

қолган. Биз авлодлар уларнинг ҳурматини жойига қўйиб, зиёрат қиламиз, ҳақиқа дуо қиламиз. Фарзандларимизга қадриятларимизни, тарихимизни яхшилаб ўргатишимиз, даҳоларимизни таништиришимиз ўзимиз учун, уларнинг келажаги учун керак. Токи, улар аجدодлари билан фахрланиб юришсин.

ШОГИРД, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Оилани моддий таъминлаш учун хизмат кўрсатиш турларини, савдо шохобчасини очган тадбиркор юртдошларимиз маълум вақтдан кейин кадрларга, шогирдларга катта эҳтиёж сезадилар. Ҳақиқатан ҳам кадрлар масаласи энг жиддий мавзу! Буни тадбиркорлик билан, кичик бизнес билан шуғулланаётганлар жуда яхши билишади. Ишхонанинг тараққиёти, фойда келтириши юз фоиз кадрларга боғлиқ. Масалан, сизнинг ишхонангиз жуда яхши фаолият кўрсатяпти. Маълум вақт ўтгандан кейин ишхонангизни кенгайтириш, филиалларини очиш истаги туғилди. Шунда сизга етакчи мутахассислар, шогирдлар керак бўлади. Шогирдларни кадрларнинг ичидан аста-секин танлаб, тайёрлаб борасиз. Чунки сиз жисмоний «ҳаммасини» назорат қилишга улгурмайсиз. Бундан буён сизга ишончли кадрлар, етакчи шогирдлар зарур бўлади. Ишхонангизни кенгайтириб, келажакда катта компанияга айлантириш, мана шу етакчи кадрларни, шогирдларни тўғри танлаб тарбиялашингизга боғлиқ. Сиз ўзингизнинг қўл остингизда ишлайдиган кадрларга йўл-йўриқ ўргатиб, уларни маълум даражага олиб чиққанингиздан кейин улар энди сизга шогирд мақомида бўлади. Уларнинг ичидан ишни эплаб кетадиганларини ажратиб олиб, шогирд қилиб тайёрлаш лозим. Чунки келажакда ўзлари мустақил равишда сизнинг бизнесингизни олиб боришади. Ҳақиқий шогирд дейилганда сизни алдамайдиган, ҳурмат қиладиган, берган билимларингиз асосида рўзғор юритадиган, бола-чақасини ҳалол пул билан боқадиган кишини тушунилади. Шогирдларингиз қанчалик кўп бўлса, шунча яхши. Ҳам касб-хунарлик кишилар кўпаяди, ҳам уларнинг қўлида иш-

лайдиганлар учун ишчи ўринлари кўпаяди. Ҳар сафар шогирдларни (содиқ кадрлар) ҳаётга тайёрлаб, учирма қилганингизда ўзингизда шундай яхши бир куч-қудратни сезасиз, ишларингиз янада ривож топиб, баракали бўлиб бораверади. Кимдандир ниманидир ўрганиб, унинг билимидан, таълимотидан ўзингиз учун фойда кўрсангиз, сизга билим берган одамдан қанча кўп миннатдор бўлсангиз, ўзингиздаги шукур қилиш каби яхши хислатлар шунча шаклланаверади. Айниқса, сахийлик фазилати кучайиб бораверади. Сахийлик дегани бу бойликнинг бошланишидир. Бундай одамлар камбағал бўлиши мумкин эмас. Мол-давлати янада зиёда бўлади.

Одам қанча ҳасис бўлса, юқоридан бериладиган ризқ-насиба ҳам шунчалик ёпилиб бораверади. Қанчалик ёпиқ бўлсангиз, ўзингизга шунчалик жабр қиласиз. Кўнгилни кенг қилиб, кишиларга яхшилик қилиш билан савоб ишларни қилсангиз, яратган йўлингизни шунчалик очади.

Тарихда Ҳотами Той деган инсон яшаб ўтган. Бойлигидан бошқаларга қанча кўп берса ҳам камайиб қолмаган. Бу ривоятнинг ҳам моҳиятига етсангиз, замирида катта маъно ётибди. Ҳасислик қилсанг, унинг эвазига ўзингни ҳамма томонлама сиқиб қўясан. Бойликлар ичида туриб, ўзингни чегаралаб қўясан. Сахийлик эса очиб ташлайди, чексиз-чегарасиз бойликларнинг имкониятини беради. Сиз шундай бир мартабаларга, обрў-хурматга эришасиз. Бизнесда ҳам, маънавиятда ҳам юқори даражада юксаласиз. Бу сахийликнинг орқасидан келадиган мукофотлар. Зикна одам эришолмайди. Ўзини ўзи чегаралаб қўяди.

Ҳозир олдимга қўйган моддийми-маънавийми мақсадлар бўлса, ҳаммаси амалга ошиб борапти. Бу мен учун оддий бир ҳолга айланиб қолган. Нимага?

Устозим доим «ҳасад, зикналик ва кибр»ни йўқотиш керак деб такрорлар эдилар. Шунга ҳозиргача амал қилиб юрибман. Гап уларни мутлақ йўқ қилишда эмас, балки онгли равишда бошқара олиш ҳақида кетаяпти. Ўзининг шундай камчиликларини бошқара оладиган шогирд қолдиришга ҳаракат қилинг! Би-

лимларингиз ўзингиз билан тупроққа кириб кетмасин. Сиз парвозни ўргатиб кетинг!

Нима учун комил инсонларнинг шогирдлари бор? Ташқаридан қараганда бу ракобатга ўхшаб кетади. Кўпроқ одамларга фойдаси тегсин деган ниятда қилинади. Бунда билим қайсидир кўринишда сақланиб, эстафета таёқчаси бўлиб янги авлодга ўтади. Мақсад шу! Илм, тажриба тупроққа кўмилиб кетмасин, устоздан шогирдга ўтсин деган мақсад бор. Сизнинг шогирдингиз йўқлиги бу сизнинг ҳали такомиллашмаганингизни, ўзингизга унча ишонмаслигингизни, ҳатто зикналигингизни ҳам билдиради. Чунки сиз тажрибангизни ўргатишни хоҳламаяпсиз. Бироқ бунда албатта, кимга ўргатишни сиз ҳал қиласиз. Иш жараёнида яхши мутахассислар, шогирдлар ҳақида гап кетяпти. Бир-икки кишини иккитагина одам ичидан эмас, ўнта, ўнбешта, йигирмата, ўттизта киши орасидан синаб-танлаб олсангиз, ўзингизга яхши шогирд танлай оласиз. Доим ўзингизни қўллаб-қувватлаб турадиган, оғир вазиятлардан чиқиб кетишингизда кўмаклашадиган шогирдгина сизга садоқат билан хизмат қилади. Уларда фақат олиш эмас, қайтариш тушунчаси ҳам мавжуд. Ўзингизга яқин инсонларни кузатасиз, айтган ишингизни вақтида қилса, айтганингиздан ҳам зиёдроқ бажарса, демак виждони бор. Бошқа шогирдларнинг хатосини бир марта кечирдингиз, икки марта кечирдингиз, уч мартадаям тушунмаса, аста-секин ўзингиздан узоқлаштириб хайрлашинг.

Шундан кейин ёнингизда асл шогирдлар пайдо бўла бошлайди. Халқда «бўйнидан судралган от кўпкарига ярамайди» деган нақл бор. «От» – шогирд! Ундайларга қамчийм урмайсиз, бир имо қилсангиз ўзи чопиб кетади. Юрмасаям пастга тушиб, тортқилаб олиб чиқиш ярамайди. Ундан шогирд тугул тузукрок одам ҳам чиқмайди. Сиз ўзи уни тортқилаб юрибсиз. Қандай қилиб у сизнинг ширкатингизни ривожлантиради? Шунга қараб ҳаракат қилиш керак. Уларнинг лаёқатини тўғри баҳолаб, жой-жойига қўйиш сизнинг вазифангиз. Бу ердаги вазифани бажара олмаса, бошқа ўринга қўйиб кўринг. Агар ундаям ишлолма-

са, яна бир синов муддати бериб кўринг. Сиз уни ҳар доим ҳам қўллаб-қувватлолмайсиз, иш кетиши керак. Лидерларни олдингизга тўплашингиз керак. Кейин атрофингизда чинакам мутахассислар қолади. Уларнинг ичидаям энг яхшилари бор. Билимингизни шуларга берасиз. Бундай одамлар сизга зинҳор-базинҳор панд бериб кетмайди. «Устозингдан воз кеч, менинг ёнимга ишга ўтсанг, катта одам бўлишингизга ёрдам қиламан» дейдиганлар бўлади. У сизга таклифини жуда чиройли тарзда «ялтироқ қоғозларга ўраб» айтаяпти. Мен эса бу сўзларнинг моҳиятини кўра биламан. У кишига «Сиз ҳозир менга сотқинликни таклиф қилдингиз. Кечирасиз-у, лекин мен бундай қилолмайман. Устозимни сотолмайман, сотқинмасман дейман. Дунёдаги ҳамма бойликларни олиб делиб оёғимнинг остига тўксангиз ҳам, бундай қилолмайман. Устоз-шогирдчилик анъанаси, устозимнинг менга берган билимлари мен учун бебаҳо, муқаддас. «Устоз – отангдай улуғ» дейишади халқимиз. Отани сотиб бўладими? Агар бундай одамлар мендан тўғри маънода ёрдам сўраса, йўқ демаслигим мумкин. Хизматимни ҳар қандай кишидан аямайман.

Демоқчи бўлганим, виждонли, диёнатли кадрларни ўзингизга яқинроқ олинг, қолганини четлаштираверасиз. Бора-бора вақти келиб сиз ҳам комил инсон бўласиз. Ҳеч бўлмаса ўз йўналишингизда комилликка етасиз. Шунда шогирдларингиз сиздан кейин ҳар қандай кадрларни мустақил бошқара олади. Бу эса янги-янги ишхоналар ва иш ўринларини очиш имконини беради. Корхонангиз кенгайиб боради. Бундай омил маҳсулотингиз сифатининг ошиши ва нафақат Ўзбекистон миқёсида, балки четга, хорижга экспортни йўлга қўйишингизни ҳам таъминлайди.

ЕТТИНЧИ ТУЙҒУ

Инсонда асосан бешта туйғу яхши шаклланган. Булар кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва тери орқали сезиш. Навбатдаги туйғулар олтинчи ва еттинчи туйғулар деб аталади. Ҳаётда бу туйғуларни ишлата билиш инсонни комиллик қасрига элта-

ди. Уни ва оиласини моддий, маънавий таъминлайди. Олтинчи туйғуга нималар киради? Интуиция, келажак фрагментларини олдиндан кўриш, эшитиш, телепатия, ҳис-туйғуни ўқиш ва ҳоказолар киради. Олтинчи туйғу шаклланиб боргани сари еттинчи туйғу ҳам ривожланишни бошлайди. Тўлиқ ривожланмай туриб ҳам, ҳар ҳолда ишлата бошлаганингиздан кейин еттинчиси шаклланади. Фарқи нимада? Олтинчи туйғуда сизда яхшироғини танлаш имконияти бор. Еттинчи туйғуда эса танлашга ҳожат ҳам йўқ. Ўзингиз шуни ташкил қиласиз. Йўлми, амалми, ишми ўзингиз билан олиб юрасиз. Шу керакми, қўйиб юборасиз. GPRS деган техника бор, ҳозирги кунда машиналарга ҳам қўйиляпти, мобил телефонларда чиқяпти. Бу техника воситасида экранда йўл харитаси кўриниб туради. Олтинчи ҳис-туйғу шу мисоли, мавжуд йўлларнинг энг қисқа ва энг равонини сизга кўрсатади.

«Еттинчи»да бу ҳам керак эмас, дейлик олдингизда йўл йўқ. Лекин мана шу томонга юришингиз керак, кетаверасиз. «Ўрмон»ларни тозалаб кетаверасиз. Қаерга хоҳласангиз, шу томонга қараб кетаверасиз. Ўнггами, чапгами, пастга бўлса пастга, тепага бўлса тепага ёки юқорига ҳам қараб кетаверасиз. Агар янада соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, еттинчи туйғуга фикрни моддийлаштириш, телепортация, левитация, ўзини бир макон ва замондан иккинчи макон ёки замонга, «А» нуқтадан «Б» нуқтага кўчириш, бир вақтнинг ўзида иккита, учта жойда пайдо бўлиш ва ҳоказо имкониятлар берилади. У реклама учун берилмайди.

Онда-сонда еттинчи туйғунинг бир заррачасини кўриб қолганимда, жуда ажабланганман. Ҳатто ўзимнинг олтинчи ҳис-туйғум чала ривожланган бўлса ҳам, еттинчи туйғуни зиғирдай сезиб ҳайратланганман. Чунки буни олтинчийам тушунмас экан! Буни етти тушунади. Бу етти билан кодланади. У асосан ўзи кодланган бўлади. Энди сизга фақат шундан фойдаланишга рухсат этилади. Ўзингизнинг кучингизга қараб, ҳасад, ҳасислик, кибр каби ёмон фазилатларни бошқара билганингиздан кейин, рамзий маънода айтганда, сизга еттига «йўлланма» берилади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ана шундай инсонлардан бўлганлар. Одамлар ёрдам сўраб келиб, «ҳамма ерларимиз қурғокчиликдан қуриб кетди, ёрдам бериб юборинг» дейишса, келиб дуосини ўқиб, ёмғир ёғдириб берганлар. Бир неча кунлаб тўхтамай ёмғир қуйган. «Ҳаммаёқ ботқоқлик бўлиб кетди, илтимос, тўхтатиб беринг» дейишса, ёғмасин деб дуо қилиб тўхтатиб қўйганлар. Ана шу қобилият еттинчи, саккизинчи ва навбатдаги туйғуларда бўлади. Бу нарсалар инсонга берилган.

Бу нарсаларга ҳақли одамлар, ўзи билан кураша-кураша камчиликларидан фориғ бўлган инсонлар эришган. Улар бу мартабага шу шаклда эга бўладилар. Агар бундай туйғулар, сезги ҳислари бир ёмон одамга берилса, ҳамма ерни остин-устун қилади. Фақат ўзининг шахсий манфаати йўлида фойдаланади.

Олимликка, валийликка, авлиёликка ҳаракат қилинглари дегани шу бўлади. Бунда сиз бирон бир лавозим ёки мансабга интильмаяпсиз, балки комилликка эришганингиздан сўнг мақомингиз шундай бўлиб қолаяпти. Бу неъмат сизга тепадан берилади. Берганларининг моҳиятини ўзи очиб беради. Зикна, ҳасис одамда у ишламайди. Ундайлар ўзларини «беркитиб», «пайвандлаб» ташлайди. Бу шаклда олтинчи туйғу ишлашининг иложиям йўқ. Шунинг учун қалби жуда пок, яхши инсонларнинг олтинчи, еттинчи, саккизинчи туйғулари ҳам очилиб кетаверади.

Эҳ-ҳе, ҳали бу рўйи заминда сизу биз билмаган илмлар ниҳоятда кўп. Ҳаёт кечирувчи ҳар бир инсон ўзидан яхши бир из, яхши бир ном қолдиришга уриниши керак ва бу яхшилик аломати. Ҳар бир инсоннинг устози бўлиши керак. Устоз кўрмай туриб ҳам ишларингиз яхши кетаётган бўлса, бу сизнинг устозингиз йўқ дегани эмас. Барибир қайсидир яхши инсонни ўзингизга ўрнак билиб ҳаракат қилаётганингиз аниқ. «Агар ҳеч қандай устозинг бўлмаса, шайтон сенга устозлик қилади» деган гап ҳам бор. Шу сабаб, устоз ва шогирдлик жуда яхши муносабат.

Биз инсондаги бешта сезгидан ташқари, яна олтинчи, еттинчи туйғулар ҳақида бироз гаплашдик. Уларга қандай йўл очиш кераклиги ҳақда фикрлашдик. Интуициянинг нималиги тўғрисида сўз юритдик.

Сезиш, олдиндан билиш қрбиятлари ҳақида сўзлашдик. Яна дунёда бўлаётган ҳодисалардан келиб чиққан ҳолда дунёни яхлитлигича англаш деган тушунчаларни ҳам кўриб чиқдик. Бунинг моҳиятида ҳамма нарсани чуқур англаш деган маъно бор. «Дон», «курт» моҳиятидаги одамларга бешта ҳис-туйғу: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва тери билан сезиш ҳам етарли. Аммо «капалак»ка айланаётган, айланган инсонларга олтинчи, еттинчи туйғулар керак.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИШ

Чўпонлар яхши билишади, агар бўрилар умуман йўқ бўлиб кетса, баъзи бир сабабларга кўра қўйлар касал бўла бошлайди. Тўдадан сал четга чиқиб кетганида бўри еб кетиши мумкинлиги уларда яшашга бўлган иштиёқни кучайтиради. Бўри подага яқинлашганда нимжон, касалманд, дангаса, оксоқ совлиқларни олади. Соғломлари илдам ҳаракат қилиб, жонини сақлашга улгуради. Демак, қўйнинг ҳам, бўрининг ҳам борлиги табиат мувоzanатини ушлаб турар экан. Бир турнинг борлиги иккинчи турни қирилиб кетишдан асрайди. Юқоридаги мавзуда эслаб ўтганимиз қўйидаги:

*Оёқ остида қолдим дема вой,
Ахир чинни коса бўлур тепки еган лой, –*

мисраларига яна тўхталиб ўтамыз. Кулолнинг оёғи остидаги лойга нисбатан «сени тепкиламасалар, пишмайсан» дейиляпти. Агар бу ҳаётда туртилиб-суртилиб, қийналиб, интилиб, ўзинг ҳаракат қилиб юқори поғонага чиқмасанг, ўзингдаги бор нарсаларнинг қадрига етмайсан! Ана шундай тепкиланмаганингда эди, сен зинҳор-базинҳор чинни косага айланмас эдинг. Кишилар сени лабига теккизиб, чой ичиб роҳатланмас эдилар. Лойлигингча оёқ остида қолиб кетардинг, дейиляпти.

Бир хиллар «фалончи мени жуда хафа қилди», «кўнглимни оғритди» дейди. Аслида улар бизга нозик томонимизни

кўрсатаётган бўлади. Демак, ўша танбех туртки бўлди сизга. «Хали кўрсатиб қўяман», «Мени ерга урдими?» дейсиз. Агар ўша одам сизни ерга урмаганида эди, «сиз зўрсиз» деб кетаверганида эди, «мен зўр эканман» деб юраверардингиз. Камситгани сабабли сизга шундай ички бир куч келади-да, бор кучингиз билан ҳаракат қиласиз. Ана шу ҳақорат сизга ёрдам берди. Шу одамнинг қилган иши эвазига сиз бир поғона, икки поғона юқорига ўсиб кетасиз. Бошқача қилиб айтганда, шу одам сизни «тепалади».

Андижон пахтачилик институтида ўқиб юрган пайтларимда ҳар куни ўзим учун, соғлиқ учун спорт билан шуғулланардим. Шунда туман мусобақасида қатнашиш учун таклиф бўлиб қолди. Қатнашдим. Ўшанда тош кўтариш учун стадионга чиқаётганимда кимдир мени менсимай шеригига қараб туриб, «Бу кўтара олмайди», деди. Тасодифан шу тўқмоқ. гапни эшитиб қолдим, Унинг «бу тош кўтара олмайди» дегани ўшанда менга куч берган. Тўғри, кимдир «Сенга ишонаман, кўтарасан» деб қўллаб-қувватласа ҳам куч бўлади. Лекин менсимай айтилган гапга нисбатан ич-ичингиздан келган аламзадалиқ кучи барибир зиёдроқ келади. Ўша кишининг тили билан Мени «тепалагани» бир туртки берди. Тош кўтариш буйича Ўрта Осиёнинг мутлақ чемпиони бўлишгача эришдим. Ҳозир эса ичимда чин дилдан ўша инсонга раҳмат дейман. Агар шу гапни айтмаганида, балки чемпионлик насиб қилмаган бўлармиди? Бу билан мен демоқчиманки, қийинчиликлар инсонга енгиб ўтиш учун берилади. Енгиб ўтганингиздан кейин «пишасиз»!

Шунинг учун ҳар хил қийинчиликлар, хафагарчиликлар бўлса, тушқунликка тушиш эмас, балки олға ҳаракат қилиш керак. Ана шуларнинг ҳисобига сиз «учяпсиз». Агар ҳамма сизга камситиш билан қараса, шунақанги ривожланиб кетардингизки, ўзингизни камситганларга раҳмат деган бўлар эдингиз.

Хоразмда таҳсил олиш учун устозимнинг олдига борган эдим. Меҳмонхонада туришга тўғри келган. Ўша пайтда меҳмонхонада чет элликлар ҳам бўлиб, улардан бири, болгариялик тадбиркор

аёл билан танишиб қолдим. Болгарияда ўзининг хусусий босма-хонаси, тахририяти бор экан. Кейинчалик шу учрашув сабаб, китобларимдан бири Болгарияда чоп этилди. Ўшанда қўлёзма кўринишидаги китобимга қизиқиб, бир кўрсатинг деб қолди. Қўлёзмани кўрсатдим. Биргалашиб кўриб турганимизда, бошқа бир бегона хоним келиб қараб, ҳалиги «Шуям асар бўлдию, сен ҳам ёза оласанми ...» дегандай қилиб қаради. Айтаманса ҳам, дилидан нималар кечганини сездим. Ичида устимдан кулаётганди. Ўзи ёзишни ёмон кўрар эдим, аммо ўша мени менсимаган аёлга кўрсатиб қўйиш учун бор кучим билан ҳаракат қилдим. Ҳақиқатан ҳам ўйлаб қарасам, шу пайтгача менинг ёзганларим сариқ чақага қиммат экан. Шундан сўнг уйга келиб, иш столимга ўтириб, хаёлан тасаввуримда ижоднинг энг баланд чўққисига, энг юксак қасрига чиқдим. Бу меҳр-муҳаббат қасрида бутун дунёнинг энг кўзга кўринган шоиру ёзувчилари жамулжам. Халқимиз севган ижодкорлар – Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов кабилар. Чет эл ёзувчиларидан – Пауло Коэлло, Карлос Кастанеда, Жоан Роулинг, Жеймс Паттерсон, Стефани Майер ва бошқалар – ўша жойга тасаввур поғонаси ила маънавий шаклда кириб бордим. Улар нималар ҳақида ўйлапти, фикри, дунёкарашлари қандай, уларнинг руҳан бойлиги нимадаю, нималар қизиқтиради, нима учун буларни халқ севиб мутолаа қилади? Булар нимаики ёзса ҳам, одамлар ўқийверади деб ўйлаб то моҳиятига етмагунча хаёлан ўша ерда юравердим. Кейин ёзув столига ўтириб ёза бошладим. Хаёлимга умуман бошқа бир фикрлар кела бошлади. Ҳеч кимга тааллуқли эмас, фақат ўзимгагина тегишли бўлган янги-янги ғоялар кела бошлади. Агар кулол шогирдига лой қилишни ва кўза ясашни ўргатмаса, ундан уста чиқиши амримаҳол. Лекин уста кўрган шогирд энди кўнгил буюртмасига қараб ўзи бема-лол хоҳлаган шаклдаги кўзаларини ясай олади. Устозларга беҳисоб раҳматлар бўлсин!

Айтайлик, сиз ҳам ўша ўзингиздан илгарироқ ишбилармонликни, кичик бизнесни бошлаб юборганлар учун энди қадам

ташлаётган гўдак кабисиз. Ўша соҳанинг кучли одамлари учун сизнинг маҳсулотингиз ёки хизматингиз ҳали қийматга эга эмас. Ўша вазиятда бундан ҳеч ҳам қўрқмай, хафа бўлмай маслаҳатини тўғри қабул қилинг. Кейин ҳалиги соҳанинг энг манаман деган вакиллари тасаввурингизда (аслида фикр, тасаввур моддийдир, бу илмий исботланган) йиғиб, ичингизда шулар иштирок этган анжуманда ўтиргандай ҳис қилиб, уларнинг орасига сингиб кетинг. Шунда сизга керакли маънавий ҳолат ҳосил бўлади. Ундан кейин ишга киришсангиз бўлади, бирданига эмас. Худди самурайлар жангга тайёрлангани каби ўзингизни тайёрланг. Самурайлар ҳар бир жангдан олдин руҳиятини кучайтиради. Руҳ кучли бўлса, ҳолатга қелиш осон бўлади. Хаёлан юқори поғонага чиқиб, кейин шижоат билан ҳаракат қилсангиз, ҳаммаси жойида бўлади.

Демак, ҳаётда учрайдиган турли тўсиқлар сизнинг янада кўпроқ куч билан кўтарилишингизга сабабчи бўлади. Ўзингиз ҳам бу ҳақда ўйлаб кўринг!

ИНТУИЦИЯНИ КОДЛАШ УСУЛИ

Сезги учун рангнинг аҳамияти йўқ. Ранг кўз учун берилган. Лекин сезги шуни сезади, кодлайди. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 рақамларига бўлади. Етги хил рангга бўлинади. Масалан, рақамли технология (цифровая технология) деган жумла кундалик ҳаётимизда жуда кўп қўлланиляпти. Мобил телефонингиз ҳам рақамли тизимда ишлайди. Компакт дискларга, DVD дискларга маълумотлар ҳам шу технология асосида ёзилади. Бунда рақамлардан фойдаланадилар. Маълум бир рақам қизилни, маълум бир рақам қорани, маълум бир рақам оқ рангни кодлаб олган. Ўша код бўйича информацияга буюртма берилади ва бунинг натижасида биз кино кўришимиз, мусиқа тинглашимиз мумкин.

Интуицияда ҳам худди шундай! Сезгингиз учун фақат рақамлаб олсангиз бўлди. Рақам рангни тушунмайди. Овоз ҳам шундай (цифровая запись). Компакт дискка овоз рақамли технология ёр-

дамида ёзилади. Ёки мини диск овозини сезинг, у ҳеч ўзгармайди. Илгари магнит лентасига, плёнкасига ёзилар эди. Лекин у рақам эмас. Шу сабаб, унинг магнитланиш даражаси борган сари су-сайиб бораверади, магнитсизланади, йўқолади. Рақамли тизимда эса йўқолмайди. 1 рақами ҳеч қачон 2 га айланиб қолмайди. 8 ҳеч қачон 7 ёки 9 бўлиб қолмайди, ўзгармайди. Рақамда белгилан-ган ранглар ҳам, ҳар қандай маълумот ҳам мутлақ ўзгармайди. Шунинг учун рақамли тизимдаги технология ривожланиб кетди. Агарда сиз компакт дискингни эҳтиётлаб ишлатсангиз, унинг сифати юз йилгача, ҳаттоки, минг йилдан кейин ҳам бузилмай тураверади. Шу сабаб энг керакли, зарур маълумотлар титан-дан, олтиндан, платинадан ишланган дискларга ёзади. Маълумот ўзгармайди. Қанча хоҳласангиз ҳам тураверади.

Ички сезгиларимиз ҳақида гап кетяпти. Олтинчи, еттинчи сез-гиларимиз ана шу рангларни, сонларни, ҳафталарни, йилларни, макон ва замонни, бўладиган ҳодисаларни, бизнинг назаримиз-даги омадни, бахтни, энг яхши кўринишни ва бошқа яхши нар-саларни рақамлаб беради. Фақатгина сизга, эгасига билдиради. Бўлмаса уни биз биладиган бешта ҳис-туйғу натижасида билиб бўлмайди.

Масалан, биз атроф-муҳитни кўзимиз билан кўрамыз. Энце-фалограмма деган аппарат бор. Кўзи яхши кўрадиган соғлом ин-сонга ташқи муҳитдан тушаётган нур кўз гавҳари, ҳамда кўз асаб толаларидан ўтиб, орқа миёга тасвирни узатади. Шу ҳодисани энцефалограммада кўрадиган бўлсак, кўрадиган одам атроф-муҳитга қараганида, аппарат экранида мана бундай график кўринади:

Бу кўради, кўряпти дегани. Масалан, телевизор экрани орқали шаклини кўряпсиз, Динамикалардан овозини эшитяпсиз. Мана бу атиргул, мана бу ранг деб миянгиз ахборотларни қабул қилляпти. «Қизил деганлари шундай бўлар экан» деб илғаб оласиз, ўз хотирангизга кодлаб оласиз. Оппоқ қор, оқ пахта дейилганида ёки бу қаттиқ, бу юмшоқ дейилганида уни ҳам кодлаб оласиз, рақамлайсиз. Агарда туғма кўр одамнинг кўзлари мўъжиза туфайли очилиб кетса, у шошиб, кўрқиб кетган бўлар эди. «Қаердаман» деган хаёл келади миясига. Чунки у ёруғ дунёни умуман кўрмаган. Рангларни эндиликда кўриб турса-да, ажратолмаслиги мумкин. Қизил, сариқ десангиз сиз унга нотаниш тилда гапираётгандай бўласиз. Фарқлаши учун унга тушунтириш лозим. Бунга эса вақт керак бўлади. Ҳаммасини бошидан ўргатиш керак. Энди кўриб турибди, шундай бўлса-да ўрганади. Чунки биз ёруғ дунёдаги ҳамма нарсаларни шартли номлаб олганмиз. Аслида ўша кўзи очилган одам энди фақат номларни ўрганади. Шу рангни биз қизил десак ҳам ёки бошқа бир сўз билан атасак ҳам фарқи йўқ. Чунки моҳият ўша-ўша.

Биз бешта сезгимизни яхшилаб кодлаб олганмиз. Олтинчиси кодланмаган. Шунинг учун биз ажратамиз ҳам, ўхшатамиз ҳам. Мисол учун, қизил билан тўқ қизил бир-бирига ўхшайдику дейсиз. Албатга. Кодлайверасиз, кодлайверасиз, ажратишни ўрганасиз. Кўрмайдиган одамда тахминан мана бундай бўлади:

Кўрмаяпти

Интуиция мана бундай ишлайди

Ишламаётган «уйкудаги интуиция» мана бундай бўлади.

Ҳар-ҳар замонда вертикал чизик чизиб кўрсатилганига сабаб, ўша пайтда интуиция, онда-сонда ишлаб қолган бўлади. Баъзида нималарнидир олдиндан сезасиз. Ким телефон қилишини-ю, уйингизга меҳмон келишини олдиндан билгандай бўласиз. Лекин ҳар-ҳар замонда, жуда кам. Қулоқ эшитиши ёки эшитмаслигини ҳам, ҳид билиш рецепторларининг яхши ишлаши ёки ишламаслигини ҳам, тери орқали ҳис қилиш, қидмаслигини ҳам, таъм билиш, билмаслигини ҳам худди интуиция энцефалограмма графигидагидай кўра билиш мумкин. Мақсад – интуицияни

секин-секин ишлатиб юбориш. Нафақат олтинчи, балки еттинчи ва навбатдаги туйғуларнинг ишлаб кетишини таъминлаш керак. Ўша сезгини биз ўзимиз тушуна оладиган даражада кодлашимиз керак. Ҳаёт мана бу ҳақиқат, мана бу ёлғон экан деб ўргатгани каби.

Тимсолий қилиб айтганда, ҳар қалбда ҳақиқат ғалвири мавжуд. Бу ғалвир, асли олтинчи туйғу. Бу ғалвир интуициядир. Келажакни олдиндан кўра билиш ва бошқа қобилиятлар кўринмас ришталар ташкил қилган тўрдан иборат. Бирор бир ечилиши керак бўлган муаммо тутилса, қалбингизга қулоқ тутсангиз, у ўз тилида секин шивирлаб жавобни айтади. Бора-бора натижани таққослаш билан сиз буларнинг қайси тўғри-ю, қайси бири нотўғрилигини билиб olasиз. Яъни, хулоса чиқаришдан олдин, уни шу ғалвирга ташлаб эланг. Ғалвирдан тозаланиб, сараланиб пастга тушгани дон, яъни фойдали фикрлар, режалар ва қарорлар. Ғалвирдан ўтолмай қолгани эса кепак, яъни тутуриксиз режа, қарор, фикрлар. Шунинг учун, айна дамда чиқарган хулосангизнинг, жавобингизнинг тўғри ёки хатолиги унчалик муҳим эмас. Жавобни натижа билан таққослаб қилган таҳлилингиз, «бу ҳақиқат, буниси ёлғон экан» деган фикрингиз муҳим. Демак, сиз ушбу мисол орқали ҳақиқат ва ёлғонни кодлаяпсиз. Олтинчи ва кейинги туйғулардан иборат ушбу кўринмас ғалвирдан сиз истаганингизча фойдаланишингиз мумкин. Миянгизга келган ва келадиган бизнес режаларни, учрашишингиз лозим бўлган одамларни, «ҳа» ёки «йўқ» жавобларни ва ҳоказоларни ўтказишингиз мумкин. Нафақат мумкин, балки зарур. Шунда хатолар аста-секин камаяди. Беҳудага чоп-чоп қилишлар, югур-югурлар, ортиқча ҳаражатлар бўлмайди, вақтингиз, умрингиз тежалади. Ғалвирдан ўтолмай қолган ёлғонларни ва ундан сараланиб, тозаланиб тушган ҳақиқатларни кодлашимиз ўта муҳимлигининг асосий сабаби шу. Дон ғалвирдан ўтиб қолади, кепак ғалвирдан ўтмай ташлаб юборилади. Энди сизни фақат «элашдан» йиғилаётган дон ёки кепакнинг миқдори қизиқтирмасдан, таҳлил қилиб сарагини саракка, пучагини пучакка ажратасиз, шуниси муҳим. Ўзингизга савол

бериб, сўнг жавоб топа бошлаганингиздан кейин ҳаммасини тушуниб етасиз. Ҳақиқат ва ёлғонни шу тартибда интуиция ва тафаккур «ғалвир»идан ўтказишни одат қилиб олсангиз, икки-уч ойлардан кейин сиз етарли тажрибага эга бўласиз. Энди сиз эламасангиз ҳам, келажакда бўладиган воқеа-ҳодисалардан қанча дону қанча кепак чиқишини тахминан тўқсон фоиз биласиз. Сиз айтишингиз мумкин «Элашнинг нима кераги бор? Интуицияни ҳаётда шундайлигича ишлатсак бўлмайдими?» деб. Албатта бўлади! Лекин кодламасангиз сиз қаердан биласиз, унинг ҳақиқат ёки ёлғонлигини? Гап аслида шунда-да! Демак, кодлаб қўйиш керак экан. Таъми сиз кодлаб бўлгансиз. Сизга «мана бу шакар» дейилди. Татиб кўриб, «таъми ширин экан, шакар бу ширин нарсан экан» деб кодладингиз. Осонгина, дарров кодладингиз.

Ҳарбий хизматда бўлганимизда биринчи марта ерқалампири, яъни рус тилида хрен деб номланувчи ўсимлик ҳақида гапирсалар, тушунмаганмиз. Ранги ҳам бир ғалати, совуқ. Дўстларим хрен деб нонга суртиб, ғачирлатиб ейишарди. Мен ҳам «Бир кўрайчи, нима экан бу?» дея татиб кўрдим. У таъм менинг архивимда ҳали йўқ эди, хотирамда кодланмаганди. Уни биринчи марта ялаб, татиб кўрсангиз эди, бутун оғиз-бурнингиздан олов чиқиб кетади. Биринчи марта татиб кўрганингизда шундай бўлади. Аммо энди сиз бу нарсани биласиз. Чунки энди у хотирангизда кодланди ва таъмлар сақланаётган «хотира архивдаги кутича»га тушди.

Интуиция нима учун сал қийинроқ кечяпти? Уни бешта туйғумиз кодлари билан кодлашнинг имконияти йўқ! Бешта туйғу танани кодлар эди. Вужуд орқали кодласа бўлади. Олтинчи туйғуни қалб билан, қалбдаги «ғалвир» билан кодлайди. Чунки олтинчи туйғу қалбда бўлади, ички юракда бўлади. «Кўшиқ айтсанг ҳам, ибодат қилсанг ҳам, яшаётганингда ҳам бутун қалбинг билан, юрагинг билан ҳаракатда бўл» дейишади. Бунда жисмоний юрак, инсоннинг мушакдан иборат аъзоси назарда тутилаётгани йўқ. Юрак мушакдан иборат насос, ишлаб турибди. Уни

идрок қилишнинг, сезишнинг иложи йўқ. Юрак ҳам бир қувват манбаи. Дили оғриган одамдан қаеринг оғрияпти деб сўрасангиз, кўксининг чап томонини кўрсатади, бошини ё ўпкасини эмас. Демак, ўша ерда мушакдан ташқари яна қандайдир бир «нарса» бор. Бу – қалб! Уни миямиз сезгиси билан кодлаган. Сиз қалб билан кодлаётганингизда бешта туйғу ҳалақит бераверади. «Таъми қандай? Кўриниши қандай? Силлиқми? Қаттиқми? Ҳиди борми-йўқми? Нимага ўхшайди? Қандай товуш чиқаради?» деган фикрлар хаёлингизга келаверади. Сабоби, биз ҳамма нарсани бешта туйғу билан кодлаб ўрганиб қолганмиз. Шунинг учун калла бўм-бўш бўлсин! Ҳеч нарсани ўйламамг! Эркин бўлиб, ички юрак билан, қалб билан сезинг! Тана билан эмас, қалб билан кодланг. Кейин эса мия орқали тафаккур билан таҳлил қилинг.

Қалб билан кодлаб олганингиздан кейин ўз йўлингизга тушиб оласиз. Чунки келажакда бўладиган ишларни қандай қилиб бешта туйғу билан тана орқали кодлаш мумкин? Қандай аниқлаш мумкин?

Ахир у ҳали содир бўлмаган, эрта ё индинга, балки унданам кейинроқ содир бўладиган нарса. Унга ўтмишдаги билимларимизнинг ҳам кучи етмайди. Фақат мантиқ ва хотира билан кодлаш икки тийин. Барометр аппарати орқали об-ҳавони айтиш мумкин. Декин тафаккур орқали қалбни аниқлашнинг ҳеч иложи йўқ.

Сиз шуни ўрганиб олганингиздан кейин нафақат ростни ёлғондан, балки бир юз бир хил нарсани бошқаларидан бемалол ажратадиган бўласиз. Интуицияни яхши билиб олганингиздан (буни кодлаб билиш ҳам дейишади), олтинчи туйғунгизни яхши ишлатишни билиб олганингиздан сўнг, бештасининг тиши ўтмайдиган, фойдаси тегмайдиган жойда олтинчисини ишлатаверасиз. «Қайси бизнес режани мен қилишим керак?», «Мана бу одам билан учрашсам иш фаолиятим учун фойдали бўладими?», «Мана бу ерга борсам бўладими?» деган ичингиздаги саволларга қалбдаги код «ха» ёки «йўқ» деб жавоб беради. Сиз бошқаларнинг

наздида ҳам, ўзингиз учун ҳам омадли инсонга айланасиз. Омад дегани бу – бахт. Қачон, қайси пайтда керакли жойда бўлишингиз лозимлигини айтади. Керакли жойда бўлишни билишнинг ўзиям омад. Сал кеч қолсангиз ҳам, эрта келсангиз ҳам бўлмайди. Ана шуни кодланг! Кодламасангиз интуицияни ишлатишни билмай-сиз.

Гўдак, фарзанд, бола – ҳаммаси туйғу билан туғилади. Ў-тибор берган бўлсангиз, бола оламни англашда, аввало бешта туйғусини ишлатади. Лекин бештадан ташқари бошқа туйғуларни ҳам ўзи билмаган шаклда ишлатаверади. Масалан, она билан бо-ла ўртасида интуитив боғланиш ниҳоятда кучли. Онанинг кўнгли боласи узоқда бўлса ҳам, нохушлик бўлса сезади. Агар боласини кўпроқ ўйлаб юборса, ўша пайтда фарзандни ҳам онанинг олди-га кўринмас куч етаклаб келади. Бу интуициянинг табиий кодлан-ган кўриниши.

Кейинчалик ёш улғайгани сари биздаги бешта туйғу иш-лашни камайтириб бораверади. Масалан, ёш болаларда ҳид ажратиш кучли бўлади. Онасини унинг қиёфаси ёки овозидан эмас, ҳидидан танийди. Дейлик, шамоллаш сабабли онаси-нинг овози бўғилиб қолган. Фарзандини ўша овозда узоқроқ туриб чақирса, бола ёнига бормаслиги мумкин. Лекин ойиси ёнида бўлмасаю, унинг ҳиди ўтирган бирорта кийими атрофи-да турса, бола тинч бўлади, чунки таниш ҳид димоғига уриб турибди, катта бўлгач эса ҳеч ким онасини ҳидидан танимай-ди. Ҳиддан роҳатланиш ҳисси ҳам йўқолиб кетаверади. Ёш болалар сув ичганида овоз чиқариб, мазза қилиб ютоқиб ича-ди. Биз эса «одамлар кулади» деган хаёлда қисиниб-қимтиниб ичамиз. Сув ичганда танамиз яйраб кетаётганининг эмо-циясини кўрсатишга уяламиз. Чақалокқа онаси кўкрагидан сут берса, гўдак эмаётганида кўзлари сузилиб, маст бўлиб, роҳатланиб эмади. Таъмни кодлаб, маза қилиб эмяпти.

Бештадан ташқари сезгиларимизни ўзимизга дўстона хизмат қилдириш учун олдин уларни кодлашимиз керак экан.

БОЛАЛАР ИНТУИЦИЯСИНИ МУКАММЛАШТИРАДИГАН МАШҚЛАР

Болаларда ҳамма туйғулар табиий ривожлангай бўлади. Фақат катталар халақит бермаса бўлди. Эсингизда бўлса, юқорида болалар тарбияси тўғрисида гапирганимизда «пошшолик» даври дедик. Болаларда шу даврнинг тўла-тўқис реализация бўлиши интуицияни такомиллаштиради. Буни бекорга айтмадик. Уларнинг нафақат етакчилик, ижодкорлик қирралари, балки олдиндан сезувчанлиги ҳам кучаяди. Бундан ташқари, болаларнинг ижод қирраларини, интуициясини оширадиган машқлар бор. Масалан, уйда фарзандингиз билан зерикиб ўтирибсиз, «Қимирлама, ўтир, жим ўтир» дегандан кўра, «Кел, бир яхши ўйин ўйнаймиз» десангиз яхши эмасми? У ҳам қизиқиб, «Қандай?» деб сўрайди. «Ана шу шарни оёқ-қўлингни ишлатмасдан, бу ёққа олиб келчи» десангиз, бола изланади ва янги усулни интуитив топади. «2–3 метр узокликдан ҳар қандай усул билан, фақат оёқларингни ишлатмасдан, менинг олдимга кел!» денг. Унга бу қизиқ. Оёқни ишлатмай қандай юриш мумкин? Юмалаш мумкин, думалаш мумкин, орқа билан судралиш мумкин, илонга ўхшаб ўрмалаб бориш мумкин, ҳар хил! Унинг турли йўли бор. Бу ўша болаларда интуитив изланиш бўлади.

Биз буни ижодкорлик деб қўя қоламиз. Интуитив изланиш бор. Болани «алдаб», ўйинга жалб қилишнинг йўли кўп. Қизиқ нарсаларни, шарларни, ўйинчоқларни ўша оддий ўйинлар билан, интуициясини ривожлантирадиган ўйинлар билан, масалан, рангли қоғозлар билан ўйнашингиз мумкин. «Қанақа рангда?» деб сўрасангиз шартта-шартта айтиб бера олади. Камида саксон беш, тўксон фоизи бирпасда ўрганиб олади. Айниқса, мактаб ёшигача бўлган болалар. Баъзилари қанча ёши кичик бўлса, шунча кўп топади. Фақат шартни тушунса бўлди, Дарров айтиб ташлайди, тўксон фоиздан юқори ҳам чиқиши мумкин. Бир хиллари юз фоиз ҳам айтади. Чунки уларда интуиция табиий. «Қандай билдинг-ей?» десангиз, сизга жиннига карагандай қараб туради.

«Буни қандай билиб бўлмайди, ўзи билиниб турибди-ку! Мана бу қизил, мана бу сарик» деб айтиб ташлайди. Интуиция болаларда жуда кучли бўлади.

Демак, болани юқорида айтганимдек, йўналтириш билан, интуициясини янада шакллантира оладиган ҳар хил ўйинлар билан машқ қилдириш керак. Ўйин кўринишидаги ижодий ёндашишни оширувчи машқлар биринчидан қизиқарли, иккинчидан фойдали, учинчидан вақтни бекор ўтказмаслик учун сабаб. Бу ҳам интеллектни оширади, ҳам интуициясини оширади. Масалан, оддий болаларнинг кичкина столчасига ҳар хил ўйинчоқларни қўясиз ва болангизга айтасиз, «Сен ўйинчоқларни яхшилаб кўриб олиб, кўзингни юмиб тур. Мен мана шу ўйинчоқлардан бирини қўлингга бераман, ушлайсан, кейин жойига қўяман. Сен кўзингни очасан ва қайси ўйинчоқни танлаганимни топасан. Галма-галдан ўйнаймиз» дейсиз.

Эътибор берган бўлсангиз, у қайси ўйинчоқни танлаганингизни дарров топади. Чунки хонада ушбу маълумот тарқалади. Буни сезиш аслида жудаям осон. Биз катталар шу қобилятимизни йўқотиб қўйганмиз. Кейин уям келади-да, «Ойи, энди менинг галим, қани топинг-чи, қайси ўйинчоқни танладим?» дейди. Сиз бироз ўйланиб туриб, «топдим, анависи эди» дейсизу аслида тополмаган бўласиз. Аста бориб туриб, шартта биттасини ушласангиз «тополмадингиз» дейди. Қараб туринг, сиз охиrhoғида топасиз. Чунки бошқа кўрсатадиган нарса қолмагандан кейин фақат ўша ўйинчоқ қолади. Нимага? Сабаби, сиз доим бешта туйғунгизга таяниб иш кўрасиз. Керакли жойда интуицияни ишлатмайсиз. Ана шундай ўйинларнинг ҳар доим янги-янги-ларини ўйлаб топиб, фарзандингиз билан ўйнаб турсангиз, ҳам ўзингизнинг интуициянгиз ривожланади, ҳам болани тайёрлаб борасиз. Буни кейинчалик ҳаётга татбиқ қилишни ҳам ўргатиб қўйинг! Тайёр интуитив одам у етук инсон! Болаларни тўғри интуитив топқирлигида мақтаб, топа олмаганида эса «кейинги гал албатта топасан» деб кўнглини кўтариб қўйиш керак. Бу жуда муҳим!

БИЗНЕС ЙЎНАЛИШЛАРИ

Энг яхши кунларда кийиладиган никоҳ либосларини олайлик. Тўй куни келин ҳам, куёв ҳам европа услубида кийинишади. Ўзимизнинг миллий либосларимиз ҳам жуда ажойиб, бетакрор! Аммо биров замонга мослаштириш, йўналтириш керак. Масалан, бизнинг бутун дунёга танилган матоларимиздан, шойи-атласларларимиздан ҳам чиройли келинлик либослари тикса бўлади. Малакали дизайнерларимиз ниҳоятда гўзал, миллийликка хос либослар яратишмоқда. Ўзимизнинг миллий матолардан бўлган чиройли, кўрсанг ҳавас қиладиган даражада тикилган никоҳ либосини кийиб чиқса, ҳамманинг ҳаваси келган бўларди.

Хуллас, бизнесда хоҳлаган йўналишда иш қилиш мумкин. Миллий либосларни ҳам мукаммаллаштириш, янги модалар яратиш керак. Бу борада Шарқ матоларига етадигани йўқ. Бизнинг рақсларимиз, урф-одатларимиздан тортиб, то уйимизни жиҳозлашимизгача ҳаммаси жуда ажойиб! Уни ғарбга тақлид қиламиз деб бачканалаштирмаслик керак. Масалан, уйингизга европа ёки бошқа жойлардан меҳмонлар келса, стол-стулга эмас, кўрпача солиб, ўзимизнинг хонтахта атрофига ўтқазиб кўринг. Кейин уларга ҳовлингиздаги тандирларни кўрсатинг. Нон қандай ёпилишини тушунтиринг. Меҳмонлар шунга қизиқади, сизнинг европача таъмирдан чиққан уйингизга эмас. Бизнинг, ўзбекларнинг удумларига қизиқишади. Миллий кийимларимизга, чопонларимизга, бош кийимларимизга қизиқишади. Мисол учун, дўппини олиб қарайлик. «Дўст бошга, душман оёққа қарайди» дейилади бир мақолда. Дўппилар аслида Шарқнинг минг йиллик маданияти намунасидир. Ўз замонида дўппидан ўтадиган бош кийими бўлмаган, шунинг учун ҳозирги кунгача ҳам бошимизда. Шу ўринда, юқорида қўл меҳнатини илғор технологияга алмаштириш кераклиги ҳақида айтиб ўтган эдик. Аммо қўл билан, меҳр билан яратилган буюмни ҳеч бир замонавий техника қила олмайди. Мавзуни кичик бизнесдан бошлаган эдик. Бу ҳам бизнеснинг бир кўриниши. Агарда қўлда эринмай

тўқилган, тикилган қўл меҳнати бўлса, ўзимизникилар ҳам, чет элликлар ҳам жон-жон деб кийган бўларди. Ҳамма тикадиган оддий усулда эмас, балки ўз услубида, йўналишида дўппи яратиши керак. Одамларга ўнғай бўлсин учун, яратган маҳсулоти бозорбоп бўлиши учун янгилик яратиши керак. Бу ҳам бизнеснинг бир тури. Қанча кўп сотилса, шунча яхши. Ундан ташқари, ҳар бир жойнинг ўзигагина хос бўлган, ўз маъносига эга нақшлари акс этган дўппи турлари бор. Асл моҳиятни сақлаб қолган ҳолда, яна янги хилларини яратса бўлади. Бунга ижодий ёндошсангиз кифоя. Ижодий ёндошувдан кейин шу йўналиш яхшиланади.

Бундан ўн-йигирма йил илгари йўлларимизда автомобиллар ҳозирги кундагидай ҳаддан зиёд кўп эмасди. Мустақиллигимиздан кейин ривожланиш жуда ҳам жадаллашиб кетди. Ҳозир ҳар бир оилада битта-иккитадан, ҳатто учтадан автомашина бор. Агар метро, қурилаётган кенг, равон йўллар, ажойиб кўприкларимиз бўлмаганида эди, аллақачон тирбандлик ичида қолган бўлар эдик.

Гап кичик бизнес ва унинг йўналишлари ҳақида кетяпти. Катта шаҳарлар салкам нафас олиб бўлмайдиган ҳолга секин-аста яқин келди. Бу ҳам ривожланишнинг орқасидан келадиган оқибат. Бу дунё миқёсидаги муаммо ҳисобланади. Шунинг учун кичик бизнесингиз ишлаб чиқариш билан боғлиқ ўлса, экологияга зарар келтирмайдиган тарзда олиб борсангиз атроф-муҳитта шикаст етказмайсиз. Буни тушуниб етган одам чеккароқдан дам олиш масканлари, ўзлари учун бир турар жой ҳаракатини бошлайди. Чунки ўн-ўн беш йилдан кейин ўша жойлар ҳам марказга яқин бўлиб қолади ёки қўшилиб кетади.

Энди сизда ҳам, менда ҳам таққослаш имконияти бор. Таққослаш ҳар доим ҳам тўғри эмас. Лекин маълум жиҳатларда бу ҳам ёмон эмас. Олдиндан кўра билиш дейишади буни. Чунки нарх-наво ҳам худди резината ўхшаб, қанча чўзсангиз чўзилаверади, чўзилаверади. Охири кульминацион нуқтага етиб келганида сал тортсангиз «пақ» этиб узилиб кетади. Табиатнинг, моддиятнинг ўз конуни бор. Нарх ҳам ўйнаб туради. Бирдан

кўтарилиб, бирдан тушиб кетади. Кўп қаватли уйда турадиган бир танишимга ер сотиб олишни маслаҳат бердим. Маслаҳатимга амал қилиб, арзон-гаровга ер сотиб олди. Кўп ўтмай ер нархи максимал даражада ошиб кетди. Энди унга «сотиб юбор» деб маслаҳат бердим. Кўнмади. «Нарх-наво яна бироз ошсин» деди. Аммо нархлар ошмади, аксинча тушиб кетди. Дўстим пешонасига муштлаб қолаверди. Демак, интуиция – олдиндан кўра билиш хислати бизнесда албатта ишлаши керак.

Олди-сотди иши шундай нарсаки, ҳам кўп топасиз, ҳам кўп йўқотасиз. Дўстим ҳам нарх-навони тўғри хулосалаганида эди, бояги еридан унумли фойдаланиши мумкин эди. Орзуингиздаги уйнинг пойдеворини ҳозирдан куриб боринг! Айтганларимиздан асосий мақсад шу. Бу ҳозир шарт эмас, биринчи топган пулингизни кичик бизнесга ишлатинг. Ўша ишингиз юришиб кетганидан кейин, даромадингизнинг маълум миқдорини уй-жойга, ер олишга сарфласангиз бўлади. Чунки туғилиш кўпайгани сари ер масаласи муаммога айланиб боради. Бир одам иккита бўлади, аммо бир метр ер ўзидан-ўзи икки метр бўлиб қолмайди. Хоҳ-лайсизми-йўқми, қачон бўлмасин барибир ернинг нархи ошади. Ер устида турган кўчмас мулкнинг ҳам.

Япония давлатига кўпчилик ҳавас қилади. Ҳақиқатан ҳам, тафаккурнинг юқори чўққиларини забт этган мамлакат. Электроника соҳаларида улар жуда юксак чўққиларга эришдилар. Уларда бирон бир киши ишга қабул қилинганида, албатта бир ҳафтанинг ичида ҳеч бўлмаса битта янгилик айтиши шарт! Янгилик яратиш маҳоратингизни, интуициянгизни ишга солишингиз керак. Унинг ўша ишхонага фойдаси борми-йўқми, бир янгилик айтмасангиз бўлмайди. Бора-бора камчиликларингиз кўпайгани сари сизни ишдан ҳайдаб юборишлари эҳтимоли ошаверади. Чунки сиз миянгизни ишлатмаяпсиз. У ерда ҳар бир ишхонанинг ўз мадҳияси, байроғи бор. «Бугундан ишга келишимнинг асосий сабаби, мана шу саккиз соат (ўн соат) давомида ишхонага фойдам тегсин» деб келади. Япониянинг жадал ривожига балки шу омил сабаб бўлгандир. Кўп қаватли уйларини кўрсатишади. Асоси те-

мисдан капсула қилиб, худди фазога учадиган космонавтларнинг ракетасидай қилиб, бир кишига мўлжаллаб қурилган. Капсуланинг ичида ювиниш хонаси бор, ётоғи бор, телевизор бор. Бир киши бемалол дам олса бўлади. 1970-1972 йилларда яратилган лойиҳа экан бу. Бирон бир шаҳарга чет жойлардан меҳмон келганида, бунақа капсула меҳмонхоналар жуда қўл келади. Ҳам кўп жой эгалламайди, ҳам меҳмонларга қулайлик яратилган. Юз квадрат метрлик қиммат меҳмонхонадан кўра, кишилар чўнтагига оғирлик қилмайдиган шу каби «хужра»лар маъқул эмасми. Биздаям ишбилармонларимиз шундай янгиликларни ҳаётга олиб киришга ҳаракат қилишса, юртимизга яхши фойда бўлар эди. Пойтахтга келиб-кетувчи меҳмонларга анча енгиллик бўларди. Капсулалар эскирганидан, утилизация бўлганидан кейин болтларини ечиб олиб, пластмассани пластмассага, пластикни пластика, шишани шишага, темирни темирга ажратиб, қайтадан ишлаб, яна янгидан тайёрлаб, ўрнига қотириб қўйишяпти.

Бизда ҳамм шундай ғояларни амалга ошириш даври келди. Янги-янги ғояларни, ҳар бир янгиликни ҳайратда қолдирадиган даражага олиб келиш керак! Бунинг учун сиз ўша керакли ҳолатни ўзингизда келтириб чиқаринг. Кашфиётга ижодий ёндашганингиздан кейин пулнинг ўзи орқа-олдингиздан қувиб келаверади. Қишлоқ шароитида ҳам бизнес билан шуғулланиш мумкин. Тош кўп бўлса, кафель ишлаб чиқарса бўлади. Гўнг кўп бўлса, гўнгни қайта ишлаб чиқариб, экспорт ҳам қилиш мумкин. Атрофингизда нима хом-ашё бўлса, ўшандан келиб чиқиб ишлаб чиқаравериш керак. Айниқса, қишлоқ жойларда, чекка туманларда имкониятлар катта. Масалан, ер нисбатан арзон. Дехқончилик, паррандачилик, чорвачилик дегандай. Бу соҳаларда барака бор. Шаҳарда имконият бўлмаслиги аниқ, лекин қишлоқда чорва қилишга, балиқчилик ва шу каби бошқа ишлар қилишга имкон топса бўлади. Ҳар бир жойнинг ўз имконияти бор. Нимагадир тўғри келиши аниқ. Ўша жойлар ерининг Таркибини ўрганиб, деҳқончиликка тўғри келадими, боғбончиликка, балиқчиликка бўладими, ўзингиз танлайсиз. Иш бошлашингиздан олдин атро-

фингизга назар ташланг. Иложи бўлса, чет элда ҳам бўлиб тажриба ўрганиб келсангиз, нур устига нур.

Бир танишим қозоқ фазогири Талғат Мусабаев билан яқин дўст экан. Унинг айтиб беришича, Мусабаев собиқ Иттифок пайтида космосга учган. Парвоз пайтида скафандрини кийиб ракетадан навбатдаги бир жойни таъмирлаш учун очиқ фазога чиқиши керак бўлиб қолибди. Бизга маълумки, очиқ коинотта махсус занжир тақиб, эҳтиёт чорасини кўриб чиқиш керак. Ракетадан узоқлашиб кетсанг, тамом. У жойда ҳаво йўқ. Бўшлиқ жойда агар реактив двигатель бўлмаса, силжишнинг асло иложи йўқ. Ўша куни у йигит эҳтиёт чорасини кўришни эсдан чиқариб қўйибди. Бир пайт қараса, ракетадан узоқлашиб кетяпти, қараса йўқ эмиш. «Узоқлашдим, бўлди, тамом, кетдим энди! Очиқ космосга чиқиб кетдим!» дебди ўзига-ўзи. Кўзларини шундай юмиб, «Эй Худойим, гуноҳларимни ўзинг кечир! Ёлғиз ўзинг ёрдам бер, қўллаб-қувватлагин!» деб Яратганга илтижо қилибди. «Ерга, бола-чақамнинг олдига эсон-омон етиб олай. Ўзинг ёрдам бер!» дебди кўзини юмган ҳолда. Қўли пгундай бир нарсага тегибди. Кўзини очса, ракетанинг олдига турган эмиш. Маҳкам ушлаб олибди. Лекин ўша замонларда бундай нарсаларни бировга келиб айтиб бўлмасди. Атеизм кучли эди! Шу сабабли, бўлган воқеани бировга айтилмаган ҳам экан.

Атрофимиздаги изланувчан, тиришқоқ одамлар қандай ажойиб, чиройли нарсалар яратиб, кўп яхши ишларни амалга оширяптилар. Эпласа бўладиган ишлар ниҳоятда кўп. Қизиқарли, фойдали ишлар бор. Албатта шуларни қилинг! Нега энди бошқаларникини қайтараверишингиз керак? Чет элга фақат дам олишга, маишатга чиқавермай, малакани, савияни, дунёқарашни ошириш учун ҳам бориб туринг. У ердаги илғор, амалга ошган ғояларни, технологияларни, ускуналарни олиб келиш керак. Бекорга «юрган дарё, ўтирган бўйра» демаган машойихларимиз.

Яна бир воқеа. Хориж мамлакатларидан бирида дўстим билан тамадди учун бир жойга кирдик. Ертўлани (энг арзон жой ертўла-да) шунақанги цпройли жойга айлантиришибдики, қойил

қоласиз. «На Утилиус» деб ном бериб, («Утилиус» – капитан Немонинг сув ости кемасининг номи) кафе очишган. Тушяпмиз, худди ҳақиқий сув ости кемасига ўхшайди. Элиминаторлар, бошқа томонида йирик аквариумлар қилинган. Балиқлар сузиб юрибди. Пол таги ҳам аквариум, оёқ остингизда балиқлар. Кичкинагина жой. Ўтириб, тамадди қилиб, еб-ичиб, маза қилиб мусиқа тинглаб кетасиз. Аммо асосийси бу эмас, бу ердаги экзотика кишига эстетик роҳат беради.

Кейинги куни яна бир жойга бордик. Оддий кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган. Ташқаридан қарасангиз, автобус тургандай кўринади. Ойналари, чироқлари, фаралари худди автобусникидек. «Ёпирай!» дедим. Бу нимаси бўлди? Чироғи, фараси ёниб турибди. Эшиги автобусникидай очилади. Кирасиз, ичида автобус ўриндиқлари, икки кишилик, тўрт кишилик, атрофга машиначалар қўйиб қўйилган. Кийим илгичлар машина ғилдираги дискига ўрнатилган. Буюртма берасиз, олиб келишади. Худди автобус ичида ўтириб кетаётгандай бўласиз. Номи «Заправка».

Мажозий қилиб айтганда, ошқозонингизни тўқлаб олинг дегани. Ҳалоли бўлсин. Хожатхона эшиги устида светафор турибди, аммо фақат иккита чироғи бор: қизил ва яшил. Қизил – «банд» дегани, яшил – «бўш» дегани. Шунга ўхшаб, ҳар бир ишга ижодкорлик билан ёндаша олсак, камчиқим, аммо оригинал йўл топа олсак, кичик бизнесимизни янада гуллаб-яшнатамиз. Сиз мана шу ижодий ёндашувни янада гўзаллаштирсангиз, одамлар отанга раҳмат!» деб кетади.

ИНТУИЦИЯ

Бизнинг мантиғимиз ўзи қарор чиқариб ўрганиб қолган. Мантиқ «алдамчи», жуда «манман» бўлиб кетган. Тўғрими-ноғўғрими қарор чиқаравериб: сизни ҳам шунга ўргатиб, мажбурлаб қўйган. Энди уни тўғри йўналтирмасангиз, бошқармасангиз бўлмасди. Чунки ўз фикрингиз ўзингизга душман бўлиб қолиши

мумкин. Кўпинча панд беради. Яхши вариантлар қолиб кетиб, энг нотўғри, бўлмайдиган вариантни бизга «ҳақиқат», «тўғри» деб кўрсатиб туради. Энди юракка, қалбга қулоқ тутиб, ўзингиз учун қарор қабул қилишни ўрганиш керак. Қалб билан сезишга ҳаракат қилавергандан кейин, купчиликда интуиция яққол ишлаб кетади. Буюк одамлар бир вақтнинг ўзида ҳам мусиқа тинглайди, ҳам қарор қабул қилади. Ҳам расм чизиб, ҳам хаёлан шеър тўқиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида уч, тўрт, беш ёки ўн бешта операцияни бажарадиган инсонлар ҳам бор. Даҳоларда шундай бўлади.

Интуициянинг ҳам ўзига яраша «овози», ўзига яраша «ҳолати», ўзига яраша жисмоний ва «ҳис-ҳаяжон» импульслари бор. Шулар орқали ҳақиқатми ёки ёлғонми сизга хабар қилади. Чунки интуиция қалбдан келади. Қалб деймиз, ички юрак деймиз. Жисмонан бир-бирига жуда яқин вужудимизда турибди. Вужудимизда туриб, бизга юрадиган тақдир йўлимизни белгилаб берапти. Кўпинча унга қулоқ тутмаймиз. Эшитмай қоламиз, бошқа бешта ҳис-туйғумиз бизни босиб қўймоқда.

Кўряпман, эшитяпман, таъм бияпман, ҳид бияпман, ушлаб кўряпман деган тушунчалар уни қисиб қўйган. Масҳ орқали олтинчи туйғуни топиб оласиз. Юқорида айтганимдай, кодлаб оласиз. Тўғри қарор қабул қилишда олтинчи туйғуни ҳам ишлатиш керак.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ИНТУИЦИЯ

Масалан, сиз бир одам билан кўришдингиз, салом-алик қилдингиз, ўша одам билан бирон бир иш бошламоқчисиз ёки қилишингиз керак. Ёки олди-бердингиз бор, хуллас, ўша одам билан сиз ё иш олиб боришингиз керак, ё бўлмаса йўқ. Гаплашаётганингизнинг ўзида «Шу одам билан иш олиб боришим керакми ё йўқми?» деб интуициянгиздан сўрасангиз, «ҳа» ёки «йўқ» деган жавоб келади. «Тўхта, биринчи марта балки янглишаётгандирман» деб қайта-қайта сўраб кўринг. Жавоб ололсангиз, демак

сиз сезяпсиз. Бора-бора шундай бўлиб қоласиз. Бунинг икки хил йўли бор.

Биринчи йўли, мантиқ билан интуицияни тинглаб, эшитиб-эшитиб шу шароитдан келиб чиқиб қарор қабул қилиш. Солиштириб текшириш. «Мана бу тўғри экан» ёки «мана бу адашиш экан», «хато экан» деган йўллари ҳам бор. Шу йўл билан мантиқдан келаётган маълумот ва мана бу интуитив маълумот деб аниқлаб, фарқлаб, кодлаб олаверасиз.

Иккинчи варианта эса мантиқни вақтинча онгли равишда сунъий тингламай қўйиш, яъни атайлаб чалғитиш орқали. Бу сиз бирор бир ҳикоями, романми, шеърми ўқиш мобайнида ёки бирор бир фильм томоша қила туриб, интуитив қарорни тинглайсиз ва уни қабул қиласиз дегани. Сизда миянинг мантикий фикрлайдиган қисми, бошқа информацияни «ҳал» қилиш билан банд. Эшитяпман, кўряпман, ушлаб кўриб биламан деган ҳис-туйғулар ҳам банд. Шу орада китоб ўқиётган, кино кўраётган пайтингизда «тўғри» ёки «нотўғри» деган қарорни қабул қиласиз. Бошқа ҳис-туйғулар унга чалғиб, аланглаб қолган пайтда интуиция яхши ишлаб кетади.

Интуициянинг шакли, ранги йўқ. Уни бешта туйғуга қиёслаб бўлмайди. Уни бешта ҳис-туйғу доирасида тушунтириб бериш қийин.

Айтайлик, бир одам олдингизга келди. Мантиғингиз биринчи бўлиб сизга айтади: «Яхши одамми ёки ёмон одамми?» У яхши одам бўлиши ҳам мумкин. Юрагингиз, интуициянгиз панд бермаслигиям мумкин. Лекин ўша яхши одам яхши мутахассис бўлмаслигиям мумкин. Ёки яхши мутахассис муттаҳамроқ ҳам бўлиши мумкин. Ҳалол, яхши одамдан сизнинг ишингизга керак зўр кадр чикмаслигиям мумкин. Чунки бу дунёда ишининг кўзини билмайдиган одам кўп. Биладиганлар эса жуда кам. Интуицияга тўғри савол беришни билиш керак. Сиз «шу одам ишнинг кўзини биладими-йўқми?» десангиз интуициянгиз «йўқ» дейиши ёки «ҳа» дейиши мумкин. Чунки одамлар турфа хил бўлади. Масалан, баъзи кишилар кўрқоқ бўлади. Биринчи

қийинчиликка учраган пайтдаёқ ўзини йўқотиб қўяди. Унга энди етакчилик маҳорати етишмайди. Ўша пайтда унга далда бериш керак. Биринчи қийинчиликда «бўладими-йўқми» деб, тарвузи қўлтиғидан тушиб тураверади. Шунинг учун сиз ҳаётда кўпинча иккита қарама-қарши қарорга дуч келасиз. «Шу одам билан учрашсаммикан, учрашмасаммикан» деб ўйлаб кўрасиз. Агар учрашсак, икки томонлама қандай фойда бўлади. Шунини амалга ошириш керакми-йўқми? Асосан иккита вариант туради: «ҳа» ёки «йўқ». Учинчиси ҳам бор: «зинҳор-базинҳор қилинмасин» ёки «қилиш керак, шарт» деган вариантлар ҳам бор. Аслида тўртта қарор туради. Лекин категорияси асосан иккига бўлинади: «ҳа» ёки «йўқ», «тўғри» ёки «хато»!

Масалан, «бизнес режа, лойиҳанинг қай бирини амалга оширишим керак» десангиз, интуициянгиз ҳам бир неча вариантни айтаверади.

«Уларнинг ҳаммаси тўғри. Лекин шулар ичидан қайси бирини биринчи амалга ошириш керак десангиз, уни ҳам кўрсатади. Кейин топиб, мана буни деб белгилайсиз. Интуициянгиздан буни амалга оширишим учун нималар қилишингиз кераклигини сўрасангиз, «Мана буни, мана буни» деб ҳеч бўлмаса йўналишлари кўринади. Йўналишларни амалга оширасиз. «Бунга мен маблағни қаердан топаман» дейсиз. Яна қарорнинг ечими ҳам келади.

Яхши ғоя худдики нектар асаларини ўзига жалб қилгани каби бўлади. Асал каби ширин бўлади, чунки бу ғоянинг яхшилиги ширинлигидадир. Унинг ширинлиги эса фойда, даромад келтирувчанлигида. Дарров имкониятни ёки пули борларнинг, сармоядорларнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Бу катта муаммо эмас. Сабаби, пулдор одамлар йўқ эмас. Аммо уларда айни дамда ғоя бўлмаслиги мумкин. Сизнинг бир ажойиб ғоянгиз уларга туртки бўлади. Кўпинча, янги иш бошловчилар, тадбиркорликни энди бошлаётганлар ўзларининг миясига келган ҳар қандай ғояниям буюк деб қабул қиладилар. Шунинг учун сиз ўзингизга бизнес-устоз топасиз. Бизнес-устоз дегани бу, ҳақиқатан ҳам

беш йил, ўн йилдан бери бизнес билан шуғулланаётган, ҳар хил қийинчиликларга дуч келаётган, енгиб ўтаётган шахс.

Улар сиз эндигина ўйлаётган нарсаларингизни, анча илгари минг марта ўйлаган. Шундай одам билан суҳбат қурасиз. У бизнесмен сифатида сизнинг ғоянгизни балчиққа қориштириб, оёғи билан тепкилаб, нотўғри эканлигини исботлаб бера олади. Яна бир ғоя айтасиз. Уни ҳам исботлаб-исботлаб, пучга чиқаради. Агар сиз арзийдиган, амалга оширса бўладиган бир ғояни айтсангиз, у ўйланиб қолади. Кейин айтадики, «Буни қилса бўлади!» Баъзан мияга келган фикр, ғояларнинг тўқсон фоизи арзимайдиган, пуч бўлиб чиқади. Ёки ҳали пишмаган, хом бўлади. Яна бир омилга эътибор беришимиз керак. Кўпинча ишнинг энг қийин томонига ўзимизни урамиз. Сиз кучли бизнесменлар билан гаплашиб, режаларингизни айтсангиз, улар балки устингиздан кулар. Бунда сиз унинг наздида, худди кўп музқаймоқ ейишни хоҳлаб, музқаймоқ сотувчиси бўлишни орзу қилаётган ёш болага ўхшаб қоласиз. Ҳақиқий ишбилармонлар қаердан қанча даромад кўришнйам, катта фойда олишнйам билади. Қийналмай пул ишлаб топиши мумкин. Бемалол ўйнаб-кулиб, яйраб ҳам пул ишлаш мумкин. Ишбилармонлар буни яхши билишади. Унинг ҳалол йўли кўп. Мақсад – ўшандай йўлларни топиб, сиз ҳам яқинлашишингиз керак. Улардан маслаҳат сўраганингизда сизнинг ғояларингизни пучга чиқараверсалар ҳам, фикр алмашаверинг. Баъзан катта бизнесменлар ҳам бошқаларга мурожаат қилиб туришади. Бу камтарлик уларнинг янада «ўсиш»ини таъминлайди.

Кейинги йилларда баъзи давлатларда ишлаб чиқариш у қадар кучли бўлмаса ҳам, ривожланиш жадал кетяпти. Нефть, газ, олтин захирасига эга бўлмаган давлатлар туризм соҳасининг ортидан бойиб кетишяпти. Мисол учун, Туркия давлатини олиб қарайлик. Чиройли манзара, табиат, денгиздан бошқа нима бор. Аммо туризмни яхши йўлга қўйиб олишган. Биздаям кўркем жойлар, тоғли ҳудудлар бор. Қадимий осори атиқалар, музей шаҳарларимиз бор. Уларнинг таърифига тил ожиз. Тўғри, туризм

секин-секин биздаям ривожланиб келяпти. Лекий туристларни жалб этиш учун имтиёзлар, енгилликлар, нархларни бироз пастлатишлар масаласи бироз оксаяпти. Бизнинг хатоимиз ҳам шунда. Масалан, оз нарсанинг устига катта нарх қўйиб сотиб ҳам бой бўлиш мумкин, аммо буни жуда узоқ кутиш керак. Арзимаган фойда қўйсангиз-у, бироқ қўп нарса сотсангиз, бой бўлиш тезлашади. Чунки тез сотилади, тез даромад кўрасиз.

Мисрга борсангиз Қизил денгизнинг сув ости дунёси бир эртақдай гап. Сув остида беш юз метр чуқурликдаги рангли кораллар товланиб кўриниб туради. Тиниқ сувга қараганингизда таги кўринади. Ярим метр, бир метрлик чуқурга кўзимиз ўрганган. Қизил денгиз атрофидаги курортларда «дайвинг», яъни акваланг билан сув остига шўнғиш спорти яхши ривожланган. Агар сув ости дунёсини томоша қиламан десангиз, Мисрдаги Шарм-ал-Шайхга боринг. Сув остига шўнғийсиз, аквариумдаги балиқлардай чиройли, ҳар хил ранг-баранг балиқлар атрофингизда сузиб юради. Бояги беш юз метр, етти юз метр чуқурликка Қуёш нури тушиб туради. Суви тип-тиниқ. Энг тиниқ сув бу – шўр сув. Шўрлиги бўйича дунёда Ўлик денгиздан кейингиси Қизил денгиз. Чўкаман деб ётиб олсангиз ҳам, сув кўтариб қўяди сизни. У ерда аксига олиб сув остига киришнинг ўзи бир муаммо.

МАҚСАДЛАР

Олдимизга қўйган мақсадларимизнинг аниқ амалга ошишига қаттиқ ишониб ўрганиб қолганмиз. Бу унчалик тўғри эмас! Чунки биринчидан сиз битта мақсадни амалга ошириш учун қайси йўлни танласам экан, дея ўйланасиз. Вақт кетаяпти. Иккинчидан, сиз танладингиз. Ана шу танланган йўллардан бирига ҳаракат қиласиз. Бу ҳаракатлардан бири амалга ошади, бири ошмайди. Амалга ошмай қолган натижани қаттиқ ўйлаб қоласиз. Яна қимматли вақтингиз сарфланаяпти. Онг остида «амалга ошмадику» деган гап сизни қийнайверади. Ишончсизлик пайдо бўляпти. Кейингисига ҳаракат қилишга ўйланиб қолдингиз. Ана шу ўй-хаёллар сизни орқага тортиши мумкин.

Умуман олиб қараганда, натижа ҳақида ўйлаш керак. Аммо, иш жараёнида натижани умуман эсламаслик керак. «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деб қўйибди ҳақнинг ўзи.

Демак, мақсад қўйиш керак, режа тузиш керак, бирон-бир фикрга келиш керак. Лекин натижага жудаям боғланиб қолманг. Ҳаракатни сусайтирмаслик лозим. Масалан, чумолини қаранг, кичкинагина бўлсаям, тоғдай-тоғдай ишларни қилиб ташлайди. Инини кўрсангиз, бир санъат асари! Бир неча метр чуқурликда колониялар бўлиб яшайди. Иш жараёнида йиқилиб ҳам туша-веради, туриб яна давом эттираверади. Сув инини ювиб кетади. Яна қайтадан қураверади. Ҳеч тўхтамайди. Баъзи чумоли колониялари бутун бир бошли қишлоқнинг кўчишига сабабчи бўлган. Аммо чумолилар «Улар кўчиб кетишсин» деб мақсад қўймаган. Шунчаки, ҳаракатлари натижасидир. Демак, натижани ҳаракат беради.

ИЧКИ МОҲИЯТ

Ҳар бир инсонга ўзига мос муносабат керак. Биримиз маънавий кучоғида турибмиз, лекин маънавийатдан ниҳоятда узоқмиз. Яна биримиз моддий кучоғида турибмиз, моддийатдан умуман узоқмиз. Инсон ўзини англашида, моҳиятини англашида, ҳақиқатни сезишида унинг ўзига нисбатан фикрини ўзгартириш керак.

Маънавийатли киши ҳам ўзгалар кўмагига, ёрдамига муҳтож. Унга камчилигини юмшоқлик билан, яхши гап билан тушунтириш керак эмас. Чунки унинг ўзи интеллект юқори инсон бўлади. Ундаги бор нарсани яна ўзига берсангиз тушунмайди. Бунда кўпинча тескари йўл билан унга ўзини англашида ёрдам бериш керак. Керак бўлганда, ҳақоратли сўз ҳам айтса бўлади. Сабаби, бундай кишилар ҳақоратланишдан жуда кўрқади. Шу сабабли, ўзларини маънавийат билан ҳимоялашга уриниб, реал ҳаётдан узоқлашиб кетадилар. Демак, ҳар кимга ҳар хил йўналишдаги муносабат керак экан.

ОТА ГЕНИ КУЧЛИМИ ЁКИ ОНА ГЕНИ?

Элликка эллик. Лекин она томондан кўпроқ ўтади, она гени кучлироқ. Биз ўғил болаларни яхши кўрамыз. Аслида ўғил фарзанд аёл уруғи – генининг давомчилари бўлади. Эътибор беринг, ўғилларингиз кўпинча онасига тортган бўлади. Агар кўриниши отага ўхшаган бўлса ҳам, феъл-атвори, айрим хислатлари тоғаларига тортиб кетган бўлади. Отанинг гени, қобилияти қизига ўтади. Қизларни кузатинг, қуйиб қўйгандай отасига ўхшайди. Аёл танасидаги жажжигина ота у. Ўғил фарзандлар туғилганда биз эркаклар жуда хурсанд бўлиб кетамиз. Кетмакетига қиз туғилаверса, «яна қиз бўлдимиз?» деб хафа бўлиб қоламиз. Генетик жиҳатдан ўйлаб қарасак, биз ҳақ эмаслигимизга амин бўламиз. Ген отадан кўпроқ қизига, онадан кўпроқ ўғилга ўтади.

ФАРЗАНДНИНГ ҚИЗ ЁКИ ЎҒИЛ БЎЛИШИ КИМГА БОҒЛИҚ?

Фарзанднинг қиз ёки ўғил жинсида туғилишида она мутлақо роль ўйнамайди. Унинг вазифаси фақатгина туғиш. Ўғил ёки қиз туғилиши юз фоиз эркакка боғлиқ. Қозонда бори чўмичга чиқади. Бу ХҮ, YX хромосомалар қайсиниси кўп бўлса, шунга қараб аниқланади. Яна иссиқлик ва совуқлик, хўллик ва куруқлик деган мижоз хиллари бор. Сиз кўпроқ иссиқлик бўлишга ҳаракат қилсангиз, яъни эҳтиросни кучайтирадиган юқори калорияли таомларни еб, шамоллашлардан асрайдиган иссиқ кийимларни кийиб, ўзингизга эътиборли бўлиб юрсангиз, ўғил фарзанд кўриш эҳтимоли ошади. Масалан, қўй гўшти иссиқлик, мол гўшти совуқлик, қора чой иссиқлик, кўк чой совуқлик, тухумнинг қайнатилгани совуқлик, қовурилгани иссиқлик, писта, бодом, ёнғоқ мағизлари иссиқлик ҳисобланади. Аммо буларни истеъмол қилишда ўзингизга индивидуал ёндашинг. Бирданига қон босими ошиб кетиш эҳтимоли бор.

ҚАРИНДОШЛАР БИЛАН ҚУДА-АНДА БЎЛИШ МУМКИНМИ?

Одам Ато билан Момо Ҳаво эр-хотин бўлганларидан кейин уларга Оллоҳ биринчи бўлиб ўғил фарзанд берди. Ундан кейин қиз фарзанд берди. Яна ўғил фарзанд, кейин қиз фарзанд берди. Уларни бир-бирига никоҳлаб қўйди. Шундай қилиб, ер юзидда одам зоти тарқала бошлади. Узоқ қариндош-уруғлар турмуш курса бўлади. Лекин бора-бора яхши хислатлар камайиб кетиб, ёмонлари ортиб, кучайиб кетаверади. Фарзандларингизда сиздаги камчиликлар билан, турмуш ўртоғингиздаги камчиликлар кўшилиб «ўсиб» кетади. Сиздаги яхши қобилиятлар билан турмуш ўртоғингиздаги яхши қобилиятлар эса пасайиб кетади. Шу нуқтаи назардан, турмуш ўртоғингиз қанча узоқ, бегона бўлса, шунча яхши. Фарзандингиздаги ёмон хислатлари пасайиб, ҳамма яхши қобилиятлар, талант ва бошқа хислатлар ошиб кетади. Маъноси шу! Биз «Бегона бўлмасин, таниш бўлсин, ҳар ҳолда бир-бирини тушунади деймиз. Бунинг ҳам яхши, ҳам ёмон томонлари бор. Ген томонидан «манфий», муносабат ва тушуниш томондан «мусбат». Тўғри, бегонага энг азиз фарзандингизни топшириш қийин. Қариндошга, яқин танишга бериш осон. Бу ҳолатда ген аста-секин айниб бораверади. Шунинг учун иложи борича бегонага қиз бериш керак. Жуда ҳам яқин қариндош бўлмаслиги лозим. Агар беш, олти, етти ота узоқроқ қариндош бўлса, ҳеч нарса қилмайди. Чунки унга ген тозаланган бўлади.

Мен ҳаётда гувоҳи бўлганим, яъни бир-бирига қуда бўлган ака-сингил, опа-укаларнинг тақдирини сизга сўзлаб берсам. Афсуски, натижа аянчли! Биринчи оилада ҳар йили аёл ҳомиласи бешинчи, олтинчи ойда, айни ривожланиш даврида бола тушиш ҳолати такрорланади. Охири ота бечора бу кўргуликка чидолмай, инсульт бўлиб қолди. Иккинчи оилада фарзанд дунёга келди, аммо аклий ривожланмай қолди. Вужуд ўсади, ақл уч ёшар боланики. Дори-дармонлар билан ҳозиргача хатони тўғрилашга ҳаракат қилишяпти. Учинчи оилада эса умуман фарзанд дунёга келма-

ди. Охири ажрашиб кетишди. Улар бегоналар билан турмуш қуришиб, фарзанд кўриб, ҳозирда бахтли ҳаёт кечиришяпти. Шу сабаб, яқин қариндошлар қуда бўлмагани яхши. Қариндошингиз бор-йўғи бир марта хафа бўлади. Хафа қилмай деб қуда бўлишга рози бўлсангиз, умрингизнинг охиригача бир-бирингиздан ўпкалаб ўтасиз.

Масалан, чукчалар жуда совуқ ўлкаларда яшайди. Уларда шундай одат бор. Агар сиз соғлом эркак бўлсангиз ва улар томонга меҳмонга борсангиз, сиздан аёллари билан бирга бўлишни сўрашади. Яъни, сиздан уруғ, насл олишга ҳаракат қиладилар. Яхшиям, бизда бундай генетик муаммо йўқ. Лекин уларнинг бошқа иложи йўқ. Яшаш учун кураш!

Нимага? Чунки совуқ туфайли эркакларининг уруғи сони жуда кам. Яқин қариндошлар бир-бирига никоҳланиб, уйланиб, охир-оқибат уларнинг миллати, уруғи йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган. Уларга янги бир нав, уруғ керак. Шунинг учун бошқа миллат вакилларига аёллари билан бирга бўлишни таклиф қилади. Агар ундан ўғил туғилса, улғайгач, қизлардан бирига уйлантиришади, натижада бақувват, соғлом, кучли фарзандлар яна кўпайиб кетади. Қиз фарзанд туғилган бўлса, балоғат ёшига етгандан кейин, шу ерга узатади. Бу яна анча вақтларгача шу уруғнинг йўқолиб кетмаслигини таъминлайди. Аҳвол шу даражага етган.

Доимий равишда қариндошлар билан қуда бўлавериш мана шундай оқибатларга олиб келади. Агар қариндош-уруғ, опа-ука қуда бўлаверса, ўша миллат бир кун келиб йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Ўз миллатини сақлаб қолиш учун улар шунга мажбур бўлиб қолишган. Бўлмаса, қабиласи таг-туғи билан йўқ бўлиб кетади. Яшайверади, фарзанд туғилаверади. Лекин, фарзанди касалманд, нимжон бўлади. У жойлар совуқ ўлка, биз мутлақо қабул қилолмайдиган нарсаларга улар чидаши керак. Тентаклигидан эмас, миллатни асраб қолиш нуқтаи назаридан. Фараз қилинг, битта миллат йўқ! Шунинг учун улар шундай қилишга мажбур.

ЭР ВА ХОТИН ОРАСИДАГИ ЁШ ОРАЛИҒИ ҚАНЧАГА ФАРҚЛАНИШИ КЕРАК?

Бу нарса ҳамманинг индивидуал ҳолатидан келиб чиқади. Масалан, уларнинг ёши тенг ҳам бўлиши мумкин, эр ёки хотиндан бири катта бўлиши ҳам мумкин, кичик бўлиши ҳам мумкин. Лекин тавсия қилинадигани – беш, ўн ёш фарқ қилса яхши бўлади. Ана шунда иккинчи босқич кечроқ келади. Тенг бўлса ёки бир ёшга фарқ қилса, ўн икки, ўн беш йилдан кейин иккаласи ҳам амаки ва хола бўлиб қолади. Аслида аёл киши туққанидан кейин ёшаради. Асосан, уни болаларга қараш ташвишлари чарчатиб қўяди, рўзгор икир-чикирлари ҳам кучини олиб қўяди. Аёл киши ҳар гал фарзандли бўлганида соғлигига соғлиқ қўшилади. Беш-ўн ёшга ёшариб юради. Туғмаган аёллар қиздай бўлиб юриб-юриб, бирдан қариб қолади. Вақтида дам олиб, уч-беш йилда туғиб юрган аёллар, гулдай бўлиб, қирққа кирса ҳам, элликка кирса ҳам йигирма беш, ўттиз яшар бўлиб кўринаверади. Бешта болам бор деса биров ишонмайди.

Баъзилар турмуш қуришда эркак каттароқ, аёл эса ёшроқ булиши керак деган фикрда. Аммо бир хил аёллар ёши катта бўлса ҳам жозибаларини сақлаб қоладилар. Ёш ва имконият, кўринишни ҳисобга олиб турмуш қурсангиз, оилангиз бардавом бўлади ва соғлом фарзандлар туғилади.

ПУЛГА МУҲТОЖ ОДАМГА ЁРДАМ БЕРИШ КЕРАКМИ?

Ҳозирги айтадиганларим ишбилармонликни, кичик бизнесни энди бошлаётганларга тааллуқли.

Азизларим, биз ҳозирча бировга ёрдам берадиган даражада кучли эмасмиз. Буни тўғри тушуниш лозим. Қанийди, қўлимиздан келганича ҳаммага ёрдам берсак. Аммо ҳозирча биз бировга ёрдам берадиган даражада эмасмиз. Бу қанчалик қўпол бўлмасин, одамгарчилик доирасидан ташқарида бўлиб кўринмасин, бошқа иложимиз йўқ. Пул топа бошлаганингизда даромадингизнинг

қирқдан бирини бева-бечораларга берганингизнинг ўзи ёрдам ҳисобланади.

Кимда муаммо йўқ дейсиз? Кимга пул ортиқчалиқ қилади. Ҳеч кимга! Менгаям ёрдам ортиқчалиқ қилмайди. Лекин бирон бир инсонга ҳали «сен менга ёрдам бер» деганим йўқ. Ўзим муаммони ҳал қилишга ҳаракат қиламан. Чунки ҳамманинг ўз ташвиши ўзига етиб ортади.

Бизнесни энди бошладик. Ҳали бировга ёрдам берадиган аҳволда эмасмиз. Биринчи навбатда биз ёрдам беришимиз керак бўлган одам – ўзимиз! Ўзингизга ўзингизга ёрдам беринг!

Ишларингиз юришиб кетиб, пулларингиз кўпайса, ёрдам бераверинг! Ўшандаям, биринчи навбатда камхарж қариндошларга бева-бечораларга, етимларга, яккаю ёлғиз, қаровсиз қолган қарияларга ёрдам бериш керак. Ҳаммага ёрдам беравериш шарт эмас. Агар сиз ҳозир кўлингиздаги тўрт-беш сўм пулни ўнгга, чапга сарфласангиз, шартта «ўтириб» қоласиз. Кейин қайтиб яна шу аҳволга келгунингизга қадар йиллар ўтиб кетиши мумкин. Сизнинг кичик бизнесингиз тўхтаб қолади.

Бизнес бу маънавият эмас, моддий нарса. Бизнес билан саховатни аралаштирмаслик керак. Лекин инсон учун иккаласи ҳам керак. Худди одамдан жонни олиб ташласак, жасадга айланиб қолганидай, вужуд моддият бўлса, жон маънавият. Ажратсангиз бир тийинга қиммат! Қўшилса, ҳаракатга келиб, ҳаёт бўляпти.

ИШБИЛАРМОННИНГ ТОПАРМОНДАН, ТОПАРМОННИНГ ТУТАРМОНДАН ФАРҚИ

Комиллик қасрининг асосий учта таянч устуни бор. Булар: моддият, маърифат ва маънавият. Бу устунлар оиланинг, жамиятнинг пойдевори ва таянчи ҳисобланади.

Ишбилармон, ишнинг кўзини биладиган одамнинг топармон-тутармонлиги бу оила кўргонининг оддий устунини мустаҳкамлайди. Шуни биз соддалаштириб «тирикчилик», «рўзғор» деймиз. Лекин ҳамма ҳам уларнинг фарқига боравер-

майди. Мутахассисликларимдан бири амалий руҳшунос бўлгани учун дунё бўйлаб хизмат сафарларида бўлиб, одамлар билан мулоқот қилиб, ўзаро гаплашиб, фикр алмашиб тураман. Шундай қизиқ хангомалардан бирини сиз билан ўртоқлашмоқчиман.

«Ёши элликдан ошган эркак киши ҳозирда кира қилиб рўзғор тебратади. Атайлаб, салом-алиқдан кейин ишбилармонлик ва бизнесдан гап очдим. Ўзлари бошлаб кетдилар: «Ука, ўн йил олдин менинг ишим зўр эди. Топишим ёмон эмасди. Қасрдай қилиб уй қурдим, машина олдим. Кейин нима бўлди-да, ишим юришмай қолди. Ўша пайтда биров «Бир кун келиб шу одам киракашлик қилади» деса, нафақат ўзим, бошқалар ҳам, ҳатто душманам ҳам зинҳор ишонмаган бўларди. Мен шаҳарнинг энг бой одамларидан бири эдим», деди. Кейин мен у кишига ва тақдири шунга ўхшаган одамларга савол бераман. Нима сабабдан бу аҳволга келганини сўрайман. Елка қисиб «билмадим» деб жавоб беради-лар. Ишбилармонликнинг, топармонликнинг тутармонликдан фарқини сўрайман. Айтиб бера олишмайди. Чунки ҳамма ҳам унинг фарқига боравермайди. Аслида ҳамма «фалокат», молиявий касодга учрашнинг сабаби шу. Уларга қараб «сиз топармон экансиз, тутармон эмас» дейман. Вақтида уддабуронлик қилган экансиз, дейман. Бўлмаса қийналиб ишлаб топган пулнингизни даромад келтирмайдиган нарсаларга беҳуда сарфламаган бўлардингиз. Сиз пулга ишлабсиз дейман. Бу хато!

Топармонларнинг умумий хатоси дейилади. Топмаганга, яъни «дон»га шу хато қилиш ҳам насиб этмайди. Топармоннинг тутармондан фарқи қандай?

Тутармон олдин топади, шунинг учун уни тўлиқ номи «топармон-тутармон» бўлади. Бундай одам маблағини ўзига ишлайдиган соҳаларга ура-ди, ишлатади. У пулнинг моҳиятини яхши биллади. Пуллари у учун ишлаши, доим айланишини керак-лигини англайди. У қурбига қараб дарҳол бирор бир дўконми, хизмат кўрсатиш шохобчасими ёки кичкина ишлаб чиқаришми, хуллас ўз ишини йўлга қўяди. Тутармон маблағи етса ҳам, дарров автомашина олиб, гўдаиб юрмайди. Икки, уч қаватли қилиб уй қуриб,

сўнг пулини тугатиб, икки қўлини бурнига тикиб ўтирмайди.

Тутармон бу ҳақиқий ишбилармондир. Ишнинг қўзини билади ва қўлига тушган моддий бойликни ушлаб, тутиб қолади. Шунинг учун уни тутармон дейишади. У моҳияти жиҳатидан пилла қуртига ўхшайди. Очган кичик бизнеси унинг «пилла қурти». Қуртнинг ўраётган пилласи, соф даромади бўлади. Шунинг учун бундай одамлар ҳеч қачон хор бўлмайди. Улар ҳам яхши яшагиси, автомашина мингиси, уй қургиси келади. Лекин улар олдин тутармонликни, ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатиш турларини йўлга қўйиб қўяди. Кейин даромадининг бир қисмидан бемалол хоҳлаган нарсаларни олаверади.

Тутармонлар пулни ўзига «ишлатиш»ни яхши биладилар. Буни бошқача қилиб айтсак, топармон саҳрода сув излаб топиб, уйига бир идишда, пақирдами, кўзадами сув олиб келган одамга ўхшайди. Оила аъзолари сал вақт ўтмай, сувни ичиб қўяди. Топарман ҳар сафар пақирга қараб, тагида озгина сув қолибди, яна олиб келай деб, умри сув ташиш билан ўгиб кетади. Чарчаб қолади. Чунки узокдан сув ташиш ҳар қандай одамни саргардон қилади. Мана нима сабабдан кейинчалик иши юришмай қолади.

Топармон-тутармон киши эса худди ҳовлидан қудуқ қазиб ёки нарироқдаги қазиб очган булоғидан қувурлар орқали уйига сув олиб келиб, яна кранлар ўрнатиб қўйган одамга ўхшайди. Қудуқ ёки булоқ, бу унинг кичик бизнеси бўлади. Бундай одамга бир марта қийин бўлади, холос. Аммо иши битганидан кейин умри бола-чақаси билан яйраб-яшнаб яшаш билан ўтади.

Мана бундай топармон-тутармонлар ҳақиқий тадбиркор ва ишбилармонлардир. Мана энди «сув» муаммоси ҳал бўлди, яъни моддият устун қарор топди. Энди маърифат ва маънавият устунларини кучайтиришга астойдил бел боғлаб киришса бўлади. Шу асосий устунлар мавжуд бўлсагина, оила қўрғони мустаҳкам бўлиб, инсон комилликка эришади.

ОЛАМ МУВОЗАНАТИ

МУҚАДДИМА

Оламдаги эзгулик ва ёвузлик ҳамиша ҳақиқат тарозисида тортиб турилади. Гап эзгулик ёки ёвузликдан қай бирининг оғир келишида эмас, уларнинг ҳаётдаги мутаносиблиги муҳимдир. Бу мутаносибликни табиат уйғунлиги таъминлаб туради. Табиат уйғунлиги эса ҳақиқат руёбга чиқишининг асосий шартидир.

Биз инсонлар ана шу ҳақиқатга путур етказдик. Натижада дунё мувозанати кўпол равишда бузила бошлади. Хўш, бу гапимга қўшилмасизми? Дарвоқе, қўшилиш ёки қўшилмаслик ўз ихтиёрингизда.

Йўқ, мен адолат, ҳақиқат тушунчаларини айтмаяпман. Мен фақат табиатдаги мутаносиблик ҳақида гапиряпман. Зеро, эндиликда одамлар наздида бу тушунчалар эскириб қолди. Лекин олам мувозанатини сақлаб турадиган, инсониятни эзгулик сари етаклайдиган қандайдир кучлар бор. Мен сафар вақтида бир кишидан эшитган ҳикоя ҳам айнан шу ҳақда.

Яхшиси, унинг ҳикоясини сизга бир бошдан баён қилай, ишониш, ишонмаслик сизнинг ихтиёрингизда. Лекин бу ҳикоя сизнинг маънавий оламингизни кенгайтиради.

Ҳикоясида баён қилинишича улар одамга ўхшаб кетади, лекин одам эмас. Индаллосини айтганда, шакли, ташқи кўриниши одамга жуда ўхшайди. «Хўш, улар умрбоқийми?» деган саволингизга «Ҳа» деб жавоб берсам, нотўғри бўлган бўлар эди. Чунки хоҳлаган вақтларида олам мувозанатини сақлаш ва ҳимоя қилиш хизматидан кетишлари мумкин. Улар шундай дейишади: «Бизнинг асосий вазифамиз эзгуликнинг ғалаба қилиши учун курашиш эмас, ёвузликнинг нисбати эзгуликдан устун бўлиб кетмаслигини таъминлашдир».

Шуниси аниқки, улар ўн икки нафардир. Бу ўн иккилик ҳеч қачон бузилмайди. Қайси бири кетишга қарор қилса, унинг ўрнини бошқаси тўлдиради. Тўлдирувчи дунёга келишини улар ҳис қилишади ва орзиқиб кутишади.

Илимнинг (ун икки дарвешдан бирининг номи шундай) айтишича, номзод боланинг қайси ота-онадан туғилиш эҳтимоли бўлса, уларни бир-бири билан учраштириб, тақдирларини боғлаб қўйишар экан. Бундай жуфтлик миллионтадан битта ёки иккита бўларкан. Номзод бола ҳали туғилмасиданоқ махсус тарбия бериш бошланади. Етти ёшида болани унинг муҳитидан, оиласидан, онасидан ажратиб олишади.

Бундай танланган бола тарбияси билан шундай зот шуғулланадики, уни таърифлашнинг ҳеч иложи йўқ. Ер юзидаги ҳамма донишмандлар бир ерга тўпланса, тўғрироғи, уларнинг илмини тарозининг бир палласига қўйиб, унинг илми иккинчи паллага қўйилса, шаксиз, уники бениҳоя оғирроқ келади. Орадаги фарқ кўрғошин тоғи билан парранда пати ўртасидаги тафовут кабидир. У билган нарсаларни ҳеч бир олим билолмайди. Унда илоҳий донишмандлик китоби бор. Ҳақнинг ўзи унга шу китобни берган. Унинг ўзи тирик бир илмдир, у абадий яшайди. Бу «абадий» сўзи ҳам менга унинг мавқеини пасайтиргандек туюлмоқда. Чунки сиз Худога ишонсангиз, ўлимдан сўнг тирилиш, жаннат, дўзах деган неъматларга ҳам ишонасиз, албатта. Инсон ўртача етмиш, саксон, тўқсон, юз йил, майли, икки юз йил умр кўрсин. Кейин бандаликни бажо келтиради ва саодатли дамлар етганда қайта тирилади. Шу нуқтаи назардан қаралса, ҳамманинг умри боқий-да, ахир. Лекин биз, одамлар ўлимдан ўлгудек кўрқамиз. Унга эса икки дунё бир қадам. Ҳа, шунақа!

У ерда қанча умр кўришни ҳеч ким билмайди. Минг-минг йиллар ҳам унинг умрини ўлчашга камлик қилади.

У – ҳақиқий сеҳргар, алкимёгар, дарвеш. Сеҳргар, алкимёгар ҳам гапми, у уларнинг барчасига дарс беради. Гапимга ишонаверинг. Майда-чуйда сеҳргарларнинг жуда кўпини кўрганман. Уларнинг қилаётган ишидан, тўғриси, кўнглим айнийди. Ма-

салан, бирор-бир егуликни йўқдан бор қилиш, бирор буюмни пайдо этиш ёки йўқ қилиш – шу ҳам иш бўлибдими? Уларни камситмоқчи эмасман-ку, лекин бу унинг сеҳргарликлари олдида болалар ўйинига ўхшаб кетади.

Кўзбойлоғичларни-ку, айтмасам ҳам бўлади. Уят нималигини билишмайди-ей! Тагин арзимаган томошаларидан димоғлари осмонга кўтарилиб кетади. Бу билан одамларнинг ҳақиқий сеҳргарликка бўлган ишончларига путур етказишаётганини сезишмайди ҳам.

Кўзбойлоғичлар мен таърифлаётган ҳақиқий сеҳргарларни бир кўрганларида эди, қилаётган ишларидан уялиб, бошқа касбга ўтиб кетган бўлишармиди?

Ўниккиликнинг чексиз имкониятларидан яна бири, хоҳлаган одамни бирон-бир жонзотга айлантириб қўйишидир. Ҳатто ўлган жонзотларни тирилтиришлари ҳам мумкин. Фақат одам бундан мустасно. Нега дейсизми? Ахир онгли одам ўлиб, кайта тирилганидан кейин сизнинг, тўғрироғи, тирилтирган одамнинг «тумшуғига» тушириб қодиши мумкин-да. Муддатидан олдин тирилиш мурдаларга умуман ёқмайди. Шу боис ҳам улар ҳақиқий, том маънодаги Дарвешлар деб аталади. Уларнинг устози эса ҳазрат Хизр алайҳиссаломдир. Менинг гапларимга ишонмаяпсиз, шекилли? Дарвоқе, бу ғаройиб воқеадан воқиф бўлмаган ҳар қандай одам ҳам сизнинг ўрнингизда бўлганида худди шундай деган бўларди. Воқеа аслида мана бундай бўлган эди.

УНИВЕРСИТЕТ

Игорь 1982 йили Москва Давлат университетининг геология факультетига ўқишга кирганида ўн саккиз ёшда эди. Мана, шунга ҳам қарийб ўттиз йил бўлибди. Ўшанда мактабни аъло баҳоларга битиргани, география, физика, кимё фанларидан қўшимча мустақил тайёрлангани, олимпиадаларда етакчи ўринларни олгани университетга киришига катта ёрдам берган эди.

Ломоносов номидаги Москва Давлат университети – Россиядаги кўхна, йирик ва етакчи олий ўқув маскани, пойтахтдаги илм-фан ва маданиятнинг қадимий маркази ҳисобланади. Бу университетга кириб ўқиш у ёқда турсин, ҳатто унинг кўчасидан бир бора ўтишни орзу қилмаган одам бўлмаса керак.

Манбаларда кўрсатилишича, университет ташкил қилиш ғоясини И. И. Шувалов ва М. В. Ломоносовлар таклиф қилишган. Университет ташкил қилиш декретини қиролича Елизавета Петровнанинг шахсан ўзи 1755 йил, 12 (25) январда имзолаган (Юлиан календарига мувофиқ 12 январь, X-VI аср Григориан календарига мувофиқ 25 январга тўғри келади). Шунинг учун ҳам ҳозиргача ҳар йили ушбу сана байрам сифатида нишонланади.

Университетда биринчи маърузалар 1755 йил 26 апрелда ўқиладиган бошланган. Биринчи Университет кураторлиги Граф Шуваловга, биринчи директорлик эса Алексей Михайлович Аргамаковга назиб этган, дейишади.

Қадимда университет фақат Сенатга бўйсунган. Профессорларни, ҳатто, суд органлари ҳам безовта қилолмаган. Бунинг учун университет куратори ва директоридан рухсат олиш керак бўлган.

Бундан ташқари, университет даромадини назорат қилиш ва бошқариш, профессор-ўқитувчиларнинг моддий таъминотини тўғри тақсимлаш ва шу каби масалалар билан ҳам директор шуғулланган. Хуллас, Игорь ана шундай бир олий даргоҳда ўқиш шарафига муяссар бўлди.

Ўша пайтлар Игорь спорт тўтаракларига фаол қатнашар, спортнинг эркин кураш, каратэ ва альпинизм каби турлари билан шуғулланган. Айниқса, альпинизм унинг жону-дили эди. Нега дейсизми? Чунки у дунё бўйлаб сафар қилишни жонидан ҳам ортиқ кўрарди. Ахир энг қизиқарли жойлар ва ажойиботлар биз кутмаган баландликлар, ғорлар ёки жарликларда яширинган бўлади-да.

САФАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

Игорь бродвейда сайр қилиб юраркан, нотаниш бир мусаввир чизган сурат унинг эътиборини тортди. Унда узун либос кийиб олган бир неча дарвеш бошини бир ёққа осилтирганча рақс(зикр) га тушишарди.

Игорнинг суратга тикилиб қолганини кўрган мусаввир уни сотиш илинжида мақтай кетди:

– Улар сен учун рақсга тушишмоқда. Уларнинг айланишида катта маъно бор. Ҳақиқатни излашмоқда.

Бу гаплар Игорнинг кўнглига чўғ ташлади.

– Наҳотки айланиб рақсга тушиш билан ҳақиқатни топиб бўлса? – сўради Игорь.

– Сен расмнинг сиртига эмас, моҳиятига боқ, – леди маънодор оҳангда мусаввир.

Мусаввир таърифламаса ҳам, Игорь бу суратни ёқтириб қолган, уни сотиб олгиси келар, бироқ бунга имконияти йўқ эди. Ҳамёнидаги пули ҳар бир тийинигача ҳисоб-китоблик эди. Талабанинг ҳоли шу-да, ахир!

Ўшанда ўзига ёққан бу суратни сотиб олганида, сафарга кетиши амримаҳол эди. Бу ҳам етмагандай қулоқлари остида эсган энгил шабада ўзи билан қуйидаги ҳикматни олиб келди: «Сенда эртанги бахтли кунга умид уйғотган умиднинг айби йўқ. Аммо сен бир умрга алданиб қолиб, эртанги бахтинг учун шу бугуноқ ҳаракат қилмаслигинг ўтакетган нодонликдир». Ҳикмат эгасини кўриш илинжида орқага ўгирилганда эса чаппар уриб юрган кабутарлардан бошқа нарсани кўрмади.

Баъзида шундай ҳодисалар бўлиб турадики, уни бировга тушунтиришнинг иложи йўқ, ҳатто ўзинг ҳам тушунмайсан. Масалан, Игорнинг ётоқхонасидаги жавон вақти-вақти билан ғижирлаб туришини олайлик, унинг ичи-ю сиртини остин-устун қилиб юборган, лекин ўз-ўзидан содир бўладиган бу ғичирлашнинг сабабини ханузгача билолмайди.

Талабалар, айниқса, собиқ талабаларга яхши маълумки,

кун кўриш учун стипендия ҳеч қачон етмайди. Игорь ўқишдан ташқари бўш пайтларида ишлаб, тирикчилик учун жиндай маблағ жамғарганди. Мана энди ўша жамғарма асқотиб қолди У бу пулларга чўкич, учи ўткир пўлат қозиқ, болта, фонарь, чипта ва бир қанча майда-чуйдаларни сотиб олди.

Очиғи, шаҳарда бундай нарсалар майда-чуйда ҳисобланади, бироқ тоғдаги ўзгарувчан об-ҳавода бу «майда-чуйда» инсон ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Ҳақиқий альпинистлар буни яхши билади. Махсус пойабзал, гугурт, компас, пичоқ ва хари-тани-ку, айтмаса ҳам бўлади.

Талаба учун кийим-кечак, еб-ичишдан орттириб саёҳат қилиш, Ҳиндистондай бир ўлкага бориш мўъжиза ҳисобланади (айниқса, кечалари ахлат қутиларини титиб, шиша идишлар ва қоғоз чиқиндиларини териб олиб, тозалаб, керакли жойга топши-радиган Игордек йигит учун). Хайрият, ўшанда – таътилнинг илк кунларида у сафарга керакли ҳамма нарсаларни олиб улгурганди.

ҲИНДИСТОНДА

«Йўл азоби – гўр азоби» деган нақл нақадар тўғри. Игорь мет-рода ашқол-дашқоллари, яъни улкан рюкзаги билан туртиниб-суртиниб бир амаллаб Шереметьев аэропортига етиб олди. Рюк-закни юкхонага топширди, кафедан сув ва егулик олиб, тамадди қилган бўлди.

Самолётга чиқиш эълон қилинганида унинг қувонганини бир кўрганингизда эди. Бу хурсандчиликнинг сабаби у илк бор саёҳатга чиқаётганидз эди. Бўлмасам-чи, саёҳат қилишга нима етсин.

Самолёт учиш йўлакчасида тезликни ошириб. кўкка кўтарила бошлаганда ҳам Игорь ўзига ишонмас, «Наҳотки мен Ҳиндистон сафарига кетяпман», деб ўйларди.

«Ҳурматли йўловчилар! Сизлар олти соатдан кейин дунёнинг энг йирик давлатларидан бири Ҳиндистон пойтахти бўлмиш Деҳли шаҳрида бўласизлар», деб айтилган эълон унга далда бе-

риб, орзуининг ушалаётганини англатади.

Ушбу рейс эсон-омон Ҳиндистонга келиб қўнди. Баъзи йўловчилар хотиржам, баъзилари шошилар, ҳамма ўз юмуши билан банд эди. Кутиб олувчилар танишларини кўриб шодон қичқиришар, кейин кучоклашиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашарди. Баъзилар ҳатто ҳис-ҳаяжонларини жиловлай олмай, хурсандликларидан йиғлаб ҳам олдилар. Айримлар гўё нимасинидир йўқотиб қўйгандек, атрофга ҳайрон бўлиб аланглашарди.

Игорь эса атрофии томоша қилиб тўймасди. Ҳа, бу ер умуман бошқа бир олам: ҳаёти, иқлими, биолари, дарахт ва ўт-ўланлари ҳам бошқача бир дунё эди. Уларнинг тили, либослари, удумлари, ҳатто қадриятлари ҳам ўзгача эди. Буларнинг ҳаммаси Игорь учун жудаям қизиқ туюлар, ҳар бир нарсаси, ҳар бир ходисаси уни ўзгача бир ҳаяжонга солар эди.

Ҳиндистонда бир миллиарддан ортиқ истиқомат қилади. Маданияти, тарихи жуда бой давлат. Кўпдан бери бу мамлакат Игорни ўзига оҳанрабодек тортарди. Ҳимолай тоғлари, Ҳинд-Ганг текислиги, линдистон яриморолидаги Декан платоси, Ҳинд уммони...

Шимоли-ғарбий Ҳиндистонда жойлашган, нафақат ўзининг нилуфар плантациялари билан, балки Дал кўлида сузиб юрган қайиқларга ёки солларга ўрнатилган ёғоч уйлар, мўъжизавий сузувчи боғлар ақлни лол қилиб қўяр эди.

У кўл атрофидаги тоғларни ёнидаги харитаси ёрдамида бир амаллаб, зўрға топиб олганди. Қизиқиш ва ҳаяжоннинг зўридан Игорнинг йўлдаги азоблари, чеккан машаққатлари худди Ганга дарёсига ювилиб кетгандек бўлди.

Ниҳоят, манзилга етиб келиб, тўшагида ётиб олганича осмондаги сон-саноксиз юлдузларни томоша қила-қила ухлаб қолди.

Инглиз тилини билиши унга жуда кўл келди. Ҳиндистонда ўн уч хил тил давлат тили ҳисобланади, Шу жумладан инглиз тили ҳам.

Танаси куёшда қорайган таниши (шу ерда танишишган эди), уни нонуштага таклиф қилди. Калтакесак гўштини хуш кўрмаса

ҳам (ахир бечора умрида ҳеч қачон калтакесак гўштини емаган бўлса, қандай қилиб хуш кўрсин), тоққа чиқиш учун куч керак-лигини англаб, овқатни паққос туширди. Термосини ҳам чойга тўлдириб олди.

Игорнинг диплом иши дунёдаги минераллар ва уларнинг хусусиятларини ўрганишдан иборат эди. Минералларда кўп сирлар пинҳон. Балким, энергиянинг минерал кўриниши келажакда энергия муаммосини ҳал қилиши ҳам мумкин. Улар ташқи жиҳатдан бир хил кўрингани билан, аслида, ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга.

Игорь тўрва-халтасини елкасига олиб олиб, йўлга, яъни тоққа отланди. Қизиқ, Ҳиндистонда ҳамма бир-бирига табассум қилиб юаркан. Албатта, уларнинг бу табассумида заҳархандалик йўқ, самимий бир табассум эди.

Тоққа кўтарилиб, ўзига қулай жой топгунича кун ҳам тушга яқинлашиб қолди. Тўрвасидаги дудлангай қолбаса билан помидор, бодрингларни еб, чой ҳам ичиб олди. Ҳиндистонда чойдан сероб нарсанинг ўзи йўқ. Тури шунчалик кўпки, танлай олмай қийналади киши. Игорь атрофии синчиклаб кўздай кечирди. Ҳаммаёқ тинч, ҳаво ҳам жуда ажойиб эди.

ТОҒДА ТОШ ЙЎНИШ

Игорь чўкич билан қояни ўя бошлади. Тош ва минералларнинг табиатини билмаган одамга бу салкам ўлим билан тенг. Аммо тошларнинг хусусиятини, яъни тилини яхши билса, масалан, уларнинг ёши нечада, қанақа қатламлардан иборат, бу қатламлардаги чизиклар қайси йўналишда эканлиги, қаерига зарба беришни ўрганган бўлса, тошлар «қулоқ сола бошлайди» ва тез орада измига бўйсунди. Бу сафар ҳам Игорга тошлар ҳақидаги билимлари асқотди. У қоя ичига қарата икки қаричга яқин ковак ўйиб қўйди.

Унга аслида ковак эмас, тош намуналари керак. Бу тошлар, минераллардан олинадиган намуналар қанчалик бир-бирига

яқин бўлса, ишда уларнинг ёшини, таркибини аниқлаш шунча осон кечади.

Игорь олган ҳар бир намунасини қалам билан рақамлаб, ерга тахлаб қўйди. Шу аснода кеч ҳам тушиб қолди. У тезда ишини яқунлаб, тунаш учун шу ернинг ўзида жой ҳозирлади. Фонарини ёқиб, кечлик таом тайёрлади. Пичоғи билан консервани очиб, булка нон билан тамадди қилди. Чой ичиб, роҳатланди.

Тоғда тун салқин бўлади. Ҳар ҳолда, устингга камзулингни ёпиб ётмасанг, совқотиб қоласан. Игорь кечаси тош намуналарини яна бир бор кўздан кечирар экан, ҳаяжондан юраги гупуриб кетди. У ўзини яхши ҳис қилар, фақат кафти сал ачишиб оғрир эди. Бу асбоблар билан анчадан бери ишламаганлигининг оқибати бўлса керак. Ҳатто кафтининг у ер-бу ерида қадоқлар ҳам пайдо бўлди.

Енгил, ёқимли шамол эсмоқда. У тўйиб-тўйиб нафас олар, Ҳиндистонда эканлигига ҳали ҳам ишонгиси келмасди. Унинг икки ҳафта вақти бор. Бир ҳафтасини тоғда ўтказмоқчи. Кейинги ҳафта шаҳарни айланади. Албатта, ишлари битса.

Диплом ишини тезлаштириши лозим. Беш йил ўқийдиган аҳмоқ йўқ. Дарвоқе, инглиз файласуфи Томас Гоббс 15 ёшида Оксфорд дорилфунунига ўқишга кирган ва икки йилдан сўнг уни битириб, мантиқ илмидан маъруза қила бошлаган. У ҳам икки, ҳеч бўлмаса икки ярим йилда университетни битирмоқчи. Ҳали қиладиган ишлари жуда кўп. Шулар ҳақида ширин хаёллар сурар, юраги орзиқиб кетар, таътилнинг қолганини уйда, дўстлари даврасида ўтказмоқчи эди.

Саҳар пайти майна ва яна аллақандай қушларнинг сайрашидан уйғониб кетди. Керишиб ўрнидан турди. Бу унинг Ҳиндистонда ўтказган биринчи кечаси эди. Беш юз қадамча нарироқдаги булок; бўйига борди. Ҳа, айтгандай, у кеча иш бошлашдан олдин бу ерда булоқ борлигини кўриб, роса хурсанд бўлган эди.

Қушлар, тоғда ўтлаб юрган қўй-эчкилар туш пайти сурув-сурув бўлиб келиб, шу булоқдан сув ичади. Кейин эса, сал ўтиб чўпон болалар кўринади. Улар ҳам мириқиб сув ичишади. Сўнг

қўлларидаги устига кигиз қопланган елим идишларини булоқ сувига тўлдириб, бир-бирига сув сепиб ўйнашади, кейин сув идишларини ўзлари билан олиб кетишади.

Саҳар пайти бўлгани учун булоқ бошида ҳеч ким йўқ эди. Атрофда ҳам ҳеч зог йўқ. Жимжитлик. Йирик, аҳолиси зич шаҳарларда яшайдиган одамлар бу сукунат нақадар бебаҳо эканлиги, ўз юртларида ана шу нарса етмаслигини яхши билишади.

Игорь юз-қўлини ювиб, елим идишини муздек сувга тўлдириб олди. Унинг идишига кигиз қопланмаган эди, шунинг учун қўйлагини ечиб, сувга ботирди-да, идишининг устига ўраб қўйди. Бу ерда куз бўлишига қарамай тушда иссиқлик қирқ беш даражагача кўтарилади. Ҳаял ўтмай муздек сувингиз қайноқ сувга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. У бир қўлини юваман деб қуйдириб қўйди. Шундан сўнг идишларни аввал ушлаб кўриб, кейин ювиниш ёки ичишни одат қилди.

Игорь ишини кечаги қолган еридан давом эттирди. Тагин чўкич, пўлат қозиқ ва болғачалар ишга тушди. Тушга қадар роса тер тўкиб ишлади. Очиқиб кетганидан ҳатто қўллари қалтирай бошлади. Ўзича бу мусаффо тоғ ҳавосининг таъсиридан бўлса керак, деб ўйлади. Тавба, бу ерда бирпасда қорнинг очиқиб қолар экан. Қани энди, бир неча кун овқат емай муттасил ишлай олсанг! Булка нонни пичоқ билан кесиб ўтирмай қўли билан бўлиб, ўртасига дудланган қолбаса қўйиб, бутерброд қилиб еди. Чунки кун қизиқ кетмасдан тезроқ ҳаракат қилиши лозим эди.

РОССИЯ ҚИШИ

Игорь тош намуналарини олиш учун зўр машаққатлар билан ҳамон қояни ўйиб борарди. Саратоннинг жазирамаси сабаб бўлибми, Игорь қиш ҳақида ўйлаб кетди. Балки қаҳратон қишнинг совуғи ҳақидаги ҳаёллар ҳеч бўлмаса вужудини салқинлатиб, бироз ором берар. Балки қийналган пайтида дўсти эсига тушиб кетгандир.

Қиш дегани нима ўзи? Томлардан осилиб турган муз сумалакларими? Қаҳратон дейилмиш кўринмас мусаввирнинг деразага

чизиб кетган нафис ва бетакрор нақшларими? Балки оёқ остидаги муз шишаларининг чирс-чирс синишидир? Ёки болаларнинг осмондан пага-пага ёғаётган қор остида кийкириб, қорбобо ясаб, атрофида чаналарда сирпаниб ўйнашидир? Ҳар бир одамнинг ўз қаҳратон совуғи, оппоқ қиши ва гўзал қорлари бор.

Инсон бирор нарса ёки ҳодиса тўғрисида ўзи билганларига таянган ҳолда хулоса чиқаришга ўрганиб қолган. Ёки ҳар бир нарсани шароитидан келиб чиқиб баҳолайди.

Игорнинг сингапурлик бир дўсти бор. Исми Шедр. Кунларнинг бирида Игорь уни Москвага меҳмонга таклиф қилди. Қиш фасли бўлганлиги учун Шедрни огоҳлантириб, Россия совуғи ҳақида роса уқтирди. Дўсти ҳаммасига тушунганлигини айтди.

Шереметьев аэропортида уни Игорнинг шахсан ўзи кутиб олди. Ҳаво анча совуқ, ўттиз даражалар атрофида эди. Шедр чарм плашда келибди. Бошида кепка, Кўришганларидан кейин Игорь: «Жиннимисан, нега бунча юпун кийимда келдинг», –деб сўради. Маълум бўлишича, Шедр қаҳратон қиш деганда нари борса, учтўрт даража совуқни тушунар, бунчалик совуқ бўлиши унинг тушига ҳам кирмаган экан.

Икковлари югурганча автобусга чиқиб олишди. Метрода бир амаллаб уйга етиб келишди. Дўсти музлаб қолган, совуқдан дағ-дағ қалтирар эди. Игорь уни Москва бўйлаб сайрга олиб чиқишдан олдин ўзининг қалин кийимларини бериб, худди мўмиёдек бўйинбоғ (шарф) билан ўраб-чирмаб ташлади. Шунда ҳам бу шоввоз қалт-қалт титрар эди.

Азим шаҳар – Москвани бир ҳафта давомида айланиб томоша қилганларидан сўнг дўстини эсон омон ўз юртига кузатиб қўйди.

ИССИҚНИНГ ИШИ

Шундан сўнг Игорь Сингапурдаги жазирамани эсга олди. Қайсидир йили ёзда Шедр Игорни меҳмон қилиш учун уйига таклиф қилиб: «Сей ҳақиқий иссиқни ҳеч кўрмагансан. Кел, бир маза қилиб кетасан», – деди. Гап орасида унга оппоқ уст-бош,

сомон шляпа ва албатта, қора кўзойнак олишни, ҳатто куёш нуридан сақловчи малҳам ҳам ортиқчалик қилмаслигини маслаҳат сифатида айтиб ўтди. «Иссиқлик қирк-қирк беш, ҳатто эллик даражагача кўтарилади», - деди Шедр. Игорь бундай иссиқни тасаввур ҳам қила олмас эди.

Аэропортда унга билинмаган экан. Шедр билан кўчага чиққанида эса кўкқисдан юзига келиб урилган иссиқликдан ўзини ўчоқнинг оғзида тургандек ҳис қилди. Ростини айтганда, Игорь дарҳол орқага қайтиб, уйига учиб кетгиси келди. Фақат дўстини хафа қилишни истамасди. Игорнинг мазаси қочиб, апилтапил ортга қайтишди. Дўстининг уйига зўрға етиб борди. Хайрият, совиткич (кондиционер) бир маромда ишлар, хона анча салқин экан. Кейинроқ билса, совиткични ҳам у келишига яқин ўрнатишган экан. «Бизга бундай иссиқ чўт эмас», – деб жилмайди Шедр. Игорнинг иштаҳаси йўқ, нуқул муздек сув ичгиси келар, оғзини каппа-каппа очиб зўрға нафас оларди. Унга қатик, айрон, кўк чой ичиш ва бодринг ейишни маслаҳат беришди.

Игорь икки-уч кундан кейин бу иссиққа ҳам кўникиб қолди. Ҳатто бу иссиқ қайсидир маънода унга ёқа бошлади. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг, саратон чилласида пешонангиз, бутун вужудингиздан маржон-маржон тер оқиб турса, ғалати туюлмайдими? Бу ҳол, агар ҳаммом ҳисобга олинмаса, шимолдаги халқлар учун бутунлай бегона, албатта. Аммо ана шу тер томчилари танангиз ҳароратини совитиб, ортиқча қизиқ кетишдан асрайди, ҳаётингизни сақлаб қолади.

Игорь ҳозир ҳам Россияда қаттиқ совуқ бўлганда иссиқни (иссиқда эса совуқни) эслаб, ўзича таскин топарди.

Кейин улар «Шарқ» бозорига боришди. У ерда оёқ яланг юриб бўлмайди, гўё улкан това устида юргандек товонлар жаз-жаз куяди. Бу ўлкада темир буюмлардан узокрокда, эҳтиёт бўлиб юрилмаса, у бирор жойингиз тегиши билан пишиб, ҳилвираб қолиши мумкин.

Вақт тушга яқинлашган эди. Бозордаги хилма-хил мева-чевалар иштаҳани қитиклайди, мазаса нақ тилни ёради. Игорнинг

қўлида доим муздек минерал сув. Чанқаганида ҳўплаб-ҳўплаб қўяди. У маҳаллий миллий қўшиқларни жуда ёктириб қолди. Дўкондан иккита кассета ва битта пластинка ҳам сотиб олди. Уларни дўстининг машинаси ичига қўйди. Яна нимадир керак бўлиб қолиб, чорак соатга дўконга кириб чиқишди. Шундан сўнг машинага қайтишаркан, ичкарида қийшайиб кетган кассета ва пластинкаларни кўрган Игорь ўз кўзларига ишонмай қолди. Шедр жилмайиб: «Кўрдингми, иссиқнинг ишини», - деди. Кассета ва пластинкалар мутлақ яроқсиз бўлиб қолган эди. Ўшанда Игорь ҳали бир мартаям эшитиб кўрмаган кассеталарига роса ачинганди. Жин урсин. Яна қайтадан сотиб олишига тўғри келадигани энди.

Шунда Шедр дўстига дахшатли бир воқеани айтиб берди. Кимдир ойналари кўтарилган машинада боласини қолдириб, бозорга ўн беш дақиқага кириб чиққунча бола бечора иссиқдан димиқиб, ҳушидан кетибди. Ҳалиям отаси уни тезда машинадан чиқариб, соя жойга ётқизибди. Бахтига ўша ерда кимдир сунъий нафас олдиришни биларкан. Хайриятки, унинг ёрдамида бола ўзига келибди. Агар озгина кечикканида бечора бола нобуд бўларкан. Бу воқеани эшитиб, Игорь кўрқиб кетди. Қўлини машина ойнасидан ташқарига чиқаради, лекин билагини эшикка қўйиб бўлмасди. Ҳақиқатан ҳам ёзнинг бундай жазирамасида бирор жойингиз темирга тегиб кетса, ўша жойингиз қўйиб, тортишиб қолади.

Шедр бу жазираманинг қудратини дўстига яна кўз-кўз қилмоқчи бўлди, шекилли, олдин машинанинг томини яхшилаб ювди. Ювилган том дарҳол куп-қуруқ бўлиб қолар, бир зумда тунукадаги намдан асар ҳам қолмасди. Кейин бозордан олиб келинган тухумлардан бир-иккитасини олиб чакди-да, машина устига ташлади. Игорь: «Ҳазиллашяпсанми», дегунча тухум мисоли товада қовурилгандек пишиб чиқди. У кўзларига ишонмасди.

Мана шунақа. Игорнинг иссиқ ҳақидаги тасаввури Шедрнинг совуқ ҳақидаги тасаввуридан фарқ қилмас экан. Игорь ана шу воқеа сабаб Ҳиндистон сафарига олти ой давомида тайёрланди. Қуёшдан ҳимоя қилувчи ва пашшадан ҳимояловчи воситалар,

дори-дармон қутичаси билан турли-туман касалликларга қарши малҳамлар, бинт, йод – ҳаммасини ўзи билан олган.

Игорь муздек булоқ сувидан яна маза қилиб ичиб, идишини тош соясига қўйди. Чўкич ва пўлат қозиқ билан роса тош уйди. Яна сал ўйса, бемалол бошини кавакка тикиб, соялаши мумкин эди. Куёш тиккага келгунча анча нарсага улгуриши керак. Ҳозирги вазиятда қанча кўпроқ кавак ўйса, шунча яхши. Бошқа соялайдиган жой ҳам йўқ-да, ахир.

Пастга саккиз чақирим тушиб (бориб келиш ўн олти чақирим) чиққунича кеч тушиб қолади. Атрофда дарахт тугул номига бир бута ҳам йўқ. Лекин ишни тўхтатиб бўлмайди. У намуналарга ҳам қарамай қояни ичкарига қараб роса ўйди. Камзулини иккита чўпга илиб соябон қилиб қўйган, бу усул уни жазирама балосидан сақлай олмаслигига кўзи етар, лекин бундай иссиқда қип-яланғоч туриб ҳам бўлмайди. Яланғоч баданингизни офтоб уриши ҳеч гап эмас.

Игорь тушлик қилиб бўлгач, ярим метрча ўйилган кавак ичига бошини кўкрагигача тикиб ухлаб қолди. Оёғининг куёш тафтида қуйишидан уйғониб кетди. Сояга қўйилган идишдаги сув ҳам қайнай деб қолибди. Оғзини сал ҳўллаб, тагин булоқ сари йўл олди. Хайриятки, бошида қамишдан тўқилган шляпа бор эди.

Булоқ олдига келиб, нафасини ростлади, юз-қўлини муздек сувда ювди-да, топ-тоза булоқ, сувидан олиб, қониб-қониб ичди. Идишини ҳам муздек булоқ сувидан тўлдириб, иш жойига қайтди. Иссиқ бутун вужудини аёвсиз қуйдиришига қарамай, тагин ишини давом эттирди. Қўллари ўзига бўйсунмай турди, кейин ғайрат билан қояни ўя бошлади.

Кафтларидаги қадоклар катталашиб борарди. Қадоклардан-ку у унча азият чекмасди, аммо қозиқ билан ишлаганда, гоҳо болғанинг сирғалиб кетиб бош ёки кўрсаткич бармоғига тегиши унинг жонини суғуриб олгудай бўларди. Бармоғининг болға теккан жойлари қонталаш бўлиб, кейинчалик кўкариб қоларди. Баъзи бир қадоклар ёрилиб, ичидан қон ва йиринг оқарди. Хайриятки, йод билан бинт олган экан. Қўлининг лат еган жойлари-

ни йод билан яхшилаб ювиб, бинт билан боғлаб қўярди. Унинг мушаклари зиркираб оғрир эди.

Игорь кечгача, куёш ботгунча, қояни яна икки қарич қадар чуқурлатиб қўйди. Ҳеч нарсага чалғимасдан ишлар, ўзининг бу меҳнатсеварлигидан фахрланиб қўярди.

Сутдек ойдин ой шуъласидаги салқин шамол Игорнинг вужудини яйратиб, гўё унга қайта жон бахш этгандек бўлди. Унинг кечки овқати гулхан кулида пишган картошка, нон ва пишлок бўлди.

Ўзини ерга тўшалган, ҳаво тўлдирилган елим тўшакка ташлади. Ҳозир бу жой унга беш юлдузли меҳмонхонадан ҳам афзал эди. Аллақандай пинҳоний куч уни сургундаги одам сингари, қул каби ишлашга мажбур этарди. Бу пинҳона куч, ҳойнаҳой, жазирама бўлса керак.

Эрталаб Игорь қорни очиқиб уйғониб кетди. Тезда атрофдан қуриган шувок, хас-чўплар териб, гулхан ёкди Қуритилган гўшт солиб, қозон осди. Ичига бир оз масаллиқлар ҳам солди. У ўзи билан олиб келган масаллиқларини тежарди. Аммо иштаҳаси карнай эди. Емасанг, қувват ҳам бўлмайти-да. Бу туришда олиб келган озиқ-овқатлари бир ҳафтага ҳам етмасди. Ҳозирча бори-ни еб-ичиб, ишлаб турай, кейин пастга тушиб, сузувчи уйлар соҳибидан бирор нарса сотиб оларман, деб ҳаёл қилди. Сузиб юрган кемаларда дўкон бўлса, нур устига аъло нур бўларди.

Учинчи кун эди. Игорь куёш чиқмай, ўрнидан турди Тўшагини йиғиштирди. Ишгаям ўрганди, шекилли, энди ўзини жуда яхши ҳис қила бошлаган эди. Вужудида шунақанги бир куч пайдо бўлдики, у чўкич қозиқ ва болтани олиб қоядаги кавакни шахт билан ўя бошлади. Унинг фикру зикрини кавак ўйиш эгаллаб олган эди. Қояда кавак кавласам, ўзимга яхши-да, деб ўйларди у. Биринчидан, бу кавак куёшдан бошпана, иккинчидан, ҳар хил минерал тошларнинг нусхаларини олади. Қоя ичкарисига қараб бир метрча чуқур ҳам ўйиб қўйди. Бунақа имконият ҳали ҳеч кимда бўлмаган.

Тушлик вақти ҳам ўтиб қолибди. Соат миллари ўн бешу

ўнни кўрсатмоқда эди. Игорь ўз ишидан қониқиб, тушликка чиқди. Очиқиб, у юз-қўлини ювиб, рюкзакдан қўлига илинган маҳсулотларни олди. Булар – дудланган колбаса, қоқ нон ва тушёнкани олиб, уни пичоқчаси билан очди-да, ўзига шоҳона тушлик тайёрлади. Ҳар ҳолда, ҳозирги вазиятда буни шоҳона тушлик дейишга арзирди.

Энди бир метрча кавланган кавакда тушдаям ишласа бўларди. Шунинг учун вақтни бекор кетказмай, у яна ўйишни бошлади. Ичини каттароқ, кенгроқ қилиш керак. Юмалоқ бўлса ундан ҳам яхши.

Яна уч кун шу тариқа ўтди. Уч-тўртта қотган нон ва бир бош пиёзни ҳисобга олмаса, озиқ-овқати ҳам тугади ҳисоб,

Қоя ичини тандирсимон казиб, ўйиб бўлди. Фақат текислаш ишлари қолди, холос.

Еттинчи кун. Игорь чуқур ичидаги намуна тош-чаларидан қирқтасини танлаб олди. Уларни болғачаси билан йўниб, оқ қанд каби ихчамлаштирди. Уларнинг бирида кремний, иккинчисида темир, кейингисида эса оҳак моддаси борлиги аниқ билиниб турарди. Албатта, яна бошқа моддалар ҳам бор эди. Лекин буни аниқлаш учун намуналарни лаборатория шароитида яхшилаб текшириш талаб этиларди.

У кийим-кечакларини, асбоб-ускуналарини йиғиштириб, тўрвасига солди. Ҳаммаси тайёр бўлгач, қоядаги кавакка кириб, уни томоша қилди. Ярим кечаси бўлганлиги учун ётиб, бош остига курткасини қўйиб, мириқиб дам олди. Ҳаво ажойиб, мусаффо. Сон-саноксиз юлдузлар милтиллайди. Чексиз коинот инсон тахайюлини гангитиб қўяди. Қизиқ, негадир энди Игорнинг уйкуси келмасди. Бир ишга қаттиқ киришсанг, шу иш битгунча жадал ҳаракат қиласан. Иш битгандан сўнг эса, худди бир нарсангни йўқотиб қўйган одамга ўхшаб қоласан.

Мақсадинг амалга ошса, у қалбда қувонч билан бирга ғалати бир бўшлиқни ҳам ҳосил қиларкан. Игорь ана шундай туйғулар оғушида тушга яқин ухлаб қолди.

УЧРАШУВ

Игорь ғала-ғовурдан уйғониб кетди. Тонг отган, қаршисида икки нотаниш кимса турарди. Бирининг ёши олтмишдан ошган, ўрта бўйли, қотмадан келган, юзи қуёшдан қорайиб қолган киши эди. Эғнига оқ яхтак (оқ сурпдан тикилган узун кўйлак) ва шалвар, устидан узун, юпка кулранг чопон кийиб олган, бошида оқ дўппи, бир қўлида ҳассаси, иккинчи қўлида тасбеҳ тутган, оёғига тахта сандал кийиб олган эди. Иккинчиси, чамаси йигирма тўрт ёшлардаги новча йигит бўлиб, унинг эғнида ҳам оқ яхтак, оқ шалвар, бошида оқ дўппи, ялангоёқ, сандалини қўлтиғига қистириб олган эди. Қўлида Игорникидан сал каттароқ чўкич ва чўкмор.

Нимагадир ёши каттароқ киши ёш йигитни беаёв сўкиб-уришар эди. Йигит қизарганча ерга қараб, елкасига тушаётган ҳасса зарбига парво ҳам қилмай, кўз ёш тўкиб, жим турарди. Игорь гап нимадалигини билиш учун уларга яқинлашди. Кекса киши унинг олдига келиб, худди айбидан хижолат чеккан каби нималарнидир бидиллай бошлади. Куйиб-пишиб сўзлашидан чолнинг кечирим сўраётганини билиш унча қийин эмас эди. Даб-дурустдан чол инглиз тилида «кечирасан, ўғлим», деб қолди. Йигит ҳамон ерга тикилганича кўз ёш тўкиб турарди. Чол йигитни берига чақириб, кечирим сўра, деб буйруқ берди. Йигит ўзини Игорнинг оёқлари остига ташлаб, маҳкам кучоқлаб, ёлвориб кечирим сўрай бошлади.

Игорь нималар бўлаётганини ҳамон тушунмасди. Ушбу дақиқаларда у йўлга, шаҳарга отланаётганди. Бунинг учун Игорь пастга тушиши, Ҳиндистонни айланиши керак эди. Шунда ёши катта киши ўзини таништира кетди. Яна бир бор ўз номидан ва мана бу дангаса-ношуд шогирди номидан минг бора узр сўради.

— Ҳозир, ўғлим, гап нимада эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Менинг исмим Илим. Бу йигит эса шогирдим Устмо бўлади, — деди у. — Сен кавак қазиган мана шу жойдан, аслида, шогирдим Устмо чилла учун кавак кавлаши керак эди. Ўғлим яна бир бор бизни кечир. Ўн иккиликни таъминлаб туриш номзод-

лигига манави мунофиқ шогирдимни ўн етти йил тарбиялайман, Зора, бу умидимизни окласа.

Бизнинг бу ерга келишимиздан мақсад шуки, шогирдим имтиҳон топшириши керак. Очиғини айтсам, у кавакни ўзи, ҳеч қандай жоду сеҳрдан фойдаланмаган ҳолда, ўз қўл кучи билан ўйиши керак эди. Сени узоқдан кўришим билан юрагим шув этиб кетди. Бу эси паст сенинг қўл меҳнатингдан фойдаланибди. Игорнинг, ахир бу бемаънилик, буни мен ўз хоҳишим билан қилдим, деган гапига Илим парво ҳам қилмай, гапида давом этди:

– Болам, энди сен ўчингни, қарзингни қайтариб олиш ҳуқуқига эгасан. Айт, буни нима қилай? Хоҳласанг, уни эшакка айлантириб қўяман, хоҳласанг юмронқозикқа, хоҳласанг илонга!

Игорь бу гаплардан ҳайрон қолган, қолаверса, бу гапларни чол унга айтишининг умуман ҳожати йўқ. Ҳар ҳолда кўнглимни кўтариш учун айтяпти, деб ўйлади.

Булар муттаҳам ёки ўғрилар бўлса-чй' Ҳойнаҳой, мени ҳазина топди, тилло топди Де» гумон қилишяпти, деган хаёлга борди Игорь. Ахир у бундай воқеаларни кўп эшитган, арзимаган нарса учун одамни ўлдиришдан ҳам тоймайдиган кимсалар борлигини билар эди.

Игорь халтасини ерга қўйиб, оддий тошларни кўрмана қилиб шарақлатиб ерга тўқди. Улар бунга парво ҳам қилишмади. Игорь уларга бу оддий тош намуналари фақат илм-фан учун кераклигини қўйиб-пишиб айтди.

– Талабаман, менда бойлик йўқ, – деб қўшиб ҳам қўйди.

Илим:

– Ўғлим, хоҳласанг, вақтни орқага қайтариб, бу хатони тўғрилаймиз. Ўн иккиликда бундай имконият мавжуд. Албатта, юқоридан рухсат олсак, буни бемалол амалга оширса бўлади, – деди. – Шунда бу машаққатли ишни, яъни қоя ўйишни бу гал шогирдим Устмо бажаради. Сен келиб хоҳлаганингча тошларингни териб олиб кетишинг мумкин. Қолаверса, сенинг ҳозиргача бажарган бу машаққатли меҳнатинг йўққа чиқади.

– Хўш, ўзинг айт, нима қиламиз, – деб унга ҳар иккаласи саволмуз тикилиб қолишди.

Игорь ҳеч нарсага тушунмай елка қисди. Шунда чол Устмога қараб, «трабо», «сраба», «краиворда» дея ҳассасини уни елкасига бир урди. Шунда Устмо Игорнинг кўз ўнгида эшакка айландиқолди.

Игорь бу чолни пири афсунгар бўлса керак деб ўйлади. Унинг бу амали фокус ёки гипноз деб ўзини ўзи тинчлантиришга ҳаракат қилди. Илим Унга юзланиб:

– Ўғлим, энди уни истаганча минишинг ёки эҳтиёжинг учун юк ташишинг мумкин, – деди.

Игорь Илимга:

– Раҳмат, менга эшак керакмас, мен зудлик билан пастга, шаҳарга кетишим лозим, – деб айтди.

Шунда Илим унинг ёнига келиб:

– Қаерга бормокчисан? – деб сўради. Игорь:

– Дех... – дейишига улгурмай, кўзингни юм, деб елкасидан маҳкам кучди ва бирпасдан сўнг, кўзингга оч, деди. Улар иккаласи Дехлига бориб қолишганда, Игорь кўзларига ишонмасди. Телепортациями ёки яна фокусми бу. «Фокусчининг кучлисига учрадим», деб ўйлади у.

Бўлаётган ҳодисалар ақлга сиғмасди. Устмонинг эшакка айланиши, уларнинг Кашмир водийсидан Дехлига келиб қолиши. Ахир буни қандай мантиқий изоҳлаш мумкин?

Игорнинг Илимга, унинг ким ва қандай қудратга эга эканлигига қизиқиши орта бошлаган бўлса ҳам, буни яшириб, шаҳарни айланиб ўтирмай, зудлик билан тарк этиб, уйига тезроқ кетишни хоҳлаб қолди. Негадир у жуда қўрқа бошлаган эди.

Игорь одам билмаган номаълум нарсадан қаттиқ қўрқиб илк бора англаб етди. Лекин барибир Илимга, тўғрироғи, унинг кароматларига қаттиқ қизиқиш устунлик қилаётганди. Шунинг учун Игорь Илимдан ботиниб, баъзи нарсаларни сўрашга аҳд қилди.

– Айтинг-чи, бу қийин ишми?

– Нима? Телепортацияни сўраяпсанми?

– Ҳа! Узоқ масофани кўз очиб юмгунча босиб ўтишни.

– Нима десам экан, билганга бу жуда осон. Борликда ҳамма нарса зарралардан ташкил топган. Улар янада майда зарралардан ва ҳоказо. Шу жумладан, ўлчамлар ва улар ўртасидаги чегара ҳам.

Олам – бу мисоли жуда катта ғалвир. Тирқишини топиб, чиқиш жойини аниқ тасаввур қилсанг, бас, у ёғи ўз-ўзидан амалга ошади.

Игорь буни назарий жиҳатдан тушунишга ҳаракат қилиб кўрди, лекин бунинг қандай амалга оширилишини тасаввур ҳам қилолмади. Ахир буни ҳеч ким унга олдин ўргатмаган-да. Бунинг учун катта ишонч ва амалий тажриба керак.

У Илимга «Ҳа, тушундим» деб бош ирғаб қўя қолди. Чама-си, у Игорни тушунмаганлигини англади, шекилли, шундай деб қўшиб қўйди: Сеҳргарликка яқинлашишни, тушунишни ва эгаллашни ягона мақсад қилиб олганларгина унга эриша оладилар. Кейин Игорь:

– Устмо энди нима бўлади? – деб сўради. Илим:

– Фақат енгиб ўтиладиган мусибатгина тезроқ бизга буюклик ва сеҳргарлик эшикларини оча олади, – деб жавоб берди. – Ҳеч ғам ема, у биринчи марта ҳайвонга айланаётгани йўқ. Бир оз ўтгач, ўзига келади. Ҳаддидан ошиб кетди-да ўзиям, – дея қўшиб қўйди.

– Кечирасиз, қандай қилиб одамни ҳайвонга айлантирасиз? Бу ҳақиқатми ёки кўзбойлоқчилик? Балки гипноздир?

– Йўқ-йўқ, сен айтаётганларингдан бирортаси ҳам эмас. Нима десам экан? Ҳа топдим, қаловини топсанг, қор ҳам ёнади. Майда ва ундан ҳам майда заррачаларнинг (Игорнинг тушунчаси бўйича молекула ва атомлар) қандай шаклда жойлашишининг унча аҳамияти йўқ. Шакл муҳиммас, моҳият муҳим. Шакл ўзгаргани билан моҳият ўзгармайди. Махсус дуо мавжуд. Шу дуо уларнинг хоҳлаган шаклга киришига ёрдам беради. Юр, яхшиси шаҳарни айланамиз.

Улар Деҳлини маза қилиб айланишди. Ажойиб шаҳар экан. Одамлари турлича, антика. Деярли ҳаммаси хушчақчақ.

Игорнинг ҳисоби бўйича кун кеч бўлиши керак эди. Бироқ негадир ҳеч кеч кирмасди. Игорь Илимдан ким эканлигини сўради. У оддий қилиб: «Мен ўн иккиликнинг бириман», деб жавоб берди.

– Ўн иккилик дегани нима?

– Ҳали вақтимиз кўп. Кейинроқ билиб оласан, – деди Илим.

– Тўғрику-я, лекин вақт деган жаноб кутиб турмайди-да!

– Сабр қил, ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор, Шошганлар эса кўп нарсалардан бенасиб қолишади – деди танбеҳ бергандек Илим.

– Негадир ҳеч кеч кирмаяпти-я, – деди Игорь гапни бошқа ёққа буриб, – менинг назаримда, аллақачон оқшом тушиши керак эди.

– Оқшом дейсанми? – жилмайди Илим. – Биз шаҳарни заминий ўлчов билан икки кундан бери айланиб юрибмиз. Лекин бунга бир неча дақиқа кетди, холос.

Игорь буни тасаввур ҳам қила олмасди. У, чарчоқни сезмас, қорни очмаган, уят бўлса ҳам, ўқувчидан узр сўраб айтишимиз жоизки, ҳожатга ҳам чиққиси келмасди.

– Устмо ўн иккилик ва сенинг олдингда катта гуноҳ қилди, – деди ўйга чўмиб Илим. – Бу гуноҳини ювиш учун истаган нарсангни сўрашинг мумкин. Мен барчасини муҳайё қиламан.

Игорнинг кўп нарсаларга эҳтиёжи бор эди. Масалан, Москвага осонгина қайтиб боришни, ўқишни қисқа муддатда имтиёзли тугатиб диплом олишни, каттагина бойликка эга бўлишни, хусусий уйи, хорижий русумдаги қимматбаҳо машинаси бўлишини истар эди. Айниқса, «Ольга мени севадимийўқми?» деган савол кўпдан бери унинг юрагига ўт солиб, ўртаб келарди.

Тўсатдан Игорнинг миясига ажойиб бир фикр келди. У қоядаги қавакда Илим ва Устмо нима қилишини жуда-жуда билгиси келди. Нима кераги бор уларга бу қавакнинг? Ҳозир шу истак Игорь учун ҳамма нарсадан устун эди. Шу саволни бериш учун оғиз

жуфтлаган ҳам эдики, Илим унинг миясидагини англаб етиб, жавоб берди:

– Шогирдимни озгина машқ қилдирмоқчиман, у олдинга ўтиши керак. Ёки юқори лавозимга... карьера... нима десам экан, ҳа топдим, янги босқичга қўтаришим керак.

Игорь, қанақа машқ дея оғзини очиб улгурмасидан,

Илим соддагина қилиб «Зикр» деди.

– Зикр нима?

– Зикр асл манбани эслаш ва унга интилиш машқи. Кўпчилик ундан фақат диний мақсадда, фақат маънавий юксалиш учун фойдаланади, холос. Аслида зикр универсал, унинг имкониятлари ниҳоятда бекиёс. Зикр орқали тўртинчи ва кейинги ўлчамларга ўтиш мумкин. Ҳозир биз сен билан тўртинчи ўлчамдамиз. Бу ерда ҳамма нарса сал бошқача, агар қуёшнинг бошқа тарафдан чиқишини, атрофнинг бизга номаълум ранглар билан ўралганини ва вақтнинг деярли ўтмаслигини ҳисобга олинмаса, бизнинг оламдан ҳеч фарқи йўқ.

– Мана, масалан, кўзингни каттароқ очиб қара, – дея Илим икки қўлини олдинга узатган эди, аввал панжалари, сўнг билаклари елкасигача ғойиб бўлди. Гўё у қўлларини қандайдир кўринмас бир парда ортига узатгандек эди. Бу пардадан эса ёрқин мовий шуъла таралиб турарди. У парда ортидан иккита музқаймоқ олиб чиқиб, биттасини Игорга берди, иккинчисини ўзи иштаҳа билан ер экан, сўзида давом этди:

– Бу музқаймоқларнинг эгаси – кўзойнак тақиб юрадиган бир кимса. Ҳатто чўмилаётганида ҳам кўзойнагини ечмайди. У эртага ваннада ювина туриб, сирғалиб кетиб кўзойнагини синдириши керак эди. Ҳозир мен унинг ана шу хатосини ўчирдим.

Унинг текинга бир жуфт музқаймоқ егани Игорнинг кўнглини бир оз хижил қилди. Илим дарҳол унинг бу фикрини ўқиб:

– Сен хижолат бўлма. Мен пешона терим билан топган пулимдан тўламай туриб, ҳеч нарса ола билмайман, бунга ҳаққим йўқ, – деди.

Илим нафақат Игорнинг ҳозиргина хаёлидан кечган саволларига, балки кейинроқ туғилиши мумкин бўлган саволларига ҳам аниқ жавоб берар, бундай ҳолларда ҳар гал у

– Биз мувозанатни бузишга эмас, уни сақлашга хизмат қиламиз, – деб кўярди.

– Ҳаммадан ҳам вақтнинг чўзилгани зўр иш бўлди-да, – дея кўнглидан ўтказди Игорь.

– Илим, айтинг-чи, овқат емасликнинг ҳам иложи борми? – деб сўради у.

– Ҳа, албатта. Фақат бунга аввал бир ой, кейин олти ой, кейин эса бир йил машқ қилиш орқали эришилади. Бу энг осон усуллардан бўлиб, ота-боболаримиз жуда яхши билишган. Фақат вақт ўтиб кишилар буни унутиб юборишган. Эсингда бўлсинки, инсон фақат оғзи билан овқатланмайди. Бурни, қўл-оёқлари, териси, хуллас, бутун вужуди билан озиқланади. Бироқ аксар кишилар фойдали нарсаларни ейишдан кўра, мазали нарсаларни бўкиб ейишни афзал кўради. Натижада уларнинг бу мечкайлиги овқатсиз яшаш, тўғрироғи, ҳаводан, куёшдан, бутун борлиқдан вужуд учун зарур унсурларни қабул қилиб олиш тизимини издан чиқаради. Овқатсиз яшаш машқларини устозсиз, ўзбошимчалик билан бажариш ҳаёт учун хавфлидир. Буни асло унутма!

Игорь ўз қулоқларига ишонмас, унинг миясида нуқул «нимага?», «нима учун?», «қандай қилиб?» қабилидаги саволлар чарх урар, бироқ бу саволларнинг бирортасига жавоб йўқ эди.

СЎЗСИЗ МУЛОҚОТ

Агар истасанг, мен сенга вақтни беҳуда сарфламаслик учун сўзсиз мулоқот қилишни ўргатиб қўяман. Илим, – сенинг вақтинг тигиз бўлгани учун бу усул асқотиб қолиши мумкин.

Игорь розилик аломати ила бош силкиди. Ахир ўз вақтини тежалишини ким ҳам истамайди дейсиз.

Илим унинг ёнига келиб, ўнг қўлининг шаҳодат бармоғини Игорнинг қаншарига қўйиб, бироз босиб турди. Игорнинг

қаншари қизиб, аллақандай оғриқ пайдо бўлди. Илим бирпасдан сўнг бармоғини олар экан

– Мана бўлди, – деди. – Энди ичингда ниманидир ўйлашинг, истаган саволни хаёлдан ўтказишинг мумкин. Мен ҳам сенга хаёлан жавоб бераман.

– Мен қачон оғзим билан эмас, вужудим билан овқатланишим мумкин? – деган саволни ўйлади Игорь.

– Бунга ҳали анча бор, – дея хаёлан жавоб берди ўз навбатида Илим.

– Хўш, Устмо яна ўз ҳолига қайтадими? – деб сўради Игорь.

– Албатта – деб ғойибона жавоб берди Илим. – Фақат аввал у ўз гуноҳини ювиши керак

Бу усулдаги суҳбат оғзаки суҳбатдан кўра анча яхши, яхши ҳам гапми, зўр, аъло! Бунда ортиқча нарсалар, товушлар ҳалакит бермайди. Агар инсон битта сўзни талаффуз қилиши учун етмиш иккита мушак ҳаракатланишини ҳисобга олинса, бу усулнинг афзаллиги яна бир бор аён бўлади. Қизиғи бу йўсиндаги суҳбатда бирваракайига бир неча савол бериш ҳам мумкин экан. Жавоб ҳам шунга яраша бўлади. Айниқса, оломон орасида, одамлар тиғиз жойларда, бу суҳбат жуда қўл келади.

Атрофдагилар сизни эшитмайди, сирларингиздан воқиф бўлишмайди. Мўъжизанинг ўзи!

Тез орада улар ўртасидаги суҳбат қизиб кетди. Игорь тагин зикр, ўн иккилик ҳақида сўради. Зикрнинг қандай машқ эканлиги, қанча давом этиши, бунда кўпроқ нималарга эътибор бериш лозимлиги билан қизиқди.

Илим унинг барча саволларига шошилмасдан, дона-дона қилиб жавоб берарди. Лекин барибир Игорь бу жавобларнинг моҳиятини тўлалигича англаб етмас, қисман тушунар эди, холос. Чунки унинг миясида кўплаб саволлар бир-бирига гал бермасдан чунон ғужғон ўйнардик, унинг ҳали бу усулга кўникиб улгурмаган шуури ушбу жавобларни тўлиқ ҳазм эта олмасди. Лекин аста-секин бу савол-жавоблар бир-бирини тўлдириб, ҳар бир масалага ойдинлик кирита бошлади.

Игорнинг қорни очмаган бўлса-да, Илим уни кафега олиб кириб, роса меҳмон қилди.

– Ҳеч бўлмаса, ҳинд миллий таомларининг таъмини тотиб кўришинг керак. Юртингга қайтганингда тамшаниб юрасан, – дея ҳазиллашиб қўйди у.

Дастурхонга олдиниға катта ликопчада ичига гуруч жойлаб пиширилган капча илон ва унинг шўрваси тортилди. Илон гўштини колбаса каби бўлақларга бўлиб, роса иштаха билан ейишди. Шўрваси ҳам жуда мазали экан. Кейин косада қовурилган чигиртка, кичкина ликопчаларда аллақандай тропик ўтлар, зираворлар ва денгиз ўтларидан қилинган, қалампирдан аямай қўшилган салатлар, ҳинд нони – чепати келтирилди. Овқатдан сўнг хушбўй, мазали ҳинд чойидан ичишди. Чойхўрлик асносида Илим Игорга чойларнинг турлари, навлари, қаерлардан ва қай усулда йиғиб олинishi, қандай тайёрланиши, ҳатто чой дамлаш сирларигача эринмай сўзлаб берди. Игорь табиатда қора чойнинг учрамаслигини, у кўк чойни қовуриш орқали олинishiни билиб олди.

– Мен кўк чойни жуда яхши кўраман, – деди Илим. – Сен эса иссиқ пайтларда кўк чой, совуқ кунларда қора чой ичганинг маъқул.

Овқатланиб бўлишгач, Игорь чўнтагини кавлаётганди, бироқ Илим бунга йўл қўймай, овқат ҳақини ўзи тўлади.

Кафедан чиқишгач, бир оз жим кетишди. Сўнг Илим, бу гал овоз чиқариб, унга уқтира бошлади:

– Сенинг ҳозирча мен билан овоз чиқариб гаплашиб турганинг маъқул. Чунки мен, асосан, шогирдим Устмо билан сўзсиз мулоқот қилишим лозим. Қолаверса, бунга одатланиб қолсанг, уйингга қайтгач, ўзингга суҳбатдош топа олмай қийналасан. Бунинг устига йиллаб табиий усулда сўзлашмай қўйсанг, товуш пайчаларинг, жағ мушакларинг заифлашиб қолиши мумкин. Сўзсиз мулоқот қиладиганлар учун махсус мимика машқлари мавжуд. Вақти келиб буларни ҳам ўрганиб олишинг мумкин.

– Шунчалик ажойиб мўъжизаларга гувоҳ бўлиб турибманки, худди туш кўраётганга ўхшайман, – деди Игорь.

– Бу ҳали шунчаки оддий мўъжизалар, – деди Илим. – Шунақанги мўъжизалар борки, уларни кўрсанг, эсинг оғиб қолиши мумкин.

– Йўғ-е, ростданми?

– Ҳа. Масалан, мен ўз нусхаларимни кўпайтира оламан.

– Яъни... Қандай?.. – гарансиб сўради Игорь.

– Ҳозир мен... Нима десам экан... Саккиз нусхадаман. Яъни, менинг бир ўзим саккизтаман. Ахир ёлғиз ўзим ҳаммасига улгуролмайман-да! Бунинг Устига, ҳозир сенинг ўрнингни боса оладиган ишончли одамни ҳам топиш мушкул. Тўғри, одамлар аслида ҳалоллик, эзгулик учун яратилган. Бироқ нафс, кибру ҳаво, ҳасад уларни йўлдан уради. Ўзинг эса ўзингни алдамайсан. Алдаганингда ҳам, баъзан мустасно ҳолларда шунақаси ҳам буладики, ўзингни ўзинг алдай бошлайсан, лекин шуниси яхшики буни ўзинг билиб, ҳис этиб турасан.

Битта нусхам Ҳиндистоннинг жануби-шарқи қисмидаги Тамилад штатида гуруч етиштиради. Яна битта нусхам Цейлон оролида чой етиштиради, шунинг учун чой ҳақидаги маълумотларни яхши биламан. Қолганлари ҳам бекор юрмайди, ҳар бири зарур бир юмуш билан банд.

Нусхаларимнинг ҳаммаси тенг мавқеда туради, улар орасида биринчи-иккинчи даражали деган жавоблар йўқ. Буни сен тўртинчи ўлчов нима эканлигини тушунганингдан сўнг тўлиқ англаб етасан. Ҳозирча бу сенга оғирлик қилади. Бу анча билим ва тажрибани талаб қиладиган масала. Ҳа, айтмоқчи, ҳалигача сенинг исмингни сўраш эсимга келмабди. Номинг нима ўзи?

– Игорь.

– Қаерликсан?

– Россияликман. Москва шаҳридан.

– Ўх-хў! Жуда зўр-ку. Нега унда русча гаплашмайсан?

– Сиз рус тилини биласизми?

– Албатта. Мен бир юз тўқсон саккизта тилни биламан. Рус

тилини жуда яхши кўраман. Шунинг учун мен билан русча гаплашавер. Сўзсиз мулоқот учун эса тилнинг аҳамияти йўқ. Сен қайси тилда фикрласанг ҳам, менинг шуурим уни худди таржима каби, ҳатто таржимадан ҳам аниқ, бенуксон қабул қилиб олади.

Илим рус тилида аниқ-тиниқ, дона-дона қилиб, ҳар бир урғуни ўз ўрнига қўйганича равон гапириб Игорни қойил қолдирди. Сўнг бир оз хаёл суриб туриб, аввалги мавзуга қайтди:

– Шогирдим Устмонинг гуноҳини кечир, Игорь, – деди у. – Ўзиям роса таъзирини еб юрибди. Бундан сўнг зинҳор ўйламасдан бир иш қилмайди.

– Мен унинг қандай гуноҳ қилганини ҳеч тушуна олмаяпман, – деди ҳайрон бўлиб Игорь. Майли сизнингча бўла қолсин. Шогирдингиз ўша кавакни кавлайверсин. Бироқ менга сал нарироқда унинг ишини кузатиб туришгами ёки унга ёрдам беришгами, розилик қилинг.

Аввалига Илим:

– Йўқ, бу асло мумкин эмас! – дея иккала оёғини тираб туриб олди. Бироқ Игорнинг кайфияти тушиб кетганини кўриб, узоқ сукутдан сўнг бу таклифга кўнди.

– Майли, мен вазиятни ҳисобга олиб рози бўляпман, – деди у. – Йўкса, ўлсам ҳам рози бўлмасдим.

Шундан сўнг Илим Игорга кўзини юмиб туришни буюрди. Игорь кўзларини юмди. Илим унинг елкасидан чангаллаб олган эди, Игорь ўз вужудида аллақандай бир енгилликни, вазнсизликни ҳис этди.

– Энди кўзингни оч, – деди киприк қокқанчалик вақт ўтар-ўтмас Илим.

Игорь кўзларини очди. Улар тагин ўша тоғда, Устмонинг ёнида пайдо бўлишган эди. Роса икки кун айланиб келишган бўлсалар ҳам, орадан бор-йўғи беш дақиқа ўтган эди, холос.

Устмо бир чеккада хижолат тортибгина турарди. Унинг бу аҳволини кўрган Игорь Илимга:

– Мен Устмони кечирдим, энди сиз ҳам кечира қолинг, – деди ўтинчли бир оҳангда.

– Йўқ, бунга ҳали эрта, – деди Илим совуққина қилиб. – Қачон кечиришни мен ўзим биламан. Сизлар эса, яхшиси булоққа бориб, идишларни сувга тўлдириб келинглار.

– Менинг ўзим ғир этиб бориб кела қоламан, – деди Игорь.

– Йўқ, бирга борасизлар! Борганда ҳам сен Устмонинг устига миниб бориб келасан. Мабодо эшакка минишдан ор қилаётган бўлсанг, Устмони отга айлантириб қўйишим мумкин, – деди Илим.

– Йўғ-е... Менга барибир, – дея довираб қолган Игорь эшакка, тўғрироғи, эшак қиёфасидаги Устмонинг устига сакраб минган эди, «эшак» булоқ томон йўрғалаб кетди.

Йўлда Устмо ўзи қилган ишидан қаттиқ афсусда эканини, туну-кун пушаймон еяётганини айтиб, Игордан астойдил кечирим сўради.

Сув олиб қайтгунларича бир-бирлари билан яхшилаб танишиб олишди. Устмо кўнгли очик, яхши йигит экан, қайтиб келишгач, Устмо иккаласи қоядаги конуссимон хона юзасини яхшилаб текислашга тушдилар. Ҳатто деворларни ҳам яхшилаб силлиқлаш зарур эмиш.

– Тўртинчи ўлчамга ўтиш арафасида руҳнинг танадан чиқиши содир бўлади. Агар шунда хушёр бўлмасанг, бошингни қиррадор тошларга уриб ёриб олишинг, ҳатто ҳалок ҳам бўлишинг мумкин. Шу боис, деворлар ва қавакнинг ости қанча силлиқ бўлса, шунча яхши, – деди Илим.

Игорь ва Устмо қавак ичига, деворларига сув сепиб, тош ва чанглардан обдон тозаладилар. Игорь ҳамон туш кўраётганга ўхшар, нималар бўлаётганини туб-тубигача англаб ета олмас эди. Қандайдир бир сеҳргар ва унинг шогирди билан (ке йинчалик билса, улар дарвешлар тоифасига мансуб эканлар) тоғ-тошларда юрганини англаб турар, лекин уларнинг амалга ошираётган ишлари Игорнинг тасаввурига зўрлик қиларди.

Устмо туёқлари билан хона деворларидаги, паст»даги қиррадор тошларни шу қадар ажойиб қилиб силлиқлар эдики, ҳатто тош йўнадиган асбоблар ҳам бу қадар силлиқлай олмасди. Игорь унга

ачинишни ҳам, ажабланишини ҳам билмасди. Ахир бундай вазиятга илк бор тушиб туриши-да. Нокулай томони шунда эдики, Игорь ўзини қандай тутишни билмас, гоҳ Илимга, гоҳ Устмога тез-тез кўз қирини ташлаб қўярди.

Кечга бориб хона тайёр бўлди. Игорь Устмони миниб тагин булоқдан сув олиб келди. Йўлда Устмодан хижолат бўлиб:

– Оғайни, устингдан тушиб, яёв юра қолай, – деди.

– Йўқ-йўқ, зинҳор бундай кила кўрма, устимга миниб юрсанг, менга енгил бўлади. Биласанми, мени илгари ҳам бир неча бор каламушга, хўрозга, хўкизга айлантиришган. Аммо эшакка биринчи бор айлантирилишим. Бу тажриба ўзимга ҳам ёқди. Ҳозирча устозим ёрдам бериб турибди. Бора-бора ўзим мустақил равишда истаган жонзот қиёфасига кира оламан. Бу тажриба турли-туман синовлардан ўтиши лозим. Шунинг учун ҳам бунга тўсқинлик қилмаслигинг, аксинча, ёрдам беришинг керак, – деди Устмо.

– Ғалати бўларкан-да, – деди тагин хижолат тортиб Игорь. – Ахир сен эрта бир кун асл ҳолингга қайтасан, мен қайси кўз билан юзингга қарайман?

Сув олиб қайтгунча уларнинг вақтлари роса мўл эди. Шунинг учун ҳам йўл бўйи мириқиб суҳбатлашишди.

– Бир нарсани ҳеч тушуна олмаяпман, – деди Игорь. – Айтчи, Устмо, Илимнинг айтганлари ростми, гуноҳинг шу қадар оғирми?

– Э, нимасини айтай, уятдан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам... Бу ерга сени мен олиб келганман... Йўқ, сени ўзинг келгансан, лекин бунга сабабчи мен бўлганман...

– Қанақасига?

– Гап шундаки, фикрий қувватим бу қадар кучли эканини, жуда тез моддийлашишим билмаган эканман. Устозим Илим ҳамиша менга, «ўйлашдан олдин ўйлаб кўр», дер эдилар. Мен бунини шунчаки сафсата деб тушунибман. Хуллас, мана шу қоядаги ўша кавакни ўйиш аслида менинг зиммамдаги вазифа эди. Мен эса қояга тикилиб туриб, «қани энди кимдир ўрнимга шу кавакни кавлаб қўйса», деган фикрни хаёлдан ўтказдим, холос. Бор-йўқ

гуноҳим шу. Сени мажбурлаш хаёлимга ҳам келмаган. Бунинг устига, сени авваллари кўрган бўлмасам, танимасам. Қолган гаплар ўзингга аён...

Кўққисдан Игорнинг хаёлига ялт этиб бир фикр келди.

– Ҳа, энди эсимга тушди, – деди қошларини чимириб Игорь. – Москвада бир рассомнинг зикрга тушаётган дарвешлар ҳақидаги суратини кўриб қолган эдим. Шундан сунг кулоқларимга шабада, аллақандай товушларни олиб келган эди. Ўша товуш соҳиби сен экансан-да?

– Мени кечир, Игорь, – деди Устмо хижолат тортиб.

– Оғайни, аввало мен бу сирни шу ерга келгач, англаб етдим. Қолаверса, сени аллақачон кечирганман. Аммо сирасрорларингизга жуда қизиқиб қолдим. Уларни менга ҳам ўргатсангчи. Ваъда бериб айтаманки, қуюшқондан чиқиб кетмайман.

– Бажонидил, – деб жавоб берди Устмо. – Лекин бунинг учун устозимдан рухсат олишим лозим. Йўқса, у тагин мени ҳар куйга солади. Умуман, эшак бўлиш ёмонмаску-я, лекин бир умр шу ҳолда қолиб кетгим келмайди-да!

Бир-бирига қараб роса мириқиб кулдилар. Ҳали ўзининг қиладиган ишлари жуда кўп эканлигини Игорь энди англаб етди. Мана, у нега бундай жазирамада бошқа ҳамма нарсани унутиб, қоя кавлаб юрибди. Демак, Устмо буни бор-йўғи шунчаки хаёлидан ўтказгани учун Игорь шу кўйларга тушган экан-да!

Шу пайт кўққисдан Игорнинг хаёлига даҳшатли бир фикр келди. Агар бундай сеҳрли қобилият соҳиблари ўз хаёллари, истак-майлларини жиловлай олмай, ёвузликлар қилиб инсониятга зарар етказишса нима бўлади?

– Ҳа бунисидан кўркмай қўяқол, – деди унинг фикрларини ўқиб турган Устмо. – Бунақанги даҳшатли, ёвуз фикрларнинг моддийлашуvidан ҳимоя қилувчи махсус нарса мавжуд.

– Устмо, ўн иккилик дегани нима? – дея Игорь ўзини анчадан бери безовта қилиб юрган саволни берди.

– Ҳим... Нима десам экан? Улар – ўн икки киши. Тўғрироғи, танланган ўн иккита дарвеш.

– Ўша дарвешлар ҳақида менга батафсилроқ сўзлаб берсангчи, – илтимос қилди Игорь.

– Бундан ортиғини айтиб бера олмайман. Яхшиси, улар ҳақида устозим Илимдан сўра. Зора, у сенга бу дарвешлар ҳақида муфассал гапириб берса.

Ана шундай суҳбатлар билан манзилга ҳам етиб келишди. Игорь Устмонинг устидан сакраб ерга тушди-да, унга миннатдорлик билдирди. Булоқлардан олиб келган муздек сувларини Илимнинг ўзи кавак ичига киритиб қўйди.

Учаласи анчагача суҳбатлашиб ўтиришди. Сўнг Илим:

– Бас, етар, энди дам олайлик, – деди.

Игорь ўзини қандайдир мустаҳкам бир ҳимоя қобиғи ўраб олгандек, вужудини эса осмонларда қуш каби учиб юргандек ҳис этарди. У елим тўшагига ҳаво тўлдириб, ўзига жой ҳозирлади-да, устига камзулини ёпиб, дарҳол уйкуга кетди.

Тонгда эшакнинг қаттиқ ханграшидан уйғониб кетди. Не кўз билан кўрсинки, унинг қаршисида асл ҳолига – одам қиёфасига айланган Устмо турарди. Қаттиқ суюниб кетган Игорь уни кучоқлаб олиб пешонасидан ўпди. Устмо асл қиёфасига қайтса ҳам, ҳазиллашиб Игорни уйғотиш учун эшак бўлиб ханграган экан.

– Хўш, жазо муддати тугадими? – деб сўради Игорь.

– Йўқ, жазо ҳали-бери тугамайди, – деди Устмо. – Фақат тўғри, адолатли берилган жазо кутилган натижага эришишни тезлаштиради. Ҳозир эса менинг машққа, амалиётга ўтиш муддатим етиб келди. Жазонинг қолганини кейинроқ ўтайман.

Улар тагин булоқ томон югуриб кетишди. Булоқдан отилиб чиқаётган муздек сув ариқ ҳосил қилиб, пастга қараб шарқираб оқиб ётарди. Баҳорда келган селлар ариқ кирғоғининг баъзи жойларида анча чуқур камарлар ҳосил қилганди. Улар ана шу камарларнинг бирида роса мириқиб чўмилишди. Сўнг кийим-бошларини ариқ сувида ювиб, чайиб, силкита-силкита тошлар устига

ёйиб кўйишди. Кийимлари бирпасда қуриб қолди. Идишларини булоқ сувидан тўлдириб, кийинишиб ортга қайтишди.

Қоя ёнига етиб келишганида Илим қавак ичида нималарнидир пичирлаб ўқиб ўтирарди. Кун исиб кетган, ҳаво айланмагани учун қавакнинг ичи тандирдек қизиб кетган эди.

– Бундай жазирамада қавакнинг нима кераги бор? – дея Игорь дуосини ўқиб бўлган Илимдан сўради.

– Бу қавак тозалик, поклик учун қавланди, деб изоҳ берди Илим. Қояда қавланган қавак энг тоза жой ҳисобланади. Чунки минг-минг йиллардан бери ерда покизароқ жойнинг ўзи қолмаган. Бизга эса ҳеч ким яшамаган, булғаманган, жанг-жадаллар бўлиб, қонлар тўкилмаган жой керак. Қояда қовланган янги қавак эса худди ана шундай покиза, энергетик жиҳатдан ҳам қулай жой.

– Бунинг билмаган нарсаси йўқ, шекилли. Замонавий илмлардан ҳам анча ўзиб кетганга ўхшайди, – дея ҳаёлидан ўтказди Игорь.

– Ҳа, шунақа, – деди ҳам ўзининг юқоридаги гапларини давом эттиргандек, ҳам Игорнинг ҳаёлидан кечган саволга жавоб бергандек жилмайиб Илим.

– Қойил! Демак, машқ учун ўта покиза жой лозим экан-да, – ҳаёлидан ўтказди Игор.

– Ҳа, худди шундоқ! – дея ҳаёлан унга жавоб қайтарди Илим.

– Яна сўзсиз мулоқотми? – кулиб юборди Игорь.

– Бунинг ҳам ўзига яраша афзал томонлари бор, – деди Илим оғзаки сўзлашув тилида. – Оддий сўзлашув тилида товуш пайчалари ҳосил қилган ҳаво тўлқини эшитувчининг қулоқ супралари, ўрта қулоқдан ўтиб, сўнг чиғаноққа, ички қулоқ пардасига урилади. Қулоқ эшитган бу товуш тўлқинларини мия кодлайди, яъни хотирада сақланаётган товушларни айни эшитилаётган товушларга таққослаб, ундан кераклисини саралаб олади. Шу тариқа эшитувчининг миёсида айни товушларнинг, сўзларнинг муқобил шакли намоён бўлади. Ҳаёлан гаплашишда эса фикр тўғридан-тўғри миёнинг кодлаш бўлимига боради, яъни эшитувчининг миёсига товуш эмас, фикр узатилади. Бунда масофанинг аҳамияти йўқ.

– Буни ўзлаштириб олиш қийин кечмайдими? – сўради Игорь.

– Бошида бир оз қийин бўлади, – деди Илим.

Аммо бора-бора кўникиб кетасан. Фақат бунинг учун бошловчи шогирд ўта покиза жойда бўлиши лозим. Ана шундагина у тўртинчи ва ундан кейинги ўлчамларни ҳис этиши мумкин. Бунда, аввало ўлчамлар билан яқиндан танишинг уларни яхшилаб ўрганиб чиқиш зарур. Муттасил машқларни ҳам тўхтатмаслик керак. Шунда орқага, яъни инсонларнинг уч ўлчамли оламига қайтиш ёки олдинга – тўртинчи, бешинчи ўлчамли оламларга ўтиш осон кечади. Нопок жойларда машқ қилинса, чавандоз қуюқ туманда адашиб қолгани каби, инсон ҳам ўлчамлар чорраҳасида адашиб қолиши мумкин.

ЗИКР

Илим ўткир бир тош олиб, қояда ўйилган кавак оғзи атрофида чизик тортди ва пичирлаб қандайдир бир дуо ўкиди. Игорь унинг сўзларини эшитиб турса-да, ҳеч нарсани тушунмас, ҳайратланганча Илимга тикилиб турар эди. Илим дуосини ўқиб тугатгач, Игорь унга савол бериш учун оғиз жуфтлаган эди ҳамки, ундан олдин Илимнинг ўзи жавоб берди:

– Дуо билан бу жойни бекитиб, бегона кўзлар бизни кўришидан, бегона қулоқлар гапимизни эшитишидан иҳоталаб қўйдим. Эндиликда бизни ҳеч ким кўрмайди ҳам, эшитмайди ҳам.

Сўнг Илимнинг таклифи билан учаласи кавак ичига киришди. Илим қўлидаги ўткир тош билан кавак ичига ҳам бир доира чизди. Илим ва Игорь бу доиранинг ташқарисида қолишди. Устмо эса унинг ичида типпа-тик қотиб турарди.

– Ҳаммаси эсингдами? Энг муҳими, вақтида ортга қайт, йўқса чумолига айлантириб қўяман, – дея Устмога пўписа қилиб қўйди Илим.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, устоз, ўз пайтида ортга қайтаман, – деб жавоб берди Устмо.

Игорнинг кизиқиши тобора ортиб борар, нималар содир

бўлишини билиш учун у ҳам Устмонинг ёнига – доира ичига киришни қаттиқ истамоқда эди.

– Ҳар қандай шароитда ҳам зинҳор-базинҳор бу доира ичига кирмаслигинг керак, – деди унга қараб Илим. – Кирсанг, ҳалок бўлишинг мумкин. Бунда ҳатто мен ҳам ёрдам бера олмайман.

Устмо эса доира ичида худди рақсга тушаётгандек ғалати ҳаракатлар қила бошлади. Лаблари нималарнидир тинимсиз пичирлар эди.

Ўн беш дақиқалардан сўнг Илим Устмонинг елкасига ҳассаси билан туртиб рақсдан тўхтатди ва – Бас, етар. Доирадан чиқиб, бирпас нафасингни ростлаб ол, – деди.

Устмо доирадан чиқиб, идишдаги сувдан ҳўплаб оғзини чайди. Илим чўнтагидан олча катталигидаги иккита думалоқ нарса чиқариб, биттасини шогирди Устмога, иккинчисини Игорга узатар экан:

– Бу туйилган ёнғоқ мағзи, унга майиз қўшилган, еб олинглар, – деди.

Роса мазали нарса экан, Игорга жуда маъқул бўлди. Илим бундан яна беш-олтитасини чиқариб берса бўлармиди?

– Машқ пайтида кўп ейиш мумкин эмас, – деди Илим. – Машқда катта қувват талаб қилинади. Бу қувватни овқатни ҳазм қилишга сарфламаслик керак. Бунда сув ҳам овқат ўрнини босади. Лекин уни ҳам кўп ичиш мумкин эмас. Фақат томоқни ҳўллаш керак холос. Ўта чанқаб кетганда бир култум ичиш мумкин.

Устмо тагин ўз машғулотига шўнғиб кетди. Чамаси йигирма дақиқалардан сўнг Илим тагин ҳассаси билан Устмонинг елкасига туртиб, уни рақсдан тўхтатди.

Игорь беихтиёр ўз соатига нигоҳ ташлар экан кўзлари хонасидан чиқиб кетгудек бўлди. Ёпирай, машқ бошлангандан бери орадан роппа-роса бир ҳафта ўтиб кетибди. Игорь ўз кўзларига ишонмасдан қўл соатининг тақвимига синчиклаб тикилди. Бир меъёрда ишлаб турган соатнинг тақвими чиндан ҳам орадан бир ҳафта ўтиб кетганини аниқ-тиниқ кўрсатиб турарди. Шундагина у бу ерда нафакат бир ҳафта ёки бир ой, ҳатто йиллаб қолиб ке-

тиши мумкинлигини англаб етди. Москвадаги танишлари ўқиши эсига тушиб, Игорни даҳшат босди. Ахир у аллақачон ўз юртида бўлиши керак эди-ку!

– Бошлаган ишни чала ташлаб кетиш яхшиликка олиб келмайди, – деди Илим унга қараб. – Зинҳор хавотир олма. Бир нусхангни аллақачон уйингга жўнатиб юборганман. У ҳозир университетда ўқиб юрибди. Чалғиб кетмаслигинг учун сен билан нариги нусхангни бир-бирингиздан беҳабар, мухтор ҳолда қолдирдим. Лекин бу муваққат тадбир, вақти келиб ўзинг тушуниб оласан.

Буни эшитиб Игорнинг оғзи очилиб қолди. Шу топда Илимга жуда кўп саволлар бергиси келарди. Аммо Илим шогирди Устмога нималарнидир куйиб-пишиб тушунтирмоқда эди. Уларга ҳалал беришга ботина олмади.

ИГОРЬ НУСХАСИНИНГ УЙГА ҚАЙТИШИ

«Эсиз, Устмонинг тоғдаги машғулоти қандай давом этаётганини кўра олмай қолдим-да, – деб ўйларди Игорь. – Нега Илим менга ваъда беришга бериб қўйиб, уни охиригача бажармади экан? Ҳа, у менинг вақтим тиғизлигини ҳисобга олган бўлса керак. Йўқса, албатта, ваъдасининг устидан чиқарди. Дарвеш бўладими, сеҳргар бўладими, барибир, унинг ҳам имкониятлари чекланган-ку, ахир».

Игорнинг ўрнида бошқа бир киши бўлганида ҳам шундай ҳаёлларга бориши тайин эди. Чунки у ҳали дарвешларнинг имкониятларини, улар нималарга қодир эканини тўлиқ англаб етмаган эди.

«Ҳа майли, нима бўлса-бўлди», – дея у учоқга чиқиб, ўзини чиптада кўрсатилган ўриндиққа ташлади. Ҳар ҳолда, ўз юртига, жонажон Москвасига қайтаётганидан беҳад хурсанд эди. «Ўз уйинг – ўлан тўшагинг», – деб бежиз айтишмаган-ку, ахир.

Учоқ парвоз этиб бораркан, пастда муаллақ қотиб турган паға-паға булутларни мириқиб томоша қилди. Нақадар гўзал манзара! Эсига ёшлиги тушиб кетди. Болалигида булутлар одамни бема-

лол кўтаради деб қаттиқ ишонарди. Баъзан ўзини юксакда, булутларнинг устида чексиз самога тикилиб чалқанча ётган ҳолда тасаввур этар, баъзан эса тушларида булутлар узра сакраб-сакраб юрганларини кўриб чиқар эди.

Учокда тамадди қилиб олгач, пинакка кетди. Қанча парвоз қилганини билмайди. Қўққисдан стюардессанинг кўнғироқдек овози уни уйкудан уйғотиб юборди. У самолётнинг Москвага етиб келганини, йўловчилар хавфсизлик камарларини боғлаб олишлари лозимлигини, Москва шаҳрида об-ҳаво неча даражада эканини эълон қилмоқда эди.

Одам мусофирчиликдан уйига қайтгач, ватанининг қадрини янада кучлироқ ҳис этаркан. Москва! Нақадар ажойиб шаҳар!

Игорь кечқурун эсон-омон уйига етиб келгач, душда ювиниб олди-да, оппоқ оҳорли чойшабга ўраниб, яна маза қилиб ухлади.

Эрталаб соат кўнғироғининг қаттиқ чириллашидан чўчиб уйғониб кетди. Ювиниб, апил-тапил нонушта қилди. Портфелидаги тош намуналарини яна бир бор текшириб кўрди-да, дид билан кийиниб университет сари йўл олди.

Унинг домласи, профессор Степан Елизаров Игорнинг Ҳиндистондан олиб келган тош намуналарига қаттиқ қизиқиб қолди. Дарҳол уларни микроскоп остига қўйиб текшира бошладди.

– Буларда анча-мунча кимёвий элементлар борга ўхшайди, – деди у салмоқ билан. – Ҳаммасини яхшилаб таҳлил қилиб чиқиш лозим.

Игорнинг хаёлидан эса Илим ва унинг шогирди Устмо кетмасди. «Наҳотки, буларнинг ҳаммаси – менинг Ҳиндистонга борганим, Устмонинг эшакка айлангани, Илимнинг кавакка доира чизганлари, Деҳли шаҳридаги сайрлар рост бўлса?» деб ўйларди у.

Игорь кўрган-билганлари ақлга сиғмас бир воқеа эканини, буни зинҳор-базинҳор бошқа бировларга айтмаслик лозимлигини яхши биларди. Чунки бунга ҳеч ким ишонмас, мабодо у айтгудек бўлса, унинг устидан ақлдан озган дея қулишлари мумкин эди. Лекин кимгадир айтмаса ҳам ёрилиб ўлади-ку, ахир. Хўш, қандай

қилиб айтсин? Ким ҳам ишонарди унинг бу чўпчакларига?! Ишонишмаса майлику-я, жиннихонага телефон қилиб уни «дам олиш»га жўнатиб юборишлари ҳам ҳеч гапмас. Ана ўшанда бўлади томоша. Игорь аросатда, икки ўт орасида қолган эди.

Унинг қилган ишларидан профессорнинг кўнгли тўлди, шекилли, жилмайибгина Игорга миннатдорчилик билдирди. Профессорнинг мамнун қиёфасини кўриб, Игорь тўлқинланиб кетди. Бўлиб ўтган воқеаларни унга бирма-бир ҳикоя қилиб бермоқчи ҳам бўлди. Бироқ Илимнинг қиёфаси кўз олдида намоён бўлиб, ўзини зўрға тийиб қолди.

Шу-шу, кечалари ухлай олмайдиган бир дардга чалинди. Ҳиндистондаги воқеалар унинг ичида хамиртуруш солинган узум шарбатидай қайнаб ётар, бироқ кўнглини бўшатгани яқин бир дўсти, маҳрами йўқ эди. Тўғри, Ольга деган кўҳликкина дўсти бор. Бироқ қиз бола қиз бола-да. Унга сир айтиб бўладими? Ҳа, айтмоқчи, Шедр деган дўсти ҳам бор. Бироқ у жуда олис-да, Сингапурда яшайди-да! Ўз ватанида эса мундоқ тайинлироқ дўсти йўқ. Шунда у илм-фанга берилиб кетиб, тузукроқ бир дўст орттиролмаганидан илк бора астойдил афсус чекди.

Нихоят, у бир қарорга келиб, телефон гўшагини кўтарди-да, Ольганинг рақамларини тера бошлади. Нариги томондан ҳам телефон гўшагини кўтаришди. Қўнғироқдек жарангдор бир овоз:

– Алло! Эшитаман! – деди.

– Салом Ольга. Танидингми?

– Вой, Игорь! Ўзингмисан? Қачон келдинг? Соғ-саломатмисан?..

Игорь унинг ҳовлиқиб, пала-партиш бераётган саволларини бўлиб:

– Ольга! Тезда учрашмасак бўлмайди. Учрашув жойини ўзинг танла, – деди.

Иккаласи биргаликда тушлик қилишни хуш кўришадиган «Мўъжиза» қаҳвахонасида дарсдан кейин учрашишга келишиб олишди. Бу қаҳвахона анча тинч жой бўлиб, беҳуда бақир-чақирлар бўлмас, бировнинг биров билан иши йўқ эди.

Игорь эртароқ етиб келди-да, қаҳва буюриб, Ольгани кута бошлади. Тезгина кела қолармикан, деган хаёлда дам-бадам со-атиға қараб қўярди.

Қаҳвасини ичиб тутатган эди ҳамки, қаҳвахона эшиги очилиб, «Салом!» деган ёқимли овоз эшитилди. Игорь ортига бурилиб, жилмайиб турган Ольгани кўрди. • •

– Салом, Ольга! – дея у сапчиб ўрнидан турди-да, стол ёнида-ги ўриндикни ортга тортиб:

– Марҳамат, ўтир, – дея уни столга таклиф этди. Ольга озғиндан келган, малласоч, барча замонавий қизлар каби энг сўнгги урфда кийинишни яхши кўрадиган қиз эди. Ўн тўққиз ёшли бу фаришта каби эди, пардоз-андозни унча ёқтирмас, фақат таниш-билишларининг туғилган кунлари, ёки тўйларида жиндай упа-элик қилиб оларди, холос. Бугун эса, одатига хилоф равишда тузуккина пардоз-андоз қилиб олган, сочлари ҳам жозибадор турмакланган, эғнига маликаларга хос узун қўйлак кийиб олганди. Қизнинг бу жозибасидан Игорь уни илк бор кўраётгандек ҳаяжонга тушди, чарақлаб турган мовий кўзларига тикилар экан:

– Яхшимисан? – деди титроққа тушиб.

– Раҳмат! Сени соғ-омон кўрганимдан жуда хурсандман.

– Хўш, айт-чи, сенга нима буюрай?

– Қаҳва.

Игорь иккита қаҳва буюрди. Ольга майин-майин қаҳва хўплар экан, йигит ундан кўз уза олмасди. Қиз гўё ўз гўзаллигини ғунча каби тугунчагида асраб келгану, бутун гул-гул очилиб кетгандек эди.

– Ольга, жудаям очилиб кетибсан-ку! Кўчада кўрганимда сени таниёлмай қолардим, – деди Игорь ўзини анча босиб олиб.

– Раҳмат, тентаквой! Бутун туғилган кунинг-ку, ахир. Эсингдан чиқдими?

Дарвоқе, ростдан ҳам бутун унинг туғилган куни-ку! Шунча саргузаштлар билан бўлиб, у нафақат туғилган кунини, ҳатто ўзини ҳам эсдан чиқариб юборган эди.

Ольга:

– Табриклайман! – дея бежирим бир ручкани Игорнинг қўлига тутказди-да, юзидан майингина ўпиб кўйди. Сўнг Игорнинг афтангорига синчиклаб тикилар экан:

– Сенга нима бўлди? Ранг-рўйинг анча қочиб долийбди? – деб сўради.

– Йўқ, яхшиман. Шунчаки, сафар бир оз толиқтирди, шекилли, – деб жавоб берди Игорь.

– Ҳа, дарвоқе, Ҳиндистон сафари яхши ўтдими? Тожмахалга ҳам бордингми? Сигирларга озор бермасликлари, уларни муқаддас деб билишлари ростмикан? Ганг дарёсида ҳам чўмилгандирсан?

– Йўқ, Ольга. Мен ишладим, жуда қаттиқ ишладим.

– Шунинг учун ранг-рўйинг бир ҳол бўлиб қолган экан-да? Ҳечқиси йўқ. Бир иқлимдан иккинчисига мослашиш қийин бўлади. Уч-тўрт кунда кўрмагандай бўлиб кетасан.

Игорь бир оз довдираб, гапни нимадан бошлашни билмай турди. Сўнг ўзини қўлга олиб деди:

– Йўқ, Ольга иқлимнинг бунга алоқаси йўқ. Тожмахални ҳам кўролмадим, Гангда ҳам чўмилмадим. Мен Уни кўрдим.

– У деганинг ким?

– Дарвешни кўрдим.

Ольга жарангдор кулиб юборди. Бироқ Игорнинг жиддий, ўйчан боқиб турганини кўриб кулгидан тўхтади-да:

– Ахир Москвада ҳам ҳар хил дарвешлар, роҳиблар, ламалар тикилиб ётибди-ку, – деди.

– Ҳа, тўғри, лекин мен ҳақиқий Дарвешни кўрдим, – деди Игорь.

– Жуда яхши. Хўш, исми нима экан ўша ҳақиқий Дарвешнинг. Расмини олиб келдингми?

– Э, йўқ. У ҳақиқий Дарвеш деяпман-ку! Устмо деган шогирди ҳам бор экан. У менга қояда чоғроқ хонадек келадиган кавак кавлатди.

– Вой бечора... роса дўппослаш керак эди уни. Сени мажбуран ишлатгани учун судга бериш керак эди.

– Нималар деяпсан, Ольга. У олис масофада туриб менга таъсир қилган. Э... Ҳалиги... Кавак кавланишини орзу қилган, холос.

– Ҳеч бир гапингга тушунмаяпман. У кавак қазини орзу қилган бўлса, сен Москвадан бориб кавлаб берасанми?

– Шошма, – деди Игорь вазминлик билан. – Ҳозир ҳаммасини ётиғи билан тушунтириб бераман. Фақат менга ишонишинг керак. Айтганларимни эшитиб, мени жинни бўлиб қолган деб ўйлашинг тайин. Лекин ўтинаман, менга ишон. Ҳозир сенинг ишончинг мен учун жуда муҳим.

– Яхши, айта қол-чи.

– Мен Ҳиндистонга бориб, – дея ҳикоясини бошлади Игорь, – бир ҳафта мобайнида маъданли тошларни ўрганиш учун тоғда ковак кавладим. Аста-секин қояда каттагина тухумсимон кавак пайдо бўлди. Еттинчи кун ишимни тугатиб, шаҳарга қайтаман деб турганимда, кўкқисдан ёнимда икки киши пайдо бўлди. Бирининг исми Илим бўлиб, ёши олтмишлардан ошган, иккинчисининг исми Устмо бўлиб, йигирма тўрт ёшда экан. Улар дабдурустдан мендан кечирим сўрай бошлашди. Аввалига ҳеч нарсани тушунмай анграйиб туравердим. Ҳатто улар қаллоб, товламачи кимсалар бўлса керак деган хаёлларга ҳам бордим. Илим менинг кўз ўнгимда шогирди Устмони ҳассаси билан бир туртиб, эшакка айлантириб қўйди. Дастлаб бу шунчаки бир сеҳргарлик бўлса керак, деб ўйладим. Лекин Илим ҳам ўз номидан, ҳам шогирди номидан тинимсиз кечирим сўради. Унинг айтишича, мен кавлаган кавакни аслида Устмо ковлаши керак экан. Бироқ у дангасалик қилибми, ҳазил қилибми, ўша қояда ўз-ўзидан кавак пайдо бўлишини орзу қилибди. Уни кавлаш чеки эса менга тушибди. Устмонинг жазоланганига, эшакка айлантирилганига ҳам худди ана шу нарса сабаб бўлган экан. Мен ҳатто унинг устига миниб, булоқдан сув ҳам ташидим.

Ольга бу гапларнинг ҳеч бирига ишонмагандек масхараомуз жилмайиб турарди. Игорь бунга сезиб қолиб, ҳикоясини тўхтатдида, ундан:

– Гапларимга ишонмаяпсан, шекилли? –деб сўради.

– Майли, гапиравер, – деди Ольга. – Ҳазиллашгинг келган бўлса, ҳазиллашавер. Ахир бугун туғилган кунинг-ку. Бугун сенга ҳамма нарса мумкин.

– Йўқ, ҳазиллашмаяпман, Ольга, – деди жиғибийрон бўлиб Игорь. – Илтимос, гапимни охиригача эшит. Кейин Илим мени Дехли шахрига телепортация қилди, яъни иккаламиз кўз очиб юмгунча Дехли шахрига бориб қолдик. Шаҳарни икки кун айландик. Кафега кириб илоншўрва ичдик, чигиртка қовурдоғини едик. Сўнг тагин ортга қайтдик. Соатимга қарасам, шуларнинг ҳаммасига бизнинг вақтимиз билан ўн беш-йигирма дақиқа кетибди, холос.

– Бас, етар! – деди Ольга жаҳл билан. – Устимдан кулишингга йўл қўймайман. Нима, мени гўл, ҳамма нарсага ишониб кетаверадиган қиз деб ўйлаяпсанми? Олдинга ҳол сўрагани, туғилган кунинг билан табриклагани келсам-у, сен бўлсанг... Тагин университетда ўқир эмиш...

Қиз жаҳл билан шарт ўрнидан турди-да, эшик томон йўл олди.

– Ольга, тўхта, илтимос! – дея илтижо қилди Игорь. Бироқ қиз ортига ҳам қарамасдан, югуриб қаҳвахонадан чиқиб кетди. Қаҳвахонадаги уч-тўртта ҳўранда унга ҳайрон бўлиб қараб турарди. Уларнинг бу нигоҳларидан ноқулай аҳволга тушиб, бошини чангаллаганча ўтириб қолди.

РУҲ САЁҲАТИ

Бу пайтда Устмо тоғдаги машғулоти давом эттирарди. У энди вужудни ва ундан чиққан руҳни бошқариш машқини ўрганаётган эди. Танадан чиққан руҳнинг саёҳати анча мураккаб машғулот бўлиб, уни кунт билан мукамал ўзлаштириш лозим эди.

Игорнинг бир нусхаси Москвага жўнаб кетганидан Устмонинг хабари йўқ, Илим шогирдининг кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва тери орқали ҳис этишдан иборат ҳар беш сезгисини Игорнинг ана шундай сезгилари билан вақтинча боғлаб Қўйган бўлиб, Игорь Устмонинг тоғда бошидан кечираёт-

ган воқеаларини худди галаграфик кинода кўраётгандек кузатиб турарди.

– Ҳозирча сени Устмо билан тўлиқ боғлай олмайман. Бу унга оғирлик қилади, – деди Игорни бир чеккага тортиб Илим. – Ҳозирча шунинг ўзи кифоя қилиб туради.

Игорь бу ерда содир бўлаётган мўъжизавий ҳодисаларни ҳайрат билан кузатиб турарди.

Аввалига қоя ичидаги тухумсимон хона кенгая бошлади. Дастлаб, «менга шундай туюлаётгандир», деб ўйлади Игорь. Бирок хона кенгая-кенгая нақ футбол майдонига тенглашгандан сўнг, бу туш ҳам, рўё ҳам эмаслигига амин бўлди у.

Устмо худди куш каби парвоз қилиб юрар, унинг учун тўсиқ, ғов деган тушунчалар ўз моҳиятини бутунлай йўқотган эди. Устмо илк бора ўз вужудига тепадан туриб назар солди. Унинг вужуди пастда тошдек қотиб турар, руҳи эса ҳамма нарсадан озод бўлган, яйраб-ййраб чарх урар эди. Қизиги шундаки, Устмо қоянинг қайси нуктасини тасаввур қилса, дарҳол ўша ерда пайдо бўлар эди. Атрофдаги ҳамма нарса гўзаллашиб кетган, гўё ҳамма нарсага жон битган, ҳамма нарса уни кўриб, эшитиб, ҳис этиб тургандек эди.

– Салом, эй пурвиқор қоя, – деб юборди Устмо беихтиёр.

– Салом йигитча, мен сени олқишлайман, – деган жавоб қайтди қоядан.

– Мангу тош қотиб, барқарор туришингнинг маъноси нима?

– Ҳамманинг бу оламда ўз вазифаси бор, – деган жавоб қайтди тагин қоядан. – Мен Заминга қоқилган қозик каби уни мустаҳкам тутиб тураман. Ер ҳам Осмон каби қават-қаватлардан иборат. Мен ана шу қаватларни барқарор тутиб турувчи меҳвар бўламан.

Сўнг Устмонинг ер остига саёҳати бошланди. Шунда у нафақат ер юзасида, балки унинг остида ҳам сон-саноксиз жонзотлар яшашига амин бўлди. Айниқса, ер остидаги улкан кўллар, шиддатли вулконларни илк бор кўриб тургани учун ҳам Устмони қаттиқ ҳайратга солди. Қизиги шундаки, борлиқдаги ҳамма ашё

ягона тилда гаплашар, ҳамма нарса бир-бирининг тилига тушунар экан.

Устмо ер остидан чиқиб, яна фалакларда парвоз қила бошлади. Тубанда Замин бор гўзаллиги билан ястаниб ётарди.

– Салом, эй Она Замин, – деди тўлқинланиб кетган Устмо.

– Салом ўғлим, қулоғим сенда, – деган садо келди Ердан.

– Сенинг вазифанг нима Она Замин?

– Менинг вазифам ўз оғушимдагиларнинг тирикчилигини таъминлашдир. Бағримда не-не жонзот, ҳайвонот, одамзот яшайди. Улар туғилади, яйраб-яшнади, униб-ўсади ва охир-оқибат хазон бўлади. Лекин уларнинг ҳеч бирини ўз оғушимдан жудо қилмайман. Пешонамга ҳаёт боқийчилигини таъминлаш ёзилган.

Устмо гоҳ юксалиб кетар, гоҳ ер бағирлаб учар, йўлда дуч келган қушлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар билан мулоқот қилиб борарди. Бутун борлиқ Ҳаққа, Яратганга ҳамду сано айтар, оламлар Хожасини шарафлаб турар эди. Ҳар бир ашёда қаноат, итоат, ҳар бир нарсада меҳру-мурувват, муҳаббат жамулжам.

«Бутун борлиқда энг ношукр махлуқ одамзот экан», дея ҳаёлидан ўтказди Устмо. «Мана, ҳамма неъматлар унинг учун яратилган экан. Унинг эса кўзи тўймайди, бутун дунё меники бўлса, дейди. Ҳатто бу йўлда бир-бирининг конини тўкишдан ҳам қайтмайди, Ана, тошнинг тош нигоҳлари кўкка қадалган. Майсаларнинг майса қўллари кўкка чўзилган. Тош тошлигича, майса майсалигича шукрона қилиб, Парвардигорга ҳамду сано айтмоқда.

Инсоннинг эса нигоҳи ерга қадалган, ҳаёлида манфаатдан ўзга нарса йўқ. Худбинлик унинг кўзларини кўр қилиб қўйган...»

Сўнг Устмо каттакон қўл тепасида парвоз қила бошлади. Булоқ сувида чўмилганлари эсига тушиб кетиб, жилмайиб қўйди.

– Салом, эй мусаффо Кўл. Сенинг бағрингга шўнғиб чиқсам майлими? – дея Кўлдан рухсат сўради.

– Марҳамат, эй Ер фарзанди, – дея тўлқинланган садо қайтди Кўлдан. – Ҳалигача бағримда чўмилиб яйрашни истаган ҳеч кимсага қаршилиқ кўрсатганим йўқ. Мени ҳурмат қилганларни

мен ҳам ҳурмат қиламан. Аммо кимки сувимни ифлос қилса, уни кўрарга кўзим йўк.

Устмо Кўл тубига шўнгиди. Вой-бў! У Кўл остини шу қадар бой дунё деб ўйламаган эди. Минг-минглаб турдаги балиқлар, қурбақалар, чиғаноқлар, қисқичбақалар...

Устмо Кўл оғушидан сирғалиб чиқар экан:

– Раҳмат сенга, Кўл! – деди. – Бир нарсани айт-чи, ҳаётдаги вазифанг нима?

– Мен ҳам тирикликка баҳоли қудрат ўз ҳиссамни қўшаман. Лекин бунӣ бобокалоним Уммондан сўрасанг, яхшироқ бўларди. У кўпни кўрган, жуда кўп нарсаларни билади, – деб жавоб қайтарди Кўл.

Устмо поёнсиз Уммон устига етиб борди. Уммон узра ўркач-ўркач тўлқинлар осмонга сапчир, қават-қават қоп-қора булутлар бағрида олов тилли чакмоқлар чақар, момақалдироклар гулдирар эди. Гоҳ илиқ, гоҳ совуқ ҳаво оқимлари қайларгадир шиддат билан оқиб борар, бўронлар, тўфонлар шиддати бутун борлиқни ларзага солар, аждаҳодек кўкка сапчиган пўртаналар устида улкан-улкан кемалар писта пўчоғидек чарх уриб айланар эди. Устмо ўзининг Заминдаги ҳаётида бундай даҳшат, бундай шиддатни кўрмаган эди.

– Салом, Уммон! Сенинг вазифанг нима? – деди у кўрқа-писа.

– Хўш, ўзинг-чи? Ўзингнинг вазифангни биласанми? – дея қаҳр билан сўраб қолди Уммон.

– Ҳозирча асосий вазифам нима эканини яхши билмайман, – деди Устмо. – Шунӣ англаш учун ҳам оламни кезиб юрибман. Зиммамга Олам мувозанатига ўз ҳиссамни қўшиш масъулияти юкланган. Лекин бунӣ ҳали охиригача тушуниб етганим йўк.

– Рост гапирганинг учун раҳмат, – дея гулдиради Уммон, – чунки ёлғонни жиним суймайди. Мен Заминдаги моддий ҳаёт учун масъулман. Қайда бирон-бир бўшлиқ кўрсам, дарҳол уни тўлдираман. Иссиқда сувларим буғланиб, осмонга кўтарилади, салқинда у қор-ёмғирларга, селу дўлларга айланиб, Заминга қайтади. Қаттиқ совуқларда музга айланаман, ҳаво илиса, тагин

эрийман. Шу тариқа ҳаёт мувозанатини сақлашга ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.

– Бағрингга шўнғишим учун менга рухсат бер, – деди.

– Марҳамат! – деди Уммон.

Устмо шиддат билан Уммон оғушига шўнғиди. Шўнғиди-ю, ҳайратдан кўзлари чакнаб кетди. Унинг Ер устида, ҳатто Кўл остида кўрганлари Уммон қаърида ҳеч нарса бўлмай қолди. Бу шу қадар ранг-баранг, чексиз бир олам эдики, сўз билан таърифлаб бўлмасди. Катталиги қоядай-қоядай келадиған китлар болаларини эмизганча унинг ёнидан бепарво ўтиб борар, акулалар тақасимон оғизларини очиб, қозикдек тишлари билан ҳамлага шайланиб келар, дельфинлар узун тумшукларидан аллақандай чийиллаган товушлар чиқариб, гоҳ қўкка сапчиб, гоҳ пастга шўнғиб, шиддат билан илгарилаб борарди. Балиқларнинг ранг-баранглигини айтмайсизми? «Қуруқликда ҳам бу қадар кўп ранглар бўлмаса керак», – дея ҳаёлидан ўтказди Устмо. Медузалар парашют каби сузиб борар экан, шаффоф териларидан уларнинг ичи аниқ-аён кўриниб турар эди. Саккизоёқларнинг баъзилари Уммон тубида ялпайиб ётар, баъзилари юқоридаги кемалардан одамлар ташлаган тунука, шиша, елим идишларни сўрғичлари билан пайпаслаб кўрар эди. Денгиз филлари, денгиз аждаҳолари, денгиз отчалари, денгиз мушуклари... Устмо уларнинг мингдан бирини ҳам кўрмаган, отларини ҳам билмасди. Маржонлар орасидан сирғалиб ўтар экан, улар ўсимликми ёки жонивор эканлигини билмай ҳайрон эди.

Минг хил ранг, минг хил турдаги сув ўтлари орасидан ўтиб борар экан, бир нарса Устмонинг диққатини тортди. Бу ўтлар гарчанд жуда зич бўлса-да, лекин бир-бирига ҳалақит бермас, қуруқликдаги ўсимликлар каби бир-бирига чирмашиб кетиб, бири иккинчисининг ҳисобига кун кўрмас, бу ерда ёввойи маданий ўсимлик деган тушунчанинг ўзи йўқ, ҳамма ўсимликлар қатъий бир интизом билан юқорига, ёруғлик томон бўй чўзишган эди. Ҳатто оқимда тебранаётганда ҳам улар худди сахнадаги раққосалардек бир-бирига уйғун тебранишарди.

Устмо тобора чукурлашиб бораверди. Ёруғлик аста-секин камайиб, сўнг бутунлай ғойиб бўлди. Қоп-қоронғи зулмат дунёсига тушиб қолган эди у. «Бу ерда ҳаётдан асар ҳам бўлмаса керак», деб ўйлади Устмо. Лекин қандайдир бир куч унинг руҳидан шиддат билан сизиб ўта бошлади. Шунда у сув остида, Уммоннинг инсон қадами етмаган бу чексиз қаърида ҳам вулқонлар отилиб ётганини кўрди. Олтингугуртга тўйинган заҳарли бўтқа шиддат билан юқорига отилар, ҳарорат ниҳоятда баланд эди. Қизиғи шундаки, аллақандай жониворлар пишиб қолишдан кўркмай бу муҳитда бемалол сузиб юришар, ҳатто ана шу заҳар-заққумдан озикланишар ҳам эди. Устмо бу даҳшатга узоқ бардош бера олмай, шиддат билан юқорига отилди. Уммоннинг юзига чиқиб, бирпас тўлқинлар елкасида қалқиб турди-да, сўнг кўкка парвоз қилди.

Эркинлик, озодлик нақадар яхши! Уммон ости ваҳимасидан ҳамон ўзига кела олмаган Устмо эркинликка чиқар экан:

- Салом, эй бепоён Осмон, – деб юборди беихтиёр.
- Салом, Ер фарзанди! – деб жавоб қайтарди Осмон.
- Сенинг вазифанг нима? – сўради Устмо.

– Мен ернинг Коинотдаги элчисиман. Замин ва ундаги жамики жонзотлар мен билан ҳамнафас. Коинотдан шиддат билан Ерга ёпирилиб келадиган бало-қазоларни ҳаво қобиғимда ёндириб кул қиламан. Қанотли мавжудотлар ва инсон ўз тафаккури билан яратган темир қанотли кушларнинг бағримда парвоз қилишларига имкон бераман. Ерда кечаётган барча жараёнларни Буюк Қудратга етказаман. Бунда Шамол менинг энг яқин ёрдамчимдир.

– Салом, эй қудратли Шамол, – дея унга юзланди Устмо. – Айтчи, сенинг вазифанг нимадан иборат?

Енгилгина шабада шаклида майин-майин эсиб турган Шамол кучайиб бўронга айланар экан, деди:

– Мен иссиқ ва совуқ ҳаво оқимларининг тўқнашувидан пайдо бўламан. Бунга сабабчи Қуёшдир. Мен булутларни силжитаман, ёмғир, қорларни ёғдираман. Намликни Ер узра тақсимлаб

тураман. Кўл, Денгиз ва Уммонлар ҳам қудратимдан жунбушга келади, бўронлар, пўртаналар ҳосил бўлади. Бағримдаги булутларни тоғлар бошига ҳайдаб бораман. Улар ёмғир, қор бўлиб Заминга қайтиб тушади, жилғалар, ирмоқлар, дарёларга айланиб, далаларга, қақраб ётган гўшаларга оби-ҳаёт элтишади ва тагин денгизлар, уммонларга оқиб кетишади. Шу тариқа ҳаёт абадий давом этади.

Устмо янада юқорилаб, қуёшга юзланди. У ўз руҳидан аллақандай заррачалар шиддат билан сизиб ўтаётганини ҳис этиб турарди.

– Салом, эй муаззам қуёш, сенинг вазифанг нима? – деб сўради Устмо.

– Менинг вазифам тўққиз фарзандим ва бутун Коинотга нур-зиё, ҳарорат таратиш. Шу боис фарзандларим эртаю кеч менга парвона. Фарзандларимдан шикоят қилмайман, уларнинг ҳаммаси яхши. Айниқса, Ердан хурсандман. Ундаги бутун жонзотлар менга меҳр билан боқишади, шарафлар айтишади. Ердан ҳам кўра менга яқинроқ жойлашган фарзандларим оғушида, афсуски, ҳаёт пайдо бўлмади. Олисроқда жойлашган фарзандларимга эса шуълаларим ва тафтим камроқ етиб боради

Шунинг учун ҳам уларда совуқлик ҳукмрон, ҳаётдан асар йўқ. Лекин фарзандларимнинг ҳеч бири менинг измимдан чиқмайди. Бу эса Ерда ҳаётнинг абадий давом этишига сабаб бўлади. Ҳақнинг ўзи бизга шуни амр этган. Бизнинг вазифамиз Яратганининг амрини сўзсиз бажаришдир. Биз ҳаммамиз ҳаёт учун хизмат қиламиз.

Устмонинг ҳаётга меҳри ошиб кетди ва:

– Ҳаёт! Ҳаёт! Қайдасан? – деб қичқирди.

– Мен Сендаман, Осмондаман, Ерданман, сувдаман, ўт-ўландаман, дарахтдаман, гулдаман, ҳайвондаман, қушдаман, балиқдаман, ддамдаман, тириклик деб аталмиш ҳамма нарсаданман.

– Ҳаёт, сенинг вазифанг нима? – сўради Устмо.

– Тирикликнинг давомийлигини, мангулигини таъминлаш-
дир, – деб жавоб берди Ҳаёт.

Шунда Илимнинг: «Бўлди, Ерга қайт!» – деган амри янгради.

Бироқ Устмо сайрга шу қадар берилиб кетган эдики, зинҳор
Ерга қайтгиси, тупроққа тушгиси келмасди. Унинг бу ҳолати
ўйинқароқ боланинг ўйинга берилиб кетиб, ота-онаси ҳар қанча
чақирмасин, уйга қайтишни истамайдиган ҳолатига ўхшаб кетар-
ди.

Аммо Илимнинг вазоҳат билан иккинчи бор берган буйруғи
уни Ерга қайтишга мажбур қилди.

Илим Устмонинг юзига шапатилаб, совуқ сув сепган эди, унинг
руҳи аста-секин вужудига қайта бошлади. Илим чўнтагидан
думалоқ ёнғоқчалар чиқариб, Устмо ва Игорга чўзди, бир
култумдан сув ичишга ҳам рухсат берди.

Шу алфозда бир ой ўтди. Олдинда машғулотларнинг учинчи
босқичи турар, бу босқич «Синов» деб аталар эди.

СИНОВ

Илим шогирди Устмога аниқ кўрсатма берарда.

– Эсингда бўлсин, кўзингга ким, нима кўринишидан қатъи-
назар, манзилга етиб боришинг шарт. Йўлдан четга чиқишни,
ортга қайтишни ҳаёлингга ҳам келтирма. Йўқса, ҳалок бўласан.
Эшитяпсанми?! Бор-йўғи ўн кун қолди. Сен охиригача боришинг
керак!

Улар бир ой давомида тўйиб ухламаганларига, тўйиб овқат
емаганларига қарамай ўзларини бардам ҳис этишар эди. Ҳар за-
мон Илим чўнтагидан майиз-ёнғоқли думалоқчалар чиқариб бе-
рар, учаласи уларнинг бир нечтасини чайнаб, устидан бир кул-
тумдан сув ичишарди.

Ниҳоят, синов бошланди.

Бу босқичда вақт умуман бошқача кўриниш олади, шунинг
учун қанча вақт ўтганлигини билиш қийин. Заминдаги ўлчамлар
бу ерга тўғри келмайди. Қўкқисдан Устмонинг қаршисида бир

аждаҳо пайдо бўлди. У пишқириб олов сочганича Устмо томон бостириб келарди. Игорь бу вазиятни қоя олдида Илим билан биргаликда худди галаграфик кино кўраётгандек кузатиб турар, аждаҳонинг даҳшатидан донг қотиб қолган эди.

Мана, Устмони аждаҳо бир ямлаб ютиб юборди. Устмо аждаҳонинг ичида қандайдир дуо ўқиган эди, қўлида кескир бир қилич пайдо бўлди. У ушбу қилич билан аждаҳо қорнини ёриб ташқарига чиқди.

Игорь уф тортиб юборди. Илим Устмони дарҳол ғорга қайтариб, уни ўзига келтирди.

– Манави сув билан юз-қўлларингни ювиб ол, томоғингни чай, лекин зинҳор ичма, – деди. Сенга оғирлик қилмасин деб, ҳозирча ортга қайтардим. Лекин зикрни давом эттиришинг, барча тўсиқларни енгиб ўтишинг шарт. Албатта, манзилга ҳам етиб боришинг лозим.

Устмонинг чехрасида бир оз ҳадик, чўчинқираш аломатлари бўлса-да, бироқ ўзини анча босиб олган, ҳатто бир қадар мамнун ҳам эди. Устмо зикрни давом эттирди. Унинг қаршисида қулоқлари узун, сержун, думли махлуқлар пайдо бўлди. Улар Устмони ҳар томондан қуршаб келар, баъзилари яқин келиб унинг сочидан тортиб қочар, баъзилари Устмонинг қорни, қўлтиғи, бўғзига найзодор бармоқларини ниқташар эди. Улардан жуда бадбўй, қўланса ҳид анқирди.

Устмо улардан даҳшатга тушмай, зикр ўқишда давом этарди. Улардан бири Устмонинг қулоғидан тишлаб, ярмини узиб олди. Бошқа махлуқлар ҳам ёпирилиб келиб, унинг елкаси, қорнидаги этларни тарс-турс узиб ола бошлашди. Устмо уларнинг думидан тортиб, боши узра айлантирганча қоя деворларига урар, каттик зарбадан каллалари мажақланиб кетар эди.

Нихоят, қолган махлуқлар тўрт тарафга тарақайлаб қочиб қолишди. Устмо тинимсиз дуо ўқир экан, барча жароҳатлари бирпасда битиб кетди.

Игорь: «Устмо толиқиб қолди, уни ортга қайтариш керак», деган маънода Илимга қаради. Илим эса:

– Йўқ, у кўркувни енгишни ўрганди, – деб қўйди.

Устмонинг қаршисида яна бир даҳшатли махлуқ пайдо бўлди. Унинг кўзлари ўрнида иккита чўғ ёниб турар, сочларининг ўрнида илон-чаёнлар тўлғаниб ётарди. Махлуқ аррасимон тишлари билан катта-катта суяклар, тошларни чайнаб, кул қилиб юборар эди. Териси қорамтир, зирҳ каби қалин, тирноқлари ханжар каби ўткир эди. Юрганда туёқлари шақиллар, думи билан тинимсиз ерни савалар эди.

УСТМО дуо ўқиб, қўлида найза пайдо қилди. Уни махлуқнинг қорнига санчди. Бироқ найза унинг терисига тегди ва қайрилиб кетди. Махлуқ Устмонинг бошини чангаллаб олиб, ҳар томонга силкита бошлади, гўё у Устмонинг бошини танасидан сапчадек узиб олмоқчи бўларди. Устмо ўзини йўқотиб қўймай, икки оёқлаб махлуқнинг кўзларига тепди, Махлуқ оғриқдан оғзини катта очиб ўкириб юборди, Устмо фурсатни бой бермай, зудлик билан ўзини махлуқнинг оғзига отди. Дуо билан пайдо қилган ханжарини қўлига олиб, махлуқнинг кекирдагини тилиб ўтиб, унинг ошқозонига бориб тушди. Сўнг ўзини ўнглаб олиб, юқорига – махлуқнинг юрагига интилди. Улкан мешдек келадиған юракка кетма-кет қақшатқич зарбалар берди. Махлуқ шу заҳоти ўкириб жон таслим қилди, хоки ҳар томонга сочилиб кетди.

– Устмо толиқиб қолди, унга бир оз дам бериш лозимдир? – деди Илимга қараб Игорьъ.

– Жим тур! У чиникиш босқичига кирди. Энди ортга қайтмаслиги керак! – деди қатъий қилиб Илим.

Устмо ҳамон зикрини давом эттирарди. Шу пайт унинг қаршисида ниҳоятда соҳибжамол бир қиз пайдо бўлди. Унинг қоп-қора сочлари елкаларига тушиб турар, кўзлари шахло, ёноқлари худди тўлин ойга ўхшарди. Қадди~қомати худди сарвдек тик, табассумлари жон олгудек сеҳрли эди. У Устмони нозкарашма, имо-ишоралар билан ўзи сари чорлади. «Бор унинг олдига, – деган бир садо келди Устмонинг қулоқларига, – кўрсатган шунча жасоратларининг мукофоти бу! Бундай гўзал паривашни ҳар икки дунёда ҳам топа олмайсан!»

Устмо эса фикрларини бир ерга жамлаган ҳолда тинмай дуо ўқишда давом этарди.

Қиз бир дақиқа унга истиғно билан тикилиб турди, жодуларини фойда бермаганига кўзи етгач, ўз асл қиёфасига қайтди. Эндиликда Устмонинг қаршисида соҳибжамол қиз эмас, ниҳоятда улкан бир чаён пайдо бўлди. Оддий чаёнлардан фарқли ўлароқ унинг думи иккита бўлиб, улар ниҳоятда йўғон ва узун, думларининг учида найзадек-найзадек нишлари бор эди. У гоҳ олдинги қисқичлари билан тошларни эзгилаб ташлар, гоҳ қояларга ниш урар, нишидан чиққан захар ўт олиб ёнар, тошлар куйиб кул бўлар эди. Устмо у билан узоқ курашди. У қисқичлар орасидан бир амаллаб қутулиб чиқса, чаён думи билан ниш санчар, бир нишдан қутулган захоти иккинчи дум хужумга ўтиб коларди. Устмо бу чаёнга ҳеч қандай қурол кор қилмаслигини, уни фақат мустаҳкам ирода ва дуо кучи билан енгиш мумкинлигини англаб етди. Бутун руҳий кудратини бир ерга жамлаб, муттасил дуо ўқиш билан машғул бўлди. Ажабким, чаён аста-секин бўшашди, қисқичлари ерга қадалиб, қимирламай қолди, икки думи икки томонга шалпайиб тушди. Сўнг ғалати бир титроққа тушди, кейин кўрғошин каби эриб, ям-яшил суюқликка – захарга айланди ва бу захар лов этиб ўт олар экан, теварак-атроф ларзага келди. Шундан сўнг атрофга чуқур сукунат чўкди. Устмо ўз руҳиятига ажойиб бир шуълалар, осудалик, роҳат-фароғат сизиб кираётганини ҳис этди. У кўзини очганида олдида нуроний бир чол турарди. – Ассалому алайкум, отахон, сиз ким бўласиз? – деб сўради Устмо.

– Ваалайкум ассалом. Мен Хизр бўламан, ўғлим! Сен барча синовлардан матонат билан ўтдинг. Энди тила тилагингни. Нимани сўрасанг, муҳайё қиламан, – деди Хизр алайҳиссалом.

Шунда Устмо халқ орасида Хизр алайҳиссалом Ҳақида юрадиган гап-сўзлар афсона эмаслигини, бу нуроний қария истаган кишига мол-дунё, истаган кишига бахт-саодат, истаган кишига шон-шухрат, улкан истеъдод ато эта олишини англаб етди.

– Мен махлуқлар билан жанг қилавериб гангиб қолдим, – деди Устмо. – Сиздан нима сўрашимни ҳам билмайман.

– Мен ўн иккиликка сабоқ бераман, – деда Хизр алайҳиссалом.
– Ўн икки дарвешнинг устози ҳисобланаман. Ҳали сен ҳам улар билан учрашасан. Шундан сўнг бир қарорга келарсан.

Шундан сўнг Хизр ғойиб бўлди. Устмо кўзини очганида Илим унинг юзларига шапатилаб, муздек сув сепиб турарди.

– Муборак бўлсин, сен ўн иккиликка қабул қилиндинг, бунинг устига барча махлуқларни енгдинг. Аслида, улар сенинг нафсинг эди, сен ўз нафсинг устидан ғолиб чиқдинг, – деди Илим.

– Муборак бўлсин! – деди Игорь ҳам Устмога юзланиб.

– Ниҳоят, сенга берган ваъдамни ҳам бажардим, – деди Илим Игорга қараб. – Сен қирқ кун давомида дарвешлар машғулоти билан, яъни зикр билан танишдинг. Яна баъзи бир илоҳий сирлар бор, афсуски, ҳозирча уларни сенга ошкор эта олмайман. Ҳатто баъзи бир нарсаларни хотирангдан ўчиришимга ҳам тўғри келади. Хафа бўлма. Сенинг хавфсизлигинг, қолаверса, Олам Мувоzanати учун ҳам шундай қилишим керак.

– Йўқ, асло хафа бўлмайман, – деди Игорь.

ЎН ИККИЛИК

– Машғулотлар билан таништириб, мени шунча сирлардан воқиф этганингиз учун сизга катта раҳмат, – деди Игорь Илимга.
– Энди руҳсат берсангиз, ўз юртимга қайтсам.

– Йўқ Игорь! – деди Илим. – Эсингдами, сен мендан ўн иккилик ҳақида сўраган эдинг. Энди сени улар билан таништириш фурсати етди.

- Йўғ-ей ростданми – қичқириб юборди Игорь.

У ўз қулоқларига ишонмас, севинчининг чек-чегараси йўқ эди.

– Ҳа, ҳозир биз янги ўлчамларга кириб борамиз. Шогирдим Устмонинг гуноҳини кечирганинг учун мен ўн иккилик билан маслаҳат қилгандим, улар сен билан учрашишга рози бўлишди. Қани, энди кўзларингни юм, фақат мен оч деганда очасан.

Игорь кўздарини юмди. У вазни енгиллашиб, балки бутунлай йўқолиб, муаллақ бир ҳолда қолганини ҳис этар, шиддат билан

қаёққадир учиб борарди. Миясининг бутун мудроқ қатламлари очилиб кетган, онги, шуури, тафаккури тўла ишга тушган эди.

– Энди кўзингни оч| – деди Илим.

Игорь кўзини очиб ҳайратдан «ох» деб юборди. У ажойиб, ёп-ёруғ бир муҳитда турар, лекин бу жозибадор ёруғдик қаёқдан таралаётганлигини била олмасди. Ҳеч қандай тўсик, чегарани ҳис қилмас, мутлақ озодликка эришган, бу ерда паст-баланд, ўнг-сўл, оқ-қора, катта-кичик деган тушунчалар йўқ эди. Фақаг бепоен бир чексизлик, мутлақ эркинлик, таърифга сиғмас хурлик, буюк бир хотиржамлик...

Нақадар ажойиб! – Игорнинг ичидан бир ҳаяжон тўлқинланиб келарди. – Заминга қайтгач, мен буларни одамларга гапириб берсам, улар ишонишармикан.

– Ишонишмайди, – деди қатъий қилиб Илим. Улар сени жиннига чиқаришади, ё чўпчак айтяпти, деб ўйлашади. Одамлардан қанча кўп сир яширсанг, улар бунга шунчалик кўп қизиқишади. Бироқ энг зўр сирларни айта бошласанг, дарҳол қизиқишлари сўниб, гапларингга ишонмай қўйишади.

Улар Тожмахални эслатувчи, фақат ундан анча катта, қандай ашёдан қурилганлигини билиб бўлмайдиган ғалати бир қасрга етиб келишди.

Қаср атрофи Заминда учрамайдиган ажойиб дарахтлар ва гуллар билан қуршалган. Осмон мусаффо. Ҳаммаёқ оромбахш бир ёруғлик оғушида.

– Бу қасрни ўн иккилик сен учун яратишди, – дея изох берди Илим. – Аслида уларга жойнинг хожати йўқ. Уй, ер, жой, бошпана, ҳовли деган тушунчалар тубан ўлчамларга тааллуқли, холос. Сен ҳам заминий тасаввурлардан халос бўла олмаганинг учун шу жойга бошлаб келдим.

Улар остонадан ичкарига киришди. Игорнинг кўнглидаги ҳаяжон ўрнини мутлақ хотиржамлик эгаллаб олган эди. Қаср ниҳоятда баланд бўлиб, тепасидаги гумбаздан тушаётган ёруғлик бутун атрофийи чароғон этиб турарди. Думалоқ стол атрофида ўн битта дарвеш суҳбат қуриб ўтирар эди. Улар Илим билан Игор-

ни кўриб, ёнларидан жой кўрсатишди. Шу заҳоти стол атрофида битта курси пайдо бўлди ва Илим дарвеш ўз жойига, меҳмонимиз эса шу курсига жойлашишди. Энди дарвешлар сони ўн иккитага етди.

Илим Игорни уларга батафсил таништира кетди. Дарвешларнинг либослари ранг-баранг бўлса ҳам, бичими бир-бирига ўхшаб кетар, бошларида ғалати бир ёпинчиклари бор эди. Игорь уларни бир-бир назаридан ўтказди. Дарвешларнинг кўзларига тикилиш ҳам улкан бахт, ҳам улкан азоб эди. Бахтлиги шундаки, уларнинг нигоҳларидан ажабтовур бир меҳр таралиб турар, у Игорнинг юрагидаги музларни эритиб юборар, унга аллақандай бир хотиржамлик, ишонч бахш этар эди. Азоблиги шундаки, бу нигоҳлардан ҳеч нарсани яшириб бўлмас, улар ичингдаги барча қусурларни, худбинлигини, ёлғонларини, ҳасад ва нафратини, умрини бўйи қилган барча айбу-гуноҳларини яққол кўриб туришгандек эди.

Игорнинг ўнг томонидаги яшил либосли дарвеш биринчи бўлиб сўз бошлади.

– Бизнинг қадимдан келаётган бир удумимиз бор, уни бузишга ҳаққимиз йўқ. Сенга битта шарт кўямиз. Агар шунга рози бўлсанг, сўнг сен билан суҳбатлашамиз, – деди.

– Мен тайёрман, – розилик билдирди Игорь.

– Сенга бир жумбоқ айтамыз, – деди дарвеш. – Сен унинг остидаги маънони, моҳиятини топишинг керак. Шундагина сенга йўл очилади ва ҳар биримизнинг исмимиз билан танишишинг мумкин бўлади. Бизнинг исмимиз эса вазифамизни англатади. Шартимизни бажара олмасанг, бизни маъзур тутасан, сен билан хайрлашишга тўғри келади.

– Розиман, – деди Игорь. У ўзини худди имтиҳонда ўтиргандек ҳис этмоқда эди.

Яшил либосли дарвеш ўз жумбоғини бошлади:

– Ёш бир йигит ҳақиқат излаб йўлга чиқибди. Қидира-қидира баланд тоғдаги бир ғордан чиқиб қолибди. Ғорда оташпарастлар яшар, улар бу ерни ибодатхонага айлантиришган, ўзлари

оловга сиғинишар экан. Кунлари очлик, муҳтожлик, машаққат билан ўтар, рўза тутиб, бориға қаноат қилишар экан. Роҳиблар пастга қийинчилик билан тушиб-чиқишар, кўзалардаги сувни инқиллаб-синқиллаб кўтариб чиқар эканлар. Форда олов ёқиб исинишар, тошлар устида ухлашаркан. Тирикчилик учун қормузларни кавлаб, остидан ўсимликларнинг егулик илдизларини қидиришар, қолган вақтларини эса ибодат билан ўтказишар экан.

Бундай ҳаёт йигитга ҳам маъқул келибди ва бош роҳибдан ибодатхонада қолиш учун рухсат олибди.

Кунларнинг бирида ибодат тутагач, бош роҳиб йигитдан:

– Қани айт-чи, узоқнинг узоқлиги қанчалик узоқ? – деб сўрабди. Йигит чуқур хаёлга чўмибди.

– Ҳа, бу анча қийин савол, – дебди бош роҳиб. – Сен бир ҳафта давомида шу саволга жавоб излаб кўр. Лекин ибодатни ҳам тарк этма. Бир ҳафтадан сўнг менга жавобини айтасан.

Бир ҳафтадан сўнг у ўзига жавоб топгандек бўлибди ва бош роҳиб олдиға бориб таъзим қилибди,

– Хўш, узоқнинг узоқлиги қанчалик узоқ? – аввалги саволни такрорлабди бош роҳиб.

– Инсоннинг онги тасаввур қилгунчалик узоқ, – деб жавоб берибди йигит.

– Бу жавобинг мени қаноатлантирмади, – дебди бош роҳиб. – Сенга яна бир ҳафта муҳлат бераман. Яхшилаб ўйлаб кўр.

Йигит тагин бир ҳафта ўйлабди. Ибодатдан бўшаган пайтларида юзлаб жавоблар топибди. Ниҳоят, бир тўхтамга келиб, бош роҳиб олдида таъзим қилибди.

– Хўш, узоқнинг узоқлиги қанчалик узоқ? – қайта сўрабди бош роҳиб.

– Узоқнинг узоқлиги Худо буюрганчалик узоқ, – дебди ёш йигит.

Бу жавоб ҳам бош роҳибни қониқтирмай, йигитга яна бир ҳафта муҳлат берибди. Бир ҳафтадан кейин йигит бош роҳиб олдида таъзим қилиб:

– Узоқнинг узоқлиги узоқлик қадар узоқ, – деб жавоб берибди.

Бу жавоб ҳам роҳибни қониқтирмай, унга яна бир ҳафта муҳлат берибди.

Ҳафталар, ойлар ўтган сайин йигит бош роҳибни ҳеч қандай жавоб қониқтирмаслигини ҳис эта бошлабди. Унинг юрагини дастлаб маъюслик, тушқунлик эгаллабди, сўнг ғазаб, нафрат уйғона бошлабди.

Навбатдаги мулоқотларнинг бирида ёш йигит роҳибнинг бу саволига:

– Жавоб йўқ! Бунақанги аҳмоқона саволга жавоб бўлиши мумкин эмас! – деб қичкирибди.

– Анча яқин келдинг! – дебди бош роҳиб. – Лекин бу ҳам тўғри жавоб эмас. Сенга яна бир ҳафта муҳлат бераман.

Тушқунликка тушган йигит емай-ичмай қўйибди. Ғордан ташқарига чиқиб, бир ҳафта мобайнида улкан бир чўққи устига ўтирганича жавоб излаш билан машғул бўлибди.

Узоқ, машаққатли ҳафта ҳам охири ниҳоясига етибди. Роҳиблар йигитни тоғдаги катта харсанг устидан топиб, бир амаллаб пастга тушириб, ғорга олиб келишибди. Йигит совуқ қотиб, ўзини йўқотгудек бир аҳволга тушган экан. Роҳиблар унинг елкаларини, қўл-оёқларини ишқалаб, зўрға ўзига келтиришибди.

– Хўш, узоқнинг узоқлиги қанчалик узоқ? – дея саволни такрорлабди бош роҳиб.

Йигит қўққисдан талвасага тушиб, телбадек қичкириб, бош роҳиб томон сакрабди-да, унинг башарасига боплаб бир мушт туширибди. Шўрлик роҳиб шилқ этиб кулаб тушиб, хушини йўқотибди. Роҳиблар, йигит бир четда қолиб, бош роҳибни кўтар-кўтар қилиб, юзига сув сепиб, зўрға ўзига келтиришибди. Бош роҳиб секин бошини кўтариб,

Жилмайганича:

– Вой хумпар-ей, охири жавобни топибсан-да! – дебди. Шундан сўнг йигит ибодатхонани тарк этиб, уйига жўнабди. У ниҳоятда хурсанд, чунки жумбоқнинг жавобини топган экан! Хўш, қани, сен айт-чи, бунинг маъноси нима? – деб сўради Игордан яшил либосли дарвеш.

Игорь бир оз довдираб қолди ва бу саволнинг жавобини излаб кетди.

– Ҳа, топдим, – деди у ниҳоят. – Бош роҳиб билан йигит орасида шундай бир узоқлик пайдо бўлдики, уни иккаласи ҳам юракдан ҳис этишди.

– Буни тўғри десак ҳам бўлади, – деди яшил либосли дарвеш. – Лекин бу бир томонлама жавобдир. Аслида баланд тоғ – бу эскирган қарашлар, чекланишларни англатади. Фақат моддият билан Ҳаққа етиб бўлмаслигини билдиради.

Роҳиблар – бу ҳақиқатни излашга шама. Бош роҳиб эса табиатдаги ва унинг оғушидаги барча нарсаларга бир устоз, раҳнамо лозим деганидир.

Йигитнинг чеккан қийинчиликлари – бу рамзий маънодаги инсоннинг ёруғ мақсадлар йўлида чеккан қийинчиликларидир. Бу қийинчиликлар уни пўлат каби тоблайди.

Масалага фақат эскича ёндашиш билан унинг ечимини топиш қийин. Кўпинча одамни ақл, мушоҳада эмас, балки урф-одатлар, анъаналар бошқақади. Эски хурофий фикрлардан, бидъатлардан қутулмай туриб, ҳақиқатга эришиш жуда мушкул. Инсон шундан қутулсагина, янгича фикрлай бошлайди, янги ечимларни топади.

Бош роҳибнинг ёш йигитга масалани қайта-қайта ечиш учун муҳлат беришига сабаб шуки, у қайта-қайта ўзини англаш орқали Ҳаққа яқинлашиб боради. Бу яна шогирднинг зоҳирий қобикқа, яъни ғор ичидаги ибодатхонага боғланиб қолма, деганидир. Йигитнинг ғорни тарк этиши унинг эски одатлардан, хурофот ва бидъатдан халос бўлишини англатади. Игорь, шуни билгинки, бу ривоятда шогирд учун камида уч юзта йўриқнома берилган. Сен эса фақат улардан биттасига гувоҳ бўлдинг.

Биз учун шунинг ўзи ҳам етарли, албатта. Аммо сен келажакда ҳақиқатга етмоқ истасанг, бу ривоятдан камида ўнлаб жавоблар топмоқни ўрганишинг керак.

Игорь олган сабоғи учун боши осмонга етгудек бўлиб дарвешларга миннатдорчилик билдирди. У уф тортганича енгиллашган-

дек бўлган эди ҳамки, хонада ёнидаги дарвешнинг қуйидаги саволи янгради:

– Энди ўзинг айт-чи, Игорь, яқиннинг яқинлиги қанчалик яқин?

Игорнинг дафъатан берилган бу саволдан довдираб қолганини кўрган дарвеш:

– Бу саволга ҳозир жавоб беришинг шарт эмас. У сенга уй вазифаси бўла қолсин, – деди.

«Хайрият», дея ич-ичидан енгил тортди Игорь.

– Мана энди сен бизнинг махфий исмларимизни билишга ва биз билан суҳбатлашишга лойиқсан, – дея гапини давом эттирди дарвеш. – Мен йўл кўрсатувчи бўламан. Вазифам одамларга тўғри йўлни кўрсатишдир. Тўғри, буни ҳамма ҳам била-вермайди. Фақат зийраклар, ҳушёрлар, ҳиссий қобиляти ривож топганлар сезади. Бу йўл – ҳаёт йўли, ҳақ йўли. Туғилишдан мақсад ана шу йўлни босиб ўтишдир. Бу йўлни фақат тафаккур билан англабгина қолмай, юрак билан ҳам ҳис қилмоқ керак. Ҳаётда йўллар жуда кўп. Бироқ уларнинг аксарияти одамни боши берк кўчаларга киритиб қўйиши мумкин. Аслида, фақат бир нечагина ҳақиқий йўл бор, холос. Юрак бу йўлларни ҳис этади. Сен фақат юрагингга, қалбингга қулоқ сол. Тўғри йўлда кийинчиликлар, машаққатлар, азоб-уқубатлар мўл-кўл. Аммо у охир-оқибат саодатга элтади. Баъзи йўллар дастлаб равон, машаққатлардан, азоб-уқубатлардан холи бўлиб туюлади. Лекин бу йўлларнинг охири вой.

Сен ўз йўлингга учрайдиган тўсиклардан, машаққатлардан асло чўчима. Уларни енгиб ўтганингдан кейингина ҳаммаси бир синов эканини англаб етасан.

Шундай дея яшил либосли дарвеш ўз сўзини якунлаб, навбатни кейинги, сариқ либосли дарвешга берди.

Дарвешлар ортида катта-катта деразалар бўлиб, уларнинг ҳар биридан дарвешларнинг либосларига монанд нур оқиб кирмоқда, ўн икки дарвешга ўн икки хил шуъла тушиб турарди.

– Мен Билдирувчиман, – дея гап бошлади навбатдаги дарвеш,

– ҳар хил белгилар, рамзлар орқали ёки тушларга кириб одамларни турли сирлардан воқиф этаман. Бу белги ва рамзлар инсонларни рўй беражак воқеа-ходисалардан огоҳ қилади. Юракка, қалбга ишониб яшайдиганлар бу белгиларни яхши билишади ва уларга ишонишади. Биламан, сен қандай қилиб миллиард-миллиард одамларнинг тушларига кириб улгуриш мумкин деб ҳайрон бўляпсан. Лекин биз ёруғлик тезлигида ҳаракатланиш, нусхаларимизни хоҳлаганча кўпайтириш, вақтни бошқариш қобилиятига эгамиз. Бизни сиёсат, ҳокимият, дин ва мазҳаблар қизиқтирмайди. Асосий вазифамиз Олам Мувозанатини сақлаб туришдир. Ҳақ бизни ана шунинг учун яратган.

Сариқ либосли дарвеш сўз навбатини ҳаворанг либосли дарвешга берди.

– Мен Мукофотловчиман, – дея сўз бошлади бу дарвеш. – Агар кимки Олам Мувозанатини сақлашга ўз ҳиссасини қўшса, ўшани мукофотлайман. Бу ҳисса ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, фан-техника соҳасида эзгуликка хизмат қилувчи ҳар қандай янгилик. Атроф муҳитни, сизнинг илмий тилингиз билан айтганда, экологияни яхшилаш борасида қўшиладиган ҳисса. Бундай одамларни мен моддий ва маънавий бойликлар билан сийлайман. Албатта, бу мукофот, аввало, юкоридан тасдиқдан ўтади. Устозимиз Хизр алайҳиссаломнинг ўзлари бу жараёни назорат қилиб турадилар. Ушбу мукофотга сазовор бўлганлар ҳақиқий саодатманд инсонлардир.

Мукофотловчи дарвеш ўз сўзини тугатиб, навбат энди сизга, дегандек ёнидаги қизил либосли дарвешга қаради. Шунда хонадаги ҳаворанг шуъла пасайиб, қизил шуъла анча кучайди.

– Мен Жазоловчиман, – деди ёқимли жилмайиб қизил либосли дарвеш. Агар кимдир Олам Мувозанатини бузадиган бир иш содир этса, бизнинг кўрсатмамизга қарши борса, у албатта ўз жазосини олади. Олам Мувозанатини бузадиган нарсалар жуда кўп, хилма-хилдир. Атроф муҳитга етказиладиган зарар, табиатга зиён етказувчи хатти-ҳаракатлар, одамлар соғлиғига, тафаккурига, ахлокига, оиласига зарар етказувчи амаллар ана шулар сираси-

га киради. Бизнинг ишимизда йирик ёки майда деган тушунча йўқ. Катта-катта ҳудудларни вайрон қиладиган фан-техниканинг ғайри инсоний кашфиётларидан тортиб мўмай фойда олиш мақсадида инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар, ичимликлар тайёрлашда амалга ошириладиган қаллобликларгача – ҳамма-ҳаммаси жазосиз қолмайди. Олам Мувозанатини бузувчи кимсаларни аввалига енгилроқ жазолар билан огоҳлантираман. Лекин шунда ҳам улар ўз қабих йўлларида қайтишмаса, жазонинг каттароғини юбораман.

Ушбу дарвеш гапини тугатиши билан хонада жигарранг шуъла кучайиб кетди. Шунда Игорь гап навбати жигарранг либосли дарвешга келганини англади.

– Мен Мушкулни Осон килувчи бўламан, – деди бу дарвеш. Агар инсон оғир, мушкул вазиятларда қолганида у Ҳақдан чин юракдан мадад сўраса, мен дарҳол у томон шошиламан ва мушкулини осон қиламан. Мушкулотлар ҳам ҳар хил бўлади. Кимдир саҳрода сувсиз қолиб кетади, кимдир қор-бўронларда адашиб қолади. Уммонларда ҳалокатга учраган кемалар, изидан чиқиб кетган поездлар, мувозанатини йўқотиб қўйган учоқлар.. Эҳ-ҳе, уларнинг оғушида қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар, қариялар, аёллар, ёшгина гўдаклар бор, Мен ҳамма-ҳаммасига етиб улгуришим керак, Афсуски, оламда мен билмайдиган сирлар, қурбим етмайдиган ҳодисалар ҳам кўп. Шунинг учун бу ҳалокатларнинг ҳаммаси ҳам яхшилик билан тугайвермайди, баъзан қурбонлар ҳам бўлади.

Навбат бинафшаранг либосли дарвешга келди ва хонада ҳам ана шу рангга монанд шуъла кучайиб кетди.

– Мен Имкониятман. Имконият наинки одамзотга, балки ҳар бир жонзотга лозим бўлган неъматдир. Хастанинг тузалишида, камбағалнинг бойиб кетишида, илмсизнинг илм ўрганишида, адашганларнинг тўғри йўлни топиб олишларида менинг ҳиссам бор. Баъзан оғир, ҳатто чорасиз вазиятда қолганлар имконият топиб, бу вазиятлардан чиқиб кетадилар ва кейинчалик бундай аҳволга тушиб қолмаслик тадбирини кўрадилар. Афсуски баъзи

кимсалар бундан тўғри хулоса чиқара олмай имкониятни бой беришади.

Хонада бинафшаранг пасайиб, қаймоқранг кўриниш жилолана бошлади. Игорь бу ранглар оддий одамлар оламида учрамаслигини, уларда айрим бир жозиба борлигини ҳис этди. Бу шуълалар худди тирик заррачалардан ташкил топгандек, улар инсоннинг кўзларидан, бурун ва кулоқларидан, бутун вужудидан ичкарига оқиб кириб, юракларни жунбушга келтирар, инсон руҳиятига аллақандай бир кўтаринкилик бахш этар эди.

– Мен Унутишман, – деб гап бошлади қаймоқранг либосли дарвеш. – Инсон ҳаёт йўлларида ҳар хил нохуш ҳодисаларга дуч келганида унинг қалби алам-изтиробларга, ғам-қайғуларга тўла бошлайди. Аслида одам уларни сабр-қаноат, хотиржамлик билан қабул қилиши, кечиримли бўлиши, умид билан яшаши лозим. Йўқса, улар инсоннинг соғлом яшашига халақит беради. Кўпинча инсон ўз худбинлиги, жиззакилиги туфайли бу азоб-уқубатларга ҳолисона баҳо бермайди, уларнинг сабабларини англаб етмайди. Ана шунда мен инсон миясидаги изтиробларин курган нуқталарга шифо бахш этаман, хотирадан барча азобларни ўчириб ташлайман. Айни пайтда юракларга, қалбларга малҳам бўлиб уларни поклайман. Шу тариқа инсон иродаси чиниқиб, ғам-қайғуларни унутади ва ўзини тиклаб олади.

Сухбат шу ерга етганида дарвешлар бир-бирларига маъноли тикилиб қолишди. Сўнг дастлаб сўз бошлаган яшил либосли дарвеш Игорга қараб:

– Игорь, сен бизнинг меҳмонимизсан. Сени толиқтириб қўйишга ҳаққимиз йўқ, – деди. – Энди бир оз танаффус қиламиз. Бор, атрофни айланиб, томоша қилиб кел. Сухбатимизни эса кейин давом эттирамиз.

ТАНАФФУС

– Мен сираям толиққанам йўқ, – деди Игорь.

– Бу ерда толиқиш, чарчаш деган тушунчаларнинг ўзи йўқ, – деб жавоб берди яшил либосли дарвеш. Лекин вазиятни

ўзгартириш, англаш доирасини кенгайтириш учун ҳам бир оз та-
наффус қилиш дозим.

Игорь Илимга юзланди. Илим тасдиқ аломати билан бош
силкиб, уни ташқарига имо қилди. Улар биргаликда ташқарига
чиқишгач:

– Сенга ҳақиқий дўстинг ва душманинг ким эканини
кўрсатайми? – дея қўққисдан савол бериб қолди Илим.

– Майли, – рози бўлди Игорь.

Улар даҳлиз бўйлаб анча юришгач, тепасига «Дўст» ва «Душ-
ман» деган лавҳалар осилган бир эшикка дуч келишди.

– Сен киравер, мен шу ерда қоламан, – деди Илим.

Оппоқ бир хонага кириши билан Игорнинг ўз рўпарасида тур-
ган бир йигитга кўзи тушди. Бу жуда-жуда таниш кимса эди.

– Салом! – деб юборди беихтиёр Игорь.

– Салом! – дея жавоб қайтарди йигит ҳам.

– Сен кимсан? – сўради Игорь.

– Наҳотки, танимаётган бўлсанг?

– Жуда танишга ўхшаб турибсан-у, лекин эслай олмаяпман, –
деди Игорь.

– Ахир мен ўзингман-ку!

– Йўғ-е, мен бу хонага дўст ва душманим ким эканини билиш
учун кирган эдим-ку.

– Ҳа, сен ўзингга ҳам дўст, ҳам душмансан. Бу сенинг
ҳозиргача қилган, қилаётган ва келажакда қиладиган хатти-
ҳаракатинг, амалларингга боғлиқ. Агар бу амалларинг эзгуликка
хизмат қилса, сен ўзингга дўстсан. Агар улар ёвузликка хизмат
қилса, ўз-ўзингга душмансан. Одам чин дўстликни ҳам, қаттол
ёвузликни ҳам ўзига ўзи қилиши мумкин.

– Қанақасига?

– Шунинг учунки, инсон худбинлик, ҳасад, жоҳил, кибру ҳаво,
хою-ҳавас каби кусурлардан холи эмас. Ҳар бир инсон ўзига-ўзи
холис баҳо бера олмайди, ўзини тўқис, етук, мукамал деб би-
лади. Афсуски, бу хато фикр. Одам ҳамиша ўзига четдан назар
ташлаб, ҳар бир сўзи, ҳар бир хатти-ҳаракати, амалини таҳлил

қилиб, виждон тарозисидан ўтказсагина, ўзига холис баҳо беришни ўрганиши мумкин. Аслида, ҳамма бу дунёда бир кўзгудир. Ҳурмат истасанг, бошқаларни ҳурмат қилишинг, меҳр-муҳаббат истасанг, ўзинг меҳр-муҳаббат кўрсатишинг, бошқаларни севишинг, ардоқлашинг лозим. Токи шу даражага етмасанг, қусурлар сени тарк этмайди. Дўст ҳам, душман ҳам ўз ичингдадир. Игорь оғир ўйга ботганича бир нуқтага тикилиб қолди. Сўнг бош эгиб эшикдан ташқари чикди. Қаршисида турган Илимга тикилиб турса ҳам, уни кўрмас, Игорнинг юрагига бир ғулғула тушган, у ҳаётда қилган барча амалларини бир-бир кўз олдидан ўтказиб, уларни таҳлил қила бошлаган эди.

УСТМО МОСКВАДА

Энди гапни Устмодан эшитсак. У чилладан эсон-омон чиқиб олгач, устози Илимдан янги топшириқ олди. Бу топшириқ дунёвий илмларни ўзлаштириш эди. Уни бажариш учун Устмо ўз қобилиятини янада ривожлантириши, унинг янги қирраларини очиши лозим эди.

Дарвешлар тилида «турфатулайн» деган илм бўлиб, у замонавий тилда телепортация дейилади. Бу Усулни ўзлаштирган киши истаган вақтда истаган нуқтасига бора олади. Устмо дастлаб дўсти Игорни эслади. Устози машғулот пайти Игорнинг нусхасини Москвага, ўқишлари қолиб кетмаслиги учун уйига жўнатиб юборганини Устмо яхши биларди. Игорнинг асли ўзи эса юкорида кўриб ўтганимиздек, ўн икки дарвеш билан танишмоқда эди...

Игорь университетдан ўз уйига қайтаётган эди. Подъезди олдида дўсти Устмони кўриб ҳайратдан донг қотиб қолди.

– Ие, Устмомисан? Салом дўстим, – Игорь кенг қучоқ очиб Устмо томон юрди.

– Салом!

Иккаласи суюниб, қучоқлашиб кўришишди.

– Москвага сени қандай шамоллар учуриб келди?

– Биласанми дўстим, сени қаттиқ соғиндим, – деди Устмо. – Ахир не-не оғир кунларни бирга ўтказмадик?

– Жудаям хурсандман. Хуш келибсан, қани юр, ичкарига кирамиз.

Иккаласи ичкарига киришди. Игорь меҳмони ошхонага бошлаб борди-да, столга ўтқазиб, қаҳва дамлади.

– Хўш, гапир Устмо, дунёда қандай янгиликлар бор?

– Ҳаммаси ўзинг билганингдай.

– Москвага нима мақсад билан келиб қолдинг?

– Устозим Илим менга эндиликда дунёвий илмларни ўрганишимни топширди. Дунёдаги энг йирик кутубхоналарда бўлиб, инсоният тафаккури томонидан яратилган энг асосий билимларни ўзлаштириб олишимни буюрди. Шундай қилиб бу ёққа келавердим. Хўш, ўзингдан гапир. Ўқишларинг қандай кетяпти?

– Раҳмат, дўстим. Таътилга чиққан бўлсам-да, кейинги курсларда ўтиладиган материалларни ўзлаштиряпман. Домлар билан келишиб қўйдим. Улар иккинчи курсдан тўртинчи курсгача бўлган барча имтиҳонларни бир йўла топширишимга розилик беришди. Шунинг учун бунга қаттиқ киришганман.

– Ҳиндистондан қайтгач, Москва ҳаётига кўникишинг қийин бўлмадими? – сўради Устмо. – Биласанми, Ҳиндистонда кўрганларим, дарвешлар илми, уларнинг имкониятлари ҳамон мени ҳайратга солади. Агар уларни ўз кўзим билан кўрмаганимда, ҳеч бирига ишонмасдим. Нега биз бу билимлардан беҳабармиз? Шу савол ҳамиша қийнайди мени.

– Вақти-соати келади ҳали, – деди Устмо. – Яхшиси, менга айтчи, Игорь, университетда кутубхона борми?

– Албатта-да! Жуда ажойиб кутубхонамиз бор.

– Унда мени бошлаб бор у ерга.

– Бўпти. Бугунча дам ол. Эртага биргаликда кутубхонага борамиз.

КУТУБХОНА

Эрталаб биргаликда нонушта қилишди, қаҳва ичишди. Игорь кийиниб, бўйинбоғини тақди, сочларини силлиқ қилиб таради ва Устмога қараб:

– Қани кетдик, – деди. Игорь кутубхонага турфатулайн усулида борсак керак, деб ўйлаганди. Бироқ Устмо:

– Метрода борамиз, мен метрони умримда кўрмаганман, – деди.

Устмо ҳамма нарсага зўр қизиқиш билан тикилиб қолар, метро бекатларидаги нақшлар, чироқларга ҳавас билан боқар, одамларга қараб нуқул табассум қиларди.

– Метро дегани жудаям ажойиб нарса экан, ойда-йилда бир марта чиқиб туриш керак экан. Фақат одам жуда гавжум бўларкан, уларнинг фикрини ўқийман деб бошим арининг уясидек ғувуллаб кетди, – деди Устмо.

Улар кутубхонага ҳам етиб келишди. Устмо китобларни бир чеккадан даста-даста қилиб ола бошлади.

– Ҳозирча сенга ўқишинг учун уч-тўртта китоб етарли бўлса керак, – деди Игорь.

Устмо унга қараб хўмрайиб қўйди. «Ҳа, майли, – ичида ўйлади Игорь. – Китобларнинг муқовасини, ичидаги суратларини томоша қилмоқчидир-да».

Устмо эллик-олтмишта китобни олиб, стол устига қалаштириб ташлади. Игорь унга халақит бермаслик учун бошқа бир столга ўтириб, ўзига керакли китобларни мутолаа қилишга ва зарур ўринларини кўчириб олишга киришди.

Орадан жиндай фурсат ўтган ҳам эдики, ортдан Устмонинг:

– Игорь, менга ёрдамлашиб юбор, – деган овози эшитилди.

– Нимага? - ўгирилиб сўради Игорь.

– Китобларни жойига қўйишимиз керак.

– Нима, улар сенга ёқмадими?

– Ёқди. Яхши китоблар экан. Фақат мен уларни ўқиб тутатдим.

– Йўғ-е, бирпасда-я?

– Ҳа, ҳаммасини ўқиб, ўзлаштириб бўлдим. Аввалига Игорь у ҳазиллашяпти, деб ўйлади.

Чунки бу китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиқиш учун наинки кунлар, балки ойлар керак бўларди. Шунда ҳам эрталабдан то кечкурунга қадар мутолаа қилинса.

Игорь қараса, Устмонинг гапи жиддий, китобларни устма-уст қўйганича тахлаб, иягига тираб, жойига қўйгани кўтариб кетяпти. Игорь ҳам қолган китобларни унинг ортидан кўтариб боришга мажбур бўлди.

Устмо ушбу китобларни топшириб, уларнинг ўрнига янги, ўқилмаган китобларни саралаб олди-да, кутубхоначи жувоннинг олдига қўйди. Жувоннинг кўзлари кинидан чиқиб кетгудай бўлди. «Бу ғалати муштарий жинни-пинни эмасмикан», дегандек Устмога тез-тез кўз қирини ташлаб қўярди. Лекин нима бўлганда ҳам у ҳеч нарса демай, бу китобларни Игорнинг номига расмийлаштириб берди.

Олинган юз элликтача китобни аравачага солиб (яхшиямки, кутубхонада аравача бор экан), ўз жойларига борар эканлар, Устмо Игорга қараб:

– У қанақа аёл ўзи? Одамга жуда ғалати қарайди-я? – деди.

– Сен янги бўлганинг учун танимаяпти, шекилли, парво қилмай қўяқол, – деди Игорь.

Лекин Игорнинг ўзидаги қизиқсиниш ҳам кутубхоначи жувонниқидан кам эмасди.

Китобларни столга тахлаб чиқишгач, Игорь бир чеккада ўтириб Устмони кузата бошлади. Устмо бирон-бир китобни чаққонлик билан қўлга олар экан, атиги ўн сонияча ушлаб тургач, уни ёнига қўйиб, бошқа китобни қўлига олар, баъзан бирваракайига икки-учталаб китобни олар, ўн-ўн беш сония ушлаб тургач, уларни ҳам ўқилган китоблар қаторига қўйиб қўярди.

– Устмо, сен бу китобларнинг фақат муқовасини томоша қиляпсанми? – ажабланиб сўради Игорь.

– Муқоваси билан ҳам танишяпман, мазмуни билан ҳам, – деб жавоб берди Устмо.

– Ахир сен китобни ҳатто очиб ҳам қарамаяпсан-ку?

– Ким айтди сенга китоб ўқиш учун уни очиб қараш керак деб? – саволга савол билан жавоб қайтаради Устмо.

– Нима, сен уни очиб ўқимасдан мазмунини билиб оляпсанми?

– Албатта-да!

– Йўғ-е, ишонгим келмаяпти. Бу усулни менга ҳам ўргатсангчи!

– Нима, мактабда, дорилфунунда сизларга китоб ўқишни ўргатишмаганми? – астойдил ажабланди Устмо.

– Ўргатишган. Ҳатто болалар боғчасиданоқ ўргатишган. Лекин сенинг бу усулингда китоб ўқишни жаҳоннинг бирон-бир университетда билишмайди.

– Наҳотки?! Ундай бўлса, кани, менга яқинроқ ўтир-чи.

Игорь унга яқинроқ сурилди. Устмо бир неча китобни қўлида тутганича тушунтира кетди.

– Биласанми, дўстим, китоб ёзиш – дунёдаги энг машаққатли иш. Китоб ёзадиган одам уни фикрлар уммонидан, самовий билимлар хазинасидан олади. Бу билимлар ҳамма учун очик, лекин унга фақат ижод аҳли, чин юракдан интиланг истеъдодларгина киришлари мумкин. Мен ҳар қандай китобни ҳам айтмаяпман. Истеъдодсизлик билан ёзилган, китобхоннинг савиясини тушириб юборадиган ёлгон китоблар ҳам қалашиб ётибди. Бироқ мазмуни чуқур, ҳақиқий истеъдод билан битилган китоблар ўзидан нур таратиб туради. Мен фақат ана шундай китобларнигина саралаб олдим.

– Бу нур қайдан пайдо бўлади?

– Ҳар бир муаллиф ўз фикрларини жамлаб, уларни тартиб билан қоғозга туширар экан, унинг ушбу фикр-мулоҳазалари, ҳистуйғулари сўз шаклида моддийлашиб, қўлёзмага сингийди. Шунингдек, ҳар бир қўлёзма муаллифнинг қалбини, феъл-атворини, хаёлларини, орзу-интилишларини акс эттириб туради. Сўнг бу қўлёзмаларни таҳририятларда ўқишади. У босмахонага топширилгач, юзлаб кишилар ўз меҳрларини қўшиб уни китобга айлантиришади.

Сен бирор китобни кўлга олишинг биланок ана шуларнинг ҳаммаси юрагингга оқиб киради. Бора-бора сен китоблардан нафақат уларда ёзилган билимларни, балки муаллиф билган кўшимча билимлардан, унинг кўнглида қолиб кетган гаплардан, хатто энг пинҳона сирлардан ҳам воқиф бўласан.

ИГОРНИНГ КИТОБНИ ОЧМАЙ ЎҚИШГА УРИНИШИ

Игорь ҳам худди Устмо каби кўлига бир китоб олиб, кўзини юмди-очди, унинг мазмунини билиб олишга роса уринди. Бирок бундан ҳеч иш чикмади.

Унинг асабийлаша бошлаганини кўрган Устмо: Китобдаги ҳарфлар, сўзлар ҳақида мутлақо ўйлама. Дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, бутун диққат-эътиборингни китобнинг моҳиятига қарат, ана шунда унинг мазмуни билан руҳиятингда чамбарчас бир алоқа вужудга келади. Тақир ер ёмғир томчисини тортиб олгани каби сенинг шууринг ҳам бирпасда китоб мазмунини ўзига сингдириб олади, – деди.

Игорь бу машқни бир неча бор такрорлади. Дастлаб анча қийин бўлди. Лекин Устмо унинг бу усулини ўзлаштиришида руҳий таъсир кўрсатиб турди, шекилли, аста-секин Игорь китоб мазмунини ўзлаштира бошлади.

– Мен ҳам дастлаб ўқий олмаганман. Бирок машқлар туфайли эплаб кетганман. Сен ҳам уч-тўрт кун, узоғи билан бир ҳафта ичида бу усулни ўзлаштириб оласан.

Шундан сўнг дўстлар кутубхонага тез-тез қатнайдиган бўлиб қолишди. Олган китобларини кўриб, кутубхоначи жувон ва уларга таниш бўлиб қолган муштарийлар бу иккисини жинни деб ўйлашар, бирок бу беозор, илмга чанқоқ «жиннилар»ни хафа қилгилари келмасди.

– Гап кўп ўқишда эмас, ўқиганларингни ўзлаштириб олиб, ҳаётда ундан фойдаланишда, – дея гоҳ-гоҳ лўқма ташлаб кўярди Устмо.

Игорь, худди Устмо айтганидек, бу усулда ўқишни пухта ўзлаштириб олди. Тез орада Игорнинг савияси, билим доираси кескин ошди. Домлалари ундан жуда хурсанд, шундай талабалари борлигидан фахрланиб кўйишарди.

МАСОФАДАН ГАПЛАШИШ УСУЛИ

Улар бир ой муттасил кутубхонага катнадилар. Китобларни ўқиб тугатишгач, олимларнинг барча диссертация ва илмий ишларини ҳам ўқиб чиқишди.

Бир куни кутубхонадан қайтишаётганда қўққисдан Устмо йўлакда тўхтаб қолди-да, ўзи билан ўзи гаплаша бошлади. Бир оздан сўнг Игорьга қараб:

– Илим сенга салом айтяпти, – дели.

Игорь аввалига ҳеч нарсани тушунмади. Илим шу атрофда-микан, дегандай ён-верига олазарак қараб қўйди. Шу пайт унинг кулоқлари остида Илимнинг:

– Яхшимисан, Игорь, – деган овози жаранглади. Игорь тагин атрофга аланглаб, ҳеч кимни кўрмади ва «менга шундай туюлди, шекилли» дея йўлида давом этди.

Бироқ кулоқлари остида яна:

– Саломга алик олмаслик яхши эмас, – деган ўша таниш овоз эшитилди.

Игорь яна атрофга аланглади. «Жинни бўлиб қолмадиммикин?» дея бир оз хавотирга ҳам тушди.

– Қўрқма, сен соппа-соғсан. Ҳа, дарвоқе, айтишни унутибман. Бу – дарвешларнинг масофадан мулоқот қилиш усули. Ҳозир сен билан ана шундай мулоқот учун боғланиб турибман, – деган овози келди Илимнинг. Аслида буни овоз ҳам деб бўлмас, у Игорнинг миясига оқиб кираётган фикрлар оқими эди. Фақат Илим ҳазиллашибми ёки бошқа бир мақсаддами, бу мулоқотга овоз иштирокидаги моддий тус ҳам берган эди.

– Ҳозир қаердасиз? Мен билан қандай қилиб гаплашяпсиз, – хайрон бўлди Игорь. Ҳақ инсонга фавқулудда катта қобилиятлар ато этган. Лекин инсон улардан фойдаланиш даражасига ета олганича йўқ. Масофадан туриб гаплашиш ҳам ана шундай қобилиятлар сирасига киради. Тўғри, ҳозирги замон фани аста-секин бу сирларни очиб бормоқда. Янги-янги асбоб-анжомлар ихтиро этиляпти. Лекин табиий мулоқотга нима етсин!

– Қизик, – деди Игорь. – Сиз билан гаплашяпману, оғзимда сўлак кўпайиб, ширин бир таъм пайдо бўляпти.

– Мен ҳозир Африкадаги Танзания давлатининг Доруссалом шаҳрида ҳолва еб ўтирибман. Менинг фикрларимнигина эмас, ишга тушган сўлак безларим ҳам сенинг таъм билиш тизимингга таъсир этмоқда. Лекин сен нима еяётганимга эмас, нима деяётганимга қизиққанинг яхшироқ. Хўш, мутолаани давом эттиряпсизларми?

– Албатта, – деб жавоб берди Игорь. – Битта кутубхонани ўқиб тугатдик, энди иккинчисига ўтмоқчимиз.

– Яшанглар! – деди Илим. – Мен шунчаки зерикканимдан эмас, балки сенда анча-мунча саволлар тўпланиб қолгандир, деб мулоқотга чиқдим. Чунки ҳар бир муаммони ўз пайтида ҳал қилиб бориш керак. Агар саволларинг бўлса, марҳамат.

– Сўрайдиган нарсаларим шунчалик кўпки... – деди Игорь.

БЕЛГИЛАР

– Мен кейинги пайтларда белги ва рамзларга, тушларга кўпроқ қизиқиб қоляпман. Айтинг-чи, бу белги ва рамзларнинг, тушларнинг моддий борлиқ билан, инсон тақдири билан бирон-бир алоқаси борми? – сўради Игорь.

– Албатта, – деб жавоб қилди Илим. – Тушдаги оқ, қора ва айниқса, яшил ранг яхшилик аломати, Тушда қизил рангли нарсаларни кўрсанг, эҳтиёт бўлишинг керак. Бу – огохлантириш белгиси.

Ўнгингда йўлингни кесиб ўтган ҳар бир жонзотни ҳурмат қил. Улар Яратганнинг махлуқлари. Баъзилар хурофий фикрларга бориб, йўлидан қора мушук чиқиб қолса, айланиб ўтишади ёки ортга қайтиб кетишади. Баъзан унга озор етказмоқчи ҳам бўлишади. Лекин зинҳор бундай қилмаслик керак. Йўлингни мушук, ит ёки бошқа бир жонивор кесиб ўтса, бу яхшилик аломатидир.

Бироқ шу нарса эсингда бўлсинки, тушингда йўлингни ит ёки мушук кесиб ўтишига асло йўл қўйма. Тушда бўлса ҳам уларни тилка-пора қилиб ташла.

Ўнгингда от минганинг яхшилигини ўзинг ҳам биласан. Отнинг инсон саломатлиги учун фойдали томонлари жуда кўп. Тушда от жиловидан тутиб юриш, агар биров сенга от келтириб берса, уни етаклаш ёки миниш яхшилик аломати. Бироқ тушда эгар-жабдуксиз, яланғоч отни кўрсанг, дарҳол бева-бечораларга садақа қил.

Ўнгда эшак минишни кимлардир хуш кўрмаслиги мумкин, аммо тушда эшак миниш от минишдан ҳам афзал. Бу донишмандик, давлат ва мартаба келишининг белгисидир. Шунингдек, тушда эшак миниш очилмаган имкониятларнинг очилиб кетишига ишора ҳамдир. Ана шундай тушдан сўнг сал ўтмай ишларинг юришиб кетади, орзу-армонларинг ушалади.

– Мен авваллари буни билмаган эканман, – деди Игорь.

– Ҳали аста-секин ҳаммасини билиб оласан, – деди Илим. – Ҳозирча эса шунинг ўзи кифоя. Ҳа, айтмоқчи, Устмога кўз-қулоқ бўлиб тур. У маънавий дунёда қудратли бўлиши мумкин, лекин моддий дунёда ҳали анча заифлиги бор. Бу сабоқларни у ҳали тўла ўзлаштирганича йўқ.

– Ҳеч хавотир олманг, мен ҳамиша ундан хабардорман, – деди Игорь.

– Хайр!

– Хайр.

ТАНАФФУСДАН КЕЙИН

Танаффус тугаб, ўн иккилик билан суҳбатлашаётган Игорь тагин уларнинг даврасига келиб қўшилди. Орага жиндай сукунат чўкди. Аввалига хонадаги барча деразалар баравар шуъла сочиб турарди. Сўнг аста-секин зангори шуъла кучайиб борди.

– Мен Хотиржамликман, – дея гап бошлади зангори либос кийиб олган дарвеш. Агар кимда-ким юқорида айтилганларга амал қилса, Олам Мувозанатини сақлашга ўз ҳиссасини қўшса, мен унга хотиржамлик улашаман. Бундай киши ҳар турли ҳадиклардан, кўркув ва ваҳималардан фориғ бўлади. Хотиржам-

лик энг улуг неъматлардан биридир. Инсон ҳамиша ўзига, оила-сига, қариндош-уруғларига, бутун дунёга хотиржамлик тилаши керак. Ана шундай кишиларгина эзгулик шарафига ноил бўлиб, бахтли ҳаёт кечиришади.

Сўз навбати қора либосли дарвешга келди. Шуълалар қўққисдан ғойиб бўлиб, хонани қоп-қора зулмат босди. Осмонда чакнаб турган юлдузлар аниқ-тиниқ кўриниб турарди. «Бу қандоқ бўлди? Вожаб!» хайратга тушди Игорь.

– Мен Азоб бўламан, – дея зулмат оғушидан овози янгради навбатдаги дарвешнинг. – Кимда-ким Олам Мувозанатини бузса, юрак амрига бўйсунмаса, унга ҳар хил азобларни соламан. Шунда ҳам у ёвуз ниятларидан қайтмаса, ичини ит тирнагудек бўлиб, ўзини ўзи еб битиради. Дунёда каззоблар, мутта-ҳамлар, порахўрлар, ашаддий жиноятчилар жуда кўп. Улар мени кўришмайди, шунинг учун ҳам ёвузлик қилишади. Мен эса уларни ҳар қандай зулмат оғушида ҳам шахмат доналаридек яққол кўриб тураман.

Қора либосли дарвеш Игорни ваҳимага солишни истамасди, шекилли, гапини шу ерда қисқа қилди. Хона аста-секин ёришиб, зарғалдоқ тусга кирди.

– Мен Илим бўламан, биз сен билан тоғда танишиб олганмиз. Вазифам ҳам исмимга монанд. Дунёда жамики илмга чанқоқ, билим олишга ўч, тиришқоқ инсонларга турфа илмлар бераман. Жамиятнинг тараққиёти, кишиликнинг бахт-саодати илм туфайлидир. Тўғри, илм аҳли ҳамма жойда ҳам бир хилда қадр топавермайди. Лекин уларнинг фидойилиги мени хурсанд қилади.

Дунёда жоҳилу нодонлар ҳам оз эмас. Баъзилар ҳаёт мазмунини илм ўрганишда эмас, бойлик орттиришда деб билади. Ҳар қандай нарсани сотиш ёки сотиб олиш мумкин, деб ўйлайди улар. Мен бундай кишилардан ҳазар қиламан.

Навбат пушти рангдаги либос кийган дарвешга келди. Атроф худди шафтоли гулидек ажойиб бир тус олди.

– Мен Баракаман, – дея ўзини таништирди ушбу дарвеш. – Кимда-ким ҳалол, пешана тери билан ризқ-рўз топса, унинг ризқини икки ҳисса кўпайтираман. Ўз касбидан, хунаридан фахр-

ланиб, кунт билан ишлаётганларнинг юрагига олам-олам сурур бахш этаман. Олам Мувозанатига ўз ҳиссасини қўшаётганларга барака ато этаман. Табиат мусаффолиги учун курашадиган, ер юзида тинчлик, барқарорлик учун ҳормай-толмай хизмат қиладиган, одамлар соғлиғи учун қайғурадиган, бошпанасизларга бошпана қурадиган, кийим-кечак тайёрлайдиган, ер ҳайдаб ризқ-рўз етиштирадиган касб эгаларига ҳурматим жуда зўр.

– Улар кут-барака қўришларидан ташкари мукофотга ҳам сазовор бўлишади, – дея қўшиб қўйди Мукофотловчи дарвеш.

– Лекин менинг ғанимларим ҳам оз эмас, – дея давом этди Барака исмли дарвеш. – Табиатни, атроф муҳитни булғовчилар, оммавий қирғин қуроллари кашф этувчилар ва уларни ишлаб чиқарувчилар, инсоният соғлиғига зарар етказадиган, уларнинг ирсиятини бузадиган турли-туман сунъий, кимёвий озик-овқат тайёрловчилар, гиёҳвандлик моддалари етиштирувчи ва уларни таркатувчиларни кўргани кўзим йўқ.

– Мен уларнинг анчасини жазоладим, қолганлари ҳам ўз жазоларини олажак, – дея қўшиб қўйди Жазоловчи дарвеш.

Хонанинг пушти ранги аста-секин оппоқ ранг билан алмашинди.

– Мен Бахт Улашувчиман, – дея табассум қилди оппоқ либосли дарвеш. – Кимда-ким Олам Мувозанатига ўз ҳиссасини қўшса, унга бахт йўллайман. Бахт тушунчаси жуда кенг. Фақат моддий тўқис, фаровон, ҳеч нарсага эҳтиёж сезмай яшашнинг ўзи ҳали чин маънодаги бахт эмас. Инсониятнинг ёрқин келажаги йўлида риёзатлар чекиб, ўз умри ва саломатлигини аямаган, айни пайтда ўзини жуда бахтиёр деб ҳис этган зотларни кўп кўрганман.

Бундай инсонлар ўз фидойиликлари билан ҳар икки дунё саодатига эришадилар.

Шундай қилиб, ўн икки дарвешнинг Игорь билан суҳбати ниҳоясига етди. Игорь ҳали улар билан тўйиб-тўйиб суҳбат қилишни, дунё сирларидан янада кўпроқ воқиф бўлишни истасада, бироқ ҳар бир киши ўз вазифасини бажариши лозимлигини у яхши тушунарди. Ахир ҳаёт дегани фақат суҳбатдан ибо-

рат эмас-ку! Тезроқ эзгулик йўлида бирон-бир иш, бирон-бир амал қилишга шошилиш керак. Агар бугун бирор эзгу амални қилмасанг, эртага улгуролмай қолишинг мумкин.

Дарвешлар бир-бирларига маъноли назар ташлаб, таҳсил ва янги вазифалар олиш вақти яқинлашганини, устозлари Хизр алайҳиссаломнинг ташриф вақти бўлганини айтишиб, Игорь билан хайрлашишди.

Игорнинг қалби таърифга сиғмайдиган сурур ва завқ-шавққа тўлган, ҳамма нарсага меҳр-муҳаббат кўзи билан боқар, бу чексиз оламда унинг ҳам ўз ўрни борлигидан ажиб бир бахтиёрлик туяр, кўзларидан дув-дув ёш қуйиларди.

Илим Игорнинг ёнига келиб, елкасига дўстона қўлини қўйди. Игорь хаяжон оғушида кўзларини юмди. Кўзларини такрор очганида ўзи ва Илимни Ҳиндистондаги ўша қоя олдида кўрди.

– Мана, менинг ҳам сенинг олдиндаги хизматим тугади, – деди Илим. – Шогирдим Устмони кечирганинг яхши бўлди. Бунинг учун ўзингга ҳам қанчалик савоблар текканини тасаввур қилолмайсан. Энди сенинг Москвадаги нусханг билан алоқангни тиклайман. Фақат Москвага қайтганингда ўз нусхангни кўриб, чўчиб кетмагин. Уни қаттиқ кучиб туриб: «Биз битта одаммиз, битта», десанг бас, битта вужудга айланасизлар. Кел, энди хайрлашайлик.

Шундай дея Илим кенг кучоқ очди. Игорь ҳам уни маҳкам кучоқлаб олди. У Илимга меҳр-муҳаббат изҳор қилмоқчи, кўпдан-кўп ташаккурлар айтгиси келар, лекин тили гапга айланмасди. Ҳаяжондан бўғзига нимадир тикилиб, тагин кўзларидан дув-лув ёш оқа бошлади.

ИГОРНИНГ ЎЗИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ольга қаҳвахонадан жаҳл билан чиқиб кетгач, Игорь анчагача бошини чангаллаб ўтирди. Сўнг бўшашганича ўрнидан туриб, аста-секин ўз уйига йўл олди. Уйига етиб келиб, паришонхотирлик билан аввал у чўнтагини, сўнгра бу чўнтагини кавлаб, калитини топди, эшикни очди, ичкарига киргач, шундоқ қаршисида

турган йигитни кўриб донг қотиб қолди. У балки ўз уйида ўғри, талончиларни учратганида ҳам бунчалик ҳайратга тушмаган бўларди. Чунки Игорнинг қаршисида яна бир Игорь турарди.

– Қўрқма, ҳаммасини ҳозир тушунтираман, – деди Игорь нусхасига. – Иккаламиз бир одаммиз. Эсингдами, Ҳиндистонда кавак кавлаб юрганимизда, университет сабоқларидан кечикаман деб хавотир олган эдик. Шунда Илим бир нусхамизни, яъни сени Москвага жўнатганди, мени эса хонамизга ўн беш дақиқа олдин телепортация қилди.

– Эсимда, – деди Игорь тушкун кайфиятда. – Лекин Ольга бунга ишонмади, ишонмайди ҳам.

– Балки иккаламиз биргаликда унинг олдида борармиз.

– Йўқ! Буни кўриб, у ақлдан озиб қолиши мумкин.

– Нега энди, у бизни эгизаклар деб ўйлайди.

– Бўлмайди. Мен унга сирнинг бир учини очиб қўйдим. Энди у фақат ваҳимага тушиши мумкин, холос.

– Кел, яхшиси, ҳозир ухлаб дам олайлик, – деди Игорь ўз нусхасига. – Эрталаб ҳаммасини бафуржа гаплашиб, бир тўхтамга келамиз.

Улар ҳазил-ҳузул қилиб қаҳва ичишди. Бирпас телевизор томоша қилишди. Бир-бирларининг қулоқ, бурунларини чимчиб кўришди. Қизиги шундаки, бири иккинчисининг қулоқ ёки бурнини чимчиласа, ўзиники ҳам оғир, ўрни қизариб қоларди.

Шундай қилиб, бири диванда, иккинчиси пастда, палос устига кўрпа-тўшак тўшаб ётди. Иккиси ҳам айна пайтда мириқиб уйкуга кетди.

ОЛЬГАНИНГ ИГОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Ольга қаҳвахонада эшитган гаплардан анчагача ўзига келолмади. Ростини айтганда, у Игордан хавотир ола бошлаган эди. Ахир билиб-билмай ҳар хил сеҳр-жоду билан шуғулланган кишиларнинг охир-оқибатда хунук вазиятларга тушиб қолганини бир неча бор гувоҳи бўлган эди-да!

Айниқса, Ҳиндистонда ҳар хил диний мазҳаблар жуда кўп. Игорь ҳам ана ўшаларнинг таъсирига тушиб қолиб, эсини йўқотиб қўйган бўлиши мумкин. Балки унга кучли гиёҳвандлик моддаси беришгандир, шунинг учун ҳам унинг гаплари пойинтар-сойинтар чиқаётгандир. У шўрлик энди бундан қутула олмаса ҳоли не кечади? Қандай қилиб ўқишни тугатади?

Ольга ана шуларни ўйлар экан, дўстига сидқидилдан ачиниб, кўзларига ёш қалқиди. «Ҳар қалай, уни шу ҳолда ташлаб қўйиб бўлмайди» деган хулосага келди у.

Университетга қандай етиб борганини ҳам сезмай қолди. Унинг бу ерда битказиши лозим бўлган бир неча иши бор эди. Бироқ қай биридан бошлашни билмай гаранг эди. Хаёл кўзгусидан Игорнинг сурати, қулоқлари остидан унинг алжирашлари кетмас, буни ўйлаган сайин Ольгани баттар ваҳима босмокда эди. Бу аҳволда университетда бирор ишни битказишига кўзи етмагач, ҳаммасига қўл силкиб уйига жўнади. Уйда ҳам бир жойда ўтира олмас, гоҳ паришонхотирлик билан токчадаги китобларни титкилар, гоҳ кўзгу қаршисига бориб ўз аксига термилар, гоҳ ҳеч бир мақсад-муддаосиз ошхонага кириб чиқар эди. Ниҳоят, толиқиб тўшагига чўзилди. Лекин ҳеч уйқуси келмас, кўча чироқларининг хона шифтига тушиб турган заиф шуълаларига тикилганча нукул Игорни ўйларди. «У Ҳиндистондан толиқиб келди. Йўл азоби – гўр азоби, деганлар. Балки бир оз вақт ўтса, ўзига келиб қолар. Эртага, албатта, уникига бориб хабар оламан». Ана шундай хаёллар билан уйкуга кетганини ҳам сезмай қолди. Кечаси туш кўрибди. Тушида Игорь юксак тоғдаги бир ғор ичида ўтирар, нукул икки қўлини олдинга чўзганича Ольгани ўзига чорлар эмиш. Ольга уни ғордан тортиб олмоқчи бўлиб қўл узатар, лекин қўллари шишадек кўринмас, бир тўсикқа урилиб ортга қайтар эди. Бунинг устига, Игорь ғордан чиқиш ўрнига Ольгани имлаб: «Ичкари кир, бундан яхшироқ жой топа олмайсан», дер эмиш.

Хайриятки, соат қўнғироғи уни уйғотиб юборди. Ольга сапчиб ўрнидан турди-да, юз-қўлларини ювиб, нонушта ҳам қилмай Игорникига жўнади. «Боришим билан бир баҳона қилиб унинг

билакларини, оёқларини кўриб чиқишим керак», деб ўйларди у йўл-йўлакай. – Агар игна излари бўлса ёки хапдори ютишга одатланган бўлса, зудлик билан бунинг олдини олиш керак. Ҳалиям кеч бўлгани йўқ».

Ольга саккизинчи қаватга кўтарилиб, қўнғироқ тугмачасини босди. Ичкарида ётган иккала Игорь қўнғироқ товушини эшитиб, бараварига сакраб туришди. Полда ётган Игорь ўрнидан туриб эшикка яқин борди ва унинг кўзлигидан ташқарига мўралади. Не кўз билан кўрсинки, эшик олдида Ольга турарди. Игорь ортига бурилиб, нусхасига иш чаток, дегандек бошини сарак-сарак қилди. Буни тушунган иккинчи Игорь дарҳол ваннага кириб бекиниб олди. Шундан сўнггина Игорь эшикни очиб, Ольгага назар ташлар экан, хурсанд бир қиёфада:

– Ие, Ольга, ўзингмисан? Қани, биз ғарибнинг кулбамизга марҳамат қилсинлар, – деди ярим ҳазил, ярим жиддий оҳангда.

Ольга ичкарига кириб пойабзалини ечгунича, Игорь югуриб бориб палос устидаги кўрпа-тўшакларни диван устига ирғитди. Сўнг Ольгага қараб:

– Кечирасан, жуда толиққан эканман, қаттиқ ухлаб қолибман. Кўрпа-тўшакларни ҳам йиғиштириб улгурмадим. Қани, ошхонага марҳамат, – деди Игорь хижолатомуз бир қиёфада.

– Ҳечқиси йўқ, асло хижолат бўлма, – дея Ольга ошхона сари юрди. У ошхонага ўтгунича Игорь адойи тамом бўлди, Чунки у ошхонага ўтишдан оддин ваннага кириб қўлларини ювиб чиқишидан кўркмоқда эди.

Игорь човгумга сув тўлдириб, газ плитаси устига қўйди. Музхонани очиб, пишлоқ, сариёғ, колбаса кабиларни бир-бир столга териб қўйди. Сўнг нон идишидан батон чиқариб уни пичоқ билан бутербродга мослаб парраклай бошлади. Сув қайнагач, Ольганинг майлини ҳам сўрамай бир финжон қахва тайёрлаб унинг олдида, иккинчисини ўзининг олдида қўйди-да:

– Қани, марҳамат, – деди.

Ольга қахва ичиш ўрнига аввал унинг билакларига яхшилаб разм солиб чиқди. Сунг ўрнидан сапчиб турди-да, Игорнинг олдида келиб:

– Игорь, қани триконгни еч-чи! – деди. Бу гапдан Игорь до-дираб қолди.

– Эсинг жойидами, Ольга, бу нима деганинг?!

– Дарров еч! Мен аниқ билишим, ишонч ҳосил қилишим ке-рак!

– Нимани билишинг керак!

– Сен гиёҳвандлик моддалари қабул қилиш-қилмаслигингни.

Игорь бирпас Ольгага хайрон бўлиб боқиб турди-да, сўнг паққос кулиб юборди:

– Э-ҳа, ҳали гап бу ёқда экан-да! Сен хавотир олмай қўя қол. Мен соппа-соғман.

– Йўқ, ўз кўзларим билан кўрмагунча ишонмайман!

Игорь ноилож аввал билакларини, сўнг трикосининг пойчалари-рини кўтариб оёқларини кўрсатди. Ольга уни яхшилаб текшириб чиқди. Сўнг жавонларни, ёзув столи ғаладонларини, ошхонада-ги ҳар бир шкафни эринмай титкилаб чиқди. Шунда ҳам ишонч ҳосил қилмай:

– Балки хапдори ютарсан? – дея ванна томон шубҳали назар ташлаб қўйди.

– Наҳотки менга ишонмасанг, Ольга? – деди Игорнинг жаҳли чиқиб. – Яхшиси, жойингга ўтир. Ол, қаҳвангни ич, совиб қолди.

– Йўқ, мен сенга ишонмайман. Сенга бир балo бўлган. Каш-мирда зўр жодугарлар бор деб эшитганман. Ўшалар сени бир ба-ло қилиб қўйишган. Кечаги гапларинг эсингдами? Аллақандай дарвешлар... Эшакка айланиб қолган одам... Телепортация... Яна алламбалолар...

Игорь суҳбатлари қовушмаслигига кўзи етиб, гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди:

– Мен ҳазиллашгандим. Ҳеч қанақа дарвешлар ҳам, эшакка ай-ланган одам ҳам йўқ. Наҳотки ХХІ асрга келиб шу гапларга ишо-ниб ўтирган бўлсанг?! Болалар ҳам ишонишмайдиган чўпчак-ку, ахир буларнинг ҳаммаси.

Сўзлари тобора дадил, ишончли чиқа бошлаганидан мамнун бўлган Игорь ўзининг бу нутқини ушбу оҳангда давом эттирмоқчи эди, афсуски, бу мамнунлик узоққа чўзилмади.

Кўққисдан Ольганинг мовий кўзлари катталашиб, «вой!» деганича қулаб туша бошлади. Игорь уни зўрға тутиб қолди. Ольганинг қўлидаги финжон полга тушиб чил-чил синди.

Игорь ортига ўгирилиб, ўз нусхаси жилмайиб турганини кўрди.

– Бир оз сабр қилсанг ўлармидинг, қизнинг ўтакасини ёриб юбординг-ку! – деди у жаҳл билан.

– Сен ўзингга айтяпсанми бу гапларни? – деди унинг нусхаси.
– Қачонгача бекиниб юрамиз, ахир. Бунинг устига, менинг ҳам қаҳва ичгим келяпти.

Улар биргалашганча Ольга кўтариб, диванга элиб ётқизишди, бошининг остига ёстиқ ҳам қўйишди.

– Югур, ошхонадаги дори-дармонлар кутисида нашатир спирти бор, дарҳол олиб кел!

Нашатир спирти ҳидлатишгач, Ольга секин кўзларини очди. Киприкларини пирпиратганча гоҳ у Игорга, гоҳ бу Игорга кўрқаписа тикилар экан:

– Қайси бирингиз ҳақиқий Игорь бўласиз? – деб сўради.

– Иккаламиз ҳам ҳақиқиймиз, – деб жавоб беришди барава-рига.

Ольга ҳамон ҳеч нарсани англай олмай, гоҳ унисига, гоҳ буни-сига ҳайрон бўлиб тикилар, гўё ўзи улар орасидан ҳақиқий Игор-ни топиб олмоқчи бўларди.

– Тушунсанг-чи ахир, Ольга, – деди улардан бири. – Аслида иккаламиз ҳам ҳақиқий Игорь бўламиз. Инсон одим ташлаб юрганида, асосийси ўнг оёқми ёки чап оёқ деб бўлмайди-ку. Иккаласи баробар юрмаса, ҳаракат ҳам содир бўлмайди.

– Менга сув беринг, – деди уларнинг фалсафасидан тўйиб кетган Ольга мажолсиз бир товушда.

Игорлардан бири унга стаканда сув олиб келди, иккинчиси қизнинг бармоқларини укалаб, сочларини силамоқда эди.

Ольга аста-секин ўзига келди.

– Гапларим чинлигига энди ишондингми? – деб сўради Игорлардан бири.

– Сизлар эгизак эмассизлар, тўғрими? – деб сўради Ольга.

– Тўғри, – деди ўша Игорь. – Эгизагим бўлганда уни сен билан таништирган бўлардим. Бу Илим дарвешнинг иши. Ўқишларим қолиб кетмаслиги учун бир нусхамни Москвага жўнатиб юборди.

– Мен эса тоғда кавак кавлашни давом эттирдим, – деди иккинчи Игорь. – Айни пайтда жуда ажойиб сабоқлар олдим. Агар истасанг, ҳозир битта одамга айланишимиз мумкин.

– Ҳозирча зинҳор бундай қила кўрманглар. Мен йўғимда қиласизлар. Йўқса, бутунлай ўлиб қолишим ҳеч гап эмас.

Ольга ўзига келиб олгач, учаласи ошхонага чиқиб, қаҳва ичганча суҳбатни давом эттиришди. Ҳиндистонда қолган Игорь у ерда кўрган-кечирганларини батафсил ҳикоя қилиб берди.

Ольгадаги кўрқув, ҳадиксираш ўрнини қизиқсиниш эгаллай бошлади. Эндиликда у бу воқеаларни мароқ билан эшитар, иккала Игорнинг қўлларини ушлаб, пайпаслаб кўрарди.

Иккала Игорь ҳазиллашганча Ольганинг қаршисида тиз чўкиб:

– Ольга, ростини айт, қай биримизни севасан, қай биримизга турмушга чиқасан? – деб астойдил илтижо билан сўрашди.

Ольга қўнғирокдек овози билан жарангдор кулиб юборди ва:

– Вой тентаквойлар-ей, иккалангни ҳам севмайман, хомтама бўлманглар, ҳеч бирингга турмушга чикмайман, – деди.

Гап билан бўлиб, дарсга кечикишаётган эди. Ольга буни эслатгач, иккала Игорь тараддудланганча бир-бирларига термилиб қолишди. Ахир иккаласи биргаликда университетга бора олишмайди-ку! Ўқитувчиларга, курсдошларига нима дейишади? «Танишинлар, биз бир-биримизнинг нусхамиз бўламиз», – дейишадими?

– Майли, бугун дарсга мен бораколай. Сен дўкондан у-бу нарсга келтириб, овқат қилиб қўй. Эртага университетга сен борасан. Фақат биз ҳозир кетганимиздан сўнг, бир соатлардан кейин кўчага чиқ. Йўқса, қўни-қўшнилари ҳам хушидан кетиб қолишмасин, – деди Игорлардан бири Ольга билан эшикдан чиқар экан.

– Сизлар барибир битта одамга айланишларингиз керак, бўлмаса... – деди йўлда Ольга қизаринқираб.

– Сени тушундим, – деди Игорь маънодор қилиб. – Бугун университетдан қайтишим биланоқ шундай қиламиз.

Игорь одимлар экан, дарвешлар билан бўлган суҳбат эсига тушиб кетди. «Нега бундай ажойиб воқеаларни илгари эшитмаган эканман?» – дея таажжубланди у. Шу пайт кулоклари остида Илимнинг овози жаранглади: «Аксар ҳолларда дарвешлар айтаётган гапларни нафақат атрофдагилар, ҳатто уларнинг ўзлари ҳам илк бора эшитиб турган бўлади. Чунки бу фикрлар қўққисдан Яратган томонидан уларнинг кўнглига солинади».

Игорь бу жавобдан мийиғида кулиб қўйди. Бунга кўрган Ольга:

– Нега ўз-ўзингдан куляпсан, тинчликми? – дея хавотирланиб сўради.

– Эътибор қилма, гоҳ-гоҳида шундай ҳолатга тушиб тураман, – дея унга таскин берди Игорь.

«Бу учрашувдан, дарвешлар суҳбатидан не наф олдинг?» – дея ўзига ўзи савол берди у. Бу саволга жавоб ахтарар экан, нима наф кўрганини тулигича англаш учун ҳали анча вақт кераклигини тушуниб етди.

Дарвоқе, азалдан муаммо бўлиб келаётган бир жумбоқ бор: товук олдин пайдо бўлганми ёки тухум? Агар товук олдин пайдо бўлган десак, унда жўжа тухумдан чиқиб, кейин товукқа айланади-ку!

Агар тухум олдин пайдо бўлган десак, тухумни туғадиган товук бўлиши керак.

Ана шунақанги жумбоқларни еча олмаслигимиз бизнинг маънавий ожизлигимиздан далолат беради. Ибтидо ва Интиҳодан ҳам буюк воқелик – ҳақиқат мавжуд ва ҳамма нарса унинг измидадир.

Шакллар таъсирида узоқ яшаган одам бора-бора маънони унутиб қўяди. Моддий шакл вақт, замон таъсирида ўзгарувчан нарсалар, аммо маъно эса вақт, замон таъсирида ўзгармай қолаверади, унга бу тушунчаларнинг мутлақ даҳли йўқ. Сон-саноксиз шакллар даврларни ўтказиб ўзгараверади. Моҳият эса абадиятга интилиб, унга яқинлашиб бораверади. Чунки моҳиятнинг ҳақиқий ватани абадият бўлиб, вақти-соати келиб, албатта, унга эришади. Шунда Асл Моҳият ҳақиқат билан учрашади.

ХАЗИНА ЁКИ БУЮК МАМЛАКАТНИНГ СИРИ

(маърифий эртаклар)

МЕҲНАТ ВА ДАНГАСАЛИК

Кунлардан бир кун Меҳнат билан Дангасалик учрашиб қолишди.

– Сен кимсан? – деб сўради Меҳнат нотаниш йўловчидан.

– Мен Дангасаликман, – деб зўрға жавоб берибди нотаниш. Сўнг:

– Ўзинг кимсан? – дебди.

– Мен Меҳнатман, – дебди Меҳнат. – Кел, яхшироқ танишиб оламиз.

– Ўзларидан бўлсин, – дебди Дангасалик Меҳнатга.

Яхши, – дебди Меҳнат ва ўзини таништира бошлабди.

– Менинг исмим Меҳнат. Инсон вужудида истиқомат қиламан. Яқинларим ҳам бор. Уларнинг исмлари Ҳаракат, Ирода, Руҳият кучи. Улар менинг энг яқин дўстларим. Доим мени қўллаб туришади. Дўстларим менга доим қувват, куч бағишлаб туради. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам биргамиз. Биз боғ-роғлар барпо этамиз, чўлларни обод қиламиз, йўллар, кўприклар курамиз. Шинам, кулай, чиройли, ҳашаматли иморатлар курамиз ва бежирим уй жиҳозлари билан тўлдириб, уларнинг кўркига кўрк қўшамиз. Яна шеър уй қазаллар, қиссаю ҳиссалар, мусикалар басталаймиз. Албатта, инсониятнинг тирикчилигини таъминлаш учун ер ҳайдаймиз, дон-дун экамиз. Мўл ҳосилларни ўриб, уларни йиғиб-териб оламиз, кийимлар тикамиз. Умуман олганда инсониятга хизмат қиламиз. Уларнинг кўркига кўрк, чиройига чирой, соғлигига соғлиқ, умрига умр қўшамиз, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари билан шуғулланамиз.

Ва сўз навбатини Дангасаликка берибди.

– Қизик, – деб гап бошлабди Дангасалик. – Мен ҳам ўша маконда, яъни инсон вужудида яшайман, сени ҳеч кўрмаганман. Менинг ҳам яқинларим бор. Уларнинг исми: Эринчоклик, Лоқайдлик, Ҳаракатсизлик, Дам, Уйқу. Улар билан доим биргамиз, биз Одамни ҳаракатсизликда, фаолиятсизликда ушлаб турамиз. Доим дам олишга, лоқайд бўлишга ундаймиз, дарахт соясига етаклаймиз, ором олдирамиз. Қулай ва калин кўрпачаларда ўтиргизиб, аввалига ёнбошлатамиз, кейин чўзилтириб ухлатамиз. Ухлаб дам олгандан кейин ҳам яна дам олдираверамиз. Биз ҳам биргаликда ўз вазифамизни виждонан бажарамиз. Яъни, Одамни соғдан хастага, тетикликдан ҳолсизга, хушрўй кўринишдан бад-башарага, хипчабелликдан ҳўппа семизга айлантирамиз. Қисқа қилиб айтсам, мен аста-секин фаолиятсизликка етаклайман. Олий мақсадим ҳар қандай ҳаракатни тўхтатиш. Чунки ҳаракатсизлик, жимжитликнинг олий даражаси ўлимдир. Лўнда қилиб айтсам, мен ўлимга етакловчи энг ўнғай воситаман. Шунинг учун ҳам мени кўпчилик ўзлари англамаган ҳолда яхши кўради.

Албатта, бу «муҳаббат»ни қозонишим учун кўп машаққатлар чекишимга тўғри келади. Вақти-вақти билан совға-саломлар ҳам бериб тураман. Қанақа совға деб ҳайрон бўлаяпсанми? Роҳат! Улар роҳатни жуда яхши кўришади. Яхшиям, улар бу чексиз роҳатларнинг ортида ўлим яширинганини билишмайди. Мана шунақа, биродари азиз.

Меҳнат диққат билан Дангасаликка тикила бошлабди. Уни бошдан-оёқ назаридан ўтказибди. Бундан ажабланган Дангасалик гапиришга лаб жуфтлабди.

– Ҳа, нимага термилиб қолдинг, тинчликми?

– Сени яхшилаб таниб олиш учун синчиклаб кўздан кечирдим, – дебди Меҳнат ва сўзида давом этибди: – Сен туфайли инсонлар ўз олдига қўйган улкан Мақсадларини гўрга кўмаркан-да! Очилиб улгурмаган синоатлар, юзага чиқмаган олимлару олималар, ижодкорлар, даҳолар, алломаю уламолар, бастакорлар, мунаввирлар, шоирлар, ёзувчилар, сиёсатчилар, буюк кашфиётлар

сен туфайли тупрокқа кўмилиб кетаркан-да! Ҳали Инсон билан қиладиган хайрли ишларимиз жуда кўп. Кўп эзгу амалларга улғуришимиз керак. Бу ҳаётга келиб кетавермай, яхши бир ном, ёрқин из қолдиришимиз керак. Сен туфайли биз кўп азият чекаёпмиз. Шунинг учун ҳозироқ мен сен ҳақингда хўжайинга айтаман, асл моҳиятингни, яъни жирканч башарангни очиб ташлайман, деб Меҳнат Инсон Тафаккури ила Вужуд томон йўл олибди.

ДЕРАЗА ПАРДАСИ

Фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг энг гуллаган, бор навқиронлигини, гўзаллигини, нафислигини кўрсатаётган пайт экан. Олча дарахти ёнидаги уйда бир шўх дераза пардаси бор экан. У деразанинг очилишини сабрсизлик билан кутаркан.

Чунки шамолда маза қилиб ўйнашни яхши кўраркан. Кунларнинг бирида Парда Карнизга ўз норозилигини шундай деб билдирибди:

– Сени ҳеч тушунолмаيمان, менга ўхшаб ўйнаб-кулсанг бўлмайdimи?! Доим жим турасан, ҳатто қимирламайсан. Биз пардаларга ўхшаб сен ҳам ўйна, яйра. Шунда Карниз Пардага шундай дебди:

– Биласанми, бизни тақдир ришталари бир-биримизга боғлаган бўлса-да, моҳиятан ҳар хилмиз. Сен шамолда ўйнашни, мен эса бир жойда жим тек туришни ёқтираман. Қолаверса, жим туриш – бу менинг тақдирим. Шунда парда, менга ҳеч қулоқ солмайсанда, деб норози бўлиб, яна ўз ўйини билан машғул бўлибди. Ҳар куни дакки ейишдан чарчаган Карниз ўзича ўйлаб кўрибди. «Пардани хафа қилиб кўйдим. Балки уни айтганлари ростдир. Ўйнаб-кулиш менга ёқмаса-да, Пардани хафа қилмаслик учун рақсга тушганим маъқулдир. Нима қилибди озроқ ўйнасам», деб хаёл сурибди ва ўйнаш учун бир қўлини секин девордан бўшатибди. Шунда Карниз Парда билан бирга шарақ этиб пастга тушиб кетибди. Карнизнинг ўйнаб-кулиши ўзи учун хавfli эканлигини кеч бўлса-да тушунган Парда берган ноўрин маслаҳатидан аф-

сусланибди. Яна у ҳар бир нарса ўз вазифасини бажариши кераклигини ва бир-бирининг ишига зинҳор аралашмаслигини ҳам яхши тушунибди.

САБР

Ёз кунларининг бирида кулол оёқлари билан роса лойни тепаларди. Бирдан Лой тилга кириб, Кулолга шундай дебди:

– Кечирасиз, сизни танимайроқ турибман. Мени биров билан адаштираяпсиз, шекилли. Гуноҳим нима? Бунча мени тепкилайсиз. Сизга нима ёмонлик қилдим?

Шунда Кулол Лойга дебди:

– Сабр қилсанг, ҳаммасини ўзинг билиб оласан. Сендан шундай идишлар ясайки, хизматингдан ҳамма миннатдор бўлсин.

Лой сабр қилибди. Кулол Лойни роса тепкилаб ишлов бергандан кейин ундан бежирим идишлар ясабди. Ясалган чиройли идишларни ўт ёқилган хумнинг ичига жойлаштирибди. Кулол пишиб чиннига айланган кўзаларни, косаларни, лаганларни, пиёлаю чойнакларни хумдан олиб тахлаб қўйибди. Уларга ранглар билан сайқал ҳам берибди. Қуёш нурларидан товланаётган рангбаранг чинни идишларга айланган Лой кўзларига ишонмасмиш. У сабрнинг ортидан ҳақиқий мўъжизалар келишини билиб олибди ва Кулолга самимий раҳмат айтибди.

БУЮК МАМЛАКАТ

Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан. Қирғовул қизил экан, куйруғи узун экан, қадим ўтган замонда, Замин деган томонда бир буюк давлат бор экан. Бу давлатнинг номи Ҳазрати Инсон экан. Бу буюк давлатнинг, асосан, тўртта вилояти бор экан. Вилоятларнинг бири Вужуд деб аталаркан. Иккинчиси Тафаккур, учинчиси Қалб, кейингиси Рух экан. Кунлардан бир кун Тафаккур «овозни фикр отига» миндириб, чопар қилиб тўрт вилоят туманларга жўнатибди. «Овоз» баралла шундай дебди:

– Эшитмадим, деманглар! Эртага ҳаммани ҳукмдор Қалб боғига базму жамшидга таклиф этади! – деб жар солибди.

Эртаси куни ҳамма Боғи Эрам деб аталмиш Қалбга ҳалқа бўлиб йиғилишибди. Йиғилганлар нима учун бу ерга чақиртирилганликлари сабабига қизиқишибди. Шунда Тафаккур уларга шундай дебди:

– Ҳукмдор, яъни Ҳазрати Инсон ўз олдига қўйган буюк мақсадларни амалга оширмоқчи. Бунинг ижросини менга буюрди, яъни каминага, – деб Тафаккур ўзини таништирибди. – Йиғилишимиздан мақсад давлатимиздаги ҳамма мавжуд улугъ неъматларни бир жойга жамлаш, ҳисоб-китоб қилиш ва имкониётлар билан танишишдир.

Бу мажлисда котибаликни Хотира ўз зиммасига олибди. Ва шу ерда айтилганларни ҳеч бири унут бўлмаслигига ваъда берибди.

– Бўлмаса ижозатингиз ила мен бошлай қолай, – дебди Тафаккур. – Ассалому алайкум, азиз биродарларим. Мавжудлигимни, авваламбор, барчангиз биргаликда таъминлайсиз. Шунинг учун ўз миннатдорлигимни изҳор қилишга ижозат бергайсизлар. Яна тўла-тўқис фаолият юритишим учун менга биродарларим ҳам ёрдам беришади, – деб ёнидагиларни таништира кетибди. – Булар – Ақл, Онг, Зехн, Идрок, Заковат, Тасаввур, Фаҳм, Фаросат. Биз кўрган-эшитганларимизни нафақат тушунишга, балки сабаб-моҳиятини англаб, хулосага келиб, таҳлил қилиб Ҳукмдорга етказамиз.

– Биз Тафаккур вилоятида яшаймиз. Вилоят ҳокими этиб мени тайинлашган, – деб гапини давом эттирди Тафаккур. – Лекин мен ёрдамчиларим билан бемаслаҳат ҳеч бир иш, қарор қабул қил-майман. Бизнинг донишмандлигимиз, тафаккур кучимиз ҳам биргаликдadir. Ҳаммамиз бир-биримизни тинглаймиз. Камчиликларимизни бир-биримизга бемалол айтамиз. Бундан ҳеч ким хафа ҳам бўлмайди. Балки бир-биримизга самимий миннатдорлик изҳор қилиб турамиз. Бу эса сабаб ва моҳиятни янада чуқурроқ тушунишимизга, англашимизга ёрдам беради. Хатоларимизни ўз вақтида тузатишга ҳаракат қиламиз. Бизнинг асосий вазифаларимиз илм зиёсидан баҳраманд бўлиб,

Хукмдор ҳаёт йўлини илм нури ила ёритиш. Ундаги ғадир-будурликларни, бурилишларни, ўраю чоҳларни кўрсатиб, уларни айланиб ўтказамиз. Ақл, зеҳн кўзи ила кўплаб очилмаган кашфиётлару янгиликларни кўрсатамиз. Биз илм олиш йўли билан тафаккур кучини бойитамиз ва шунинг эвазига буюк кашфиётлар қилинишига сабаб бўламиз. Нафақат ўз тажрибаларимиздан, балки ўзгалар ҳаёт тажрибаларидан ҳам хулосалар чиқариб, Инсонни огоҳ қиламиз. Хукмдоримиз бу бебаҳо тажрибалар воситасида хато ва камчиликларга йўл қўймайдилар. Улар эса мавжуд ва келажақда бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг ечимини топишга имкон беради. Олий ва эзгу ишларни амалга оширишнинг энг самарали, яқин йўлини кўрсатамиз. Бу эса ўз навбатида соғлиқ, вақт, умрни тежайди, комил инсон бўлишга ва баркамол авлодни тўғри тарбиялашга ёрдамлашади. Демак, Хукмдоримиз яна кўп эзгу ишларни амалга оширишга ҳам улгурадилар. Мен Биродарларим билан биргаликда яна шу ерда айтиладиган ҳар бир сўзни Фаросат, Зеҳн ва Заковат ғалвиридан ўтказаман. Мағзини чақиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратаман. Сўнг Ақл, Идрок тарозисида тортиб, салмоқлаб, моҳиятини Хукмдорга етказаман, – деб таништириш навбатини Қалбга берибди.

– Жуда ажойиб! – дея Қалб ўзи ва яқинларини таништира кетибди. – Мен Қалб вилоятининг ҳокимиман. Дил боғимизга ташриф буюрганларингиз учун ташаккур. Мана менинг юракка яқин дўстларим. Булар: Ҳис-ҳаяжон, Феъл-атвор, Меҳр-муҳаббат. Биз доим орзу қиламиз, орзу эса бизни дунёни кезишга, гўзалликлардан воқиф бўлишга, ашулалар айтишга, мусиқалар тинглашга, ижод қилишга, рақсга тушишга ундайди. Ҳаммани гўзалликка, юксакликка чорлаймиз. Мен Ҳазрати Инсоннинг энг юксак ҳис-туйғулари, орзуларини гард туширмай ўзимда сақлайман. Агар орзуларни Хукмдор эсламай қўйса, дарров Хотирага сим қоқиб, Тафаккур воситасида етказаман. Доим нима биландир машғул бўлишим керак, асосан, ўзимга ёқадиган нарсалар билан. Бўлмаса, зерикиб қоламан. Ҳар қандай касб ёки

фаолият агар ўзимга ёқса, у мен учун ишгина эмас, балки шодлик ва роҳат келтириш манбаига айланади. Мен туфайли Одам ижод қилиб, ҳамма нарсани гўзаллаштиради. Изланиш, яратувчанлик билан шуғулланади. Расм чизади, мусиқа яратади, шеър ёзади, қиссаю ҳиссаларни қоғозга туширади.

Сўз навбатини Вужуд олибди.

– Мен Вужуд вилоятининг ҳокимиман, – дебди. – Ўзимда жисмонан барчангизнинг мавжудлигингизни акс эттириб тураман. Мен бир идиш, сирт мисоли ўзимда ҳаммангизни мужассам қилиб тураман ва Ҳукмдорнинг истакларини моддийлаштираман. Бу ишда менга яқин биродарларим ҳам ёрдам беришади. Яъни Кўзлар, Қулоқлар, Бурун, Оғиз ва Тил. Жуссадаги Қўллар, Оёқлар, Мушаклар ва ички аъзолар. Биз ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб Ҳукмдор ҳаётини таъминлаб турамиз.

Кўзлар атроф-муҳитни бор гўзалликлари билан кўрсатади.

Қулоқлар товушлар хабарини беришадилар.

Бурун нафас олиш билан биргаликда жамики ҳидларни сездиради.

Оғиз, тил таъм билиш, таом ейиш, сўзлашни ўз зиммасига олган. Товуш пайчалари ёрдамида ҳатто ашулалар, мақомлар куйлашга ёрдамлашади.

Қўллар бошқа аъзолар сингари Ҳукмдорнинг энг яқин ёрдамчилари. Хоҳиш-истагини бажонидил бажаришади. Яъни ювинтириш, озиқлантириш, кийинтириш, кўтариш-тушириш ва ҳоказо. Қўлларни яна олтингга ҳам қиёслашади. Чунки атрофдаги ҳамма гўзалликлар, боғу-роғлар, заргарлик буюмлари-ю гўзал манзаралар, уй-рўзғор жиҳозлари, иморатлар, йўллар, кўприklar ва оддий курсидан то фазовий ракетагача Ҳазрати Инсон қўллари билан бунёд этилган.

Ҳукмдор Оёқлар ёрдамида ҳаракатланадилар. Яъни хоҳлаган тарафларига, хоҳлаган йўналишларига юради. Истаса рақсга тушади.

Жуссадаги терилар ёрдамида иссиқ-совукни, юмшоқ-қаттиқни, силлиқ ёки ғадир-будурни ва ҳақозоларни сездирамыз. Жинсий

аъзолар Одам авлодининг давомийлигини таъминлашади. Ички аъзолар ҳам ўз вазифаларини аъло даражада бажарадилар. Ҳаммамизни вужуд деб аташади. Биз Инсон хоҳиш-истакларини имконият даражасида амалга ошириб, уни рўёбга чиқаришга ёрдам берамиз, – деб Вужуд сўзини тугатибди.

– Хўш, мен ҳам ўзимни таништираман, – дебди Рух. – Мен Рух вилоятининг ҳокимиман. Барчангизни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш зиммамга юклатилган. Менинг яқинларим: Ирода, Умид, Ишонч, Иймон, Жасорат, Мардлик, Куч-қудрат ва Қатъийликдир. Мен улар ёрдамида қўйилган режа ва мақсадларни нафақат назорат қилиш, балки бажарилишини ҳам таъминлайман. Туғилган ва туғилажак қийинчиликларни, муаммоларни ҳал қиламан. Агар Ҳукмдор бирор нимани чин дилдан хоҳласа, чин юракдан амалга оширишни истаса бас, бу йўлда ҳеч нимани аямайман, бор имкониятни ишлатиб, ҳаммангизни жамулжам қилиб уни амалга ошираман. Борди-ю, бу ҳам камлик қилса, бор куч-қудратни ишга солиб, ҳатто захирадаги яширин кучларни ҳам ишга солиб сафарбар қиламан, амалга ошираман. Чунки мен Рухман. Мен Яратганнинг бир заррасиман!

Ҳаммалари танишганларидан бағоят хурсанд бўлишибди. Энг асосийси йиғилганларнинг барчаси Инсонда ҳаётни таъминлаш учун ўз вазифаларини муҳимлиги англашибди. Биргаликда Инсоннинг моддий дунёда хавфсиз, хотиржам, тўқис ва бахтли яшашини таъминлашларини янада чуқурроқ англаб етишибди. Бу ерда иккинчи даражали деган нарсанинг ўзи йўқлиги, ҳамма ўз вазифаси ҳокими эканлигини тушунишибди. Рух ҳамма йиғилганларга ўз миннатдорчилигини билдириб, доим бир жону, бир тан бўлишга даъват этибди.

– Зудлик билан бу бебаҳо маълумотларни ҳаммасини Тафаккур билан ҳамжиҳатликда Ҳукмдорга маълум қилинлар, – деб котиба бўлмиш Хотирага меҳр билан буюрибди.

Ўзида Хотирани мужассам қилган Тафаккур эса Инсонни огоҳ қилибди. Одам эса шунча бебаҳо неъматларга, ҳақиқий хазинага эга эканлигидан руҳланиб, хурсанд бўлиб кетибди. Унинг шодли-

гига шодлик қўшлибди. Олдига қўйган пок орзу умидларининг тўла амалга ошишига ишонч ҳосил қилиш, шундай бўлишини билиш, таъкидлаш, янада кучига куч, ғайратига ғайрат қўшибди. Ёруғ, пок, яхши ниятларни амалга оширишга киришибди. Ва Ҳазрати Инсон яратганга беҳисоб шукрлар қилибди.

КЎЗБОЙЛОҒИЧ ЁКИ СОХТА СЕҲРГАР

Нега кўзбойлоғич дейишади? Ғарбда фокусчи дейишади. Назаримда, шарқликлар бу касбнинг моҳиятини тўлалигича очиб беришган. Чунки бўлиб ўтаётган жараённи кўз кўриб туради. Хатто қалбларда қувонч уйғотади. Аммо охирида алданганимизнинг гувоҳи бўламиз. Кўзбойлоғич ёки сохта сеҳргар моҳирлик билан шундай томошани кўрсатадики, унинг асл моҳиятини фақатгина ўзи билади. Бизга сунъий «мўъжиза»нинг сабаби тушунарсиз. Шунинг учун бу томоша катта кизиқиш уйғотади-да. Демак, фақат кўз кўрган нарсани ҳақиқат деб қабул қилиш ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермас экан. Бу оддий ҳақиқат бизга эшитганимиз ҳам, сезганимиз ҳам, таъм ва ҳид билганимиз ҳам доимо аслига тўғри келавермаслигидан далолат беради. Уларнинг барчасини ҳамжиҳатликда ифода этувчи «ҳақиқат» ҳам ёлғиз Яратганга аён. Демак, хулоса қилиб яна шуни қўшимча қилсак, кўз кўриб, унинг асл сабаб ва моҳиятини тушунмаслик «кўз бойланди» дегани экан.

БИЗ

Нима учун «Мен» эмас, «Биз»? Аслида ҳар бир одам «Мен» эмас, «Биз». Чунки «Мен» ўзида Вужуд, Тафаккур, Қалб ва Рухни мужассам қилган. Шунинг учун буларсиз «Мен» бўлолмайди.

Албатта, буларни биз Инсон ёки Одам деймиз.

Вужудни биз фойтунга ўхшатишимиз мумкин. У ўзида Тафаккур ва Қалбни сайр қилдиради. Рух эса фойтунни тортиб юрган отлар устидаги чавандозга ўхшайди. Буларнинг бари бир яхлитлик билан бизни манзилга етказди.

ҚАЛБ

Мен бу сўзни Боғи Эрам деб ёзмоқчи ҳам бўлдим. Чунки қалб ўз моҳияти билан боғга жуда ўхшайди. Боғи саранжом-саришта, бегона ўтлардан тозаланган, суғорилган, гуркираб яшнаган инсонни биз яхши одам деймиз.

«Яхшидан боғ қолур» деган нақл ҳам бор. Яхши одам бу яхши боғбон демакдир. Яхши одам мисоли ажойиб боғбондай, доимо ўз боғидан хабардор. Вақтида бегона ўтлардан тозалайди, суғоради, боғини ўғитлар билан бойитади. Дарахтларига шакл бериб, яна анвойи гуллар экиб, боғини ҳақиқий Боғи Эрамга айлантиради. Албатта, бу боғга инсонлар талпинишади. Хатто булбуллар хониш қилишиб, ўзларига ошён қилишади. Ҳар бир инсон қалбидаги «дарахт ва гуллари»ни яшнатиши, яъни яхши феъл-атворининг нафис кирраларини шакллантириши зарур. Қалбни «бегона ўтлар»дан тозалаш, бу феъл-атвордаги салбий хислатларнинг миқдорини камайтириш дегани. Вақт ўтгани сайин биз бундай Инсонга талпинамиз, суҳбат қилишга ошиқамиз, ўрнат оламиз. Шундан ташна қалблар қонади. Демак, моҳиятан ёмон инсон бўлмайди, балки боғини ўт босиб кетганлар бор. Ажаб эмас, шинам боғларни кўриб улар ҳам ўрнат олишса.

ЖЎРАЛАР

Кунлардан бир кун эски гаштак жўралар сўлим боғнинг ажойиб гўшасида жойлашган анҳор ёнидаги чойхонага йиғилишибди.

Тўкин дастурхон атрофида йиғилган биродарлар девзира гуручи, қўй ёғи, қўй гўштидан тайёрланаётган ош пишгунга қадар хангома қилишни лозим топишибди.

Хоҳиш кўк чойни пиёладан чойнакка уч марта қайтариб, кейин дамлаб ва пиёлаларга қуйиб, жўраларга узатиб, гап бошлабди:

– Бўлган ва бўладиган ҳамма жараёнлар мен туфайли, – дебди дабдурустдан. – Мен бўлмасам ҳеч нарса қурилмайди, униб-ўсмайди, барпо бўлмайди, барпо бўлмайди, амалга ошмайди, ба-жарилмайди.

Мен хоҳласам бўлади, хоҳламасам бўлмайди. Қолганларга бу гап тегиб кетган бўлса ҳам тишларини тишларига қўйиб сабр ила тинглашибди. Ҳеч ким ёшлиқдан бирга ўсган жўраларини хафа қилмайди. Шу пайт Умид пиёладаги чойни хўплаб, гап бошлабди.

– Менинг ҳам Худодан умидим бор. Жуда тўғри айтдингиз, Хоҳиш жаноблари. Майлими, бир оз қўшимча қилсам. Албатта, хоҳлаш ёмон эмас, аксинча, жуда ажойиб. Лекин мен масаланинг бошқа тарафини ёритмоқчиман. Агар кимда-ким бирор нарса-ни хоҳласа, демак, ўша хоҳлаётган нарсаси етишмаяпти ёки йўқ экан-да. Айниқса, жуда қаттиқ хоҳласа.

– Шунинг учун хоҳлайди-да, – деб гап қистирибди Хоҳиш ғурур билан.

– Тўғрику-я, лекин бирор кимса чиройли бўлишни хоҳласа хунук, соғ бўлишни хоҳласа касал, бой бўлишни хоҳласа камбағал, бахтли бўлишни хоҳласа бахтсиз бўлади, деган тушунча келиб чиқмайдими, – дебди Умид.

– Сен кўп гапни чалкаштира, – дебди Хоҳиш бир оз ўйланиб қолиб.

Шунда Умид:

– Бўладиган эзгу ишларни олдиндан умид қилиш керак, бўлмаса амалга ошмай қолиши мумкин, – дебди. – Қанча кўп умид қилинса, шунча яхши. Фақат хоҳлашнинг ўзи билан иш битиб кетавермаса керак.

Умиднинг гапини Орзу ҳам тасдиқлабди. Уни кўллаб-қувватлаш билан бирга ҳаммани Орзу қилишга чақирабди. «Орзуга айб йўқ», деб қўшиб ҳам қўйибди. Бу ҳангомага Ният ҳам ўз фикрини одилонга билдирибди. «Яхши ният – ярим давлат деб мақол ҳам келтирибди. Ниятни яхши қилиш кераклигини дўстларига эслатиб қўйибди. Улар ҳам бу гапни маъқуллашиб ди. Сухбат аста-секин қизий бошлабди ва ҳангомани Ишонч давом эттирибди.

– Агар ишонмасанг, кўзлаган мақсадингга етолмайсан. Ишонч – бу асос-пойдевор. Ишонмасанг, қандай қилиб режангни амал-

га оширишинг мумкин. Хоҳлаб, Умид қилиш, Орзу қилиш, яхши. Ният яхшику-я, аммо одам ишониши ҳам керак-да. Шунда кўзлаган ёруғ, пок мақсадлар, катта ютуқларга эришиш мумкин. Тўғрими, жўралар? – деб Ишонч уларнинг қора кўзларига ишонч билан боқибди.

Йиғилганларнинг ҳаммаси бошларини сарак-сарак қилишиб, Ишончнинг гапини маъқуллашибди. Бундан ўзга чоралари ҳам қолмаган экан-да.

Бу пайт елкасида оппоқ сочиқ, қўлларида катта чинни лагандаси эндигина пишган паловхонтўрани кўтарганча Ҳаракат пайдо бўлибди ва йиғилган жўралар олдига шижоат билан илдам қадам ташлаб келибди. Қўлидаги ошни дастурхонга қўйиб, табассум ила «Олинглар биродарларим, ёқимли иштаҳа, ош бўлсин!» дебди. Атрофга паловхонтўранинг иштаҳани қарнай қилувчи ёқимли ҳиди таралиб кетибди. Барчаси паловхонтўрани еб, Ҳаракатга қараб-қараб қўйишибди. Бир вақт Ишонч секин гап бошлабди.

– Ука, сўраганнинг айби йўқ, сиз ўзи ким бўласиз, – дебди хурмат билан. – Менинг исмим Ҳаракат. Аслида ўзимни таништиришга ҳожат ҳам йўқ. Чунки Мен бу Сизларнинг жамулжамлигингизман. Қачонки ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб, ахилликда, яқдилликда ёруғ пок мақсадлар сари астойдил Ҳаракат қилсак, у амалга ошиши муқаррар. Шундагина яхши натижаларга эришишимиз мумкин.

Йиғилган жўралар ҳайрон бўлиб, бу чақирилмаган «камтар», «ёқимли», «хушрўй» меҳмонга қизиқиб қолишибди ва бир овоздан шундай дейишибди:

– Ошна, сал ётиғи билан тушунтирсангиз. Кечирасиз, ўзи сиз кимсиз? Қайси боғнинг булбулисиз? Вазифангиз, лавозимингиз ўзи нима?

– Майли, Сизлар шуни хоҳлабсизларми, бўлмасам эшитинглар, – дебди ёқимли табассум ила Ҳаракат. – Мисол учун Хоҳиш фақат танҳо ўзи истаганча бирор нарсани, айтايлик, бизнинг ми-солимизда паловхонтўрани хоҳласинлар. Умид ҳам ўтирган жойида умид қилаверсин. Ишонч ҳам қаттиқ ишониб

ўтираверсин. Яхши Ниятни ва Орзу қилишни ҳам қўшиб кутиб ўтираверайлик.

Йиғилганлар гап нимада эканини тушунишибди. Нафақат тушунишибди, балки чуқур англашибди ҳам.

Ахир, Ҳаракат тўғри гапни айтди-да. Бир ўйлаб, мушоҳада қилиб кўринг-а. Ўз-ўзидан фақат Хоҳиш билан, яна Умид билан ҳам яхши ният қилайлик. Орзу ҳам қилиб кўрайлик. Ишонайлик ҳам, бундан бирор бир яхши натижа чиқиши амримаҳол. Тўғрими?! Агар шижоатли Ҳаракатни даврага қақриб қўшсак, ҳаммаси рисоладагидек бўлади.

Демак, Ҳазрати Инсоннинг ёруғ пок мақсадларига эришиши учун тўпланганлар бир ёқадан бош чиқариб бирликда, аҳилликда, жипслашиб дадил ҳаракат қилиш лозимлигини ҳам яхши тушунишибди. Мазали паловхонтўрани биргаликда тановул қилишиб, кўк чойдан маза қилиб ичишибди. Яна анча ҳангома қилишибди, чакчақлашибди, кўнгилхушлик қилишибди. Бир-бирларини қўллаб-қўлтиқлашибди, тинглашибди, кечиришибди, тушунишибди. Зиёфат тугагач, бир-бирлари билан самимий кучоқлашиб, хайрлашиб, ҳамма ўз ишларига астойдил киришибди. Ҳаракатда барака, деган меҳнаткаш халқимиз. Ҳаммамизга бу ажиб диёрда ҳалол меҳнат қилиш: хоҳ ақлий-интеллектуал, хоҳ жисмоний турмушимизни, оиламизни, маҳалламизни, қолаверса, давлатимизни янада чиройли, кут-баракали, бундан-да буюк қилувчи фойдали ҳаракатлар қилавериш насиб этаверсин. Бу эзгу йўлда чин юракдан барчамизга тинчлик-хотиржамлик, куч-қудрат, ғайрат-шижоат, кут-барака тилаб қоламан.

КЕЧИРИШ

Кунлардан бир кун Сукут билан Сукут учрашиб қолишибди. Улар бир-бирига термилиб, сукут сақлашибди. Ҳеч бири оғиз очишга журъат қила олмабди. Қани энди бир-бирига ёрилса, бор ҳасратини, дардини бир-бирига айтса, олам гулистон бўлармиди?

Ҳали бу икки одамнинг сукути. Афсус, дунёда яна қанча сукут-

лар бор. Қизик, нима уларни сукут сақлашга мажбур қиларкин-а? Наҳот сукут сақлаган кўйи бу дунёдан ўтишса!

Ахир, одам умрбоқий эмас-ку. Яхшиям, Яратган эгам беш кунлик умрни берган. Балки шунини эътиборга олган бўлса, не ажаб. Янаям худо билади.

Жосусларни махсус сунъий қийноқ машқлари орқали сукут сақлашга атайлаб ўргатишар эмиш. Ҳар қандай одам ҳам бундай қийноқларга, азобларга дош беролмас экан. Ҳақиқий қийноқ хонасини кўрсангиз, юрагингиз тўхтаб қолай дейди. Дахшатнинг ўзгинаси!

Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлармиш. Бу ақидага кўмондон ҳам, аскар ҳам амин бўлганларидан кейин биз нима ҳам қила олардик.

Бу машқлар албатта ўз самарасини бир кун келиб бериши муқаррар. Кейинчалик сукут сақлаб, ҳар қандай қийноқ, синовларга чидайди. Чунки буларнинг бари таниш, салкам ўзиники бўлиб қолган. Шунинг учун мингта сараланган эр йигитдан битта ҳақиқий сукут сақловчи жосус чиқаркан. У ҳам кези келганда узоқ давомий қийноқлардан кўра нариги дунёни афзал кўраркан.

Аксарият одамлар бу жосусданда ошиб тушади. Ишонаверинг, бўрттираётганим йўқ. Моҳиятан, афсуски, шундай.

Бегона майли-ку, қўшниси, ака-укаси, опа-сингил, ҳатто ота-онаси билан ҳам хафалашади, худо кўрсатмасин, судлашади. Бир умр қийналиб азоб чекишга, сукут сақлашга тайёр. Харажат қилиб, махсус ўқитишнинг ҳам кераги йўқ.

Хайрият, ҳаёт йўлидан кетаётиб бир-бирига термилиб турган Сукутларга Ҳақиқат рўбарў келиб-ди.

– Ҳа, ҳалиям жиммисизлар.

Шунда Сукутлар сукут ила бош силкитишибди. Уларга раҳми келган Ҳақиқат шундай дебди:

– Аслида сизларни юзага чиқарган менман. – Ҳар ким ўзининг шахсий нуқтаи назаридан, тушунчасидан келиб чиқиб ўтмишда бўлиб ўтган, ҳозирда бўлаётган, ҳатто келажакда бўладиган ҳодиса ва жараёнларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Бу яхши натижа, улар шахсий муносабатни мутлақ ҳақиқатга айлантирмоқчи ҳам бўлади. Мана шунда икки ҳақиқат тўқнашиб, келишмовчилик юзага келади.

Натижада, қалбларда норозилик, алам, хафагарчилик пайдо бўлади. Бу каби хафагарчиликлар тўплана-тўплана аста-секин қайғуга айланади. Кўнгил осмонини қайғу булутлари қоплаб, шодлик, меҳр-муҳаббат куёшини тўсиб қўяди.

Ҳазрати Инсон Яратганнинг ноз-неъматларидан истеъмол қилади-ю, лекин ҳеч қачон баҳраманд бўлолмайди. Атрофдаги кўзига ҳамма ажойиб, гўзал нарсалар, ҳатто фарзандлари ҳам ба-лодай бўлиб кўринаверади.

Ҳар бир одамнинг, ҳатто ҳар бир тирик жоннинг ўз ҳақиқати бор. Улар бир-бирига зинҳор тўғри келмайди. Бу табиий ҳолат, албатта. Фавқулудда онда-сонда тўғри келиб қолиши ҳам мумкин.

Нега энди сизга ёққан, тўғри келадиган, маъқул келадиган афзал нарса бошқа одамга ёкиши керак?! Бу шарт эмас! Мана шу оддий ҳақиқатни етказолмай Ҳақиқат ҳалак, жони азобда. Ҳар қанча тушунтиришга ҳаракат қилмасин, барибир ўзла-риникини маъқуллайверишади.

Ҳамма бало шундан. Ҳа, айнан мана шу нисбий ҳақиқатлар ҳаммасига сабаб. Шунинглаб тушунмас эканмиз, улар бир-бири билан тўқнашиб, ёқимсиз хафагарчилик исини таратаверади, атроф-муҳитни булғайверади. Одамнинг табиати мана шунақа. Менимча, мана шуниси ҳақиқат.

Шу пайт салом ҳам бермай, Мағрурлик келиб қолибди.

– Мен ҳечам бу икки Сукутни бир-бири билан гаплаштирмайман. Бунга манман ғурурим йўл қўймайди. Қандай қилиб бу иккисини гаплаштириб, яна тинглайман, асло йўқ. Ахир ўзидан ўтди. Биз бошламадик. Бизники ҳақ, бизники тўғри-ку, – дебди оғзи кўпириб.

Ахийри бу тутуриқсиз, бефойда гаплардан тўйган Кечириш аста намоён бўлибди.

– Келинглар, азизларим, кечирайлик, – дебди. – Агар биздан

ўтган бўлса, кечирим сўрайлик. Инсон Қалбига раҳмларинг келсин. Қайғу-ҳасратга тўлиб кетдик-ку, ахир. Бундан ташқари, инсон хафа бўлиб юрса, асабийлашади, жаҳли чиқади. Бу эса ўз навбатада қон босимининг ошишига ёки тушиб кетишига сабаб бўлади. Аста-секин юрак-қон томир ва асаб, овқат ҳазм қилиш тизими ишдан чиқади. Бу эса бошқа тизимларнинг ҳам ишдан чиқишига сабабчи бўлади. Оқибатда иммун тизими сусаяди. Бу бошқа касалликларнинг одам танасига канадай ёпишиб олишига сабаб бўлади. Фақат кечириш билан барча кераксиз нарсалардан фориғ бўлишимиз мумкин. Бу алфозда давом этаверса, Одам мудҳиш хасталикка чалиниб қолиши мумкин. Айтишларича, саратон касаллигининг бош сабабларидан бири кечирмасликда эмиш.

Бу гапни Инсоф ҳам маъқуллабди. Ҳаммаларини инсофга чакирибди. Ҳақ бўлиб гина-кудуратдан, хафагарчиликдан ўзлари билан бирга истиқомат қилаётган маконни ҳам йўқ бўлиб кетиши афзалми ёки кечириш йўли билан инсонни соғлом ва бахтли бўлиши афзалми, деб эслатиб ҳам қўйибди.

Албатта, барчалари инсоннинг соғ ва бахтли бўлиши афзаллигини англашибди. Кечириш ўзлари учун зарурлигини тушунишибди. Ахир Инсон борки, улар бор-да. Фақат кечириш йўли билан кераксиз нарсалардан фориғ бўлинади ва инсон қалби покланиб, вужуди тиклана бошлайди, соғлиги мустаҳкамланади. Бундан буён инсонни кераксиз икир-чикирлар эмас, балки асл ҳақиқий нарсалар қизиқтира бошлайди. Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, олдингизга келган инсон сиздан чин дилдан кечирим сўраса, албатта, сиз ҳам кечирм сўрайсиз ёки кечирасиз. Ҳеч бўлмаса кўнглингиздан ўтказасиз. Шунинг ўзи катта гап.

Бир пайт хуржунини орқалаб Хафагарчилик пайдо бўлибди ва кетаман, дебди хафа бўлиб. Қолганлар бараварига, қаёққа, дейишибди.

– Бошим оққан тарафга. Бу ерда бошқа қиладиган ишим қолмади, – дебди. – Ҳаммангиз бир бўлиб мени ҳайдаяпсиз. Майли, кўрамиз ҳали. Энди ўрганиб, кўникиб, жойлашиб олган

эдим-а. Иссиқ жойимни совигдинглар, – дебди. Ниҳоят, Хафагарчилик хуржунини яхшилаб текшириб ҳаммаси, яъни: гинакудурат, араз, хафагарчилик, жажл, кайғу ва бошқа асаббузарлар жойида эканига ишонч ҳосил қилиб, хотиржам бўлиб, елкасига ортмоқлаб, ахийри кўздан ғойиб бўлибди.

Инсон қалби ниҳоят енгиллашиб, яйрай бошлабди. Энди икки кўзи атрофидаги гўзалликларни пайқай бошлабди.

Йиғилганларнинг барчаси Кечиришга ўз миннатдорчиликларини билдиришибди. Энди улар қандай қилиб қалб маконидан Хафагарчиликни хафа қилмай, ашқол-дашқоли, уруғ-аймоғи билан бутунлай даф қилишни билиб олишибди.

Қалбида шу каби кечинмалар ўтаётган Инсон эса яқинларидан, қолаверса, бегоналардан ҳам кечирим сўрашга чин дилдан киришибди. Дилидаги кўринмас, лекин салмоқли оғир хафагарчилик, гинакудурат, араз тошларидан фориғ бўлибди. Мана шунда Ҳазрати Инсоннинг кўзига бутун олам қандай бўлса шундайлигича гўзал, мафтункор ва ажойиб бўлиб кўрина бошлабди ва у Яратганга ҳамду санолар айтибди.

ҒАЛАБА БИЛАН МАҒЛУБИЯТ

Кунларнинг бирида Ғалаба зафардан боши кўкка етгудек бўлиб, мамлакат кезаётган экан. Унинг руҳияти тетик, кайфияти чоғ, юриши ҳам дадил экан. Шу топ унга Мағлубият йўлиқиб қолибди.

– Сен кимсан? – дебди писанд қилмай Ғалаба.

– Мен Мағлубиятман, – дебди нотаниш.

– Нимага бунча шалвирайсан, кайфиятинг йўқ, юришинг ҳам чалама-чакки, – дебди гердайиб Ғалаба. – Мана менга қара, қандай тетикман?

Ахир унинг кўринишиям кўркам, кийимлари ҳам янги, ўзи, гап сўзлари дадил экан-да.

– Ўзингиз ким бўласиз? – деб сўрабди Мағлубият ундан.

– Нахот мени танимаган бўлсанг?! Ахир мен Ғалабаман, –

дебди мағрур ҳолда ва нолий кетибди. – Сен Мағлубият жуда Инсонни қийнайсан-да. Афсус-надоматларга қўясан. Азоб берасан. Нимага доимо мағлуб бўлиб Инсонни қийнайверасан? Шармандагарчиликдан бошқасига олиб бормайсан. Сендан қутулишнинг йўли борми ўзи?

Бир оз жимликдан кейин Мағлубият:

– Ҳа, ўша сен экансан-да, – дебди. – Тўғри, уст-бошим унчалик яхши эмас, юришим ҳам ночор. Туришим ҳам мақтайдиган даражада эмас. Одамларнинг тушкунликка тушишларига, қийналишига, азоб чекишига сабаб бўламан. Биламан, мени ёқтирмайсан, ҳатто нафратланасан. Лекин бир муҳим жиҳатни билмайсан. Аслида Инсон сенга эришиш учун менга дуч келади. Менинг аччиқ таъминни татиб кўришга мажбур бўлсагина қадрингга етишади. Бу ҳолимга сен ҳеч ачинма. Чунки рўёбга чиқишингга асл сабабчи мен бўламан. Ўз устида астойдил ишлаган ҳар бир одам бир кунмас бир кун янглишади, хато қилади. Бу хатолар йиғиндиси эса Мағлубиятга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга ҳар бир хато, камчиликдан инсон тегишли хулоса чиқариб олади. Бу хулосалар кейинчалик хато ва камчиликларга йўл қўймаслик гарови бўлади. Булар ўз навбатида Мағлубиятларни камайтиради ва Ғалаба сари, яъни сен томон етаклайди. Агар Инсон менга дуч келишдан қўрқиб, умуман ҳаракат қилмаса, асло ҳеч бир иши битмайди. Қани эди, Инсон нафақат ўз хато-камчиликларидан, балки ўзгалар хато-камчиликларидан ҳам тўғри хулосалар чиқарса, хатолар янаям камайган, муваффақиятлар эса ортган бўлар эди.

Унинг гапларидан сўнг Ғалаба хатоликка йўл қўйганини англаб, уялганидан кизариб кетибди ва Мағлубиятдан астойдил узр сўрабди. Мағлубият чин дилдан Ғалабани афв этибди. Тўғрида, кимки йўлида учрайдиган маълум хато ва камчиликлардан қўрқиб астойдил ҳаракат қилмаса, бирор муносиб натижага эришиши амримаҳол ва Ғалаба ҳам умуман бўлмаслиги мумкин экан-да. Шундан кейин Ғалаба билан Мағлубият ўз йўлларига равона бўлишибди. Булардан тўғри хулосалар чиқармоқ ва юксак ғалабаларни қўлга киритмоқ ҳаммамизга насиб этсин.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

Ажойиб кунларнинг бирида вақт ҳокимлиги давлати соясида оламда яна Яхшилик ва Ёмонлик учрашиб қолибди. Тоғ тоғ билан учрашмаса ҳам, Яхшилик Ёмонлик билан учрашиб тураркан. Тўғрироғи, тўқнашиб тураркан. Яхшилик Ёмонликдан қочиб юрса ҳам, Ёмонлик доим Яхшиликнинг ортидан қувиб боравераркан. Одам Ато ва Момо Ҳаво пайдо бўлганидан бери улар бор экан. Шунинг учун улар бир-бирларини яхши билишар экан.

Табассум ила «ассалому алайкум», дебди Яхшилик Ёмонликка. «Ваалайкум», дебди Ёмонлик алик ҳам олгиси келмай. Ёмонлик Яхшиликка қараб, худди бўри қўзичоққа ташланишга ҳозирланаётгандай шундай дебди:

– Нега сен яхшилик қилаверасан, эсинг жойидами ўзи? Мана, менга ўхшаб ёмонлик қилсанг бўлмайдими? Мен ёмонлик қилганга, яхшилик қилганга, ҳеч нарса қилмаганга ҳам ёмонлигимни аямайман. Нишимни уриб, заҳримни чиқариб турмасам бўлмайди. Эрта тонгдан оламни айланаман. Кўзим тушган кимсани бошқа кимсага ёмонлик қилишга ундайман. Борди-ю, бирор кимса топилмаса, унда ҳайвонларга нисбатан, ҳеч бўлмаса, табиатга нисбатан ёмонлигимни ишлатаман. Болани болага, ёшни қарига, эркакни аёлга, бир-бирига қарши қўйиб гижгижлайман. Сўкишиб, жанжаллашиб кетишса мазза қиламан. Ҳайвонларга тажовуз қилиб тураман. Ҳаммани бир-бирига ит-мушук қиламан.

Борди-ю, атрофимда ҳеч кимни тополмасам, роса қийналаман. Биронтасини топиб, ҳеч бўлмаса ўзига ёмонлик қилишга ундайман. Агар бирортаси ёмонлигимга жавоб қайтарса, камида икки ҳисса ёмонлик қайтараман. Аммо ёмонлигимга яхшилик қайтарса, алаимига чидолмай ёрилиб ўлай дейман. Иймони сустларни, тарбия кўрмаганларни йўлдан уриш осон. Сал гижгижласам, тамом вассалом. Аммо иймони мустаҳкам, тарбияси яхшиларни умуман йўлдан уриб бўлмайди. Бу, ҳойнаҳой, сенинг ишинг бўлса керак. Лекин, мен барибир таслим бўлмайман. Пайтини топиб уриштиришга ҳаракат қиламан ва ниятимга етаман.

Аслида-ку мен бир ўзим бирор нарса қилишим жуда мушкул. Яхшиям яқинларим бор. Менинг аждодларим насли ёмонлиги билан дунёда донг таратган. Улар Ҳасад, Зикналик, Манманлик. Булар менинг аждодларим. Улардан куч олиб тураман. Ёмонликни келтириб чиқаришимда улар менга яқиндан ёрдам беришади. Одам боласининг бири ҳасаддан, иккинчиси зикналигидан, яна кимдир мағрурлиги учун шундоққина тумшуғидан қармоғимга илинади. Шунда роса яйраб, хумордан чиққунча ёмонлик қиламан. Бунга ям қаноат қилмай ёмонлигимни ёвузликка айлантирмагунимча тиниб-тинчимайман.

– Мен эса сенинг аксингман, – дебди Яхшилик. Яхшилик қилганга, қилмаганга, ҳатто ёмонлик қилганга яхшилик қилавераман. Менинг моҳиятим шундай – яхшиликка ундаш, яхши амалларни қилдириш. Тонг саҳардан туриб олам кезаман. Назарим кимга тушса, нимага тушса, яхшилик қилишга ундайман. У ёшми, мўйсафидми, болами, бунинг фарқи йўқ. Уларни бири-бирига нисбатан яхшилик, меҳр-мурувват қилишга чорлайман. Аразлашиб қолганларни яраштираман, бир-бирларини кечирishга, адоватини унутишга ундайман, уларни дўстлаштираман. Ўсимлик дунёсини севишга, ҳайвонот оламини ҳурмат қилишга ўргатаман. Бир-бирларини иззат-ҳурмат қилишга, севишга ундайман. Ота-боболарим ҳақида эшитган бўлсанг керак, уларни бутун олам танийди. Улар: Сахийлик, Камтарлик, Меҳр-мурувватдир. Мен улардан куч олиб яшайман, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан, бобокалонларимга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Яхшиликни ҳар доим ҳаммага қилавераман. Кичиклар катталарни ҳурмат қилса, катталар кичикларни иззат қилса, мискинларга ёрдамлашса, роҳатланаман. Хаста ётганларни бориб кўришга ундайман. Кўлдан келганча бир-бирларига кўмаклашишга, ўзаро меҳр-муҳаббат билан сўзлашишга, бир-бирларига меҳр-мурувват кўрсатишга чакираман. Мен инсонлар яхшилиги то ҳақиқий меҳр-мурувват ва эзгуликка айланмагунча тиниб-тинчимайман. Ана шундай онларда тўлқинланиб, яшнаб кетаман. Ҳеч ким менчалик бахтиёр бўлмаса керак.

Яхшилик Ёмонликнинг нақадар ёмон эканини янада чуқурроқ англабди. У туфайли Инсон азоб-уқубатларга, балоларга гирифтор бўлаётганини англабди. Шунинг учун бундан буён янада огоҳроқ, ғайратлироқ, шижоатлироқ бўлишга астойдил бел боғлабди. Инсонни бундан огоҳ қилиб, яхшиликларга ундашга шошилибди.

Токи одамзот бор экан, унинг қилган савоблари ва гуноҳларини Яратганнинг ўзи тош-тарозисида тортганда, илоҳим, яхшилик томони оғир келсин.

БАХТ

Биринчи Одам жуда бахтиёр бўлган экан. Улғайганидан сўнг у касб-ҳунар эгаллабди, шу орқали тирикчилигини ўтказаркан. Аммо вақт ўтган сари бахтли бўлиши учун яна нимадир етишмаётганлигини англай бошлабди. У нима эканлигини ўзи ҳам билмас экан. Шундан сўнг у бахт излай бошлабди.

Уй қурсам, яхши шароит қилсам, бахтли бўламан, деб ўйлабди. Ўзига бошпана, уй қуришга киришибди. Кўп меҳнат қилиб, тер тўкиб, шинам, чиройли уй қурибди. Маза қилиб яшай бошлабди, ўзини бахтлидай ҳис қилибди. Аммо бир оз фурсат ўтгач, бахти тўла эмасдай туюлаверибди.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтаверибди. Яратган унга муносиб жуфти ҳалол – Момо Ҳавони ҳадя қилибди ва оила қуришни буюрибди.

Шундан сўнг Одам Ато севган ёри Момо Ҳаво билан оила қуриб, бирга яшай бошлашибди. Улар жуда бахтиёр эканлар. Бирин-кетин фарзандлари дунёга келибди. Шоду хуррамликларининг чеки йўқ экан.

Аммо маълум вақт ўтиши билан худди бахт улардан чекингандай туюлибди. Шунда фарзандларини тарбиялаб, уларга касб-ҳунар ўргатишибди. Фарзандлар вояга етгач, уларни оилали, уйли-жойли қилишибди. Бошқа хайрли ишларни ҳам қилибдилар – йўллар, боғлар барпо этишибди, неварачеваралар кўрибдилар.

Бахт эса бир фурсат кўринар экан-да, сўнг яна кўздан ғойиб бўларкан. Бунга улар ҳайрон эмиш.

Шундан сўнг улар бахтни биргалашиб излашга аҳд қилишибди. Кашфиётлар қилишга киришибди. Одамзот ўз турмушини енгил қиладиган кўп оламшумул кашфиётлар қилибди. Бахт бир фурсат ўзининг жамолини кўрсатиб, сўнг қаёққадир ғойиб бўларкан. Бундан ҳайратланган Инсон ижод қилишни бошлабди. Шеърү ғазаллар бита бошлабди. Бахт яна гўёки меҳмонга келгандай, бир оз муддат ўтиб яна ғойиб бўлар экан.

Сўнг мусикий оҳангларни басталай бошлабди. Мусиқа уларга бахтли онларни ҳадя қилибди. Вақт ўтгач эса, бахт барибир чекинаверар экан. Инсон бахтни топиб, ўзи билан олиб қолиш чораларини қидира бошлабди. Барча қулайликларга эга бўлибди. Уйини жиҳозлар билан тўлдирибди.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтаверибди. Инсон эса ҳар гал. бирор янги нарсага эга бўлганда ўзини бир фурсат бахтли ҳис қиларкан. Кейин эса яна бахтсиз ҳис этармиш, ҳеч кўнгли тўлмасмиш, қалби фақат бахтни орзу қилаверар экан.

Бу орзусини амалга ошириш учун бор умрини сарфлабди. Орзулари ҳам бирин-кетин амалга оша бошлабди. Бу, албатта, бахтли онларни яна ҳадя қиларкан. Лекин ҳақиқий бахтдан ҳанузгача дарақ йўқмиш.

Шунда Инсон ғазабланиб, яна бахт қидириб йўлга чиқибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири чарчаб, улкан минг йиллик чинорнинг тагида дам олибди.

Баҳайбат чинорнинг уни ёзнинг иссиқ тафтидан сақлабди. Инсон уйкуга кетибди. Туш кўрибди. Тушига Бахт кирибди, бахт жудаям чиройли, гўзал эмиш. Инсон унга махлиё бўлиб, сен кимсан, деб сўрабди. Бунга жавобан у, мен Бахтман, дебди.

– Мен сени қидириб юргандим. Аммо ҳеч қўлга кирита олмаяпман. Бутун умрим сени излаш, қувлаш билан ўтди. Сени, яъни Бахтни қаердан топсам бўлади?! – дебди Ҳазрати Инсон.

Бахт бунга шундай деб жавоб берибди: – Сен ва бошқалар

бундай аҳволда ҳеч қачон мени ушлай олмайсизлар. Аслида ушлашга ҳожат ҳам йўқ. Чунки мен. доим ёнингдаман. Бахтни ташқаридан эмас, ичкаридан – қалбдан қидириш керак. Инсонда хоҳиш деб аталувчи хислат бор. Бу ёмон эмаску-я. Лекин хоҳиш жомини мутлақ тўлдиришнинг ҳеч иложи йўқ. Ҳар қанча овора бўлма, у барибир ҳеч нарсага тўлмайди, тўймайди.

Шунингдек, инсонда ношукурлик бор экан, Бахт ундан қочаверади. Қаерда ношукурлик бор экан, у ердан бахт қидириб овора бўлишнинг ҳожати йўқ. Мана шу ношукурчилик Инсон билан Бахт ўртасига қора парда тутати. Шу сабабдан сен мени кўрмайсан. Қўлга киритган ютуқларинг арзимасдай бўлиб туюлаверади. Албатта, Одамзод буюк, пок мақсадларни олдига қўйиб, режалаштириб интилиши керак. Бу, албатта, яхши. Туя олишга ҳаракат қилсанг, бўталоққа эга бўласан. Бу умуман бошқа нарса. Лекин қўлга киритган ҳар бир натижадан шукр қилмоқ, қаноат қилмоқ, қоникмоқ керак. Аслида, ҳамма тирик жон бахтли бўлиб туғилади. Туғилишнинг ўзи, мавжуд бўлишнинг ўзи бахт эмасми? Кейин инсон бу бахтга аста-секин кўника бошлайди. Бироз ўтмай, ўзини яна бахтсиздай сезаверади. Аслида эса ношукурлик пайдо бўлган бўлади.

Мана сени олайлик. Борсан, инсонсан, соғ-саломатсан. Уй-жойинг, бола-чақанг, нева-чеваранг бор. Улар сени ҳурмат қилишади. Боғ-роғлар, шаҳарлар бунёд қилдинг, йўллар, кўприклар, ҳашаматли чиройли иморатлар курдинг, оламшумул кашфиётлар қилдинг. Кўплаб савоб ишларни амалга оширдинг. Шуларнинг ўзи бахт эмасми? Бунча ўзингни қийнайсан? Бу кетишда ўзингни бахтли эканлигингни англамай, дунёдан бахтсиз ўтиб кетасан.

Шу гапларни айтиб, Бахт кўздан ғойиб бўлибди.

Ҳазрати Инсон уйғонибди-да, шоша-пиша уйига отланибди. Уйига етиб келиб ичкари киргач, бола-чақалари, нева-чеваралари унга талпинишибди. «Уларни бағрига босиб, пешонасидан ўпиб роҳатланибди. Ўзининг нақадар бахтли эканлигини ахийри тушуниб етибди. Яратганга беҳисоб шукурлар қилибди.

ЁШЛИК ВА КЕКСАЛИК

Ёшлик баҳор шамолидай тиним билмай еларкан. Кексалик унга ҳар гал, тўхта, бирпас суҳбат курайлик, деркан-у, ёшлик бунга жавобан «вақтим йўқ, «бобо» деркан. Чунки Ёшликнинг қиладиган иши жудаям кўп экан-да. Кейин, гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, Ёшликнинг Кексаликка унчалик хуши йўқ экан. Шунинг учун у билан суҳбатлашгиси келмаскан. Унинг назарида Кексалик хунук, ёқимсиз, эзмадек кўринармиш. Кийим-лариям эски экан. Ёшликка кўпроқ ёшлар ёқаркан. Чунки улар ўзига ўхшаб замонавий, янги либосларни кийишаркан. Гаплари ҳам унга маъкул келар экан.

Кексалик кўп бор Ёшликни ўзи билан суҳбатлашишга ундабди. Илтимос қилиб ҳам, ялиниб ҳам кўрибди. Бундан ҳеч бир натижа чиқмасмиш. Кексалик қараса, Ёшлик ҳеч тўхтамайдиган. Шунинг учун унинг йўлига ўзи чиқиб, Ёшликни бир зумга тўхтатибди.

– Ҳой болам, шошма, ҳорма, – дебди.

– Ассалому алайкум, – дебди Ёшлик Кексаликка хижолат бўлиб.

– Ваалайкум ассалом, – деб алик олибди Кексалик. – Кел ёним-га, бирпас ўтир, гаплашайлик, – дебди Кексалик.

Ёшлик Кексаликнинг ёнига ўтирибди ва:

– Қулоғим сизда, бобожон, – дебди.

– Ҳеч хижолат бўлма, болам. Мен ҳам ёш бўлганман, сени тушунаман. Нега сен мунча шошасан? – дебди Кексалик Ёшликка.

– Э, ишларим жуда кўп. Илм олишим керак. Тирикчилик ўтиши учун ҳунар эгаллашим, ишлашим, пул топишим керак. Яхши кийимлар кийсам, ўйин-кулги қилсам дейман. Вақтичоғликни жуда яхши кўраман. Айниқса, дўстларим билан кўнгил-хушлик қилишни жуда хуш кўраман. Дўстларимнинг барчаси ўзимга ўхшаб ёш. Шунинг учун ҳар гал «тўхта» деганингизда тўхтолмайман. Тўғриси, вақтимни қизғанаман, – дебди Ёшлик.

– Тушунарли, – дебди Кексалик. – Сенга бир маслаҳатим бор,

ўғлим. Негадир мени ҳеч ҳурмат қилмайсан, назарингга ҳам илмайсан. Тўғри, йиллар менга ўз таъсирини кўрсатган, вужудимни ажин босган, қаддим ҳам бир оз букчайган, ҳаракатларим ҳам ночор, кўзим ҳам хиралашиб қолди. Кайфиятим ҳам унча эмас. Буларни мен ёшимга етсанг биласан. Аммо кўнгил қаримас экан. Аслида мен буларни сенга айтиш учун чақирмадим. Кел, яқинроқ ўтир. Бошқа масала хусусида сен билан батафсилроқ гаплашмоқчийдим. Менда дунёдаги энг қимматбаҳо, сенга керакли битмас-туганмас бойлик бор. Шунини сенга бермоқчийдим, ўғлим.

– Қулогим сизда, бобожон, эшитаман, – дебди Ёшлик жонланаиб.

Кексалик сўзида давом этибди.

– Бу бойлик ҳаётини тажриба бўлади. Бу тажрибаларни олмасанг, ҳаётда кўп қоқиласан, қийинчиликларга дучор бўлаверасан, чорасиз ҳолатларга тушасан. Дўстларинг ҳам кези келганда сендан тониб кетиши мумкин. Алданасан. Шунинг учун мен билан тез-тез суҳбат қуриб тур, кўп вақтингни олмайман.

Шунда ўзингга керакли маслаҳатларни оласан, оқ-қорани танийсан. Чунки сен босиб ўтаётган ва ўтмоқчи бўлган йўлни мен аллақачон босиб ўтганман. Қаерда чуқур, қаерда ўра-чоҳ борлигини жуда яхши биламан. Ҳурмат қилиб, маслаҳатимни олиб турсанг, ўзингга яхши. Сен ҳам кези келганда келажак авлодга бу бебаҳо маслаҳатларни, ҳаётини тажрибаларни етказасан, – дебди Кексалик.

Бу гаплардан Ёшликнинг кўнгли янада ёришиб кетибди. Ёшлик Кексалик ҳақида нотўғри фикрда бўлганлигидан роса хижолат чекибди, уялибди. Кексаликдан самимий кечирим сўрабди. Шундан сўнг Ёшлик ўзини янада бардамроқ, дадилроқ ҳис қилибди, Энди унинг маслакдоши бор экан-да. Хатоларга йўл қўймаслик, ҳаётда қоқилмаслик учун Ёшлик тез-тез Кексаликдан маслаҳат оладиган бўлибди. Ишлариям жуда юришиб кетибди. Шундан кейин Ёшликнинг ҳаёт йўли янада равон, текис бўлибди. Кўп эзгу ишларга улгурибди, орзулари ушалибди.

ҲАҚИҚАТ ВА ЁЛҒОН

Ёлғон ва Ҳақиқат азал-азалдан оламда мавжуд экан. Ҳақиқатнинг яшаши оғир, аҳволи жуда ачинарли, кайфияти ҳам тез-тез ўзгариб турар, ҳаммадан даkki эшитар экан, ҳаммага ҳам ёқавермас экан. Ҳақиқат тўғрилиги учун кўп азоб-укубатларга дучор бўларкан. У ўзининг тукқанигаям ёқмаслигини яхши билар экан. Шундай бўлса ҳам, ҳеч алдай олмас экан. Бунга виждони, тўғрилиги, иймони, ор-номуси йўл қўймас экан. Ёлғон гапириб яшагандан кўра ўлганим яхши, дер экан. Ҳақиқат ҳар қандай шароитда ҳам тўғри гапираверар экан. Фойдасига ҳам, зарарига ҳам тўғри сўзлар экан. Ҳаёт камчилари уни аямай саваларкан. Бунга у парво ҳам қилмас эмиш. Ҳақиқат ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмас экан. Бунинг эвазига унинг кўзлари кўкариб, юз-танларини чандиқлар қоплабди. Шундай бўлса ҳам у ҳалол, виждонли, диёнатли, иймонли одамлар дилида, тилида эканлигидан фахрланар экан.

Кунлардан бир кун у Ёлғон билан учрашиб қолибди. Салом-алиқдан сўнг Ёлғон гап бошлабди: – Сенга раҳмим келаяпти, юришингни қара. Кийимларинг ҳам эскириб кетибди-ку. Ҳориб, чарчаб, тўзиб кетибсан. Юзларинг кўкариб, танангни чандиқлар қоплабди-ку. Бунинг устига ҳамма олди-орқангдан кесатиб гапиради. Нима қиласан, нукул тўғри гапиравериби?! Биласан-ку, бу ҳаммага ёқмаслигини. Менга ўхшаб кези келганда сал ёлғон аралаштириб гапирсанг, олам гулистон бўлади-қолади. Дарров ҳурмат, эътиборга сазовор бўласан, афсус-надоматларга қолмайсан. Офатлардан, азоб-укубатлардан, қийинчиликлардан осонликча қутулиб қоласан. Биласан-ку, аксарият одамлар тўғри сўзлайдиганлардан чўчишади, ҳатто кўрқишади. Чунки ҳамманинг ўзига яраша айби бор. Айби очилиб қолишидан кўрқади-да. Айбсизни бу дунёда топиш амримаҳол. Мана, мендан ўрнатилган олсанг бўлмайдимми? Ҳар қандай бало-қазолардан ёлғоним туфайли осонликча қутулиб қоламан. Ёлғон-яшиқ, эгри сўзлаб сувдан доим қуруқ

чиқаман. Нима қиламан сенга ўхшаб, балога қолиб. Йўқ, аҳмоқ эмасман. Менга ҳар қанча бўлса ҳам ёлғон ишлатиб, ўша пайт эсон-омон қолиш муҳимдир, қолгани мени қизиқтирмайди. Уришадими, ажрашадими, ўладими, қоладими, ёнадими, йўқ бўп кетадими – бу уларнинг иши. Менга бўлса, барибир. Фақат ўзимни ўйлайман. Ахир, ҳамма ўзини ўйлайди-ку? Тўғрими? Жин урсин, сен билан гаплашиб, тилимгаям бир бало бўляпти. Шунинг учун кўпчиликнинг менга эҳтиёжи бор-да. Ошиғим олчи, ялло қилиб юрибман.

Бунга жавобан Ҳақиқат шундай дебди: – Рост, тўғри айтдинг, эгри бўлсанг ҳам. Сен ҳодисалар рўй берган жойда, ўша пайтда ёлғон гапириб қутулиб қоласан ўзингча. Гард юқтирмай ёлғон сўзлаб, лаганбардорлик билан қутулсанг бўлгани. Кейини, оқибати сени қизиқтирмайди. Аслида мен сенга ачинаман. Инсон сен туфайли афсус ва надоматларга қолади. Чунки хато иш қилаётганингни билмайсан. Сенда виждон, шарм-ҳаё, иймон, поклик, тўғрилиқ, ҳалоллик, оқибат деган тушунчалар умуман йўқ. Яхшиям, бу тушунчалар сенга бегона. Бўлмасам бу покиза туйғуларниям булғар эдинг. Шунинг учун сенинг умринг қисқа. Гўё ёлғонни ишлатишинг учун ҳеч бир тўсиқ, қийинчилик йўқдай туюлади. Билсанг, энг катта гуноҳ алдашдир. Ўша пайтда ёлғончилар қутулгандай бўлади. Ҳалол, пок инсонларни алдагандай бўлади. Буни баъзилар бир-бирига айтишиб мақтанади ҳам. Лекин аслида ўзларини ўзлари алдайди. Ҳар бир айтилган ёлғон гап уларни янада виждонсиз, иймонсиз, пасткаш қилаверади. Шунинг учун сени, яъни Ёлғонни – такаббурлар, ёлғончилар, худбинлар, нокаслар, пасткашлар, туҳматчилар, иккиюзламачилар, иймонсизлар ишлатади.

Ҳақиқатни ўша пайтда айтиш ниҳоятда оғир. Бу жуда катта масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварликни, довюракликни талаб қилади. Мардлар ҳақиқатпарварликлари эвазига жондан ҳам кечдилар. Аммо ҳар бир айтилган, айтилаётган, айтилажак Ҳақиқат келажакда ўзининг ижобий натижасини берибгина қолмай, инсонни янада тўғрисўз, ҳақиқатпарвар, виждонли, ий-

монли, ҳалол, ватанпарвар қилади. Ҳар бир Ҳақиқат, вақти келиб келажакда ўзининг мевасини, албатта, беради. Ҳақиқат Ҳақга яқин бўлади. Ҳақиқат эса эгилади, букилади, лекин синмайди. Шунинг учун менинг умрим боқийдир!

Ҳақиқат ғурур билан ва ўз йўлидан дадил юриб кетибди.

МУҲАББАТ

Одам Муҳаббатни топишга аҳд қилибди. У яшаётган Заминда икки дунё мавжуд бўлиб, бирини моддий, иккинчисини маънавий олам дер экан.

Инсон аввал моддий дунёдан Муҳаббатни топишга астойдил киришибди. Чунки моддий дунё аниқ, оддий, тушунарли экан-да. Бу ерда, ҳойнаҳой, Муҳаббатни топиш осон бўлса керак, деб ўйлабди. Бу йўналиш билан инсон аста-секин паст-баланд билан таниша бошлабди. У бу оламнинг моҳиятини роса ўрганибди. У бу моддий оламда ҳеч нарса бекордан бекор қилинмаслигини англабди. Бу жойда бажарган ҳаракатинг, меҳнатинг учун ҳақ оласан. Ёрдаминг, хизматинг эвазига тақдирланасан. Қилган ёмон амалинг учун жазо оласан. Ахир бунинг нимаси ёмон?!

О, бу моддий дунёда севишиш нақадар осон, аммо уни сақлаб қолиш ниҳоятда қийин. Нимага дейсизми? Биринчидан, доим бир хилда севиш жуда мушкул. Иккинчидан, сени ҳам худди шундай миқдорда севадиган мардни топиш ундан ҳам мушкул. Моддий дунёнинг моҳияти – сендан угина, мenden бугина.

Бу ердаги муҳаббат бир қарашда жуда жўн, оддий, ажойиб. Лекин бу муҳаббат моддий дунёдаги олди-бердини ичида жуда эшилиб, қисилиб, мураккаблашиб кетган. Ўзининг асл моҳиятини аллақачонлар йўқотиб улгурган. Бу моҳиятнинг янада (бизнинг наздимизда) ёввойилашиб кетишига асрлар ўз таъсирини кўрсатган бўлса, не ажаб. Тўғрироғи, шу вақтлар оралиғида яшаган инсонларнинг муҳаббатга бўлган муносабати шундай бўлган.

Кўз олдингизга баланд дорда юраётган дорбозни келтиринг. Қўлида «лангари», яъни муҳаббатиям бор. Сал ўннга оғсаям йиқилади, чапга оғсаям йиқилади. Севгилисидан кам севсаям йиқилади, кўп севсаям йиқилади. Бечорага жуда қийин. Сиз бир умр дорда юра оласизми? Менимча, йўқ. Кейин бу мувозанатни рўзгорнинг оғир-енгили, фарзанднинг дунёга келиши ўзгартириб юборади. Бунга ҳеч ким айбдор эмасдай туюлади. Аслида улар асл, ҳақиқий Муҳаббат қандай бўлишини билмайдилар, холос. Бу моддий дунёнинг йўли, талаб қиладиган хуни деб ўйлашади. Чунки у Инсонга бераётган ҳар нарсаси учун нимадандир кечишни, «қурбонлик» қилишни талаб қилади-да. Катта нарса учун катта, кичик нарса учун кичик. Албатта, муҳаббат учун каттарок «нарсани» талаб қилади.

Туғилган чақалоқ йўқликни тарк этиб мавжуддикка айланади. Болаликни тарк этиб, ўсмир бўлади. Ёшликни тарк этиб, кекса бўлади. Тирикликни тарк этиб, абадиятга эга бўлади. Бу моддий дунёда ҳисоб-китоб шунчалар аниқ ишлайдики, ҳайратдан ёқангни ушлайсан. Юмшоқ диван, ўриндиқларда ором олишни хуш кўрганлар бу қулайликлар учун бадални соғлиқлари билан тўлайдилар. Моддий олам муҳаббати билан яшаётганлар даставвал ўзларини жуда бахтли ҳис қилишади. Кўп ўтмай улар ҳар хил «ноҳақликлар» билан тўқнаш келадилар. Асосан, дўстлик, севги бобида. Мен уни дўст деб юрсам, у ўтакетган аблаҳ экан?! Мен уни муҳаббатим деб юргандим, бунга арзимас экан, қабилидаги гап сўзларни эшитиб қоласиз. Чунки «жабрланганлар» ўзлари англамаган ҳолда ҳамма нарсани пулга чақадилар, ўлчайдилар. Ҳатто дўстлик, муҳаббатни ҳам. Моддий олам муҳаббатини чин муҳаббат деб юрганларга жуда алам қилади-да. Ахир, уни жуда каттик севса. Унга жавобан эса ўзини севмасалар. Ношукурлар. Берилаяпти, лекин олинмаяпти-да. Ҳеч бўлмаса қайтимини берса ёки кетган харажатни тўласа бўлармиди. Ахир дўстига қанча «яхшиликлар» қилган эди-да. У эса бу «яхшиликлар»ни бил-

мади. Қайтармади. Мақтамади. Тез-тез эсга олмади, номард. Мана сизга моддий оламдаги «моддий дўстлик», «моддий муҳаббат». Ахийри, Инсон моддий оламда чин муҳаббатни топа олмаслигини англабди.

Шундан сўнг Инсон маънавий оламдан чин Муҳаббатни излаб топишга киришибди. Кириши билан унга меҳр-муҳаббат билан борлиқ: «Хуш келибсиз, азизим!» дегандай туюлибди. Ҳаммаёқ топ-тоза, покиза экан. Дарахтлар гуркираб ўсган, гуллар яшнаётган, булбуллар хониш қилаётган эмиш. Нақ жаннатнинг ўзгинаси. Ҳар хил гулларнинг ажиб ҳидлари димоғига урилибди. Инсон ҳайрону лол бўлиб, атрофга аланглабди. Бу маънавий оламда кичик каттани ҳар доим ҳурмат қилган. Ҳамма бир-бирига ёрдамга ошиқар, бир-бирларига меҳр-муҳаббат билан илтижо қилишаркан. Ҳамманинг қалби пок эмиш, хуш кайфиятда юришаркан. Бир-бирларига кўмак беришдан бошлари осмонга етаркан. Ҳар бир банда бошқа бандага кўпроқ ёрдамим, яхшилигим, савобим тегсин, дер экан. Маънавий дунёда ҳамма бой эмиш.

Бу ерда бермоқ бору, олмоқ йўқ экан. Бева-бечоралар, етимлар, мискинлар иззатда экан. Ҳамма маънавий дунёда аҳил, иноқ, тўқ яшар экан. Бу ерда Инсонни лол қолдирган яна бир нарса, яхшилик қилинар экан-у, жавоби кутилмас экан. Ёрдамни қилар экан-у, уни хотирада сақламас экан. Ўнг қўл билан қилинган яхшиликни чап қўл сезмас экан. Савоб қилинган одамдан яхшилик қайтишига умид ҳам қилмас экан. Бу маънавий дунёдагилар ўз «ҳамён»ларини фақат яхшилик, ёрдам, савоб билан тўлдиришаркан. Фақат шу ҳақиқий бойлик ҳисобланар экан. Шу ҳақиқий бойликлари ўзлари билан абадий қолишига ва кўпайишига ишонишар экан. Ҳазрати Инсоннинг назари рўпарасида турган ажойиб, тасвирлашга тил ожиз бўлган гўзал бир мавжудотга тушибди. Шунда овози титраб:

– Сен кимсан, – дебди.

– Мен Муҳаббатман, – дебди мавжудот. Инсон бир қарашда бу муҳаббатнинг ҳақиқий Муҳаббат эканлигига ишончи комил бўлса-да, унинг моддий муҳаббатдан қандай фарқи борлигини сўрашга жазм қилибди. Муҳаббат шундай деб ўз сўзини бошлабди.

– Агар мен бирор-бир инсон қалбига жо бўлсам, у одам фақат севади. Мен танлаган инсонни севсаям севади, севмасаям севади. Ёшлигида ҳам севади, кексайгандан кейин ҳам севади. Соғлигидаям севади, хасталигида ҳам. Бойлигидаям севади, камбағаллашиб қолса ҳам севади. Тириклигидаям севади, оламдан ўтгандан кейин ҳам севаверади. Мен назаримни устки қобикқа эмас, асл моҳиятга, қалбга қаратаман. Қалбда эса на шакл, на салмоқ, на ранг, на ёш бор. Қалбда эса фақат меҳр-муҳаббатга жой бор. Унинг устига мен ўзим учун ҳеч нарса сўрамайман, ҳеч нарсага даъво ҳам қилмайман. Менда «мен» ва «биз» бўлмайди. Менда фақат «у» бор, холос. Шунинг учун севган инсон бутун борлиғи билан бошқа бир инсонга нафи тегишига интилади. Хоҳ моддий, хоҳ маънавий жиҳатдан чин дилидан ҳаракат қилади. Унга яхши бўлсин, унга нафим тегсин, у зерикмасин, у хурсанд бўлсин деб жон-жаҳди билан ҳаракат қиладилар. Ахир кимгадир ёрдам беришнинг ўзи бахт эмасми? Айниқса, яхши кўрган инсонингга. Мана шу ҳақиқий, чин муҳаббат бўлади. Мен туфайли оила қурганлар том маънода бахтли бўлишади. Чунки ошиқ-маъшуклар то умрларининг охиригача, бири иккинчисини ёки бир-бирларини эъзозлаб, парваришлаб, кўмаклашиб, севишиб ўтишади. Ким биринчи бошлашини кутиб туришмайди. Бунинг аҳамияти ҳам йўқ. Энг асосийси – севиш, – дебди Муҳаббат.

Инсон жиддий саволлардан бирига жавоб топганидан боши осмонга етибди. Инсон бу икки Муҳаббатнинг ҳар хиллигини, бир-биридан тубдан фарқ қилишини англабди. У чин муҳаббатнинг ёлғон муҳаббатдан фарқини, уни қаердан излашни ва қидириб топишни билиб олибди.

ЭЛЕКТРОН НИҚОБ

(хаёлий ҳикоя)

2025 йилнинг баҳор айёмларидан бирида дўконларни айланиб келишга қарор қилдим. Мен бормоқчи бўлган дўкон бошқаларидан фарқ қилади. Буюртма берсам ҳам бўларди. Лекин ўзим кўзим билан ниқобни кўриб, кейин сотиб олишни афзал билдим. Қизиқ, қайси транспорт воситасидан фойдалансам экан? Ер сиртида муаллақ сузиб юрувчи машиналарданми ёки замонавий метроданми?

Ёки дўконнинг ўзини чақирсаммикан? Дўконни овора қилиш ярамайди. Менга бир нарсa керак, деб улгурмасингиздан телефон рақамингиздан манзилингизни аниқлашади. Сўнгра эса гўшакни кўймасингизданоқ важоҳат билан «пишиллаб» катта юк машинасига жойлаштирилган кўчма дўкон эшигингиз олдига келиб тўхтайди ва кўнғироқ жиринглайди. Эшикни очсангиз, кўзингиз жилмайиб турган савдо агентининг чехрасига тушади. Ўйланиб қоласиз. Бу ҳақиқийми ёки сунъий? Балки ўртамиёнадир? Одамсимон Роботларни ишга олиш бошида ҳамма учун қизиқ эди. Ҳозир эса бу оддий ҳолга айланди. Худди телевизор ёки музлаткичдай. Тавба, ҳамма нарсага кўникар экан киши.

Кўшним яқинда шунақалардан биттасига уйланган эди. Бунинг нимаси янгилик дерсиз. Шошилманг, бу ҳали ҳолваси. Дастурни «уй бекаси»дан «йога тренери»га адаштириб юборибди. «Тез ёрдам» келгунича бечорани арқондай эшиб ташлабди. Яхшиям билагида қон босимини, тана ҳароратини, кайфиятини ва ҳоказоларни аниқлайдиган қурилмалар жойлашган билакузук бор экан. Қараса, хўжайиннинг мазаси йўқ, ваҳима кўтарибди. Сўнг қурилманинг ўзи «Тез ёрдам» чақирибди. Тиббий ёрдамдан кейингина зўрға хушига келибди. Бир ойдан кейин касалхонадан чиққанида кўришга борганимда ҳалиям баданидаги кўкарган излар кетмаган эди. Юролмаяпти бечора. «Ҳа кўшни, нима бўлди?» десам, «кўяверинг, дастурни адаштириб юбориб-

ман, у ёғи нима бўлганини эслашга ҳам кўрқаман», дейди. Эс-эс ёдида қолганларини айтиб берди, холос. Нилуфар гули ҳолатида ўтиришга мажбурлабди. Бошида бундай туриш ярим соат давом этибди. Бу ҳам майлику-я, шпагат ўтиришга роса мажбурлабди. Шўрлик тутилганига роса пушаймон бўлибди. «Яхшиям «Шарқ яккакураши тренери» дастурига созламаган экансан», дедим хаёлимда. «Ана унда кўрардинг онангни Учқўрғонда, худо бир асрабди».

Шундан кейин анчагача оқсоқланиб юрди бечора. Робот хотинини мутлақ ўчириб қўйибди. Бунга ҳам қаноат қилмай, қўлларини боғлаб, аккумуляторини ҳам ечиб олибди.

Ҳа, нима деяётувдим-а. Ие, етиб келибман-ку. Метро лифтидан тепага кўтарилдим. Рўпарамдаги бинонинг ойна эшигини икки четида иккитаси (қанақалигини билмайман, яъни ҳақиқийми, сунъий) бошлари ерга теккудек салом беришади. Фойедаги дўконнинг уч ўлчамдаги голографик макетини кўздан кечириб, мен излаётган бўлманинг қаерда жойлашганини билиб олдим ва 287-қаватга бир зумда кўтарилдим. Ҳа, бу ўша интернетда кўрган бўлмам. Сотувчи ҳам ўша-ўша. Қизиқ, буларни махсус равишда жилмайишга ўргатадими ёки дастурлайдими?! Балки ниқобдан текин фойдаланиш ҳуқуқи берилгандир. Нима фарқи бор, керагини олгин-у кет, дедим ўзимга. Секингина гап бошладим: «Маъзур тутасиз, хоним, менга мағрурликни, зикналикни ва ҳасадни йўқотувчи, ҳеч бўлмаса, камайтирувчи ниқобингиздан берсангиз. Ҳа, айтгандай, ўзи қанча туради?»

- Олдин ниқобнинг имкониятлари билан танишинг. Биринчидан, сизга бир нечта ниқоб олиш шарт эмас. Универсаллари ҳам бор. Буларнинг функциясига ўнтадан то мингтагача салбий қирраларни йўқотувчи электрон дастурлар мажмуаси жойлаштирилган. Албатта, нархиям шунга қараб ошиб боради. «Кечирасиз, сизга уй лексиконига мослаб гапирайми ёки илмий тилдами?» Сотувчи қиз менинг тафаккур кучимни, яъни интеллект бойлигимни сўрашга жазм қилолмади, шекилли. Тўғрироғи, мени ноқулай аҳволга солгиси келмади. Албатта, кулоққа тақиладиган

миттигина таржимонларнинг чиққанига анча бўлган. Улар нафақат тилларни, балки ўта мураккаб фан терминларини ҳам уй бекаларига тушунарли тилда билдиради. Худога шукур, ҳозирча бундай матоҳларга менда зарурият йўқ. Унақасигаям, бунақасигаям гапираверинг, дедим. Универсалини олиб берингчи. Марҳамат, олинг! Ниҳоят, қўлимга кўпдан орзу қилганим ниқобни тутқазишди. Салмоқликкина. Кўриниши ҳам бежирим, чиройли. Энг асосийси ишлашида. Кўрамиз қандай ишлар экан? Ҳамма гап шунда. Ўйланиб қолганимни кўриб сотувчи қиз, хоҳласангиз синаб кўришингиз мумкин, деб қолди. «Марҳамат», деб мени синаш хонасига кузатиб, эшикни ташқаридан маҳкам ёпиб қўйди. Безовталанганимни кўрди, шекилли, овоз динамикасидан ёқимли таниш овоз жаранглади. Тинчланиб, бемалол ва хотиржам бўлишимни маслаҳат берди. Бунинг унчалик хавфли жойи йўқ, деб кулиб қўйди. Унда эшикни ёпишнинг нима ҳожати бор, деган фикр хаёлимдан ўтди. Худди фикримни ўқигандай, бу сиз ва бизнинг хавфсизлигимиз учун керак, деб қўшиб ҳам қўйди. Ҳозирча бу гапнинг маъносини охиригача англамаган бўлсам ҳам, лекин қизиқиш устунлик қилди. Қўлимдаги электрон ниқоб солинган қутини айлантириб кўздан кечира бошладим. Ичида инструкцияси ҳам бор экан. 103 та тилга таржима қилинган. Оббо, шоввозлар-ей. Эринмай шунча тилга ўгиришибди. Ҳа, айтгандай, хорижий мижозларнинг интернет орқали буюртма берувчилари ҳам кўп бўлса керак, ҳойнаҳой. Синчковлик билан ўзбек тилида ўқий бошладим. Феъл-атворни ёқимли қилувчи махсус электрон ниқоб. Қисқартирилиб: ФАЁҚМЭН деб ёзиб қўйилган. Электр тармоғидаям, митти аккумулятордаям ишлар экан. «Яхши» дедим ўзимча. Хўш, мана феъл-атворнинг салбий ва унинг акси бўлмиш ижобий кирралари. Тушунарли. Демак, қайси салбий киррани текисламоқчи бўлсак, унинг акси бўлмиш ижобий тарафини «бойитмоқ» керак.

Сахийликни танладим ва ниқобни шунга мосладим. Керакли дастур ишга тушди. Юзимга тақиб, тугмачани босдим. Сканер юз тузилишимни текширди. Махсус дастур ниқобдаги мураккаб

электрон тизимни менинг индивидуал юзимга мослади. Митти электродчалар юзимдаги биологик фаол нукталар (БФН) асаб тизими ва мимика мушакларини аста-секин ва бирин-кетин ишга сола бошлади. Гўё юзимда бир талай чумолилар юргандай. Бироздан сўнг кўника бошладим. Рўпарамда катта тошойна. Қўлимда масофадан бошқариш пульти. Шунгайм қаноат қилмай кучайтиргич тугмасини босдим. Митти электродчалар олдинига юзимдаги мимика мушакларини бирин-кетин массаж қилиб, кейин эса олдинма-кейин қисқаришга «мажбурлай» бошлади. Беш дақиқадан кейин атрофга алангладим. Икки қўлим чўнтагимда. Ҳамёнимни чиқариб, атрофга синчков термилиб, кимларнидир қидирипман. Қани энди бирор гадо пайдо бўлса, бор-йўғимни бериб тезроқ кутулсам. Кийимларимни еча бошладим. «Ўзи менга нима бўлди», деб овоз чиқариб гапириб ҳам қўяман. Динамикадан сотувчи кизнинг кулгиси қўнғироқдек жаранглайди. Менчи, парво қилмайман. Кредит карточкам эсимга тушиб қолди. Шошиб, терминал излайман... Қани энди топсам. Динамикадаги кулги кучайди. Менга эса бу кулгилар таъсир ҳам қилмайди. Бир зумда онадан қандай туғилган бўлсам, салкам шундай бўп қолдим. Аскар ҳам бундай тез ечинмаса керак. Ҳатто қўлимдаги қимматбаҳо швейцария соатини ҳам ечиб, полга улоқтирибман. Бу ҳам майлику-я, туморимниям қўшиб отиб юборибман. Яхшиям, ясама жағ-пағим йўқ, бўлмаса уларниям баҳридан ўтардим. Таъсирчан эмасманми, сотувчи кизга роса кулги бўлдим-да. Бу аҳволимни интернетга чиқариб юбормаса гўрга эди. Бундан кўра ўлганим яхши. Боя қўлимда турган масофадан бошқариладиган пулт ҳам йўқ. Атрофни кўздан кечириб, полда ётганини кўрдим. Дарров олиб, «тўхтатиш» тугмасини босдим. Қарасам, кип-яланғочман. Шарманда. Яна тошойна қўйганига ўлайми. Аксим мендан ҳам баттар. Уятдан икки бетим бахмал олмадай кизариб кетди. Тезда кийимларимни кийдим. Соатни қўлимга тақиб, ўпиб ҳам қўйдим. Йўқолмаганидан хурсанд эдим. Пулларимни текширдим, кредит карталарни ҳам. Худога шукр, ҳаммаси жойида. «Уфф» деб чуқур-чуқур нафас олардим. Ўзимни таниёл-

масдим. Бу тушми, ўнгимми? Во ажаб. Қишда биров қор сўраса ўйланадиган одам, бирпасда бор-йўғидан айрилса-я. Тавба. Миямга уйда худди шундай хона ташкил қилиш фикри чакмоқдай келди. Хона деворларини бакуват қилиш керак. Иложи бўлса зирхдан. Нега куласиз? Фараз қилинг, никобни тақиб хаёл билан кўчага чиқиб кетсангиз. Унинг устига сахийлик сиз билан. Бир зумда қип-қизил гадойга айланасиз. Мана сизга замонавий Ҳотами Той. Менимча, Ҳотами Той ҳам сизга ҳавас қилса керак. Чунки олам бино бўлиб ҳали ҳеч ким бунчалик сахийлик қилмаган-да. Бу воқеадан кейин сабрни кучайтираверасиз. Агар никобни ҳам ҳадя қилишга улгурмасангиз, албатта. Йўқса, юрак хуружи бўлиши аниқ.

Никобни бошқа «қирра»га мослаштириш учун каталогдан тахминан ўзимга ёққанини излай бошладим. «Хушчақчақлик!» Буниси менга ёқади. Башарасини ғишт қилиб юрганларни жиним ёқтирмайди. Турки курсин, бирам совуқ-ей. «Нармални» қилиб юр башарангни! Нима фақат сенга қийинми бу ёруғ дунёда? Ҳали мен дунёга келиб бирор-бир одамнинг «яшаш менга осон», деганини эшитмадим. Фақатгина сенинг ишинг юришмаяптими?! Омадсизлигинг учун мен ёки бошқалар айбдорми-Балки туғилган жойинг айбдордир? Ота-онанг ёки об-ҳаво? Яна баъзилар уялмай-нетмай, бугун ҳаво айниди, дейди-я. Шундай пайтда мен ҳам шартта: «сут айнийди, ғўшт айнийди, одам айнийди, лекин об-ҳаво айнамайди, балки ўзгаради» дейман. Балки жинсинг, миллатинг айбсиз айбдордир? Юлдузлар фазода, таъбирингга қараб жойлашишини айтмасак ҳам бўлаверади. Айб ўзингда, жўра. Буни фақат тан олгинг келмайди. Бошқалардан айб қидириш энг осон. Масъулиятни бўйнингга олгинг келмайди. Агар мана бу никобдан олиб, кунига ҳеч бўлмаса ўн беш дақиқа шуғуллансанг эди, башаранг ғишт кўринишидан юз кўринишига ўтармиди. Турқ кўринишидан чехра кўринишига айланармиди! Янаям билмадим. Бу ғишт эмас, бетоннинг ўзгинаси. Ғиштниям эговласа, текисланади, бетонни фақат боскон билан савалаш керак. Майли жўра, турқингни реклама қилишга менда ҳозир вақт

йўқ. Кўзингни олайтириб, ҳаммани кўрқитиб юравер. Фақат яқинларингга ачинаман, уларга қийин. Ҳар гал улар сендан янада кўпроқ хафа бўлишади. «Нимага мени ҳеч ким яхши кўрмайди, севмайди?» дейсан. Сени яхши кўриш у ёқда турсин, ёнингга йўлашга кўрқади-ку одам. Сал қизишиб кетган бўлсам, узр.

Ойнага қарасам, ўзимнинг ҳам аксим унчалик юзни эслатмаяпти. Шунинг учун ниқобни башарамга, йўғ-ей бетимга тақдим. «Сехрли ниқобча» ўз кучини кўрсата бошлади. Аввалига ҳиринглашга ўтдим. Кейин кулиб ашула айта бошладим. Ундан сўнг қаҳ-қаҳ отдим. Бир маҳал ўзимга келсам, қўлларим қорнимни чангаллаган кўйи букчайиб, полда ётибман. Анча кулибман. Кейин билсам, сотувчи қиз кута-кута хавотирланиб, эшикни очиб елкамдан ушлаб, «Ака, ниқоб ёқдими?» дейди. Кулгидан ўзимни тўхтата олмай зўрға «ҳа-ҳа» дейман. Пультнинг тугмачасиниям босолмайман. Яхшиям сотувчи қиз ёрдамлашиб юборди. Бўлмаса кулавериб пультни яна йўқотиб қўярмидим, билмадим. Ниқоб таъсирини йўқотгандан кейин аста-секин ўзимга келиб, ўрнимдан турдим. У ёқ-бу ёқларимни обдон тўғриладим. Сочларимниям тараб, силкитиб қўйдим. Кулгидан қорним оғриб кетибди. Махсус хона мавжудлигига, темир эшигининг кулфланганига мана энди тушундим. Бу ҳаммаси хавфсизлик юзасидан. Асосан менинг фойдамни ўйлашгани аниқ.

Пештахтага келиб, «Қанча туради? – дедим. «Бир минг тўрт?!» Ҳа яхши, – дедим. Ҳаракат қилсам, бир-бир ярим ойларда бу миқдордаги маблағни топишга улгураман. Журналга қўлим билан ручкада шундай деб ёзиб, имзо чекдим:

«Мен Шухрат Суяндик ўзбекистонликларни 2325 йил – бугундан бошлаб икки ой ичида бир минг тўртта фуқаросига савобли иш қиламан, деб ваъда бераман. Уларнинг оғирини енгил қиламан».

Сотувчи қиз миннатдор бўлиб, қўлимга пакетга солинган кутидаги электрон ниқобни тутқазди. Мен эса хушчақчақ ҳолда яна феъл-атворимнинг қайси қирраларини ўтқирласам экан, деб ўз кулбамга равона бўлдим.

КЕЛАЖАК КИНТЕАТРИ

(бу хаёлий ҳикоя 1995 йил ёзилган)

2032 йил. Кинога тушмаганимга ҳам чамаси юз йиллар бўлди-ёв. Нима ҳам қилардим кинога тушиб. Шундоғам уйда диванда ёнбошлаб телевизор томоша қилишдан чарчамасам. Унинг устига кабель, сунъий йўлдош антенналари чиққанига анча бўлган.

Хамма жойда рақобат. Кино индустриясидаям. Кинотеатрлар ҳам фаол ҳаракатда. Болаларим кўярда-қўймай шаҳар марказидаги кинотеатрга боришга бир амаллаб кўндиришди.

– Уй кинотеатри бор-ку, – дейман. – Уйда кўраверинглар киноларингни.

Уларнинг эса парвойи палак. Йўқ, у ерда зўр эмиш. Экранни катта демаса, нимаси зўр?! Ўғлим:

– Дада, тиббий кўрик маълумотномангиз борми? – деб қолди.

– Нимага? – сўрайман ажабланиб.

– Кино кўришга-да, – дейди.

– Ҳей, ҳазиллашяпсанми?!

– Йўқ, беҳазил.

– Йўғ-ей? – дейман ишонмасдан!

– Ҳа, тиббий кўрик маълумотномасисиз кинога мутлақо кўймасмиш.

Тавба, кинотеатрга кириш учун тиббий кўриқдан ўтиш зарур эмиш. Булар жинни-пинни бўлиб қолганми? Болаларим мени кўярда-қўймай тиббий кўриқдан ўтишга кўндира бошлашди. Фарзандларинг учун нималар қилмайсан. Майли, тиббий кўриқдан ўтмаганимга ҳам юз йиллар бўлди. Ўтсам ўта қолай дедим. Бориб таҳлил учун намуналар топширдим.

Шифокор:

– Ака, эпилепсиянгиз йўқми? – дейди.

– У нима дегани, ука?

– Қуёнчиғингиз йўқми?

– Йўғ-ей, худо кўрсатмасин.

Ғалати хапдорилар номи ёзилган қоғозни кўрсатиб:

– Назепам, тезапам, феназепам, седуксен, реналиум, мазепам, элениум, радедорм, лепонекс, трифтазин, френолон, сонапакс, неулептил, попортим, циклодол, можептил, зглонил, нафранил, амитриптилин, бензонал, дифинин, суксилен, клоназепам – шулардан бирортасини истеъмол қилганмисиз?– деб сўради.

– Йўқ, – деб жавоб бердим.

Кейин қон босимимни, юрак уриш тезлигини, асаб тизимини, ҳаракат координациясини текшириб, кино к–рса бўлади, деган хулосага келиб, киришга рухсат беришди.

– Хайрият, кино кўрарканман, – дедим жилмайиб ўз-ўзимга.

Кулгим қистайди. Булар аниқ ақлдан озган. Битта кино кўришга шунча сарсонгарчилик. Яхшиям, кинода роль ўйнамаيمان. Бўлмаса куним тиббиёт муассасасида ўтармиди? Билмадим. Ниҳоят, оиламиз билан ҳаммамиз тиббий маълумотномаларимизни қўлга олиб, ёппасига шаҳар марказидаги кинотеатрга бордик. Хайрият, чипта сотиб олиш муаммо эмас. Кўчаларга ўрнатилган терминалларга буюртма берсангиз бас, бирпасда уй-ингизгача олиб келиб беришади. Кинотеатрга кираверишда икки ёш ўспирин табассум билан таъзим бажо айлаб бизни қарши олишди. Ўтинглар-ўтинглар, деб ичкарига таклиф қилишди.

Кинотеатр назоратчиси тиббий маълумотномаларимизни бирма-бир синчиклаб текширди. Ҳаммамизга фазогирлар скафандрига ўхшаб кетадиган костюмлар беришди. Каска, қўлқоп, оёқ кийимлари ҳам бор.

– Қизиқ, буларнинг нима кераги бор, – дейман.

Олган кийимларни ағдариб кўраётган эдим.

Рўпарамда кинотеатр ходими кўринди ва олдимга келиб:

– Ака, ёрдам керакми? – деб қолди.

– Ука, бу кийимлар нимага керак? – дедим. – Шуларни кийиш шартми?

– Албатта! Бу махсус кийимлар кинофильмнинг тўла-тўқис моҳиятини, бор имкониятини очиб бериш гаровидир. Кийимлар ичига махсус датчиклар жойлаштирилган. Иситиш ва совитиш тизими ҳам бор. Кийим ташқи таъсирларга ҳам ўта чидамли. Масалан, олов, муз, ўқ ва снаряд парчаларини ўтказмайди.

– Буларнинг нима кераги бор бизга?

– Ҳар эҳтимолга қарши, – дейди ходим. – Кирсангиз, ҳаммасини ўзингиз билиб оласиз. Каскадаги кўзойнак экрандаги тасвирни уч ўлчовли ҳамда зарур пайтда голографик рангли тасвир қилиб беради. Юқоридан тушадиган буюмлардан ҳимоя қилади. Оёқ кийими ҳам шундай. Оёқларни иситади, совитади, жимирилатади ва қитиқлайди. Кийимлар ўриндиқ курсисидagi штеккерга уланади. Залдаги ҳамма ўриндиқлар кийимлар билан биргаликда марказий компьютерга уланган.

Компьютер кинода рўй бераётган жараёнга мослаб махсус эффектларни ишга туширади. Ҳозир (айни пайтда) намоиш этилаётган кинолардаги макон, жойларнинг географик жойлашиши ҳақиқатдан ҳам Ер шарининг табиий жойлашишига мос келади. Экранда шимолӣ қутбда ёки экваторда жойлашган мамлакат пайдо бўлганда, компьютер автоматик тарзда залдаги ҳароратни ўша тасвирдаги ҳудуд ҳароратига мослайди. Макон ва замондан қатъи назар, компьютер маълумотлар базасига минг йиллар олдинги ўтган ва келаси замондаги об-ҳаво маълумотлари жойлаштирилган.

Масалан, Африка жазирамасида кийимлардаги махсус спираллар қизий бошлайди. Тана сирти ҳароратини тасвирдаги ҳароратга мувофиқлаштиради. Хоҳишингизга қараб роса маза қилиб терлайсиз. Тасвирдаги Арктика совуқларида кийимдаги митти музлаткич ишга тушади, истаганингизча совуқдан дағ-дағ титрайсиз.

Жанг кетаётган пайтда деворлардан ҳар хил ўқотар курулларидан ўқлар, масалан, камон ўқлари, найзалар, тош, ўқ парчалари отилади. Бўрон пайтида эса деворларга ўрнатилган улкан айланма паррақлар ишга тушиб, кучли шамол кўтарилади. Бу вазифаларни хоҳишингизга биноан янада кучайтиришингиз, пасайтиришингиз ёки ўчириб қўйсангиз ҳам бўлади. Креслолар ҳам махсус жиҳозлар билан бойитилган. Тасвирдаги ер сатҳи ўзгаришига монанд креслонинг баландлиги ўзгаради. Кресло юқорига, пастга, ўнгга, чапга ва айланма ҳамда тебраниш ҳаракатларини бажара олади. Каскада махсус хид трубкалари

ҳам мавжуд. Улар бурун катаклари остига жойлаштирилган. Тас-
вирдаги сюжетга қараб улар юзлаб ҳидларни етказа олади. Ма-
салан, кино қаҳрамони овлаган кийигини бутунлигича оловда
пиширапти, дейлик. Марҳамат, унинг ҳидини бемалол тўйиб
ҳидлашингиз мумкин. Ёки малика ётоқхонасида юзига атир-упа
суяпти. Унинг ҳам ёнгинасида пайдо бўлиб қолишингиз мум-
кин. Малика билан ҳазиллашишни маслаҳат бермайман. Чунки
кайфияти йўқ бўлса, тарсаки тушириб қолиши аниқ.

Бундан ташқари, шифт ҳам махсус жиҳозланган. Ёмғир пайти-
да шифтдан сув зарралари, қор пайтида қор, дўл пайтида ҳақиқий
дўл ёғади. Боя айтганимдай, бу функцияларни хоҳишингизга би-
ноан кучайтириб, пасайтириб ёки умуман ўчириб қўйишингиз
мумкин. Мутлақ ўчириб қўйишни маслаҳат бермаган бўлардим.

Навбат полга. Пол ҳам махсус жиҳозланган, у ўзининг сатҳини
ўзгартира олади. Экран тасвирида ер, бино силкинганда пол ҳам
силкинади, ер ёки муз сатҳи узгарганда пол ҳам ўз сатҳини тас-
вирдагига монанд ўзгартиради ва ҳоказо. Зал ичидаги ҳавонинг
намлиги, босими ҳам тасвирдагига монанд ёки хоҳишингизга би-
ноан ўзгаради.

– Ука, раҳмат, – дедим.

– Айтгандай, ёдимдан чиқай дебди-ку, креслонгизни ҳам
ўзингизга қулай ҳолатга келтиришингиз ёки манави тугмачани
боссангиз, автоматик тарзда ўзингизга қулай ҳолатга келтири-
шингиз мумкин. Хоҳишингизга кўра, бу юмушларни марказий
компьютернинг ўзи ҳам бажаради.

– Раҳмат, етади. Ҳаммасига тушундим, – дедим ҳеч нарсга
тушунмаган бўлсам ҳам. Қарасам, тўхтайдиганга ўхшамайди.
Яна бир оз тингласак, кинодан ҳам қуруқ қоламиз.

– Кийиниш хонаси қаерда? – дедим. Қўли билан ўша тарафни
кўрсатиб юборди шоввоз. Кийиниш учун алоҳида хоначалариям
бор экан. Кириб, ҳаммамиз кийиниб олдик. Худди фазогирларга
ўхшаймиз. Болалар ҳазиллашибми, чинданми, «дада сизга жуда
ярашди», дейди. Мен эса «эй», деб қўл силтайман. Тавба, Марсга
учяпмизми?! Ичкарига кирдик. Оддий кинотеатр. Отам замонида

ҳам салкам шундай эди. Маза қилиб ҳинд киноларини томоша қилардик. Дарвоқе, у пайтлар махсус кийим беришмас эди. Кийимларни кийиб, ўз ўринларимизга яхшилаб жойлашиб олдик.

Ўриндиклар автоматик тарзда мени танамга мослашди. Кинотеатр ходимлари кийим четидан чиқиб турган шнурни креслога жойлаштирилган штеккерга ўрнатишни маслаҳат беришди. Бажардим. Камарларни тақишга мажбурлашди. Худди самолёт салоида учишдан олдин стюардессалар камарлар тақилганини бирма-бир текширгани сингари, бу ерда ҳам қаттиқ назорат остида камарларни тақтирди.

– Самолётда учмаяпмиз-ку, – дейман норози бўлиб.

– Илтимос, ака, камарингизни яхшилаб тақиб олинг, дейишади. Уларни яхши мулойим муомаласи таъсир қилди, шекилли, камарларни яхшилаб тақиб олдим. Бирон-бир томошабин хавфсизлик камарини тақмаса, кинога қўйилмас экан.

Каска тепасида жойлашган кўзойнакни ҳамма пастга туширди. Мен ҳам кўзимга тўғрилаб, кино томоша қилишга тайёрлана бошладим.

Бир маҳал залдаги ёритқичлар секин хиралашиб, қоронғилик ҳукмронлик қилишга улгурмасдан экран ёришиб, кино бошланди.

– Ёпирай, мен қаерга тушиб қолдим. Тушимми ё ўнгимми? Ерми ё ўзга сайёра?

Бир маҳал сон-саноксиз лашкарлар икки тарафлама бўлиб жанг майдонида урушиш учун сафланишди. Ҳаммаси тиш-тирноғигача қуролланган. Кийинишига қараганда ўрта асрликлар бўлса керак. Қурол-аслаҳаларини қалқон ва совутларига тинмай уришади. Ҳаммаёқни тарақ-туруқ, шақир-шуқур темир овози тутиб кетди. Бир-бирини жангга чорлашаяпти.

Жанг-жадал бошланди. Қурол-аслаҳаларнинг жаранги кулоқларимнинг остида гумбурлайди. Ноғораларнинг бада-банги кулоқларни қоматга келтиради. Қаёққа қочишимни билмайман. Ахир қўлимда қўлқопдан бошқа ҳеч вақо йўқ-да. Қанийди, ёғочдан бўлса ҳам қиличим бўлса эди. Жангчилар қўлидаги

қиличларини сермашганда бошим ва танам ёнидан кескин товуш чиқариб ўтади. «Дод» деб юбордим. Отилган камон ўқларидан пусиб, чап бериб, бир амаллаб омон қолдим. Худога шукур. Бир маҳал Сахройи Кабирга чиқиб қолдик. Қай тараф дўст, қайси тараф душман – билмайман. Умуман, менга барибир. Тирик қолсам бўлди. Куёш шундай қиздира бошладики, қани энди бирор соя топилса. Агар ҳозир ёнимда ҳаммом бўлса, салқинлаш учун ичига кирган бўлардим. Ҳазиллашаётганим йўқ. Баданим мисоли оловдек ёнаяпти. Оғриқнинг кучидан чинқариб юбордим. Шу ерда ҳам тинч ўтиришмайди-я, бу шоввозлар. Яна жанг бошланди. Кимдир найза улоқтирди, яхшиям чап берибман. Шунга қарамай, барибир яраландим. Курол елкамни ялаб ўтди. Бир оз қон чиқиб, кейин иссиқдан қотиб қолди. Маслаҳат сўрайдиган одамнинг ўзи йўқ. Қалбимга қулоқ солдим. Ўзимга маъқул тараф га ўтдим. Жанг майдонида сочилиб ётган аслаҳалардан қилич, қалқон, совут олиб ўзимни яхшилаб куроллантирдим. Совутни ҳам кийиб олиб, роса жанг қилдим. Душманларнинг адабини бердик-да. Ахийри, тумтарақай бўлиб қочиб қолишди. Зўр келгандан кейин қочасан-да! Шамол эсиб, осмонни қоп-қора булутлар қоплади. Аста-секин шабада шамолга, шамол бўронга айланди. Бўроннинг кучидан қаттиқ тебрана бошладим. Қанча ҳаракат қилмай, йикитаман, дейди. Шу топ битта қатта чинор дарахти шохига ёпишиб оддим. Хайрият, томирлари бақувват экан. Бўлмаса осмон-фалакка ихтиёрсиз парвоз қилган бўлардим. Осмонда аскарлар гир айланиб тартибсиз учишади. Бўрон тинишга улгурмасдан ёмғир бошланди. Ҳамма жойни сомон ҳиди тутиб кетди. Бутун аъзои баданимни ёмғир томчилари савалаяпти. Ёмғир жалага айланди, кейин эса қорга. Совуқдан иягим шақиллай бошлади. Титроқ бутун танамга ўтди. Бор вужудим билан титрай бошладим. Кимдир вақт машинасини ишга тушириб юборди, шекилли.

Иккинчи жаҳон уруши. Бизнинг қўшинларимиз фашистлар билан Волга бўйида жанг қилишмоқда. Жанг қизигандан қизиган. Рўпарамдан фашистларнинг «Тигр» танкаси чиқиб қолди. Гранатани олиб, танк сари эмаклай бошладим. Пулемётдан ўққа тутишди номардлар. Ҳамма жойимни моматалоқ қилиб

юборишди. Қонга беланиб қолдим. Бор кучимни тўплаб, гранатани танк томон улоқтирдим. Танк кучли портлашдан тўхтаб қолди. Қалин тутун ичида қолган газандалар жон талвасасида димиқиб ёнаётган танкдан тушиб, ҳар тарафга қараб қоча бошлашди. Дўстларим билан ўққа тутдик, ҳаммасини ер тишлатдик. Ҳаммаёқда ўқлар ҳуштаги, портлашлар, ўқ парчалари... Вақт машинаси яна ўз кучини кўрсатди. Шу пайт қаердандир Оловиддин учар гилами билан пайдо бўлди. Ўзимни гиламининг устига отдим, шиддат билан жануб тарафга учиб кетдик. Бирпасда куёш нурлари танамни илтиб эркалай бошлади. Раҳмат деб, Оловиддиннинг елкасига уриб ҳам қуйдим. У бўлса менга қараб жилмаяди. Атроф кўм-кўк майсалар, гуллар, қизғалдоқлар билан бурканган. Ҳавони майсалар, гуллар ҳиди тутиб кетди. Тўйиб-тўйиб маза қилиб нафас ола бошладим. Бир маҳал қаердандир жин бўлиб жин эмас, дев бўлиб дев эмас, аждарҳо бўлиб аждарҳо эмас, билмадим, қандайдир жирканч махлуқ пайдо бўлиб, иккимизни кува кетди. Оғзидан олов пуркайди. Ҳансираб тез-тез нафас ола бошладим. Ана етади, мана етади. Олдинда виқорли тоғлар кўрина бошлади. Роса қувишдик. Яхшиям гилам тез учар экан. Чаққонлик билан тоғ ғоридан ичкарига кириб кетдик. У бўлса ғорга сиғмай, бўкириб, бир кўзини ғор оғзига тираб олайтиради. Хайрият, бир балодан қутулдик-ей. Ғор ичи қоп-қоронги. Фақат олисдан ёруғлик кўринади. Бориб қарасак, ёниб турган икки кўз экан. «Буёғига ўзинг кетасан», деди Оловиддин. Омонлашиб, кучоклашиб хайрлашдим. Тўғрироғи, видолашдим. Бир ўзим. Танҳоман. Қоронғилик оғушида ёниб турган икки кўзни инобатга олмаганда атроф зим-зиё. Пишиллаш кучайиб, даҳшатли тус ола бошлади. Юрагим гурсиллаб, қаттиқ тепиб ура бошлади.

«Бу синов, жўра», дейман ўз-ўзимга далда бериб. Шу пайт рўпарамда улкан аждарҳо пайдо бўлди. Мардликни намоён қилиш пайти келди. Ерни пайпаслай бошладим. Яхшиям, қўлимга қандайдир қилич илинди. Икки қўлим билан қилични маҳкам ушлаб, аждарга қақшатқич зарба бердим. Таъсир ҳам қилмади. Устидаги тангалари қалин пўлатдан ясалгандай, миқ

этмайди. Мисоли зирҳли совут кийиб олгандай бардошли. Менга сал тегиб кетса борми, учиб бориб қояларга уриламан. Оғрикқа зўрға бардош бераман. Бакириб юбормаслик учун тишимни тишимга қўяман. Ғор ичидаги тошлардан ушлаб, чакқонлик билан тепага чиқа бошладим.

Пастда эса аждарҳо орқа оёқларида тик туриб оғзидан олов пуркайди. Танам куя бошлади. Устимдан тутун чиқаяпти. Таваккал, деб ўзимни аждарҳо устига отдим. Унинг бўйнига келиб тушдим. Бўйнига миниб олиб, кўлимдаги қилич билан бошига кетма-кет зарба бера бошладим. Яна, яна ва яна. Қиличнинг ўткир тиғи аждар калласини тилка-пора қилиб ташлади. Ниҳоят, аждар жон таслим қилди ва пастга қулай бошлади. Ўзимни мажбуран ерга отдим. У эса тўғри устимга қулай бошлади. Жон ҳолатда ўзимни яна ён тарафга отдим. Аждар гурсиллаб мен қочган ерга қулади. Ер ларзага келди. Атрофийи аждар калласидан чиққан қон аралаш миянинг қўланса ҳиди тутиб кетди. Мен ўзимни ирғитган жой ер десам, муз экан. У дарз кетиб, пастга қулай бошладим. Жарликка қулаётганимни кўриб, бакира бошладим. Ниҳоятда чуқур экан. Ҳаётимнинг охири шу ерда экан, пешонамга ёзилгани шу экан, дедим ўзимга. Хайр, алвидо дўстлар. Кўз олдимдан бутун ҳаётим лип-лип ўтди. Кейин шапиллаб сувга тушдим. Ўликманми, тирикманми, билмайман. Секин икки кўлим билан ўзимни пайпаслай бошладим. Хайрият, тирик қолибман. Омон қолдим. Бир амаллаб кирғоққа зўрға эсон-омон судралиб чиқдим. Сўнгги кучимни тўплаб, зўрға чалқанча ётиб олганимча осмонга қараб чуқур-чуқур нафас ола бошладим. Юрагимнинг дукиллаши ўзимга эшитилади. Ҳали тўлиқ ўзимга келишга улгурмасимдан қулоғимга кимнингдир гапи чалинди:

– Дада?! Дада!! Дада!!! Туринг, уйга кетамиз. Кинода эканим ёдимга тушди. Худога шукур. Хайрият, кино экан! Дарров каскани ечиб, болаларимни маҳкам қучдим. Тиббий кўрикнинг нимага кераклигиниям, хавфсизлик камариниям энди тушундим. Бундай кинони кўргач, унча-мунча одамнинг ўтакаси ёрилиб ўлиши ҳеч гап эмас экан-да.

ПАРВОЗ ЗАВҚИ	Кичик бизнес ва интуиция.....	105
Инсонийликнинг уч хил	Мақсадлар.....	109
кўриниши.....	Ички моҳият.....	110
Биржа, валюта биржаси ҳақида	Ота гени кучлими, она гени?.....	111
фикрингиз.....	Фарзанднинг киз ёки ўғил бўлиши	
Ўн саккиз минг олам ҳақида.....	кимга боғлиқ?.....	111
Одам наслини давом эттирувчи	Қариндошлар билан куда-анда	
генофондлар қаердан пайдо	бўлиш мумкинми?.....	112
бўлган?.....	Эр ва хотин орасидаги ёш оралиғи	
Индиго аураси – мовий ранг	қанчага фарқланиши керак?.....	114
болалар.....	Пулга мухтож одамга ёрдам	
Кимга ва нима учун пул, товар	бериш керакми?.....	115
берилади?.....	Ишбилармоннинг топармондан, то-	
Шахсий бизнесни бошлаганда	пармоннинг тутармондан фарқи...	116
четдан бериладиган кўмакнинг	ОЛАМ МУВОЗАНАТИ	
оқибати.....	Муқаддима.....	120
Хафагарчиликлардан, дилхиралик-	Университет.....	123
лардан, ғазабдан қандай қутулиш	Сафарга тайёргарлик.....	124
мумкин?.....	Ҳиндистонда.....	126
Инсон – буюк мўъжиза!.....	Тоғда тош йўниш.....	129
Амалга ошмайдиган иш.....	Россия киши.....	131
Туш ҳақида.....	Иссиқнинг иши.....	132
Маълумот қабул қилаётганда уни	Учрашув.....	139
қандай тинглаш аҳамиятлими?.....	Сўзсиз мулоқот.....	147
Маънавий юксалиш.....	Зикр.....	158
Ишонч.....	Игорь нусхасининг уйга қайтиши.....	160
Туғилиш ўлимга яратилган	Рух саёҳати.....	168
имкондир.....	Синов.....	176
Фарзандлар тарбияси.....	Ўн иккилик.....	180
Шогирд, кадрлар тайёрлаш.....	Танаффус.....	191
Еттинчи туйғу.....	Устмо Москвада.....	193
Қийинчиликларни енгиш.....	Кутубхона.....	195
Интуицияни кодлаш усули.....	Игорнинг китобни очмай ўқишга	
Болалар интуициясини мукаммал-	уриниши.....	199
лаштирадиган машқлар.....	Масофадан гаплашиш усули.....	200
Бизнес йўналишлари.....	Белгилар.....	202
Интуиция.....	Танаффусдан кейин.....	203

Игорнинг ўзи билан	Биз.....	226
учрашуви.....	Қалб.....	226
Ольганинг Игорлар билан	Жўралар.....	227
учрашуви.....	Кечириш.....	231
ХАЗИНА ЁКИ БУЮК	Ғалаба билан Мағлубият.....	242
МАМЛАКАТ СИРИ	Яхшилик ва Ёмонлик.....	244
Меҳнат ва Дангасалик	Бахт.....	247
Дераза пардаси.....	Ёшлик ва Кексалик.....	250
Сабр.....	Ҳақиқат ва Ёлғон.....	252
Буюк мамлакат.....	Муҳаббат.....	255
Кўзбойлогич ёки сохта сеҳргар	Электрон ниқоб.....	235
ҳақида	Келажак кинотеатри.....	259
225		

Психологик-оммабон нашр

ПАРВОЗ ЁКИ ИНТУИЦИЯНИ КОДЛАШ

Мухаррир Меҳри Бону
Дизайнер Хуршида Исмоилхўжаева
Саҳифаловчи Барно Бахровава

Нашриёт лицензия рақами А1-№ 68 29.12.2009 й. 03.06.2015 й. босишга
рухсат этилди. Бичими 60x84/16. «Times New Roman» гарнитураси.
Шартли б.т. 12,28. Нашриёт ҳисоб табоғи 14,8. Адади 1000 нусха.
06-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«Tafakkur qanoti» нашриёти.

Тошкент, 1-тор, Мирсолихова кўчаси, 13-уй.
Фаолият юритувчи манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Оригинал-макет «TAFAKKUR QANOTI» масъулияти чекланган жамият
техник ва дастурий воситалар базасида тайёрланди ва чоп этилди.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тел: +(99894) 632-10-14
E-mail: tafakkur-qanoti@mail.ru